


*Мұқимиң * Асарлар*



Мұқимиң




Асарлар



Рафур Ғулом номидагы Адабиет ва санъат науриёті
Тошкент — 1974

Нашрға тайёрловчы ва сұзбоши мұаллифи
филология ғаннлари докторы, профессор
Гулом КАРИМОВ



1 | 43 1
M 95

10 702
2

Мавлоно Муқимий

(1850 — 1903)

Башарият тарихида кишилар баҳт-саодати учун, ёруғ истиқбол ва эркин ҳаёт учун бутун умрини бағищлаган мұлтабар ва табаррук зотлар күп бўлган. Асрлар давомида ҳалқимизнинг Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Лутфий, Улугбек, Бобир, Фурқат, Ҳамза каби кўплаб фарзандлари жаҳон маданияти хазинасини ажойиб дурдоналаш билан бойитиб келди.

Инсоният томонидан яратилган буюк маданий бойликлар ҳеч қаочон бизнинг Советлар мамлакатида бўлганидек эъзозланмаган. Зоро, ҳеч қаочон ва ҳеч бир ҳалқ ота-боболар қолдирган меросни эгаллашда бизнинг совет ҳалқи сингари ғамхўрлик намуналарини кўрсатмаган. Коммунистлар партияси раҳбарлиги остида коммунизмнинг муҳташам биносини қураётган совет ҳалқи прогрессив кишилик томонидан яратилган ҳамма маънавий бойликларнинг ҳақиқиётини меросхўри ва ижодий давом эттирувчиси бўлиб қолди. Биз ўтмишдаги энг жасур кишилар, энг улуғ ақл эгалари орзу қилган баҳтиёр ва озод ҳаётни яратувчилармиз. Шунинг учун бу кунгина баҳтиёр ҳаётимиз билан фаҳрланамиз ва шундай ҳаёт учун курашган ўтмишнинг улуғ зотлари номини эўр ҳурмат ва ифтихор билан тилға оламиз.

Ўзбек маданияти тарихида ана шундай табаррук зотлардан бири Муҳаммад Аминхўжа Муқимийdir.

Муқимиий ижодий фаолияти адабиёт тарихимизнинг порлоқ даврларидан бирида, XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларида ўтди. У янги тарихий давр етиштирган илғор адабий ҳаракатчиликда Фурқат, Завқий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Муҳаййир, Алманий ва шунинг сингари ажойиб шоирлар плеядаси сафида бўлди, ўзбек адабиётининг равнақи, истиқболи учун курашиб, адабиёт тарихимиз тараққистининг янги босқичи ҳисобланган демократик адабиётни ривожлантириша актив иштирок этди.

Муқимиий ўзининг ширадор ва мазмундор ғазаллари билан ўша вақтдаёқ, халқ муҳаббатига сазовор бўлган эди. Кам ижод аҳлларига муяссар бўладиган бу баҳт шеърларининг халқ ичига чуқур сингиб кетишида, халқ томонидан қўшиқларга солиб куйланишида, наслдан-наслга ўтиб, сақланиб келинишида кўринади. Уша замоннинг илғор шоирларидан бири қўқонлик Мавлавий Йўлдош Муқимиий ўлимига бағишлаб марсия ёзган ва унда шоирга бўлган халқ ҳурматини ифода қиласган эди. XIX асрнинг охири, XX аср бошларида Уратепада яшаб ижод этган тоҷик шоири Жавҳарий «Гузориши ҳоли Муқимиий Фарғоний» («Фарғоналик Муқимиийнинг кечирган кунлари») сарлавҳаси билан каттагина достон ёзиб, унда шоирнинг улуғвор, олижаноб образини яратиб қолдирган эди.

Муқимиий айниқса, совет даврида катта шуҳрат қозонди. Совет ҳокимияти йилларида Муқимиийга бағишлаб уч марта (1938, 1943, 1953) юбилей ўтказилди, асарлари кайта-қайта нашр этилди. Унинг хотирасини агадийлаштириш мақсадида театрлар, кўчалар ва турли маданий муассасалар Муқимиий номига қўйилди.

Ёзувчи, шоир ва драматургларимиз Муқимиийга бўлган халқ муҳаббати-на ифода қалиб шеър, ҳикоя, роман, драмалар ёздилар ва ўзбек совет адабиётида шоирнинг порлоқ образини яратдилар.

Ўзбек демократ шоири Муқимиини Итифоқимиз халқлари яхши биладилар. Шоирнинг асарлари рус ва қардош халқлар тилига қайта-қайта таржима қилинди. Муқимиий асарлари рус тилида «Лирика ва сатира» номи остида уч марта (1943, 1950, 1952) Москвада ва Тошкентда нашр этилди.

Муқимиий бутун ҳаёти ва кучини халқ иши учун сарф қиласган ўтишининг ажойиб сиймолари сингари кураш ва галабаларимизнинг агадий йўлдоши бўлиб қолади.

* * *

Муҳаммад Аминхўжа Муқимиий 1850 йилда Қўқонда ҳунарманд оиласида туғилди. Унинг отаси Мирзахўжа асли тошкентлик бўлиб, 1835—36-йилларда бу ерда авж олиб кетган ички урушлар зарбидан қочиб,

Ўз отаси Мирфозил билан биргаликда Құқонга хүчіб бөради ва шу ерда турғун бўлиб қолади.

Мұхаммад Аминхұжаннинг онаси Бибиойша, асли хұжандлик (хозирги Ленинобод) бўлиб, Сайдолим Нодиршайх қызыдир. Сайдолим Нодиршайх ҳам Мирзахұжалар оиласи сингари, турмуш-тирикчилик тақозоси билан Құқонга келиб, шу ерда турғун бўлиб қолганлардан эди.

Мирзахұжа билан Бибиойша ўз турмушларida бешта фарзанд күрганлар. Уларнинг учинчиси ўғил — Мұхаммад Аминхұжа эди. Мұқимиң бошлиғын мазлумотини замонининг сколастика асосига қурилған оддий мактабларидан бирида олди. Мактаб Мұқимиңни саводга ўргатди, лекин унда бадний завқни тарбиялаган — оила бўлди.

Мұқимиңнинг ёшлиқ давридаги оила тарбиясида унинг онаси катта роль ўйнади. Мұқимиңнинг онаси Бибиойша алоқида фазилатта зәға бўлган аёл эди. У ўз замонасиинг зийрак, қувноқ ва бадний завқи юксак бўлган саводкон аёлларидан бири бўлиб, дугоналарига эртаклар, нақллар айтиб берад, ғазал китобларини ўқир, тез-тез бўлиб турадиган аёллар ўтиришига алоқида жон ва файз бағишилар эди. Бибиойша иштирок этмаган йигинларда унинг ўрни йўқланар, фазилатлари эсланар эди. Шунинг учун Құқон аёллари уни севиб ва эркалаб «Хуморбиби» деб атаганилар.

Хуморбибидаги бу маънавий хислат ўғли Мұқимиңга ҳам таъсир этди ва унда жуда эрта эстетик завқ уйғонишинг сабаб бўлди. Мұқимиңнинг оиласи онаси воситасида ҳалқ оғзаки ижодининг жозибадор намуналари билан, шунингдек, Шарқ поэзиясининг Ҳофиз, Алишер Навоий, Фузулий каби машҳур намояндадали асарлари билан танишиш ундаги бадний завқи ва дидни тез ривожлантириди. Ҳассос ва тийрак Мұқимиң болалик вақтидаёт мактабда ўқиб юрган кезларида «шеър машқи»га киришган эди.

Мұқимиңнинг Құқондаги машҳур «Хоким ойим» мадрасасида ўқигани маълум. Лекин, унинг мактабни қачон битириб, мадрасасага қачон күчгани аниқ эмас. Ҳар ҳолда, 1876 йилларгача, машҳур тарихий ҳодисалар рўй бергунга қадар, яъни Құқон ҳонлиги тутатилиб, ўлка Россия тупроғига қўшилгунга қадар, Мұқимиң ўқишида эди. Мұқимиң Құқон мадрасасини туғаттандын кейин ўз билимни тақомилига етказиш мақсадида Бухорога бориб ўқиди. Мұқимиң, тахминан, 26 ёшлирида Бухоро мадрасасини битириб, «хатми кутуб» қилгандан сўнг, таҳминан 1876 йиллар атрофида Құқонга қайтиб келади ва тирикчилик ишлари билан шуғулланишга киришади.

Эстетик диди эрта уйғонган ва адабий-ижодий ишни мактабдаёт бошлиған Мұқимиң узоқ муддатли мадраса ҳаёті даврида ўз ижодини давом эттириди ва талайгина шеърлар ёзи. Шундай қилиб, 1876 йилгача бўлған давар Мұқимиңнинг ҳаётда ўқувчилик даври бўлиб, адабиётда шогирдлик, изланиш, қидирни тамойилларни сезилиб турадиган ижодининг илк даври ҳисобланади.

Муқимий ижодий тақомилининг бу илик даври қандай белгилар, хусусиятлар билан ҳарактерланади?

Муқимий ўз ижодий фаслиятини бошлаган даирда, яъни XIX асрнинг 50—60-йилларида, ҳозирги Ўзбекистон териториясида уч адабий марказ мавжуд эди. Бу адабий марказлар ўзбек ҳалқининг територия, сиёсий ва маданий ҳаёт жиҳатидан бутунлигини йўқотиб, уни сунъий равишда парчалаб юборган феодал ҳонликлари принципи асосида майдонга келтирилган эди. Уч ҳонлик (Бухоро, Хива, Қўқон) ўз саройларида ҳар қасиси алоҳида, мустақил равишда, ҳатто кўп вақт бир-бири билан рақобат қилиувчи, душманлик ҳисси билан бир-бирига қарши курашувчи адабий ҳаракатчиликни майдонга келтирилар. Булардан Хива ва Қўқон ҳонликлари саройидаги поэзия, асосан, ўзбек тилида, Бухоро амиригли саройидаги адабиёт, асосан, тоҷик тилида яратилди. Бу сарой адабиётлари территория, тил ва бошқа батъи бир масалаларда тафсувт қилсалар ҳам, адабий ижодининг принципиал масалаларида улар бир-биридан фарқ қилмайдилар. Чунки уларни келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий шароит бир турлидир, яъни феодал-ҳонлик тузуми бўлиб, шароитнинг мақсад ва вазифаси ҳам бир турли — ўз ҳокимиётини мустаҳкамлаш эди. Шунинг учун бир турли ижтимоий заминда туғилган бу уч ҳонликдаги феодал-сарой адабиётлари асосини белгиларда бир-биirlарига яқин бўлиб, бир турли моҳиятга эга эдилар.

Феодаллар, ҳонлар саройида майдонга келган адабиётларнинг ҳаммаси учун муштарак бўлган асосий хусусият шундан иборатки, улар бадний ижодиётнинг асосий масаласида — турмушга адабиётнинг муносабати масаласида ҳукмрон синфларнинг реакцион манфаатларини ҳимоя қилиб, тарихий ҳаққониятдан кўз юмди, уни бўяб, бузиб, қинғир ойнада кўрсатишга ҳаракат қилди. Феодал-сарой адабиётининг мана шу реакцион ижодий-эстетик позициясидан унинг формализмга асосланган бадний услугиб келиб чиқади.

Феодал-сарой адабиётининг жонли реал ҳаётдан узоқ бўлиши ижтимоий ҳаётнинг асосий масалаларидан диққатни четга тортишга итилиши, шунингдек, тематик томондан чекланган бўлиб, мазмун жиҳатдан қашшоқ бўлиши учун ўз-ўзидан формализмга олиб келди. Феодал-сарой адабиёти Формани мазмундан устун қўйган санъатпардоziлк адабиётидир. Шунинг учун унинг намуналарида ташқи эфектга, гажакдорликка, сўз ўйинларига берилиш устун туради.

Юзунгга тўрт нимарса ошиқу шайдодур, эй дилбар,

Бири ою, бири кундир, бири хуршид, бири анбар.

Қадингни соясига тўрт нимарса яхши ўхшайдур,

Бири сабза, бири тўбий, бири зевар, бири ар-ар.

Қошинга тұрт нимарса, әй париваш, келтиур имон,
Бири ою, бири меҳроб, бири тоқу, бири миңбар.

Феодал-сарой адабиётининг муҳим бадий хусусиятларидан бири уннинг «эпигонлик адабиёти» бўлишидир. Феодал-сарой адабиётида оригинал услугуб яратилмади. Шунинг учун у, ўтмишда мавжуд бўлган услублардан, приёмлардан фойдаланишга мажбур бўлди. Феодал-сарой адабиётининг XV аср поэзияси услубига, бадий приёмларига эргашгани, унга механик равиша тақлид қилиб уннинг рангсиз, туасиз нусхаси бўлиб қолгани маълум.

Феодал-сарой адабиётининг бадий хусусиятларидан яна бири уннинг «казирагўйлик адабиёти» бўлишидир. Шуннинг учун бу адабиётни тарихда «казирачилик адабиёти» ёки «Пайрав адабиёти» деб ҳам юритилади. Хива, Қўқон саройларида майдонга келган поэзия «Мажмуатуш-шуаро» антологияларидаги неча ўн мингларча сатрлар мана шундай назира боғлаш, пайрав ёзиш усулида яратилгандир. Ҳукмрон адабий приём тусини олган бу усулга биноан, ҳон (Амирий, Феруз) қандай темада, қандай радиф билан, қандай вазнда шеър ёсса, саройда янновчи шоирларнинг ҳар бири дархол шу шеърга пайрав боғлашга, «хон жаноблари» овозига жўр бўлишга мажбур эдилар. Қўқондаги «Мажмуатуш-шуарои Умархоний» антологияси ҳам, Хоразмдаги «Мажмуатуш-шуарои Ферузшоҳий» антологияси ҳам асосан шу усулда ёзилган пайравлардан ташкил топгандир.

Феодал-сарой адабиётининг формализма берилиши, эпигонлик, нацирагўйлик характеристига эта бўлиши тасодифий эмас. Феодал-сарой адабиёти бундай ижодий-эстетик принципларни қўллашдан маълум практик мақсадларни кўзда тутар эди. У адабиётда айш-ишрат мотивларини кенг пропаганда қилиб, жамият дикқатини жиддий ижтимоий масалалардан четга тортишини, уларда принциппизлил, маншатпарастлик қайфиятларнинг авж олдиришина мақсад қилиб қўйган эди. Жамиятда бундай қайфиятларнинг томир ёйишидан эса, ҳукмрон синфлар манфаатдор эдилар. Феодал-сарой адабиётининг социал функцияси ва ижтимоий моҳияти ҳам шундан иборат эди.

Худди шундай мақсадлар учун хизмат қилган бу даврдаги реакцион адабиётининг яна бир тури диний-мистик адабиётдир. Диний-мистик адабиёт ҳукмрор синфлар манфаати учун хизмат қилиншада динни, диний идеологияни қурол қилиб олди ва зўр бериб жамиятда художўйликини, мистикани, диний фанатизмни, тарки дунёчаликни тарғиб қилди. Диний-мистик адабиёт жамиятининг қолок қисмига мўлжалланган ашаддий реакцион адабиёт эди.

Феодал-сарой диний-мистик адабиёт ҳамма уч хонликлар саройида бўлса ҳам, бу реакцион адабиётининг эиг кусли кўрининиши Қўқон хонлигида учрайди. XIX асрнинг бошлиарида ҳукмронлик қилган Қўқон хони Умархон (1810—1822) бошлаб берган сарой адабиёт ҳаёти уннинг меросхўларидан Мухаммад Алихон (Матъалихон — 1822—1842), сўнгроқ, Шералихон

(1842—1845), ниҳоят, Құқон тақтанинг эң сұнгги ҳукмрони Худоёрхон даврида ҳам бутун күнини сақлатан қолда давом этди.

Мұқимий адабий мұхитига характеристика берганда үша даврда мавжуд бұлған иккінчи адабий лагерни ҳам күрсатып үтиш зарур. Бу — прогрессив харктердеги адабий лагердир.

XIX асрнинг I-ярміда Махмур, Гулханийлар фаолияти билан бошланған прогрессив адабий йұналиш XIX асрнинг ўрталарида ҳам давом этди ва Ҳозық, Маъдан, Мұжрим Обид кабі талантларни етказди. Бу адабий лагер сон жиҳатидан оз, үша даврда ҳали күчсіз бұлса ҳам, лекин истиқболға зәға бұлған, күндән-күнга құдратлы тус олаётганды адабиёттің. Агар феодал-клерикал адабиёт қоким гурухлар идеологиясын күйлаб, тарихда реакцион роль үйнеган, шунинг учук ұлымға мақұм адабиёт бұлса, прогрессив адабиёт лагері халқ оммаларининг манбаатини ҳимоя құлувчи зүр истиқболға зәға бұлған адабиёттің.

Мана шүңдай адабий мұхитта Мұқимий үз ижодий фаолиятини бошлиди.

Мұқимий ижодий меросини синчиклаб үрганиш шуни күрсатмоқдаки, ү, үзининг дастлабки ижодий фаолияти даврида, қисман, феодал-сарой адабиёті таъсирида бұлған. Бошқача бұлши мүмкін ҳам эмас тәжірибе. Эндиғина адабиёт оламига қадам қоя боялаган өш шоирнинг үз замонасасининг «сөбрүманд» шоирлары тақлид қилиши, қисман улар таъсирида асарлар өзиши табиий тәжірибесі.

Мұқимий шогирдлік давриниң тезда босиб үтиб, мұстакил мұшоҳада-нинг бириңчи белгиси бұлған изланиш, қидириш босқычига күчди. Сарой адабиётининг чекланған ва бүгінде қонун-қоидаларидан зериккән Мұқимий үзинең мұвоғиқ мазмун ва услугуб излашга киришади. Изланиш үйлідегі үннен бириңчи нығоҳи Шарқ классик адабиётінің, Алишер Навоий, Жомий, Фузулий, Ҳофиз, Саъдий кабі машҳур үстозларға тушади. Шуни таъқидла-моқ керакки, өшлик вәқтида түйіб ичған Шарқ поэзиясынин бу тұғаннастар мүнисінде Мұқимий умранның охирінен бақраманд бўлди.

Мұқимийнинг форс-тожик адабиётининг улуп классиги Абдураҳмон Жомийни үзинең үстоз сифатида таңлаши ҳам шу ижодий изланиш, қидириш вәқтлары түғри келади. Мұқимий поэтик мероси ичіда Жомийга бағышлаб, үнгә хитобан өзілған бир неча шеърлар учрайды. Мұқимийнинг Жомийга бұлған ихлоси ва мұхаббатини күрсатып жиҳатидан «Мекунің өнен» мұхаммаси алоҳида диктаттаға сазовор. Жомий ғазалига боғланған бу мұхаммасыннан құйидеги охирғи байдида, Мұқимий Жомийни ижодий ишда үзинең «спир — үстоз» қилиб олғаннини айтади.

Мұқимий зарра, ҳамчун офтоби ховары Жомий,
Занфу ожизам, кун дастири, өвари Жомий,

Бадоди доддоҳон аз ту шояд довари Жомий,
Кадомин дарду меҳнатро кунам ёд овари Жомий,
Ту осон мушкили мо мустамандон, мекуни ё не?

Таржимаси:

Муқимий Жомий олдида қуёш атрофида айланувчи зарра сингаридур,
Заифман, ожизман, қўлимдан тут, ёрдам қил, эй Жомий,
Сендан ёрдам сўровчиларга, ҳамма вақт мадад этиб келган сан эй Жомий.
Қайси бир дарду меҳнатимни баён қиласайн, эй Жомий,
Биз ёрдамга муҳтоҷларнинг мушкулини осон қиласанми, ё йўқми?

Муқимий ижодий эволюциясида Шарқ классикларининг ажойиб асарлари, шубҳасиз, мухим роль ўйнади. Муқимиининг улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ғазалларига, шунингдек, Шарқ поэзиясининг гениал лирик шоири Фузулий ғазалларига кўплаб мухаммаслар боғлагани маълум. Бу мухаммасларнинг аниқ хронологиясини тайинлаш қийин бўлсада, ҳеч янглишмасдан Муқимий ёш вақтларидаёқ, бу улуғ ижод эгаларини зўр ҳаяжон ва муҳаббат билан ўқиганини бемалол айтиш мумкин. Шарқ классиклари хазинасидан олинган бу маънавий озиқ Муқимий ижодий йўлини машъял бўлиб ёритиб турди.

Муқимий ижодий эволюциясини таъмин этган асосий ва ҳал қилувчи манба — ҳаёт, ҳаёттий мушоҳадалар, курашлар бўлди.

Маълумки, Муқимий таҳминан 1876 йил атрофларида, 26 ёшларида узоқ давом этган ўқишини тутагиб, Кўқонга қайди. Лекин ўз замонаси нинг илмий маркази сифатида шуҳрат қозонган Бухорода ўқиб «ҳатми кутуб» қилган, яъни олий маълумот эгаси бўлган ионвой боласи Муқимиийга илтифот қилувчилар бўлмади. Бу — Муқимий билан ҳукмрон мухит ўртасидаги биринчи жiddий тўқнашув эди. Бирор иш билан шуғулланиш заруриятини ҳис этган, лекин дурустроқ бир ўринга таклиф этилмаган Муқимиий Кўқондаги ер қурилиши маҳкамасига миరзалик (саркотиблиқ) вазифасига ишга кирди. Шу расмий вазифа туфайли унга ер қурилиши маҳкамасининг амалдорлари билан биргаликда қишлоқларга чиқиш керак бўлди. Айтиш мумкинки, сўнгроқ «Танобчилар» асарида чизган ҳаёттий лавҳаларни шоир шу вақтларда қишлоқларни кезгандан ўз кўзи билан кўрган ва оғир мусибатни ҳалқ ҳаётига зўр ачиниш билан қараган. Муқимий бу вазифада узоқ қола билмади. Ер қурилиши маҳкамасидаги адолатсизлик, амалдорларнинг ҳалқقا ўтказган зулмлари Муқимиийда нафрат ва ғазаб туйғуларини қўзғатди.

Муқимиий, таҳминан 1877 йиллар атрофида Кўқоннинг гарби шимолида, Сирдарё ёқасидаги Оқжар паромида паттачи бўлиб ишлади. Шу

давр ҳаётидан эсдалик сифатида «Дар ҳаққи мардуми Оқжар бى тарпқи мухаммас» («Оқжар одамлари ҳақида мухаммас») сарлавҳали құйнудаги фавқулодда характерли сатира сақланиб қолған.

Махташиб отларинни дерки: «Бу дулдур-дулдур!
Байтадым боркаши зўрки, филдур-филдур,
Қыладур лоф уришиб, кўзлари мўлдур-мўлдур.
Оқжар одамларини тўплари жулдур-жулдур,
Билмадим туркму, тоҳик — тилларни гулдур-гулдур.

Зотимиз саййиду содот эмасмиш, қорамиш,
Гам ўқидин тани маҗруҳи саропо ярамиш,
Ултирон жойда ҳам баъзи маҳалда хорамиш,
Сув учун дарё уза ҳавсала айлаб борамиш.
Гаҳ йўловчи келадур кемага гулдур-гулдур!

Сатиранинг автобиографик характеридан ташқари унинг темаси ва мазмунни ҳам диққатга сазовордир. Мадрасадаги ўқишини битириб, биринчидан турмуш билан юзма-юз тўқнашган ва ундаги аччиқ ҳақиқатларни кўрган шоир ўзининг бу илк сатирасида ҳаётнинг худди ўзгинасини беради, кема саркорларни билан ҳалқ ўртасидаги драматик муносабатларга диққатни жалқ қиласди. Бу сатирада ҳали социал конфликт тўлиқ ва чуқур очилмаган бўлса-да, темани ишлашда соддалик, юзакилик бўлса-да, ҳар ҳолда асоссан, ҳаётний тема тўғри танланган, масала тўғри қамраб олинган. Шундан, бўлғуси реалист шоирнинг услуги, ижодий тамоилии сезилиб турибди. Ер қурилиши маҳкамасида, Оқжар паромида ишлаш, турмушни яқиндан ўрганиш, ҳаётий кузатишлар Муқимий ижодида янги ижодий-эстетик принципларни яратишга олиб келди, шоир диққати ва эътибори ҳалқ ҳаётини томон йўналди. Бу, албатта, Муқимий ижоди учун жуда характерли йўналиш эди.

Шундай қилиб, 70-йилларнинг II ярмини, яъни 1876 йилдан кейинги билларни, Муқимий ўқишини тамомлаб, турмушда мустақил ҳаракат қилишга киришган йилларни шоир ижодининг бурилиш даври, янги ижодий-эстетик позицияларга кўчиш давари деб ҳисоблаш керак бўлади. Шу даврда Муқимий ўз фаолиятининг илк даврида йўл қўйган ёт адабиётнинг баъзи бир таъсирларидан қутулди ва классик адабиётнинг энг яхши традицияларини ўзига сиптириб олган етук шоир сифатида, янги юқори позицияга кўтарилди.

* * *

XIX асрнинг 80—90-йилларида Муқимий онгли ва изчил демократ шоир сифатида ижодий фаолиятда бўлди. Муқимий ижодий меросининг асосий қисми шу давр ичда яратилди. Муқимий лирика соҳасида ўз ижодини давом эттириб, классик поэзиямизнинг ажойиб, жўшқин наумуналари ҳисобланган шеърларини яратди. Унинг ҳажвиёт соҳасидаги фаолияти, айниқса, унумли ва самарали бўлди. Айтиш мумкинки, Муқимий, XIX асрнинг II ярмида адабиётда сатирик мактаб яратган. Фурқат, Завқий, Муҳаббийир, Нисбат, Нусрат, Зорий ва бошқалар Муқимий атрофига уюшиб, адабиётда сатира бағроғини баланд кўтардилар ва ажойиб бой танқидий адабиёт яратдилар.

Муқимий ижодий меросида эпистоляр адабиёт ҳам салмоқли ўрин тутиди. Бизгача етиб келган кўп миқдордаги шеърлй ва насрй мактублар — ёзишмалар (мактубот) фақат Муқимий таржимаи ҳолини ўрганишда бебаҳо, қийматли ҳужжат бўлибгина қолмай, шоир дунёқарашини, шунингдек, у яшаган давр адабий ҳаётини текширишда ҳам бой маълумэтлар манбаи ҳисобланадилар.

Муқимий адабиётимизда демократ шоир сифатида яратган бой ва салмоқдор ижоди билангина эмас, балки, кучли адабий ҳаракатчиликнинг раҳбари, бошчиси сифатида ҳам қадрли ва қийматлидир. Муқимийнинг XIX аср II ярмидаги Қўқон адабий муҳитида тутган ўрни, ўзбек демократик адабиётининг шаклланишида ўйнаган роли катта бўлди. Бу жиҳатдан, Фурқатнинг «Туркистон вилоятин газети» саҳифаларида босилган «Таржимаи ҳол»и характерлидир. «Таржимаи ҳол»нинг шу даврга оид қисмida Фурқат Қўқон адабий ҳаётти тўғрисида сўзлар экак, 80-йилларнинг бошлирида янги Марғилон (Скобелов — Фарғона)дан Қўқонга қайтган вақтида бу ерда яхшигина уюшган адабий тўғарак бор эканлигини айтади. Фурқат ҳам бу тўғаракка келиб қўшилган ва Муқимий, Завқийлар билан биргаликда, ижодий ишларга актив қатнашган эди. Фурқатнинг мазкур «Таржимаи ҳол»да берган маълумотига қараганда, бу адабий тўғарак ўз ижоди билан фақат Қўқондагина эмас, бутун Фарғонада ва балки, бутун Туркистанда адабиёт аҳоларининг дикқатини ўзига жалб этган эди. Бу ҳақда Фурқат қўйндагиларни ёзади:

«...Дигар шеър арбоблари бозлар сухбатимизни орзу қилиб келур эдилар. Агар бирор марғуб газал зодаи табъ ўлса, табиатлик кишилар нусха сўраб олур эдилар»¹.

¹ Фурқат, «Таржимаи ҳол», «Туркистон вилоятининг газети», 1891, № 16.

Адабий ҳаётда пайдо бўлган бу янгилик, ёш кучларни бир тўгарак атрофига уюшиб, янги адабий-эстетик позицияларда туриб муваффақият билан ижод эта бошлашлари реакционер адабиётчиларни ғазаблантириди, адабий ҳаётда кураш кучайди. Адабий фронтдаги бу кураш жуда кўп ҳужжатларда ёрқин акс этган. У ҳужжатлардан маълум бўлишича, ҳукмрон гуруҳлар ва уларга лаганбардорлик қилиувчи реакционер адабиётчилар (Шайхи Сулаймон Ағоний, Муҳйи ва бошқалар) бутун чоралар билан демократ шоирлар ижодига рахна солмоқчи, ёки улар ижодини ўз манфаатларига бўйсундирмоқчи бўлдилар. Ниҳоят мақсадларига эриша олмагач, уларга қарши тұхматлар, бўқтонлар уюштириш, шу йўл билан улар обрўсига путур етказиш йўлини тутдилар. Адабий лагерлар ўртасидаги кескин курашни кўз олдига келтириш жиҳатидан қуидидаги эпизод дайқатга сазовор.

1886 йилда шоир Муҳйи «Қасидааст, дар шикояти ҳамоқати аҳли замона» («Замона аҳлиниң нодонликларида шикоят тарзида айтилган қасида») сарлавҳали катта асарини ёди. Бу асарда Муҳйи бутун куч ва имкониятларини сарф қилиб, Муқимий бош бўлган шоирлар группасини обрўсизлантиришга, улар ишига рахна солишга тиришди, ҳатто уларни «оми, чапани шоирлар, шумлар, оёқ яланг, бос яланг безорилар» деб ҳақорат қилишгacha бориб етди:

...Ии сифлаҳойи шумки, оноя миёни ҳалқ.
Пайдо шуданд, пардаи имон ҳамедаранд.

«Ўйнойлику, кулойлику»¹ гўён миёни ҳалқ.
Ҳукми худою, амири паямбар намебаранд...

Ии чанд сифлаҳойи чапан номи шоир
Бар хеш додаанаду ҳаме уммии ҳаранд.

Набувад саводу дар ҳама ғулон ахмақанд
Аббошуанду фирмаки бепой, бе саранд².

¹ Муқимийнинг шу сўзлар билан бошланадиган шўх, оптимизм руҳи билан сугорилган ғазали ўша даврда машҳур эди. Бу ўринда Муҳйи Муқимийнинг шу шеърини кўзда тутади.

² «Девони Муҳий», қаламий, Ўзбекистон ФА. Ішарқшунослик институти, миъ. № 1303, варақ 134 аб 135 а.

Таржимаси:

Бу шум, ярамас одамларки, халқ ўртасида пайдо бўлдилар.
Ҳаммадан имон пардасини йиртиб ташладилар.

Халқ ўртасида «Ўйнайлик, кулайлик» дедилар-ку,
Лекин, халққа худо ҳукмини, пайғамбар амрини етказмадилар.

Бу ярамас, чапан одамлар тоифаси ўзларига «шоир» номини берибдурлар,
Лекин, ўзлари саводсиз эшактирлар.

Улгрда савод, илм нима қилсин, уларнинг ҳаммаси девдан (гулдан)
баттардирлар,
Улар оёқ яланг, бosh яланг безорилар тоифасидан иборатдирлар.

Мана, бошдан-оёқ разаб ва ҳақорат билан тўлиб ётган Муҳий «Қасида»-
сининг баъзи байтлари. «Қасида»нинг умумий руҳи ва услубидан демократ
шоирларга, биринчи навбатда Муқимийга нисбатан эксплуататор синфлар
томонидан уюштирилган ёлғон ва бўхтонлар равшан кўриниб турибди.
Лекин, шароитнинг оғир, муҳитнинг бўғиқ ва заҳарли бўлишига қарамай,
демократ шоирлар ўз позицияларида мустаҳкам турдилар, адабиётда «ҳақ
сўзи»ни айтиб, адолатни, ҳаққониятни ҳимоя қилишини давом эттирилар.
Муқимий ўзига хос камтарлик билан Муҳий таъналарига жавоб бериб
келгуси «яхши замонлар»дан умид кутди.

Муқимий таънаий Муҳийга бир сўз айтки рост бўлсин,
Келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши.

Муқимий бу «рост сўзи»ни поэзиядан топди. Поэзиянинг содда, лекин
жўшқин тили билан халқ ҳаётини, халқ орзу-истакларини куйлади. Талант-
ли шоирнинг халқ позициясида туриши, тарихий ҳаққониятларни ўз ижо-
дига куйлаши реакционерларнинг жирканни туҳматларига энг яхши жавоб
эди, шоирнинг куч ва қудрати ҳам шу ҳаққонийлигига эди. Поэзияни сот-
кин иниятлар куролига айлантироқчи бўлган қалбаки шоир «Ҳожи афаиди»
га — Муҳийга қарата ёзган Муқимийнинг «Инсон бўлдиму?» сарлавҳали
шу шеъри демократ шоирнинг юқори эстетик завқидан дарак бериши ба-

робарида, адабий лагерлар курашнин ўрганишда қийматли ҳужжат ҳам ҳисобланади:

Илм ўқигони билан ҳар ким мусулмон бўлдиму?
Моуман айлаб фаришта ғайри шайтон бўлдиму?

Шиквалар айлаб туз ичкон ерларингизни мудом,
Ё магар поси намак тутмоғлиқ осон бўлдиму?

Шеърингизга халқ толиб бўлсалар, сўнгра ўқинг,
Ё келиб аҳбоб кар бўлмоққа меҳмон бўлдиму?

Кимки муҳмалдур ўзи ҳам, ўзгани муҳмал билур,
Қилсангиз ғайра атое дерки эҳсон бўлдиму?

Бузда риш, эшшакда жон, тўти гапургони билан,
Эй афандим, сизга ул, албатта, инсон бўлдиму?

Суҳбат аҳлиға қиласалмай ул кеча изҳори фазл,
Фазлингизни пахтаси ҳам ёки арzon бўлдиму?

Бўлмагай ҳосил, Муқимий маънне ҳар лафэдин,
. Дона сочқон бирла ҳар қишлоқи деҳқон бўлдиму!¹

Адабий лагерлар ўртасидаги курашни кўрсатувчи бундай фактлар кўп. Лекин ҳамма гап шундаки, бу кураш борган сари кескин ва даҳшатли тус олар эди. Реакция тарафдорлари ўз ёвуз ниятларини амалга ошириш, прогрессив интилишни тўхтатиши, халққа «ҳақ сўёз»ни етказувчи шоирлар овозини бўғиши учун ҳар қандай жиноятдан қайтмас эдилар. Тарихий фактлардан маълумки, вазиятнинг бу кескинлиги айрим шоирлар фаолиятида фожиали излар қолдирди.

Бу даврдаги шоир ҳаётининг умумий аҳволидан хабар берувчи яна бир мўътабар манба бор. Бу — 1890 йилда Фурқатининг Тошкентдан ёзган мактубига Муқимиининг жавоб мактубидир. Муқимий бу мактубида ўз

¹ Муқимий. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 187-бет.

ахволи түғрисида сўзлар экан, биз ҳис этган оғир кайфиятни яна такрорлади ва бизга таниш бўлган аянч лавҳани яна чизади. Бу мактубда Муқимийнинг шонрони самимият ва улуғ салобат билан ёзилган қўйидаги сағларини ўқиймиз.

Агар сўрсангиз аҳволимни шул кун,
Қўл оғриқ устиға дарди миёнлар.

Бу ранжим шиддатидан гар десам, ман
Кўзумда уйқу йўқ вақти аzonлар.

Дариго сифлалар Ҳўқандда дойим,
Мусулмонсиз, ғизо ҳар лаҳза қонлар.

Фалак тийри жафо ҳар кимга отса,
Мени айлар, «Ушал шул!» деб нишонлар¹.


Муқимийнинг 80—90-йиллар фаолиятидаги алоҳида диққатга сазовор ва шонир образини жозибадор қўйувчи нуқта шундаки, у ҳақорат ва тухматларга, машаққат ва кулфатларга қарамай, ўз ижодий ишини тинмай, оғишмай, принципиал позициядан туриб давом эттирди ва ўзбек адабиёти хазинасига катта бойлик бўлиб қўшиладиган чуқур ғоявий, юксак бадиий асарлар яратиб берди.

* * *

Муқимий рангдор ва жозибадор классик поэзиямизнинг атоқли ва талантли намояндаларидан биридир. У ўз ижодини кичик формадаги лирик шеърлар ёзиш билан бошлади ва умрининг охиригача бу фаолиятини давом эттирга.

Муқимий лирикаси классик поэзиямизнинг машҳур шеърий формаларидан ғазал, мухаммас, мураббаъ, маснавий турларида яратилган, унда бир неча рубойи, туюқ ва фардлар учрайди.

¹ Муқимий. Икки томлик асарлар тўплами. Тошкент, 1960, II том, 108—109-бетлар.



Мұқимпің лирикасиянғ марказида мұхаббат тематикаси тұрады. Фақат классик адабиёттіңде ғұхуд Шарқ поэзиясындағына әмас, балки, жақон адабиетінде ұам жуда әски, аммо ұамма вақт әш, адабий барxaёт бұлған түрдегі тема күп ишланған вә унда қанчадаш-қанча шоқ асарлар яратылғандыр. Бұл тема улуг Алишер Навоийга XV асрда қандай битмас-тұганмас маңнолар бағишилгаган бўлса, орадан қарниб беш аср ўтғандан сүнг хам Мұқимпің шундай илҳом манбан бўлиб хизмаг қилди. Бу тасодиғий әмас, албатта. Чунки, адабиёттің асосий обьекті инсондир. Инсонны мұхаббат спозициясында қилиш мүмкін әмас, мұхаббат инсон маңнавий ҳаётинің аж-ралмас қысмидир.

Мұхаббат ҳақида құшиқ тұқиши ҳаётни күйлаш демакдир. Шу маңнода Мұқимпің лирикасы чүкүр ҳаёттій лирикадир. Бу ҳаёттійлик — Мұқимпің лирикасиянғы асосий ва етакчи хусусияттарының ташкил қылады. Мұқимпің лирикасиянғы зўр социал қыйматтары ҳам унинг шу ҳаёттійлігі таъмин этады. Чунки ислом рухонийлари диний фанатизмни, тарки дунёчилікни, мистикани тарғиб қилиб, жамиятта пессимизм уруғларыни сошиб турған бир пайтда ҳаёт тұғрысисида күйлаш, мұхаббатни таранным қилиш катта ижтимоий қийматта эга бўлған зўр жасорат әди.

Бу даврдаты диний-мистик адабиёттің йирик вакилларидаи бири Юсуф Саремий:

Бир муаммодур тириклик ўзлуккіндін урма дам,
Бу жақон ойнадек асгорини ҳайронидур.

Сан гумон этма, «бақо бор!» деб, жақон айвонида,
Бил яқин аввалда фоний эрди, охир фонидур!—

деб жамиятта «адам — йүқлиқ»ни, «фонийлик»ни тарғиб қилиб турған бир пайтда, бутун ҳоким идеология дин, охират, тоат-ибодат ҳақида жар солиб турған ва одамларни хилватта, тарки дунёчилікка чақириб турған бир пайтда Мұқимпіңнің:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сүхбат айлайлик келинглар, жўралар, ўртоқлар!—

¹ Мавлавий Юсуф Саремий. Девон. Тошкент, литография, 1914. 53—54-бетлар.

каби хитоб билан чиқиши зулмат сукунати қопланған кечада урилған бонг таассуротини туғдирар зағынғай бөшларда ұшёрлик яратар эди.

Мұқимий ўз лирикасида кенг маңнодаги мұхаббатни, мұхаббат алансасида ёнган инсонни күйлади. Бу инсон истаклари, армонлари, курашлари, кечинмалари, севиңи ва аламлари, Мұқимий шеърларининг мазмунини ташкил этди. Мұқимий шеърларида гавдаланған лирик қаҳрамон дүстлик, садоқат, самимият, вафодорлик, мақсад йўлида сабот ва матонат билан курашиб каби олижапоб инсоний фазилатларга эга. Бу инсоний фазилатларни күйлаш, мадҳ этиш орқали Мұқимий кишиларда яхши хусусиятларни тарбиялашга иштилди.

Мұқимий күйлаган лирик қаҳрамон конкрет тарихий давр, ижтимой мұхит маңсузлы ҳисобланади. У, ўша мұхит билан чамбарчас боғлиқдир ва жамиятнинг энг илғор идеяларини мужассамлантиради. Мұқимий турмуш ҳақидағы ўз истак-армонларини лирик қаҳрамон тымсолыда илгари суради.

Колониал құллук ва социал адолатсизлик ҳұмроонлик қылған бир даврда Мұқимий ғазалларининг кенг халқ оммасына қадрли ва азиз қылған нарса шу эдикі, у ғазалларда яхши инсоний хислатлар тарағаннум қилинар, адолатты ва баҳтли замонларни орзу қилиш ва шундай күнларнинг келишигіна ишонч овозлари барада жарапнлар эди. Мұқимий лирикаси ўзиннинг ҳаёт, баҳт, истиқбол ҳақидағы зўр оптимистик түйғуларни билан ҳалққа яқин ва тушунарлы эди.

Мұқимий лирикасида ҳәстпін севишга, ҳәстдан завқланышга чақириш, турмушшыннің озод на баҳтиёр бұлғашыши оразу қылыш асосынан да етакчи мотивни ташкил қылады. Лирик қаҳрамондагы бу улуғ инятларни амалға ошириш, турмушны ғарсисон ва құвноқ қылыш пккі әклема зулм ҳұмроонлик қылған адолатсиз, мұдхиш колониал түзүмдә мүмкін эмес эді. Шу тариқа шоир истаклары — армонлары билан ҳұмроон мұхит ўртасидаги қарама-қаршилилк унда ҳасрат, нолиш, шикоят мотивларини келтириб чиқазды. Шунинг учун Мұқимий лирикасида «баҳтсизлик», «толе забулық», «зұлм», «жабру ситет» ибораларини тез-тез учратамыз, шонриннің күп шеърлари «чархи кажрағатор» («тескари айланувчи фалак») дан шикоят қилиб, «булбуллар үрнини зоглар» олғаны, «саҳли тамиз» хор бўлиб, «нодонлар»нинг иззат-икримда эканлиги ҳақида сўзлайди.

Мұқимий лирикасида учрайдиган қарама-қарши руҳий ҳолат — зўр оптимистик идеал ва заифлик белгиси бўлған алам-ҳасрат ўша тарихий шаронтдаги халқ оммасыннинг — меҳнаткаш деҳқон, косиб-хунармандлар оммасыннинг психологиясига жуда яқин ва улардаги қарама-қарши кайфиятни ифода қиласа эди.

Маълумки, Мұқимий шеърлари — ғазал, мураббаба ва мухаммаслари ўз даврида катта шуҳрат қозонди. Күйларга солмб айтилиб халқ ўртасида кенг тарқалди. Мұқимий асарларининг бундай кенг тарқалишига сабаб, уларнинг юқорида айтилгандаек, мазмун жиҳатидан халқ руҳига яқин бўли-

шидан ташқары, санъат жиҳатидан юксак, бадий форма жиҳатидан бекам-күст етук бўлишлари ҳам эди. Муқимий ўз асарларининг юксак гоявий бўлиши учун курашиши баробарида, талабчан санъаткор сифатидаги шу илгор идеяга мос тушадиган форма яратишга ҳам, асарнинг стилистик томондан етуклигини таъминлаш учун ҳам кўп меҳнат сарф этди. Муқимий шеърлари мазмунни ифода этишдаги аниқлиги, равшанлиги, услубининг равон ва енгиллиги, вазнининг қувноқ ва ўйноқлиги билан жозибалидир. Муқимий шеърлари ҳам ҳалқ қўшиқлари каби чуқур мазмунни фавқулодда содда, лекин аниқ формада ифода қиласидар. Мисол учун Муқимийнинг кўп ғазаллари қаторида унинг шўх, ўйноқи мураббаъларини кўрсатиш мумкин. Муқимий ўз мураббаъларини алоҳида маҳорат билан ишлади. Адабиётимизда Муқимий мураббаълари машҳур. Эҳтимол, бунда мураббаъ жанрининг формал — стилистик хусусиятлари жиҳатидан (бандларнинг тўртликдан иборат бўлиши, қоғия системаси, вазн) ҳалқ қўшиқларига яқин бўлиши маълум роль ўйнагандир. Эҳтимол, Муқимий ўз мураббаъларини яратишда ҳалқ қўшиқларидан илҳомлангандир.

Муқимий шеър устида ишлаганида, айниқса, унинг жарангдорлигини, музикавийлигини таъмин этадиган вазн, қоғия, радиф масалаларига катта зътибор берди. У, арузнинг бой, ранг-баранг баҳрларидан мукаммал хабардор эди. Муқимий шеърлари арузнинг энг енгил, ўйноқи вазнларида ёзилгани бўлиб, шеърнинг эмоционал кучини оширишга ёрдам қиласиди.

Шундай қилиб, Муқимий шеърларининг таъсиричан бўлишини, узоқ яшовчалигини таъмин этган нарса уларнинг юксак гоявийлиги билан бирга, ўтқир, жозибадор, пишиқ бадини формаси ҳам бўлди.

Муқимий лирикасининг бадини хусусиятлари тўғрисида гапирганда, ундаги яна бир шеърий турга — мухаммасларга дликкатни жалб қилиш зарур.

Одатда, мухаммаслар мустақил равишда ёзилиши ёки бошқа бирор шоир ғазалига боғланishi мумкин. Бу кейинигиси «таҳмис» деб ҳам юритилади. Муқимий ўзи мустақил мухаммаслар ёзиши билан бирга, классик адабиётимиздаги бу приёмдан — таҳмис приёмидан ҳам кенг фсайдаланди. Ўнда ўтмешдаги машҳур шоирлар ғазалига боғланган анчагина мухаммаслар учрайди.

Маълумки, мухаммас боғлаш ёки таҳмис қилиш қондасига мувофиқ мухаммас боғланадиган ғазалининг ҳар бир байтини олиб, унинг бутун стилистик хусусиятларини сақлаган ҳолда (вазн, қоғия, радиф, бадини образлар, приёмлар), мухаммас боғловчи шоир унга ўзи томонидан яна уч мисра қўшади, яъни ғазалининг ҳар байтидан беш мисрали банд ҳосил қиласиди, шу йўл билан ғазал неча байтдан иборат бўлса, шунча бандлик мухаммас ҳосил бўлади.

Таҳмис қилишнинг қийинлиги шундаки, мухаммас боғловчи шоир тематика, услуб, вазн ва бошқа бадини приёмларда чекланган бўлади:

у, ғазал авторининг умумий руҳини ҳисобга олишига, унинг стилистик хусусиятларини сақлашга мажбур. Иккинчи томондан, мухаммас боғловчи шоир санъат жиҳатидан ташланган ғазалдан паст бўлмаган мисралар яратиб, бадий маҳоратини намойиш қилиши керак. Классик адабиётимизда мухаммас боғлашга ўзишув, мусобақа, шоир учун бир турли имтихон, деб қараганлар. Шунинг учун «муваффақиятли мухаммас», «муваффақиятсиз мухаммас» каби терминларни қўллаб, шоирлар бадий маҳоратига баҳо берганлар. Мана шундай масъулиятли приёмни Муқимий кўп қўллади ва муваффақиятли чиққан анчагина мухаммаслар яратди.

Муқимий ўтмишининг Алишер Навоий, Жомий, Фузулӣ, Махмур каби илғор шоирлари ғазалига мухаммас боғлади, улар ғазалидаги фикрни мухаммасда яна кенгайтириш йўли билан, ўз гоявий-ижодий принципига мос бўлган идеяларни пропаганда қилди.

* * *

Муқимий ижодий меросида ҳажвиёт (сатира ва юмор) салмоқли ўринини ишғол қиласи. Муқимий ҳажвиёти унинг ижодидаги асосий мотивлар билан органик равишда боғлиқ бўлиб, шонр қиёфасини тўлиқ тасаввур қилишга, демократ шоир сифатида характеристикасини беришга ёради ҳиласи.

Муқимий лирик шоир сифатида куйлай бошлаган мотивларини — ҳукмрон мухитдан нолиш, шикоят қилиш, мавжуд тузум тартибларидан қаноатланмаслик, ҳасрат мотивларини ҳажвиётда бойиган, кучайган, кескин тус олган ҳолда давом эттириди, фош этувчи танқидий-сатирик, юмористик асарларини яратди.

Муқимий сатиравлари мазмун жиҳатдан бой, тематик жиҳатдан ранг-барангидир. Айтиш мумкинки, Муқимий сатиравлари жамият ҳаётининг ҳамма асосий томонларини қамраб олди, эксплуататор синфларга хос бўлган ҳамма ижтимоий таблиқаларининг типик образларини яратди. Узбек демократик адабиётидаги яратилган ажойиб социал типлар галереяси, даставвал, Муқимий қаламига мансубдир. Бу социал типлар галереясидан эксплуататор синфларнинг ҳамма табақаларини, колонизатор — амалдорларни, маҳаллий бойларни, рус капиталистларини, текинхўр — паразит руҳонийларни, бюрократик колониал аппаратларининг ювандихўр малайларини, саводгарларни, судхўларни ва бошқаларни топиш мумкин.

Муқимий сатиравларининг ўзига хос энг муҳим хусусияти шуки, уларда ҳаёт адабиётининг асосий обьекти бўлган киши — шахс образлари орқали акс эттирилди. Турмушни типик шароитда ҳаракат этаётган типик характерлар, яъни шахслар — кишилар фаолиятида акс эттириш адабиёт-

нинг балоғатта етганини — реализмга ершиганин күрсатувчи белгилардан бирндири. Мана шундай ҳақиқий санъаткор олдига қўйиладиган талабга Муқимий сатирапари: унинг асосий намуналари тўлиқ жавоб беради. Масалан «Танобчилар» сатирасидаги Ҳакимжон билан Султон Алихўжази ёки «Масковчи бой таърифида» ва бошқа сатирапаридаги иштирок этувчи Ҳодихўжа бойни олайлик. Буларнинг биринчиси — Ҳакимжон билан Султон Алихўжалар бюрократик аппаратининг типик вакиллари, иккинчиси — Ҳодихўжа эса маҳаллий савдо-саноат буржуазиясининг типик вакилидир. Уларнинг хатти-ҳаракатларида, феъл-атвортларида, психологияларида маълум социал табақанинг, маълум ижтимоий ҳодисанинг моҳияти гавдланади. Улар тип сифатида маълум тарихий шаронитда ҳаракат қиласидилар ва ўз ҳаракатлари билан маълум ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини очиб берадилар.

Муқимийнинг Виктор, Тўйи Икон бачча, Кўр Ашурбой ҳожи ҳақидаги сатирапари тўғрисида ҳам шу сўзни айтниш керак бўлади. Бу шахслар ҳам Муқимий томонидан тўлақонли тип сифатида яратилганлар ва ўз ҳаракатлари, феъл-атвортлари билан маълум ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини очиб берадилар.

Худди шундай сатирик шеърлар цикли демократик адабнётда янги туғилиб келётган капиталистик муносабатлар, буржуа жамияти иллатларини фош қилишда ҳам яратилди. Бу тема Виктор кирдикорларидан баҳе этувчи шеърлар циклида ишланди.

Маълумки, Виктор Дмитрович Ахметов Қўқондаги ака-ука Каменскийлар савдо конторасида иш бошқарувчи бўлиб хизмат қиласиди. Шу даврда у турли-туман найнранглар ишлатиб, маҳаллий бойларни алдаб улардан кўп миқдорда пул тўплаган ва қулай фурсатни ғанимат билиб ғойиб бўлган, яъни қочишган. 1890—91-йилларда бўлиб ўтган бу воқеа бутун Фарғона водийисида катта шов-шуввларга сабаб бўлди ва кўп шоирлар бу воқеага бағишлиб аллақанча шеърлар ёздилар.

Муқимийнинг бу темада иккита шеър ёзгани маълум. 1) «Ҳажви Виктор бой» — мухаммас формасида, 4 банд, 20 мисрадан иборат; 2) «Воқеаи Виктор» — маснавий йўлида ёзилган сатирик достон, 134 мисрадан иборат.

Бу асарларнинг биринчиси ўз вақтида, Муқимий замонасида, кейин совет матбуотида эълон қилинган, иккинчиси эса, ҳозиргacha қўллэзма манбаларда сақланниб келади.

Кейинги вақтларда манбалардан Муқимийнинг «Дар шикояти Лахтин» сарлавҳали сатирик шеър ёзгани ҳам аниқланди. Шу шеър Лахтин исмли Тошкентдаги йирик корхона эгасига бағишиланган бўлиб, таҳминан, 90-йиллар атрофида ёзилгандир. Сатира ғазал формасида, 7 байтдан иборат.

Муқимийнинг Виктор ҳақидаги асарларига ҳам, Лахтин ҳақидаги сатирасига ҳам ўша давр шоирлари томонидан кўп назиралар, ўхшатмалар

әзілди. Натижада, «Дүкчи әшон цикли» сингари «Виктор қақидаги сатирик шеърлар цикли», «Лахтин қақидаги сатирик шеърлар цикли» майдонға келди.

Мұқимий юмористик адабиётни яратында ҳам новаторлық күрсатды. Үнің күп миқдордаги шұх, оптимизм билан тұлық юморларига әргашиб, ұша давр шоирлари назиралар әздилар. Мұқимийнинг «От», «Пашшалар» ва башқа юморларига үз өткізу тақлилдер яратылған зди.

Мұқимий юморлари катта социал қыжылтаса зет. Улардаги күлгі ижобий идеалны бүрттириб күрсатынша әрдам беради. Бу жиҳатдан араза, лой, безгек қақидаги юморлар сериясы характерледі. «Таърифи печ» юмори зеса шоирнің қаётдеги янгиліларға ижобий мұносабаттың аниқ ифода қыллады. Мұқимий дүнәркәрашидеги прогрессив йұналишни үрганишда юморлар ҳам мұхым ижодий манба қысметтіңде болып келді.

Мұқимий ижодида буржуа жамияті иллатларини фош этиш тематикасы билан бирга келді. Бу тема маңыздырылған. Бының маңыздырылған жағдайда оның мұхым масалага диктатни жаңылар. Ү ҳам бұлса ишчилар тематикасы масаласиді.

XIX асyrнинг охирларыда капиталистик мұносабатларнинг ривожлапиши натижасыда, үлкән туғыза бошлаган ишчилар синдининг қаётини тасвир қилиш бу давр адабиётнің асосындағы мұхым вазифаларидан бири зди. Бу темани, умуман, демократик адабиётнің, хусусан, Мұқимийнинг четлаб үтиши мүмкін змес зди, қақиқатда ҳам шундай бұлды.

Тұғри, бу давр адабиётіда ишчилар қаётини тасвир қилишга бағыншыланған алоқыда асар йўқ. Лекин, саноат корхоналары очиб иш бошлаган маҳаллій ва метрополия буржуазиясынинг кирдикорларини тасвир қилишга бағыншыланған асарларда ишчилар қаёті ва қурашлары кичик, лекин жуда характерлі дағындықтарынан таңдауда тасвир қилинады. Бұнға Мұқимийнинг «Масковчи бой таърифида» асары яхши мисол болға олады.

Маҳаллій бойлардан Ҳодихұжа завод қуришга киришади. Лекин, метрополия капиталистлары контроллігі остида яшашға мажбур бұлған бу «маҳаллій буржуа» заводни қуриб битказолмайды, яғни синади. Заод рус капиталисти құлғига үтады. Завод қурилишида ишләтгандар ишчилар («мардикорлар») илгариги хұжайин құліда қандай зәзилған бұлсалар, яғни хұжайин құліда ҳам шундай азоб чекадилар ба бу адолатсизлик норозиilik үзасидан иш ташлашға мажбур бўладилар. Мұқимийнинг «Масковчи бой таърифида» сатирасыда мана шу иш ташлаш эпизоди тасвир қилинады.

Чиқиб қочди бир-бир ҳама мардикор,
Күпес қолди бу сирга ҳайрону зор.

Төлиб мардикорини — «Сейчас юринг,
Пажалиста,— дер зерди,— әнді туринг!»

Деди: «ҳар куни берсанг ўн сўм ҳам,
Борилмайди, қўй зовутипи, хўжам».

Дубора яна борди бир ишга шул,
Сўкиб —«нет,— деди,— келма дуррак, пошел».

Бу эпизодда ишчилар харакатининг дастлабки даври учун характерли өвқеа берилади. Чиндан ҳам XIX асринг 80—90-йилларида, Туркестонда ишчилар синфи эндигина туғилиб, шаклланиб келётган бир даврда ҳали уларнинг озодлик курашлари стихияни тусда бўлиб, завод-фабрика хўжайинларига қарши норозилик билдириш, иқтисодий талаблар қўйиб иш ташлашдан нарига ўтмас эди.

Демак, Муқимиининг ўзбек адабиётидаги хизмати ишчилар тематикасини биринчі бўлиб адабиётимизга олиб кириши билан чекланиб қолмай, бу темани ўз даври шароитида тўғри, ҳаққоний, реалистик асосда ёритишда ҳам кўринади.

Муқимий реализми, айниқса, ҳалқ ҳаёти тематикасини ишланда ўзини рўй-рост кўрсатади. Бу темага Муқимий қайта-қайта мурожаат қиласди ва ҳар гал янги бадиий куч билан ҳалқ ҳаётининг ажойиб, ҳаққоний лавҳаларни яратади. Бундай лавҳалар сатириларда ҳам, юморларда ҳам, «Саёҳатнома»ларда ҳам учрайди. «Ҳапалак қишлоғи ҳақида» сарлавҳали мухаммас эса, адабиётимиздаги ҳалқ ҳаётига бағишланган мислсиз асардир, унда ҳалқ ҳаёти унтутилмас картинада берилади. Ҳалқ темаси Муқимиий ижодининг марказий проблемаларидан биридир.

* * *

Адабиётимизда «Саёҳатнома» тамомила янги жанрdir. Адабиёт тарихида саёҳат эсдаликларини шеърий формада баён қилувчи бундай асарлар бўлган эмас. Умуман, адабиётда саёҳатдан олинган ёзма хотиралар кўп учрайди. Лекин, уларнинг ҳаммаси деярли мемуар характеристирида бўлиб. Муқимида кўрганимиздек маълум қолилга тушган поэтик услубда ишланмайди.

Ўзбек демократик адабиётида «Саёҳатнома» жанрини бошлаб берувчи Муқимий бўлди. Муқимий турли маршрут (Қўқон — Фарғона, Қўқон — Шоҳимардон, Қўқон — Исфара) билан турли вақтларда қилган саёҳат таассусотларини тасвир қилиб учта «Саёҳатнома» ёэди. Муқимий яратган «Саёҳатнома»ларнинг ҳаммаси шундан иборат, деган фикри қатъий равишда айтиб бўлмайди. Чунки кейинги вақтларда (1953) «Исфара саёҳати»дан 10 бандли, 40 мисрадан иборат янги парча топилди.

Муқимий «Саёҳатнома»си ўша вақтларда ҳалқ ўртасида кенг тарқал-

ган ың шүхрат қозонған эди. У халқ ичидә ҳозиргача яшаб келади, оғиздан-оғизга ўтиб нақл қилинади, унинг бир неча вариантылари ёзиб олинған.

Мұқимий «Саёхатнома»лары ўз өткізу майданында назираларни майдонға келтирди. Мұқимий «Саёхатнома»лары руҳида, унинг вазнини, қоғия системасини, бандлар, тұрттықлар усулини сақлаган ҳолда шоир Завқийнің ҳам «Саёхатнома» ёзғаны маълум. Матбуотимизда аңглашилмовчилек тарзда «Обид мингбоши ҳақида ҳажв» номи билан юритилеттан бу «Саёхатнома» Мұқимий традициясини онғли равишда давом эттиради:

Хайҳот эшитсанғыз улус,
Обид деган қайнар бўлис,
Мансаб эсиз, хайфи жулус,
Бадлафуз бадгуфтор экан.

Қайнар гапи — Қайнар булоқ.
Ҳеч сўзга солмайди қулоқ.
Үлсин емай эчки улоқ.
Кўп пораҳӯр мурдор экан...

Мұқимий «Саёхатнома»сига жавобан, 1892 йилда, Фурқатнинг Ҳиндистандан Ҳитойга қылған саёхати даврида унга ҳамроҳ бўлған шоир Тажаллийнинг ҳам «Саёхатнома» ёзғанлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Бу келтирилган фактлардан шу холоса чиқадики, демократик адабиёттада бир турли руҳ, бир турли тематикага эга бўлған ва муштарак бадиий хусусиятлар билан характерланадиган маълум жанр — «Саёхатнома» жанри туғилди ва Шаклланди. Саёхат хотираларини шеърий формада бейн қилиш бу асарларнинг ҳаммаси учун умумий тематикадир. Бу асарларнинг бадиий хусусиятларига келганда, уларнинг тұрттықлар системасида, ўзига хос қоғия усулида (аас, бббс, вввс ва бошқалар) ёзилганини кўрсатиш керак. Ҳар банднинг охирги тұрттынчи мисрасида «Экан», сўзи радиф ўрнида келади. «Саёхатнома»лар вазн жиҳатидан ҳам бир турли хусусиятта эга. Уларнинг ҳаммаси арузининг «Ражази мусаммани солим» (мустафъилўн, мустафъилўн, мустафъилўн, мустафъилўн, мустафъилўн) вазнда ёзилгандир.

Мұқимий «Саёхатнома»ларнинг адабиётимиздаги аҳамияти кattадир. Уларнинг энг муҳим құйматы шундаки, уларда халқ ҳаётининг ҳаққониӣ лавҳалари ақе этади. Бу асарда Мұқимий ўз Ватанини, ўз халқини севған ватанпарвар шоир сифатида гавдаланади. Бундан ташқари «Саёхатнома»ларда чоризм бюрократик аппаратининг бўлис бошлиқлари, мингбоши һаюзбошилари ҳақида танқидий материаллар берилади, улар кирдикорларини фош этилади. Бу жиҳатдан «Саёхатнома»лар танқидий реализм адабиётининг муҳим наимунаси ҳисобланади.

Турмушни зийраклик билан кузатувчи демократ шоир ўз саёхатидан бой таассуротлар олади ва уларни чуқур мазмундор мисраларда беради. «Саёхатномасыннинг қўйидаги банди бутуни колониал тузум устидан чиқазган шоир ҳукмидир»:

Бўлма ҳаловатда касал,
Оlamda йўқ бениш асал.
Бешак мукофоти амал,
Дунё қурилган дор экан.

* * *

Муқимий ижодикнинг тили, бадиий тасвир воситалари бой ва оригинал бўлиб, шоир ижодий йўналишинга мос тушади, унинг foявий асосларини ўтказиш учун хизмат қиласди.

Ҳар қандай ёзувчи тилининг тараққиёт даражаси уни ҳалқ тилига яқинлашишида кўринади. Бу яқинлашиш адабий тилинг ҳалқ тили савиаси даражасига тушиши деган сўз эмас, аксинча, ҳалқ тили бойликларини згаллаб, ўзлаштириб, унга жило бериш, унга мунтазам, кўркам тус бериб, уни юқори погонага кўтариш, деган сўздир.

Адабий тилнинг ҳалқ жонли тилига муносабати ҳақида А. М. Горький шундай деган эди:

«..Тил ҳалқ томонидан яратилади. Тилни адабий тил ва ҳалқ жонли тили деб ажратиш фақат шу деган сўзки, биррида биз «хом» тилга, иккинчисида санъаткорлар томонидан ишлангац, жило берилган тилга дуч келамиз. Бу ҳақиқатни биринчи марта фавқулодда равшан англаган ёзувчи Пушкин эди. Ҳалқ жонли тили материалидан қандай фойдаланиш кераклигини, уни қандай қилиб ишлаш ва жило бериш кераклигини ҳам биринчи бўлиб яна шу Пушкиннинг ўзи кўрсатди»¹.

Муқимий тилига мана шу жиҳатдан қарасак, унинг ўзбек адабий тили тарихида катта бурилиш ясаганини кўрамиз. Бу бурилиш, унинг лексикасида кўзга ташланади.

Маълумки, адабий тилнинг бойишида, муҳим манба — ҳалқ жонли тилидир. Муқимий бу манбадан жуда унумли фойдаланди ва адабий тилни умумхалқ тили ҳисобига бойитди. Муқимий асарларида бунинг сон-са-

¹ А. М. Горький. Собрание сочинений в тридцати томах. Госполитиздат, Москва, 1953, том 24, стр. 491.

ноқсиз мисолларини топиш мумкин: «бўзчи», «косов», «пахса», «безгак», «искабтопар», «лой», «арава», «қирчангі» ва бошқалар. Бу ва шунга ўхашаш сўзлар асрлар давомида халқ пичида яшаб келган ва алоқа воситаси сифатида ишлатилгандир. Лекин турли сабаблар билан бу сўзлар ёзувчилар дикқатидан четда қолиб келгац, адабий тил хазинасига қўшилмай колган эди. Бу бойликдан Муқимий усталик билан фойдаланди.

Муқимий тили тараққиётидаги яна бир маъба, бу даврда рус тили бўлди. Муқимий ўзбек адабий тилини улуғ па қурдатли рус тили элементлари ҳисобига бойитди. Бу даврда адабий тилимизга « завод», «поезд», «машина», «самовар», «билет», «процент», «вексиль», «мастер», «рабочий», «вагон» ва бошқалар каби рус-интернационал сўзлари Муқимий асрлари орқали ўзбек тилига кирди ва ўзлашиб, адабий тил мулкига айланди. Бу ва шунга ўхашаш сўзларининг адабий тилимиз бойлигига айланниши тасодифий ҳодиса эмас, албатта.

Урта Осиё Россияга қўшиб олингандан сўнг ўзбек халқининг ижтимоий, иктиносидий ва маданий ҳаётидаги маълум ўзгаришлар туғилиши натижасида унинг ҳаётидаги янги, замонавий тушунчалар ҳосил бўлди, халқ бу тушунчаларни ифода қилишда рус тилида бўлғац тайёр сўзларни бевосита қабул қилди ва ўз ҳаётидаги ишлатиб келди. Шундай қилиб, жамият алоқасида рус тили элементлари, у орқали интернационал сўзлар пайдо бўлди ва яшаб келди.

Шоир Муқимийнинг ва умуман демократ шоирларининг хизмати шундаки, улар жамиятда алоқа воситаси сифатида ишлатилиб турган бу янги тил элементларини саралаб, ўзбек тилининг ички қонунларига мувофиқлаштириб олдилар ва уларни жасурлик билан адабий тил мулкига қўшидилар. Демократ шоирларининг бу қилган ишлари катта тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим иш бўлиб чиқди ва ўзбек адабий тили тараққиётининг келажагини белгилаб берди. Ўзбек адабий тилини рус ва интернационал сўзлар ҳисобига бойитиш соҳасида демократ шоирлар бошлаб берган бу йўлни уларнинг муносаб меросхўрлари давом эттиридилар, совет ҳокимияти йилларида эса бу йўл янги қурдатли ижтимоий заминдан озиқланиб яна ҳам кенг ривожланди, ўзбек адабий тили тараққиётидаги мисли кўрилмаган катта аҳамиятга эга бўлди.

Бадий тасвирий воситаларининг характеристи, поэтик образлар яратиш приёмлари, шунингдек, воқеликни образли идрок этишининг ўзига хослиги адабиётнинг умумий ижодий принциплари билан белгиланади. Агар у ёки бу ёзувчи илғор позицияда турган бўлса, воқеликдан озиқланиб, уни акс эттириш йўлидан борса, яъни реалистик принциплар асосида ижод этаётган бўлса, у ўзининг умумий руҳи ва мазмунига мувофиқ тушадиган реалистик, ҳаётий тасвирий воситаларини танлайди, ишлатади. Аксинча, агар, у ёки бу ёзувчи реакцион позицияни ишғол қилиб, воқеликдан кўз юмса, уни қинғир ойнада кўрсатиш билан машғул бўлса,

яъни формализм, «санъат-санъат учун» принципи асосида ижод этаётгаш бўлса, ўзининг шу умумий руҳи ва мазмунига мувофиқ тушадиган қуруқ дабдабали, мистик характердаги тасвир воситаларини танлайди, ишлатади. Бу умумий, назарий қоидадан чиқазиладиган хулоса шуки, адабиётда тасвирий воситалар, ҳамма вақт адабиётнинг умумий йўналиши билан боғлиқдирлар ва маълум ғоявий нагруззкага эга бўладилар. Шу умумий хулоса Муқимий ижодининг тасвир воситаларига ҳам тааллуқлидир.

Муқимий ижодида қўлланадиган бадий тасвир воситаларининг энг муҳим ҳусусияти шуки, улар ўзларининг мазмунлари зътибори билан ҳаётйдирлар, объектив воқелик, реал турмуш заминида туғиладилар.

Муқимийнинг поэтический тасвирида оригинал эканлигини сатирик асарларни мисолида кўрсатиш қийин эмас. Муқимийнинг реалистик методи, айниқса, сатирада кучли намоён бўлади. Шунинг учун сатирадаги бадий тасвирлар яққол реалистик характерега эгадирлар. Бу фикрни сатирик асарлардан олинган кўп мисоллар орқали исбот қилиш мумкин. Лекин, лирикада масала бир оз мураккаброқдир. Муқимий яратган лирик асарлардаги тасвир воситаларида новаторликни бирданига пайқаб олиш қийиндир. Шунга қарамай, диққат билан текшириш натижасида унда ҳам жiddий янгилик элементларини топиш мумкин. Мисол учун Муқимийнинг «Гёй жон келур» сарлавҳали ғазалидан қўйидаги мисраларни олайлик:

Ёрдан бўлғай қўнгиллар музтариб, андоғким,
Камбағал муфлис ўйнга бир азиҳ меҳмон келур.
Шавқидин кўрким, еса-қўйса киши, бир луқмавор,
Гўйиё ширмой иссиғ-оч гадога нон келур¹.

Бу мисрлардаги тасвир ўзининг оригиналлиги ва реаллиги билан диққатни тортади. Классик поэзияда кутилган ёрни камбағал кулбасига келувчи «азиз меҳмон»га ўхшатиш кўп учрайди. Лекин икинчи байтдаги метафора яъни ёрни «ширмой нон»га ўхшатиш ва оч гадой луқмасига тушган «ширмой нон»дек уни ошиқ луқмасига дучор бўлиши тўғрисидаги тасвир биринчи байтдаги традицион образни янги элемент билан тўлдиди, унга ҳаётйлик, реаллик бағишлади.

Реза-реза ун каби чарх осиёсидан сўнгак,
Тангу-торик ўлди слам кўзга монанди катак.

Ошиқни «ёр васли иштиёқи»да қиласидиган кўп шикоятлари ичидаги сўнгакларни «чарх осиёси» (фалак тегирмонининг тоши) остида майдамайди.

¹ Муқимий. Икки томлик асарлар тўплами. Тошкент, 1963. II том, 193-бет,

да бўлиши, бу зулм туфайли дунё унинг кўзига «тангу-тор» бўлиб кўрниши классик поэзиямида кенг тарқалган, кўп учрайдиган образ. Іу образнинг Муқимийда яна бир тақорланиши ўқувчига, албатта, кутилган эфектни бермайди. Образлардаги бу шаблонликни, сийқаликни сезган шоир унга кичик элемент қўшади («катақ») ва дунёни «тор ва қоронги катак»ка ўхшатиб, образда реалликка ва таъсирчаникка эришади.

Муқимий ижодидаги тасвир воситаларининг яна бир муҳим функциясини кўрсатиб ўтиш зарур. У ҳам бўлса, бадий тасвир воситаларининг муйян поэтик идеяни ҳам гоявий, ҳам эмоционал жиҳатдан кучайтиришга хизмат қилишидир. Бадий тасвир воситаларининг бу функцияси турли метафоралар орқали — ўхшатиш, сифатлаш, муболага, жонлантириш, линота ва бошқалар орқали амалга оширилади.

Муқимий ижоди намуналарида бадий тасвирнинг ҳамма турлари деярли учрайди ва зўр муваффақият билан ўз функциясини бажаради. Бадий тасвир воситаларининг маълум образнинг фоявий эмоционал кучини оширишга қандай хизмат қилишини кўрсатувчи фактларни поэтик жандарнинг ҳамма турларидан ҳам келтириш мумкин. Агар ҳажвиёт (сатира ва юмор) да бадий тасвир воситаларидан кўпроқ муболага (гинербола), литота учраси, лирикада, кўпроқ метафоралар (ўхшатиш, мажоз, сифатлаш ва бошқалар) учрайди.

Мисол учун Муқимиининг «Тўй» сатирасидаги шу парчани келтирайлилек:

Солди алқисса эски дастурхон,
Кўйди сойил каби неча хил нон.

Бириси юмшоғу, бири қотган,
Бири иссиқ, бири мөғор отган.

Енг учида қўюлди тўққиз нон,
Кулчалар тошки, синдирур дандон.

Албатта кулчаларнинг қаттиқликда тошдек бўлиши, ҳайто, тишни синдириша ҳақидаги гаплар маълум даражада оширма муболагали тасвир. Лекин теманинг характеристи, ҳажвиёт услуби шундай бўрттириш приёмини ишлатиши, шу орқали кузатилган эфектга эришишин талаб қиласи. Шу сатирада қўйироқда дастурхонга қўйилган ош тасвирида ҳам шу гипербола приёмига дуч келамиз.

Сузди ош бир ликавда уч кишидин.
Кетти ошии кўриб ҳама ҳушидин.

Ош мисоли табақда күз ёши,
Курмаки күп, гурунчидан тоши,

Бир оғиз эмди олдилар янги,
Чиқди лаппак табақ уза чанги.

Бу ҳар икки парчада ҳам бадий тасвир воситалари үз функциясини, яның образдаги ғоявий ва эмоционал күчтің оширишга ёрдам қилиш функциясини сатирик приёмлар воситасыда бажаради ва үқувчидә маълум образ ҳақида салбый холоса ҳосил қилиш учун зарур бўлган ғоявий ва эмоционал таассурот туғдиради.

Муқимий ижодида бадий тасвир воситалари ва уларнинг функцияси ҳақида сўзлаганда шонр томонидан ҳалқ ижоди материалларини — мақоллар, ҳикматли сўзлар, маталлар ва бошқалардан фойдаланганини таъкидлаб ўтиш зарур.

Муқимий, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳалқ оғзаки ижодига алоҳида эътибор берди ва ундан муҳим ҳазина сифатида фойдаланди. Бу ҳол бадий тасвир приёмларида ҳам кўринади.

* * *

Муқимиининг сўнгти давр (XIX асрнинг охирги йилларидан вафтигача) ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида даставвал шуни айтиш керакки, у, реакционерларнинг тўсқинликларига, шахсий ҳаётининг беҳад қийин шароитда ўтишига қарамай, умринг охиригача изчил ҳалқпарварлик позициясида турди. Унинг бу даврда ёзган шеърлари тўлиқ аниқланмаган бўлса-да, баъзи манбаларнинг ёрдами билан қандай асарлар ёзгани ва ижодининг асосий мотивлари ҳақида маълум тасаввур ҳосил қила оламиз.

Табиий, бу даврда Муқимий лирик шеърлар ёзишни давом эттирди. Баъзи маълумотларга қараганда:

Манам ким гўшаи ишқингда ётгаи рўдапойингман,
Эшикдан урсангу қўпсангки, кегмас бир гадойингман,—

мисралари билан бошланадиган «Фармони ройингман» мухаммасини шоир умринг охирларида ёзгандир.

Муқимиининг юмористик асарлар ёзишни ҳам давом эттиргани маълум. Бу даврдаги юмористик шеърларининг намунаси сифатида «Пашшалар» радиофили шеърини кўрсатиш мумкин. Фазал формасыда ёзилган етти байтили бу юморининг матлаи шудир:

Айтайнин бир қиссаеким, дод қўймас пашшалар,
Кимга бориб дод этай, бедод қўймас пашшалар.

Бу юморни қаерда ва қандай шароитда ёзилгани ҳақида Муқимиий ўзиининг 1899 йилда Москвага жияни Рўзимуҳаммад Дўстматовга ёзган хатларидан бирида кўйидагиларни айтади:

«Ва яна назм ёзувчиларнингиздан юборинг, деб экансиз, факир неча муддатлар бўладирки, назм айтурға табиат лоҳази эрдим, бовужуди, бир ёзув назм пашшаларнинг шаънига айтиб эрдик. Бешаригда кўп бўлар экан, бу кечга анда машқ бўлиб эрди, қуруқ ҳат бормасун деб, кираси қилмаса ҳам, бир омади гап деб ёздук...»¹

1898—1899 ва ундан кейини Москвага, жияни Дўстматовга ёзган мактубларидан маълум бўлишича, Муқимиий бу вақтларда тез-тез касал бўлиб турган, баъзан узоқ вақтлар, 5—6 ойлаб ётиб ҳам қолган. Муқимиининг юқоридаги парчада «... назм айтурға табиат лоҳази эрдим...» деган иборасини ҳақиқий аҳвол тўғрисида жуда эҳтиётлик билан айтилган сўз деб тушуниш керак. Аслида аҳвол анча жиддий эди, узоқ муддат давом этган иктиносидий танглиқ, ижтимоий муҳитдаги кескинилик, асабият унинг соғлиғини асосли равншда ишдан чиқазган эди.

Муқимиий ҳаётининг сўнгги даврларида унинг иккита шеъри ўша давр вақтли матбуотида эълон қилинади. Буларнинг бирни «Тарихи зилзилаи Андижон» аз мавлоно Муқимиий номи билан «Туркистон вилояти газети»-нинг 1902 йил декабрь сонида босилган шеърdir. Иккичиси, шоир ўлимидан бир неча ой илгари шу газетанинг 1903 йил 15 январдаги 2-сонида «Қўйконлик бир бойнинг шаънига Муқимиий шоирнинг айтилган бир шеъридир» сарлавҳаси остида босилган «Воқеан кўр Ашурбой хожи» сатирасидир.

Андижон зилзиласига бағишиланган шеър ғазал формасида ёзилган каттагина асар бўлиб, унда Муқимиининг улуғ рус маданиятига бўлган муносабати яхши ифода қилинган. Шоир ўз шеърида турмушда рус маданияти яратадиган янгиликлар, у янгиликларни олиб кираётган рус докторлари, ҳамширалари ҳақида зўр қаноат билан сўзлайди. Ер қимирашдан зарар кўрган ҳалқа бериладиган моддий ёрдамлар, дори-дармонларга дикқатни жалб қилиб, рус мутахассисларидаги гуманизм ва олижанобликка ҳурмат ва эҳтиром билдиради.

Шоир умрининг охириларида ёзилган «Тарихи зилзилаи Андижон» шеъри унинг рус маданиятига, рус ҳалқига бўлган муҳаббатини яна бир марга намойиш қилади.

¹ X. Зарифов. Муқимиий. Ҳаёти ва ижодига оид материаллар. Тошкент, 1955, 53-бет.

Муқимий қызғын ва шиддатли курашлар ичидә давом этгандың қисқа муддатлы ижодий фаолиятида бой ва мазмундор мерос қолдириб, 1903 йил 25 майда Қўқон шаҳрида вафот этди.

* * *

*

Муқимий адабиёт тарихимизнинг маълум этапини ташкил қиласиди. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти XIX асрнинг II ярмида туғилиб шакланган ўзбек демократик адабиёти билан чамбарчас боғлиқ. Демократик адабиёт ўзбек халқи тарихидаги бутун бир даврни қандай акс эттираса, Муқимий ижоди ҳам худди шундай давр ҳаётини ўзида акс эттиради. Шу маънода Муқимий ижоди даврий ҳодисадир.

Муқимий ижодий фаолиятида ўша даврнинг ҳамма масалалари акс этди. XIX асрнинг II ярмидан 1905 йилгача бўлган адабиётимиздаги ҳамма асосий мотивлар (лирикадаги оптимизм, озодлик мотивлари, сатирадаги танқид, ижобий қаҳрамондаги романтика, истиқбол орзулари ва бошқалар) Муқимий ижодида учрайди. Унинг замондошлари ундан кўп нарса ўргандилар, унинг изидан бордилар. Завқий, Аваз Ўтар каби ундан кейин ҳам ўз ижодини давом эттирган демократ шоирлар эса, сабот ва матонат билан у бошлаб берган ижодий-эстетик принципларни давом эттирдилар ва ҳимоя қилдилар.

Муқимий ижодининг бутун кучли ва заиф томонлари билан XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларидағи тарихий давр етишитирган катта адабий-ижтимоий ҳодисадир. Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби, у ҳам қарама-қарши моментларга, хусусиятларга эга. Чунки, у, ўз ижодида халқ ҳаётини бутун тўлалиги, чуқурлиги ва мураккаблиги билан акс эттирган зўр талант эгасидир.

Муқимий ижодининг дикқатга сазовор муҳим фазилати — унинг халқ-қа яқинлиғиги, халқ маънавий ҳаётига сингиб кетганлигидадир. Муқимий оддий халқ пичидан чиқди, халқ учун ёзди, халқ томонидан севилиб ўқиљди, сақланди. Муқимий чин маъноси билан халқ шоиридир.

Ғулом Каримов

I. Лирика



Fазаллар

ЯККА БУ ФАРГОНАДА

Ошиқ эрмасман юзингга якка бу Фарғонада,
Зоҳид истар каъбаларда, барҳаман бутхонада.

Кимга дод айлай бу бедодингни ман, эй сангдил,
Ошно бўлдим десам, кўнглунг сени бегонада.

Шамъи рухсоринг ёнар маҳфилда гул-гул кечалар,
Бормуди қасдинг магар куйдиргали парвонада.

Манъ этиб, эй муҳтасиб, ҳар дам бошимга келмағил,
Бўлса найлай, маст бўлмай, масканим майхонада.

Фофило, фикр айлагил уқбони роҳат истасант,
Шодлиғ кўз тутмаким, бўлмайди меҳнатхонада.

Манзилимни сўрма, эй мағрури мулки дастгоҳ,
Даҳр саҳройи жунун уй бўлмағай девонада.

Булбул айлар нолалар ёлғиз дема, эй гулъузор,
Чўғзек қилғай Муқимий ҳам наво вайронада.

УЧРАДИ БИР ЕР

Учради ногаҳ манга бир дилбари маҳрӯгина,
Хандаси ширин, каломи жонфизо дилжӯгина.

Ҳуснидин ўтлиғ нетонгким боқса рухсорин очиб,
Келтуралмай тобу тоқат бўлса кўзгу сувгина.

Меҳр вақтида ниҳоят меҳрибон, кўнгил навоз,
Қаҳр ҳангоми бағоят тунду ҳам бадхӯгина.

Донаи холи ярашган чеҳраи гулнорига,
Кўзлари оҳу каби мушки Ҳўтан гесугина.

Холи ҳиндусин гирибонида кўргач рашикидин,
Келди чиққум ул замон саҳро сари деб «ҳу»гина.

Оҳ ураг товус боғларда хиромини кўриб,
Ҳасратидин кабк гўё ўтка тушган мўгина.

Нола булбулдек жудоликдин, Муқимий айларам,
Етса шояд, деб, висолинг гулларидин бўгина.

У Й Қ У Д А

Күйидин ўттимки, ул хуршид рухсор уйқуда,
Бул ажаб толиъки, ман тушканда бозор уйқуда.

Оразида икки зулфини кўриб пур печу тоб,
Гул юзида ҳалқа урмушму, дедим мор уйқуда.

Ўпса оҳиста киши шаккар лабидин оҳким,
Маст ётган бўлса ойдин кечаси ёр уйқуда.

Очма ҳаргиз кўзини келсанг агар маъзур тут,
Хуштур ороми анинг бўлганда bemор уйқуда.

Ақлдин кайфияти бедорини сўрдим, деди:
Подшони уйғотиш густохи душвор, уйқуда.

Уйқуда кўргач Муқимийга назарда гўйиё,
Ким кўринди жумлаи аҳли талабкор уйқуда.

Я Н А

Шўхи паривашега гирифтормен яна,
Васлин кўаррга шому саҳар зормен яна.

Раънолар ила кам тобим, жафо чекиб,
Найлай, бирорвнинг ишқида бемормен яна.

Айлаб ҳамиша хўблара уйқуни ҳаром,
Бир нозанин ёдида бедормен яна...

Бозор шабда қайси тарафдин, дебон келур,
Ҳайрон йўлида дийдаларим чормен яна.

Хор этти ишқ ҳар гули хумроға боғ аро,
Таън этма боз бир гул учун хормен яна.

Охир шароб тут қадаҳе, соқиё, букун,
Даврингда саҳт лоҳазу хуммормен яна.

Ногаҳ, Муқимий, учраса ақлу ҳушим кетиб,
Кўрган еримда сурати девормен яна.

ЖОНОН КЕЛУР

Газаб бирланки ул жонон келур мастона-мастона,
Хаёлимда танимга жон келур мастона-мастона.

Фифон айлаб дегай мардум қилурда растада жавлон,
Пари шаклидаму, инсон келур мастона-мастона.

Ичиб ағәр ила май кеча, әмди кундузи ухлаб,
Сүрарга ваъдаси ёлғон келур мастона-мастона.

Руунат боғида битган қади сарви сиҳи мавзун,
Юзи гул, соchlари райҳон келур мастона-мастона.

Букун ногаҳ мунаvvар шомими айларга, эй аҳбоб,
Кўзум учкай магар меҳмон келур мастона-мастона.

Йўл узра турма зоҳид, кўзла роҳи оғият, чунким
Балойи дин ила имон келур мастона-мастона.

Кишига (borgанини) тарз билдурмай, Муқимий, ёр,
Ўзин ҳушёр олиб пинҳон келур мастона-мастона.

ОҲИСТА-ОҲИСТА

Назардин кеттинг, эй хуршид узор, оҳиста-оҳиста,
Начук бас тиyrа бўлмас рўзғор оҳиста-оҳиста.

Сановбар қомато, бўлмасдин аввал ошно билсам,
Бўларканман кўрарга мунча зор оҳиста-оҳиста.

Раво кўрма тараб зулфингни бепарво эл озорин
Ки ҳар бир торида жон бешумор оҳиста-оҳиста.

Ўюнда рашидин кокилларингдин нега тебранмай,
Тегар руҳсорингга олтун тумор оҳиста-оҳиста.

Дариғо, ройгон меҳру муҳаббат қўймиш эрканман,
Йўлингда қилдинг охир интизор оҳиста-оҳиста.

Юзунг кўрмакка доим мунтазир нарғис била гулзор,
Хиром эт боғ аро товусвор оҳиста-оҳиста.

Хаёл этсам висолинг соғиниб ҳушум кетиб бошдин,
Оқар қон ёш кўзимдин шашқатор оҳиста-оҳиста.

Асири этмас қаю бир феълу атворинг хусусанким,
Олиб илкингга чалганда дутор оҳиста-оҳиста.

Нега асраб ниҳон туттимки, ҳарғиз бўлмади, найлай,
Бўлуркан ишқ сирри ошкор оҳиста-оҳиста,

ТОКАЙҒАЧА

Шом — субҳим, сенсиз, эй шириң забон токайғача,
Лоладек бағрим бўлур ҳажрингда қон токайғача.

Ошноларга бўлиб ноошно, бегонаға —
Ҳамнишину, улфату ҳам меҳрибон токайғача.

Ҳар замон ноз ўқлариға айлаюб жисемим ҳадаф,
Айламак ошиқлиғимни имтиҳон токайғача.

Эл аро афсона бўлмай найлайин аҳбоблар,
Ишқ асрорин қилур эрдим ниҳон токайғача.

Қипригинг-тийру камон-абрўларинг жон қасдиға,
Кўксими ҳар лаҳза қилмоғлиқ нишон токайғача.

Рахши шоҳона миниб, йўл узра ётконларга ҳеч,
Боқмай истиғно қилиб, бўлмак равон токайғача.

Оҳқим ушшоқларини рашк ўтиға куйдириб,
Базм этиш ғайр ила то вакти аzon токайғача.

Жилваға киргузки то кўрсун ниҳоли қоматинг,
Лофт урар ўзиға сарви бўстон токайғача.

Айладинг минг ваъдаи васлу бираға турмадинг,
Интизор этмак рамақға етти жон, токайғача.

Ногаҳон назм гавҳаридин олибон дурре Муқим,
Үқусанг чиқмоймиди назминг нишон токайғача.

ҚАЧОНҒАЧА

Ағёр әлига лутф ила әҳсон қачонғача?
Қилмоқ күнгүлни лола каби қон қачонғача?

Ҳажрингда тийра рүз ўлиб, заҳри ғам маош
Мундоқ ниҳонсен, эй маҳи тобон қачонғача?

Юз ваъдани бириға қачон айладинг вафо,
Синдумрак охир аҳд ила паймон қачонғача?

Вайрон күнгүлнинг бўлса бинолари майлимур,
Қилмак бу кўзнинг ёшини тўфон қачонғача?

Булбул фифону қумри чекиб оҳу нолалар,
Гуллар чаманда чоки гиребон қачонғача?

Васлингға ҳам етармуди, эй Лайлуваш, киши,
Мажнун кезарда даштда ҳижрон қачонғача?

Қокилларингни шоналар айлаб Муқимийни
Қилмак бу шева бирла паришон қачонғача?

АРЗИМНИ АЙТАЙ

Арзимни айтай боди сабоға,
Шояд гапургай ул гулқабоға.

Албатта келсун, ҳолимни сұрсун,
Андиша қилсун, рўзи жазоға.

Неча замондур, кўзга ниҳондур,
Ҳар ким ёмондур, солдим худоға.

Оҳим эшитмай, додимга етмай,
Бир таъсир этмай, кетти ҳавоға.

Мандин чу оҳу, рам қилди бадхў,
Булким ғаразгў тушди ароға.

Бўлдим фасона, субҳу шабона,
Кўксим нишона тийри жафоға.

Узи уёнсун, ҳажрида қонсун,
Дардиға борсун қайдадавоға.

Бўлгай хиромон, боқмай шитобон,
Қилмасму эҳсон султон гадоға.

Иўқ зарру сийми, лекин самимий,
Ошиқ Муқимий келса дуоға.

ЕРАБ

Ютарман заҳр қажр ишқида ул нозик адо ёраб,
Бу янглиғ талх комим, борму дардимға даво, ёраб.

Кими олдида йиғлай ул жафо-жў ҳасратидинким,
Бориб бўлди бу кун бегоналарға ошно, ёраб.

Ётубман мунтазир йўлида, гарчи васл эмас мумкин,
Кечар не навъ ҳолинг, деса бир йўл ман ризо, ёраб.

Баҳори оразингдин дашту саҳролар эрур хуррам,
Қилур шавқи жамолинг бирла булбуллар наво, ёраб.

Эрурман нотавон, ожиз, қадим ҳам ғам юки бирлан,
Қилур токай қаро бахтимни ул қоши қаро, ёраб.

Агар бир умр ҳижрон даштида саргаштадур Мажнун,
Анга Лайли баҳона, мақсади сан муддао, ёраб.

Ҳидоят қилмаса тавфиқи фазлинг, ғарқи исёнман,
Ибодатларда нуқсон кўп, намозимда риё, ёраб.

Ҳаётим мазраига маъсиятлар донасин сочдим,
Агарчи тонгла лутғ эт, ҳосилим журму хато, ёраб.

Ҳарими қурбига мендек гадони етмаки мушкул,
Муқимиға ўзингдан ўзга йўқдур муттако, ёраб.

ДИЛАФГОР БҮЛДИМ АЙРИЛИБ...

Оқким жоно күрарга зор бўлдим айрилиб,
Новаки ҳажринг-ла дилафгор бўлдим айрилиб.

Найлайин ҳаргиз жудолиг ихтиёрим йўқ эди,
Чархи кажрав илкидин ночор бўлдим айрилиб.

Ақл ҳуш ул ерда қолди, мунда бормай ишга қўл,
Еқмайин мен сурати девор бўлдим айрилиб.

Сандин ўзга учраса, маҳваш, кўнгилга шарҳи роз,
Сидқ ила ҳар важҳдин иқрор бўлдим айрилиб.

Меҳри руҳсоринг яна кўрмак мұяссар бўлса деб,
Фикру зикрим ҳасрати дийдор бўлдим айрилиб.

Жоми васлингдин эканман маст, фурқат заҳридин
Нўш этиб якбораги ҳушёр бўлдим айрилиб.

Улдуур мундоғ фироқинг устиға ортуқча ким,
Сангсори таънаи ағёр бўлдим айрилиб.

Нолалар қилмай нетай сансиз Муқимий субҳу шом,
Булбули шўридаи гулзор бўлдим айрилиб.

С О Ф И Н И Б

Меңгү рухсорингга, жоно, зордурман соғиниб,
Күргали муштоқ, дил ағфордурман соғиниб.

Субҳи васлим фурқатинг шоми билан топдя **завод**,
Қон түлиб күзга шафақ осордурман соғиниб.

Хастаю, маңысуз бемор айрилиб ғам кунжида
Мустаҳиққи пурсиши бисёрдурман соғиниб.

Едима сози дутору рұх афзо хонишинг
Түшса ҳар соат батарроқ зордурман соғиниб.

Хоҳ бовар қилма, қыл сансиз мусулмонсан агар,
Фунча янглиғ дийдаси хунбордурман соғиниб.

Ашки олу ранги зардимдин қиес әтсанг бүлур
Хожати гүфтөр әмас изҳордурман соғиниб.

Ҳасратинггининг назмини ёзиб Муқимий сафҳага
Кору борим дам-бадам тақрордурман соғиниб.

ЗОРДУРМИЗ СОФИНИБ...

Меҳр рухсоринг кўярга зордурмиз соғиниб,
Ҳосили дилхастай афгордурмиз соғиниб.

Меҳрибонлиғлар билан келганларингдин гаплашиб,
Дилрабо, ҳар тўғридин иқордурмиз соғиниб.

Жон куярларни майи васлингдин айла шодком,
Оҳ, токай ташнаи дийдордурмиз соғиниб.

Ногаҳон олдинг кўнгилларни-ю, парво қилмадинг,
Оҳ, токай ташнаи дийдордурмиз соғиниб.

Ошнолиг шул бўлурмуким бўлиб мундоғ жудо,
Сангсори таънаи ағёрдурмиз соғиниб.

Шўхлар васфиши ҳар мисраларимда зикр этиб,
Шукрилиллоҳқим, Муқимий, Бордурмиз соғиниб.

ХУРРАМ БОРИБ...

Май суниб, жоно, қилурсан гайрни хуррам бориб,
Бир демассан «Шод этай ул ҳам асири ғам, бориб»,

Холига боқмай урап бодому наргис боғда лоф,
Бир йўла ул икки жодуларни қил мулзам бориб.

Манзилингдин келдиму топмай бизимдек не учун,
Кўк кийиб, савсан чаманларда тутар мотам бориб.

Васлиға еткай не фирмә халқ, эй аҳбоблар,
Ҳовлисига сұхбатин топмас эса одам бориб.

Доим айлар сарву шамшоду сановбар карру фар.
Кўрсатиб мавзун қадингни бошларин қил ҳам бориб.

Ханжари мужгонларингдин сийналар мажруҳдир,
Демадингким: «Эй жафо-жў, бир қўяй марҳам бориб».

Эй муҳаббат аҳли, таън этманг агар тутсам асо,
Қилган ул кундин бери дармон бадандин рам бориб.

Неча термулди Муқим айлаб дуолар келмадинг,
«Интизор этгил!— дегонму ул ёрингиз,— кам бориб».

ШАРОБ

Соқиे жоме карам қил, құлмай истиғно шароб,
Нұш этиб билмай надур ранжу ғами дуне шароб.

Базм аро, жоно, висолинг бода ўрниға ўтар,
Суратинг мийно, лабинг соғар, сўзинг гўё шароб.

Сабзаю оби равон хуш айламас фасли баҳор
Ташна лаб маҳмурга кўрсатмасангиз то шароб.

Ҳеч ўлдим ҳам дегайму ҳасрату армони йўқ,
Сан билан ичкан кишини кечаси танҳо шароб.

Рух очиб маҳтобларда маст ичиб қўлким хиром,
То кўриб лоф урмасун қаддинг гули раъно шароб.

Бу сифат гул-тул ёнибким нұш этиб гашт айласанг
Тушмасунму эл ичига шўришу ғавғо, шароб.

Сўрма маҳмуру мукаддарлиғни бу майхонада,
Кеча-кундуз от тутиб дерман Муқимий: «Ё шароб!»

ГУЛШАН ИЧРА

Гулшан ичра боғбон, жоно, хиром эт то кўруб,
Юз ўгурсун қоматингни сарвидин зебо кўруб.

Ул муанбар кокил ила ўт калисадин букун,
То белидин ташласун зиннорни тарсо кўруб.

Менга Мажнун учрасайди ишқ даштида агар,
Йиғлар эрди ҳолима бошимда минг савдо кўруб.

Лаҳзае ором олмас умрлар оворадур,
Икки жоду кўзларингни оҳуян саҳро кўруб.

Хатти ахзарму, лабинг узра тутай деб ё мақом
Келдими Хизр оби ҳайвондин кечиб оё кўруб?

Ол рухингдин парда то юз-минг хижолатлар билан,
Бўймасун мағрур боғларда гули раъно кўруб.

Назм созига Муқимий чекди (васфинг) риштасин,
Гоҳ тараҳҳум айлағил, эй шўхи базм оро кўруб.

ЖАМОЛИНГНИ КҮРУБ...

Тоқат ўлди тоқ, эй маҳваш, жамолингни күруб,
Волай шайдои ўлдим хатту ҳолингни күруб.

Лоладек нозик баданлар кокил афшонлар чекиб,
Доғи кўнглимда ўшал ранжу малолингни кўруб.

Ўзга боғларга бино қўймай, нигоро, қил хиром,
Шохи синсун сарвни раъно ниҳолингни кўруб.

Хомуш ўлтурмай гапур, жоноки бўлсун гунгу лол,
Тўтийи ширин такаллум қийлу қолингни кўруб.

Ой малоҳатда етолмай юз хижолатлар билан,
Бўлди кам-кам кимки бу ҳусни камолингни кўруб.

Не ажаб ким юз ўгурса мен каби зуҳд аҳли ҳам,
То абад меҳробдан абру ҳилолингни кўруб.

Назм кўзгусиға сайқал берди васфинг-ла Муқим,
Тобса шояд хотири таскин мисолингни кўруб.

ХУРШИДИ ТОБОН ЧИҚТЫ

Хатту холин йўқки сиз ҳусниға нуқсон чиқти денг,
Балки гул давриға сунбул бирла райҳон чиқти денг.

Ваъдаи васл этти-кетти учраганда, қосидо!
Ул суманбар аҳду паймонлари ёлғон чиқти денг.

Очибон рухсорини ногоҳ оқшом чиқса ёр,
Бегумон, аҳбоблар, хуршиди тобон чиқди денг.

Жилваи ноз ила чиққач боғ соридин нигор,
Ўзга билманг сарви нахизи хиромон чиқти денг.

Ҳар қачон чиқса тутиб ул шўх ағёр бирла қўл,
Гўиё габрени ҳамроҳи мусулмон чиқти денг.

Хуш димоғ айлар келиб ҳар дам насими ё магар,
Ул пари пайкар қилиб зулфин паришон чиқти денг.

Эй сабо, зинҳор ўшал гулға мени булбул каби,
Кеча айлаб то саҳар фарёду афғон чиқти денг.

Ногаҳон дурлар тўкиб ҳар байти шеъридин Муқим,
Васфини, албатта, ул маҳбуби даврон чиқти денг.

ДИЛНИ АФГОР АЙЛАДИНГ

Оқибат, эй бемуруват, дилни афгор айладинг,
Яхши иш қылсанг эди, шул ишни бекор айладинг.

Мен каби жонсүздин якбора юэни ўгуриб,
Бора-бора, сад дарифо, майли ағёр айладинг.

Не учун рашк ўтлариға шамъдек ёқилмайин,
Ошнолардин кечиб, бегонани ёр айладинг.

Боғ аро ёлғыз жигар хун, мен эмас гулларни ҳам
Лола күксин доғ қат-қат дийда хунбор айладинг.

Үмр ўтар, жоно, буқун маҳшарни ҳам андиша қил,
Не гуноҳ қылдимки, охир жавр бисер айладинг.

Иўқки ғамхўре деса бечораи шўрлик Муқим,
Ердин ажраб заҳру заққум бирла ифтор айладинг.

ФАРҲОД АЙЛАДИНГ

Боғ аро, жоно, ўшал ким жилва бунёд айладинг,
Қабк ила товусни рафторингга минқод айладинг.

Мақсадинг шамшод шохин бўлмаса гар синдириш,
Қоматингни мунча мундоқ сарви озод айладинг.

Гаҳ салом айлаб ўтиб ширин табассумлар билан,
Кўҳи ғам қозсам мени ҳам мисли Фарҳод айладинг.

Ҳеч ошиқларни оҳи санга таъсир этмади,
Не бало кўнглунгни қаттиғлиғда пўлод айладинг.

Боғлар саҳнида жавлонлар қилиб юз ноз ила,
Ҳар қадам қўйдинг чаман тарҳини ижод айладинг.

Фасли аср айлаб чиқиб ағёрларга боқмадинг,
Яхши қилдинг шул тағофидин дилим шод айладинг.

Саҳт кўнгуллар, Муқимий, ғам билан вайрон эди,
Бир боқиб, ёлғон эмас, лекин чин обод айладинг.

ҲАЙРОН АЙЛАДИНГ, КЕТДИНГ

Уқубатларға солдинг, қайди ҳижрон айладинг кетдин!,
Жамолингга мисоли күзгу ҳайрон айладинг, кетдинг.

Баҳор айёмида нazzора айлаб дашту саҳроға,
Тамоми лолаларнинг бағрини қон айладинг, кетдинг.

Даҳони — фунча, эй нозик бадан гулдин, бели қилдин,
Мани тун-кун чу булбул соҳиб афғон айладинг, кетдинг.

Фалак кўнгулни афгор этди жавр айлаб каж эрдиким,
Ани устиға зулфунгдек паришон айладинг, кетдинг.

Тифоқан боғ аро кирдим, чиқор ғавғоки гуллардин,
Юзунг кўрсатингу чоки гирибон айладинг, кетдинг.

Эшикингда бориб фарёду дод этсам иложи йўқ,
Тириклай ўлтуруб бу ерда пинҳон айладинг, кетдинг.

Ҳакимо, мунда bemoring қолиб, ўз ошнолардин,
Бориб, бегоналар дардиға дармон айладинг, кетдинг.

Харидори талабкорингга кўп қиймат баҳо айтиб,
Бўлакларға висолинг базмин арzon айладинг, кетдинг.

Ўшал кун ваъда бирлан шоду хуррамлар қилиб охир,
Рақиблар бирла эмди аҳду паймон айладинг, кетдинг.

На бўлғай ошса қадри бир назар солсанг қулунгни ҳам.
Қараб бир қатраға чун дурри ғалтон айладинг, кетдинг.

Муқим, ҳар ерда хўблар дурри васфин донасин чектинг,
Чу назминг риштасин тасбиҳи маржон айладинг кетдинг.

АЙЛАДИНГ КЕТДИНГ

Күнгүлни ғунча янглиғ таҳ-батаҳ қон айладинг кетдинг,
Халойиқ ичра маъюсу паришон айладинг кетдинг.

Отиб тийра жафо дилларга ҳар ёндиг солиб рахна,
Начук султонки, тан мулкини вайрон айладинг кетдинг.

Жудолиғ кунжида етмасмуди ҳасратда қолғоним,
Яна шаънимга бир ортуқча бўғтон айладинг кетдинг.

Агар тош бўлса ҳам кўнглинг эриб лозим эди раҳминг,
Кўзича душманим ер бирла яксон айладинг кетдинг.

Авалдин ошнолиғ қилмасамчи, охири ташлаб,
Умидим шулмидиким, зору ҳайрон айладинг кетдинг.

Дуойи давлатинг кўзлар Муқимий, гарчиким маҳрум,
Бўлакка неъмати васлинг фаровон айладинг кетдинг.

ЗОР АЙЛАДИНГ

Хусн ила мундоғ чиқиб саҳрода рафтор айладинг.
Ваҳшиларни бил муқаррар маҳви руҳсор айладинг.

Хуш тақаллумлар билан тўтини товуслар билан,
Гунгу лол айлаб ажаб ҳайрони гуфтор айладинг.

Муслим аҳлига қилиб, қошларни меҳроби намоз,
Зулфу кокилларни тарсоларга зуннор айладинг.

Жилвалар бирлан назарларда ниғоро оқибат,
Гар мусулмонсан, ионон, жоноки, хуштор айладинг.

Дилбаро, мундоғ сафарларга кетиб бир неча вақт,
Йўлларинг узра мени соғинтириб зор айладинг.

Ногаҳон жоно, Муқимий сори қилдинг нимнигоҳ,
Гўиё вайронай хайрени меъмор айладинг.

ШАЙДО ҚИЛДИНГУ КЕТДИНГ

Шитоб айлаб келиб бир кеча шайдо қилдингу кетдинг,
Күзимнинг ёшини ҳажрингда дарё қилдингу кетдинг.

Үзиб тобора-бора ошнолиқ риштасин охир,
Бугун бегоналар сориға парво қилдингу кетдинг.

Гуноҳим не эдиким бир йўли аҳволими сўрмай,
Бошимға шўриши маҳшарни пайдо қилдингу кетдинг.

Хаданги новаки мужгонларинг бирла солиб рахна,
Давосиз захмларни кўнглима жо қилдингу кетдинг.

Рақиби рўсияҳлар базмида то субҳ ҳар оқшом,
Қолиб зулматда ман, сан шамдек ё қилдингу кетдинг.

Очиб мундоғ матои ҳусн қадрин билмаганларга,
Дарифоким, сахийсан нася савдо қилдингу кетдинг.

Неча муддат эрур ҳажр ўтиға ёқиб Муқимийни,
Бу янглиғ хаста зору бесарупо қилдингу кетдинг.

МОНАНДАИ ЖОН КЕЛДИНГ

Хўп бўлдики мардумдин, келганда ниҳон келдинг,
Бу мурда таним ичра монандаи жон келдинг.

Жоноки, ўшал кетдинг эмди яна келгай деб,
Йўқ эрди кўнгилларда бир зарра гумон, келдинг.

Ишқ ўтиға бағримни беҳуда кабоб айлаб,
Ким бирла ичиб бода мастона қаён келдинг.

Арзийдур агар кўкка ташласа кўлоҳини,
Жойига гадойингнинг сан шоҳи жаҳон келдинг.

Юз ваъда қилиб келмай ушшоқ ҳаримиға,
Қолганда рақибларға чун оби равон келдинг.

Бир шому саҳар паймон қилдингу Муқимиға,
На шомлари келдинг, на вақти аzon келдинг.

САФО КЕЛДИНГ

Нигоро, бениҳоят соғиниб эрдим, бажо келдинг,
Үлар ҳолатка етканда мисоли авлиё келдинг.

Зуҳур этмай муруват зарра бул бегонавашлардин,
Ямон мағмум эдим ман, хайрнят, сан ошно келдинг.

Паришон айласанг кокилларинг мушкин тоторини,
Ажаб айлаб каромат яхши келдинг, хуш сафо келдинг.

Мунаввар айлабон ожиз эди ҳажримда йиглар, деб
Қилурга хокипойингни кўзумга тўтиё келдинг.

Ушал ҳангом кеттинг мундину, беҳад алам тортиб,
Рамаққа жон етушкан вақтда айни муддао келдинг.

Ўпарга қўлларинг вақти мулоқотим, дарифоким,
Чиқармай енгдин илкинг ёки боғлобсан хино, келдинг.

Низома келса ошиқлар, Муқимий, эҳтимол эмди,
Кўнгил мулкини тасхир эткали сан подшо келдинг..

БЕҚАРОР ЭТМАЙ КЕЛИНГ

Дилбаро, келгандың күп ұам интизор этмай келинг,
Сийналар мажруҳ, устиға фигор этмай келинг.

Күйгани етмасму күнглим оташи ҳижрон билан,
Боз күйган жонни зору беқарор этмай келинг.

Пардалар рухсорингизга ташлаб азрүйи ұаē,
Күрсатиб ағёра үзни ошкор этмай келинг.

Шұхи бебокона (соchlарни) паришон айлабон,
Халқни шайдоню зору назар этмай келинг.

Сув сепиб күз ёшидин, қүйдим йўлингиз тозалаб,
То келур вақтида доманин ғубор этмай келинг.

Юз очиб якбора бу афсурда дилларни сўраб,
Ким дедиким: чиллаларни навбаҳор этмай келинг.

Бўйла келмакдин не суд охир, Муқимий келсангиз,
Мунтазир айлаб спришким шашқатор этмай келинг.

ЛОЛАЗОР АЙЛАБ КЕЛИНГ

Қелсанғиз күлбам аро күзни хумор айлаб келинг,
Шум рақиблар күзидин, эй жоним, ор айлаб келинг.

Ҳасратингда күзларимдин селдек ёшим оқар,
Мақсадимни(нг) ғунчасин очиб, баҳор айлаб келинг.

Қатра-қатра қон тўкармен йўлларингда термулуб,
Санга ошиқни ким айди, интизор айлаб келинг.

Гулшан ичра лоф ураг шамшод қаддини кўруб,
Қоматингиз кўрсатиб бир шармисор айлаб келинг.

Учраса ағёр агар қилмай назар бисмил қилиб,
Қонларидин кўчаларни лолазор айлаб келинг.

Манга зоҳид таън этмуш эмди, эй ороми жон,
Они ҳам бориб менингдек бекарор айлаб келинг.

Ҳеч гулдин бу Муқимий тобмади бўйи ҳузур,
Кулбами, оҳу кўзум, мушкин тотор айлаб келинг.

АЙЛАР КҮЗИНГ

Ичма майким, ошиқа зулм ошкор айлар күзинг,
Қонларин тұқмакни ноңақ ихтиёр айлар күзинг.

Бұлмас әрса қасди гар қатлим қошинг шамшириң,
Нега жавҳардору ўткур обдор айлар күзинг.

Коғир әрмас гар қаро кийған ики мардумларинг,
Мунча мундоғ номусулмонлиғ шиор айлар күзинг.

Умрлар овораи дашти Хұтандурлар, магар
Оқуны шаҳололиғидин шармисор айлар күзинг.

Холи мушкин халқаи киғриқдин айлаб таноб,
Қошни ё осмакка ошиқларни, дор айлар күзинг.

Гар отишимаслар хатнинг абрў билан зеболашиб,
Не учун давриға мужгондин ҳисор айлар күзинг.

Васл аро масти нигоҳ әрди Мұқимий фурқатинг
Чектириуб ҳамёза әмди бадхумор айлар күзинг.

АЙЛАНСУН ҚУЛИНГ

Тавқдоринг сарви қумридор айлансун қулинг,
Беқароринг кабки хушрафтор айлансун қулинг.

Ол ниқобингни, нигоро, боғ аро аз рўйи ноз,
Оразингни кўрмака тулзор айлансун қулинг.

Ҳеч бир бўлмас муаттар жон машоми, оҳким
Кокилингдин иnofai тотор айлансун қулинг.

Рангу, рухсору, назокатларки, жоно, сандадур,
Мўмин эрмас айлаган инкор, айлансун қулинг.

Хўблиғ мулкида султонлиғ мусалламдур санго,
Қилса даъво ўзгалар бекор, айлансун қулинг.

Учрасанг билфарз минг йўл кўча-кўйларда агар,
Пўқ иложиким демай ҳар бор, айлансун қулинг.

Ногаҳон қолмас эди ҳаргиз Муқимийни(нг) ками,
Кўрганида бир бориб дийдор, айлансун қулинг.

ҮРГУЛСУН ҚУЛИНГ

Ол юзингдин парда дийдорингдин ўргулсун қулинг,
Хур янглиғ феълу авторингдин ўргулсун қулинг.

Бошларингдин ўргулуб юз шавқ ила парвоналар,
Базмларда шамъи рухсорингдин ўргулсун қулинг.

Кўзларинг овораси умре ғазоли Чин бўлуб,
Нофа зулфи анбарни борингдин ўргулсун қулинг.

Булбули шўридан беболу парман айрилиб,
Очилиб ўлтурки, гулзорингдин ўргулсун қулинг.

Қил юриш кабки дари бўлсун хироминг садқаси,
Хуш такаллум тўти гуфторингдин ўргулсун қулинг.

Лабларингни рашикдикн лаъли Бадахшондур хижил,
Тишларингму дурри шаҳворингдин ўргулсун қулинг.

Зори дил, ноаҳлларга қилмоғил фош, эй Муқим,
Бул ҳаваслар сирри асрорингдин ўргулсун қулинг.

ХУРШИДИ ТОБОНСАН ЎЗИНГ

Хусн мулкида тажаммул пеша сүлтонсан ўзинг,
Ҳам малоҳат буржида хуршиди тобонсан ўзинг.

Улки бир келдинг карамлар айлабон, йўқлаб ҳануз,
Кўёз уйнда мардумим, жисмимдаги жонсан ўзинг,

Муддате бу боғ аро бир-бир юриб солдим назар,
Бир юзи гул, зулфи сунбул, хатти райхонсан ўзинг.

Доғмен: табъингни чоғ этмак қўлимдин келмади,
Ҳожати изҳор эмас ҳолимни билгонсан ўзинг.

Хуш на саъд айём булким кўрушуб, ҳар субҳу-шом,
Рўзгорим ёрутиб, шамъи шабистон сан ўзинг.

Бу дуогўйингни ҳар ерда фаромуш айламай,
Аҳд этиб кетсанг дегил олдимда паймонсан ўзинг.

Ногаҳон мундоғ назарлардин ёмондур кетмагинг,
Бўлмаса жондин Муқимий яхши меҳмонсан ўзинг.

КОКИЛИНГ

Риштаи жонларму ёким икки ҳайдар кокилинг,
Ҳар тараф қўзғатмаким, қўзғалди маҳшар кокилинг.

Шул экан ҳоли паришон бирлаким улфат тутар,
Айлади девоналар қилди қаландар кокилинг.

Йўқки бир кўнгил, анга мазмуни собит бўлмаса,
Ё магар ишқ аҳлини қонига дафтар кокилинг.

Дам-бадам нозик миёнингдин қучиб соҳирмуким,
Айламиш иқлими ҳуснингни мусаххар кокилинг.

Ҳам гириҳларға чекиб, шона паришон айлаюб,
Қадрини синдурма кўп ҳам мушки анбар кокилинг.

Оҳким, бўлғайму бир оқшом бўлиб масти висол,
Солса бўйнига киши бўлса муюссар кокилинг.

Ногаҳон, жоно, Муқимийға фалак гар берса даст,
Тор-ториға тоқарди лаълу гавҳар кокилинг.

АФСОНА ҚИЛМАЙ ҚҮЙМАДИНГ

Эй пари, рухсор очиб, девона қилмай қўймадинг
Халқ аросида яна афсона қилмай қўймадинг.

Соҳирадурсен магар зулфингни сунбул айлаюб,
Лабларинг лаълу, тишинг дурдона қилмай қўймадинг.

Соқиё, даврингда даврон масти жому комёб,
Навбатимни бир қуруқ паймона қилмай қўймадинг.

Базмларда шамъи рухсорингни юз алвон ёқиб,
Ишқ аҳлини куйдуриб, парвона қилмай қўймадинг.

Тийри мужгонлар отиб ҳар дам камон абрў билан,
Дилларимни то бузуб вайрона қилмай қўймадинг.

Кўзларимча ўзгаларга юз минг айлаб илтифот,
Кўнглими маъюс этиб, ғамхона қилмай қўймадинг.

Ҳар гул айёми Муқими оғарни бенхтиёр,
Мисли булбул нолан мастона қилмай қўймадинг.

ШИРИН ГАПУРИШЛАРИНГ

Туну кун чиқар қачон эсидан кишини ширин гапуришларинг,
Ҳамани адо қиладур (жоним) сани күчаларда юрушларинг.

Олибон күнгүл гунаҳим надур чиқориб фифоними кўклара,
Үтадур тағоғилу ноз ила сўрайин демай ёэу қишлиларинг.

Шошилиб ўтуб неча ҳар тараф қарамак хаёлингга келмаган,
Юрушинг ҳамишада барқдек бешитоб мунча ҳам ишларинг.

Ҳам зулфингга нега бўлмасун бу фусун ила дилу жон асири,
Эзадур жигарларим оҳким гапуриб туриб учришларинг.

Очибон юзунгни кулуб-кулуб, кўз учи билан боқибон букун
Жунуним қўзиб, ҳушими олур бу табассуми, бу кулишларинг.

Неча кун бўлурки тағоғилинг кўп ўтиб фузун аламим-ғамим,
Совутур саңга мани мунчаким йўқ эди бурун бу юришларинг.

Қўй, оғеңингга бошини кўюб на бўлур Муқимийки йигласа,
Ҳазар айламак нима, эй сиҳи, эса муддао кўкаришларинг.

ҲАЖР АРО ГИРЁНЛАРИНГ

Махфи айла оразинг то куймасун шайдоларинг,
Қошларинг гүё камон ўқ отмасуң ғужғонларинг.

Лаҳзан боқсанг агар бўлғай юрак садпоралар,
Кул бўлиб то куймасун ҳажринг аро куйғонларинг.

Мунча ҳам ширин сухандур бергуси талхи жавоб,
Қилмасун бисмил ҳама гүё забон бурронларинг.

Доимо дашном этиб боқсанг, ниgoro, қайрилиб,
Дини исломи кетар кўрган замон хандонларинг.

Кўзларинг жаллод ўлуб қилғай ҳавола ҳанжарни,
Ўлмасун зулминг билан ишқинг аро ҳайронларинг.

Очмағил парда, пари, то куймасун парвоналар,
Отashi ишқинг басе кофи эрур ёқонларинг.

Ҳар тарафга ташлабон очилмасун гул ғунчаси,
Эрта-кеч қилғай наво булбул каби нолонларинг.

Оҳ ишқингни ютуб бағри кабоб бўлган Муқим,
Бўлмағай мундек жафо-ю ҳажр аро гирёнларинг.

ҚОШЛАРИНГ

Катлима мужгонларинг тийру камондур қошларинг,
Мунча, жоно, кеча-кундуз қасди жондур қошларинг.

Юзларингни (нг) офтобидин чидолмай тобина,
Е магар күз мардумига соябондур қошларинг.

Кифригинг бисмил қилурға ўқ, ё абрұларинг
Хам яна бурроки тиғи Исфиҳондур қошларинг.

Күзларинг чүлпона ўхшар, қоралында сочларинг,
Оразинг ойдин мунаввар осмондур қошларинг.

Бул ажаб мәҳробдурким, ҳеч мусулмон бўлмагай,
Икки кофири нарғисингга ошёндур қошларинг.

Турфа мәҳробе Муқимий айласа гоҳи намоз,
Ҳар дуоски ўқурман таржимондур қошларинг.

ҚҰЗЛАРИНГ

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно, қародур кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдига боққан балодур кўзларинг.

Ошно бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигоҳ,
Ошноларга ғараз ноошнодур кўзларинг.

Боқмагай ошиққа саҳван ҳам қиё, фарёдким,
Расму ойинни магар жавру жафодур кўзларинг.

Оҳуи Чин кўрдию шаҳлолигидин қон ютуб,
Рашқдин овораи дашти Хитодур кўзларинг.

Наргиси мастингдин узмак мумкин эрмас дийдани,
Еки мужгон даврида меҳри гиёдур кўзларинг.

Интизор айлаб ўзи ҳам, ажриға ойинаси,
Ўз жамолини кўролмасдин адодур кўзларинг.

Қумри сарви қадду, булбул гул юзингнинг воласи,
Мен Муқимийга ҳамиша муддаодур кўзларинг.



СУРАТИНГ

Мумкин ўлса кўрмогим, эй сарви раъно, суратинг,
Айлатам чашмим аро мардум каби жо суратинг.

Қошларингиз, ие ажаб, зоҳид кўруб беихтиёр
Боқмаса меҳробга борида қатъо суратинг.

Сабр бунёдини бир боқиш билан барбод уруб,
Оҳким, солди кўнгул мулкига яғмо суратинг.

Вактида келсанг вужуда бу малоҳатда кўруб,
Енса, Юсуфдин истонг эрди Зулайҳо суратинг.

Дилбаро, боф ичра қил юз нозлар бирлан хиром,
Қилмасун даъво кўруб товус асло суратинг.

Хўбрўлар бирла оқином базмда қилдим қиёс,
Ўзгалар юлдуз каби, хур shedi танҳо суратинг.

Ул замонким ҳусни холу хатларингдин бўлди гап,
Фойибона бошлара орттурди ғавғо суратинг.

Ногаҳон топсам сиҳат беморлиғлардин Муқим,
Бир бориб дерманки кўрсам иншоолло суратинг.

ҚОМАТИНГ

Муддатедурким манга, эй туби пайкар, қоматинг
Олдида манзур эмас оламда дилбар, қоматинг.

Лаҳзае бўлгил хиромонким қилур даъви кўриб,
Шоҳи синсун боғ аро сарви сановбар қоматинг.

Оташин сархонае кўксум, найи нолам баланд,
Масканим гулхан кули, қилди самандар қоматинг.

Жилва айлаб кийдуруб, охир кулоҳу жандалар,
Такяда қилса не тонг эмди қаландар қоматинг.

Ўзгага мойил ҳамиша ошиқидин мунҳариф,
Лоақал адл ила турсайди баробар қоматинг.

Нега булбулдек фиғону нола қилмай субҳу шом,
Гул юзунгга зор ўлуб, бўлмас мұяссар қоматинг.

Халқ аросида бу янглиғ маст жавлон айласанг,
Кўрқаман қўзғатмагай деб шўри маҳшар, қоматинг,

Ўйласам мавзунлиғингни ёд этиб, ҳайрон қолиб,
Кўзларимни айлагай чун ҳалқаи дар, қоматинг.

Неажаб шаҳ байт ўрниға, Муқимий ўқисанг,
Баски назмим бошида бир [тожи] афсан қоматинг.

МЕХРИНГИЗ

Дилда то, эй сарви раъно, меҳрингиз,
Менга бўлди дафъи савдо меҳрингиз.

Йўлингизда козалар қилмай нетай,
Юсуфим қилди Зулайхо меҳрингиз.

Қўймоқ ўлди, оҳ корим айрилиб,
Тушкан эркан дилга бежо меҳрингиз.

Телбаю девоналардек оқибат,
Қўчаларда қилди шайдо меҳрингиз.

Йиғлар эркан бул ажабким, қон мудом
Ҳар кишиким қилса даъво меҳрингиз.

Боғда гул кўксига қат-қат доғлар
Бир эмасдур менда танҳо меҳрингиз.

Ўлдурур ҳижронларингиз то бакай,
Борму охир ҳеч асло меҳрингиз.

Борса зоҳид тақвию тоат билан
Менга басдур туҳфа фардо меҳрингиз.

Йўқ экан, жоно, Муқимийсизки, сиз
Айладингиз сайри саҳро, меҳрингиз.

СИЗ ЭКАНСИЗ

Жаҳон боғида раъно сиз экансиз,
Сиҳи қомат суманио сиз экансиз.

Миниб ноз отифа, билдим, солиб шўр,
Кўнгил мулкира яғмо сиз экансиз.

Илонингким тағофил тўғрисида,
Санамлар ичра танҳо сиз экансиз.

Латофат важҳида яхшиси, аммо,
Ямон ошиққа парвосиз экансиз.

Хиром айлаб чамандা ҳар тарафга,
Қилаң товусни шайдо сиз экансиз.

Неча ҳолим кўриб раҳм этмадингиз,
Меҳрсиз кўнгли хоро сиз экансиз.

Муқимий ўтса ким атторликдин,
Харидору таманио сиз экансиз.

СИЗ

Кишини жонидек жисмимдаги рұхы равоним сиз,
Қачон мүмкін жудолиқда тириклиқ, чунки жонимсиз.

Жағон бозорида суде топар ҳар ким матоидин,
Мені нақди муҳаббатдин топиб қылган ҳаёним сиз.

Муолиждин күрүб набзим, ҳакимо, ёзма «Қонун»ча
Бу ҳикмат бирла билмайсиз, надур дарди инҳоним сиз.

Лабингизму десам шириң — шакардин, аччиғи келган
Урушжүй, тундхүй сиз, күп ёмон номеҳрибоним сиз.

Халойиқ масти саҳбойи жунун, ғавғойи маҳшардур,
Очиб юз пардалардин жилва қылган бегумоним сиз.

Нигор этмиш нигорим пойини ранги хино бирлан,
Не хүш нисбат түқинг йўлиға, эй кўзларда қоним сиз!

Агар бегонадинким, ҳар нафас юз минг жафо чексам,
Бўлубон ошноким, куйдуурсиз устухоним сиз.

Ўтарди ёр, келмай қолди тил сўзға, кулуб айди:
— Қалайсиз, камнамосиз, гунгу, лолу безабоним сиз?

Ўт урдим шамъдек маҳфилда мен ҳам танга сар топо,
Куяй ўлгунча, эй носиҳ, қўйинг, тутманг иноним сиз,

Наво бир гул хаёлида ческармен ҳамдамим булбул,
Уқуб беҳуда билмангсиз, Муқимий, достоним сиз.

ОФАТИ ЖОН СИЗМУСИЗ

Салтанат тахтидаги султони хубон сизмусиз?
Қилғувчи ғорат күнгүл мулкини вайрон сизмусиз?

Ҳар замон лаъли лабимдин айлайин деб комёб,
Ваъдасидин қайтибон бўлган пушаймон сизмусиз?

Тўтии ширин адони гап билан лол айлаган,
Аксиға кўзгуни қилган маҳви ҳайрон сизмусиз?

Очибон рухсорлар ҳар ён хироми ноз этиб,
Фитна солган даҳр аро ошуби даврон сизмусиз?

Неча йўлида тавалло зори қилсанг боқмаган,
Сангдил бебоки шўхи офати жон сизмусиз?

Хаста хотири шоми ҳижронида қолган қулларин
Ташлабон агёрга шамъи шабистон сизмусиз?

Ғайри базмида Муқимиини ҳамиша куйдуриб,
Ҳар кеча бозори шаб чиққан шитобон сизмусиз?

ДИЛДОРСИЗ

Ноз бирла ҳар замон суратнамо дилдор сиз,
Балки гулрухсорларга раҳнамо дилдор сиз.

Завқдин кўрган ҳамон гул ҳам яқо чок айлади,
Жумла гуллар сизга жон қилгай фидо дилдор сиз...

Йилда қилмас бир такаллум ғунча ҳам дил тангидин,
Қилса ногоҳ бир табассум бесадо дилдор сиз...

Хуш табассум, хуш калому, хуш равиш рафтор ҳам,
Андалиби бўстондек хуш наво дилдор сиз.

Оҳким, найлай тушубдур бешаарар ишқ ўтиингиз,
Сабр лутфи покидин қилсун ато дилдор сиз.

Найласун кўнглум қуши домиғаким тушмай Муқим,
Хўбрўлар ичра кўн нозик адо дилдор сиз.

САНСИЗ

Юз очким, ғунчалар гулшанда сансиз,
Қила олмас, нигоро, ханда сансиз.

Висолингдур ҳамиша орзуимиз,
Бугунча бўлмасун жон танда сансиз.

Фифону нола айлаб ҳасратингда,
Урарман тахта бағрим ринда сансиз.

Қарору, сабру оромимни сўрма,
Юруб девонаман Хўқандда сансиз.

Тушуб зулфингни савдоси бошимға,
Яқин келдим киярға жанда сансиз.

Хиром эт ноз ила товус бўлсун,
Чаманда лоғ уруб шарманда сансиз.

Нетар жаннатни дийдорингга ошиқ,
Муқимий қайда роҳат манда сансиз¹.

ЁЛҒУЗ

Баногаҳ учради от ўйнатиб бир дилрабо ёлғуз.
Рикобиға суриб кўз, қўл очиб қилдим дуо ёлғуз.

Дедимким: «Нозанинлар хайлида инсоф қилганда,
Ўзингдур хуш такаллум, тўтии ширин адо ёлғуз».

Табассум бирла пинҳона деди: «Ошиқларим ичра,
Вале сен ҳам асиру мубталолигда жудо ёлғуз».

Дедим: «Жоно чекардим дарди ҳижронингни муддатлар,
Ҳарими васлинга маҳрамлиғ эрди муддао ёлғуз».

Деди: «Хилватда танҳо кўрмагингдин не ғараз бордур?»
Дедимким: «Орзу шулдурки жон қилсан фидо ёлғуз».

Үруб бир қамчи айди: «Ошма ҳаддингдинки шоҳларни
Кўролмас ҳеч бир ерда неча сандек гадо ёлғуз».

Муқимийни паноҳи исматингда асрағил, ёраб,
Хатарлик дашт аро гумгаштай бераҳнамо ёлғуз.



ЭЙ САРВИНОЗ

Оразингни кўргали муштоқман, эй сарви ноз,
Маҳрам айлаб не бўлур васлингга қилсанг сарфароз.

Бош оёғингга қўюб, айб этма, шарҳи ғам десам,
Ишқ этар Маҳмудни бечора олдида Аёз.

Даҳрда кўп қадди мавзуилар ва лекин сен каби,
Хуш тақаллум, сийм тан, нозик бадан, гулчеҳра оз.

Ой чиқар сен ҳам ниқоб оч бу кеча кўрсат юзинг,
Тишласун ангушти ҳайрат эл қилолмай имтиёз.

Лаъли майгунинг хаёлики қилур беҳушу маст,
Келурам ўзумға ширин сўзларинг ёдида боз.

Сонурам ўлмасмукин мақбул деб, эй ҳурваш,
Бўлмаса қиблам агар меҳроби абрўйинг намоз.

Мубталодур ҳалқаи зулфунгға, жоно, жон қуши,
То тарапда кокилингни раҳм этиб оҳиста ёз.

Диллари ҳасратларингда лола янглиғ доғман,
Туз навоий ғамзудо бир дам олиб илкингга соз.

Хизр хаттинг жон берур лутфинг чоғи вақти ғазаб,
Қўзларинг қотилки, таъсири айламас ажзу ниёз.

Ижтиоб этма, ниgoro, ташласам бўйнингга қўл,
Қайси боғда хордин гуллар қилибдур эҳтиroz.

Назм танбуриға васфинг гавҳарин чекти Муқим,
Қил карам айлаб тараннум гоҳ, эй мискин навоз.

ТАЛЪАТИНГДИН ЪРГУЛАЙ

Эй ўшал хуршид янглиғ талъатингдин ўргулай,
Зулфи райхонинг билан холу хатингдин ўргулай.

Ногаҳон ойинаға боқғонда тимсолинг кўруб,
Ҳайъати ширину шакли суратингдин ўргулай.

Учраб одобу ҳаёлар бирла ушшоқ аҳлиға,
Айлаган хулқу тавозу ҳурматингдин ўргулай.

Хоҳи саҳро шаҳрда, ҳар ерда бўлсак субҳу шом,
Ҳамнишин, ҳамдам, рафиқу улфатингдин ўргулай.

Не бўлурким бир кеча васлинг билан шод айласанг,
Жон рамақға етти ҳажру фурқатингдин ўргулай.

Навқиронлар ҳуснини мардумга дилкаш кўрсатиб,
Бул ажаб ҳикмат илоҳо қудратингдин ўргулай.

Бир умр маҳжур ҳам маҳрум ўлуб лайлу наҳор,
Қилмаган рўзи Муқимий неъматингдин ўргулай.

НОЗУ ИСТИГНО БИЛАН

Нозу истигно билән султонлиғингдин ўргулай,
Хусн авжида маҳи тобонлиғингдин ўргулай.

Одами қилмас гумон ишванг билан кўрган киши
Ишиболикчун малак инсонлиғингдин ўргулай.

Мўй ҳам табъига сифмай тунд ўлуб гап ёқмагай,
Тобланиб ҳар раңг юз алвонлиғингдин ўргулай.

Хуфя зорингни савол этсанг жавобидин қочиб,
Ўзни олган соддаваш нодонлиғингдин ўргулай.

Зоҳир этган шеваю, лутфу, карам ошиқлара,
Базмларда соҳиби эҳсонлиғингдин ўргулай.

Оҳким, ўлдум деганга зарра парво қилмаган.
Бағри қаттиқ, диллари сандонлиғингдин ўргулай.

Гоҳи доғ айлаб Муқимийни чиқиб гулзор аро,
Рӯбарӯда ўлтириб пинхонлиғингдин ўргулай.

НАЗОКАТ БОГИДА

Эй, назокат богида ратьнолифингдин ўргулай,
Сурма қўймай кўзлари шаҳлолифингдин ўргулай.

Чок-чок айлаб гирибон гул, дегай беихтиёр,
Чеҳраи олинг кўриб ҳумролифингдин ўргулай.

Юз тарафдин доду фарёд этса ҳам ошиқлари,
Ҳеч боқмас шўхи бепарволифингдин ўргулай.

Хандалар, ширин табассумлар билан ҳар ён боқиб,
Алғараз бир қамчи базм оролифингдин ўргулай.

«Оҳ, ўлдум» ҳам десангким зарра бовар қилмаган,
Сангдил, қаттиқ кўнгул, хоролифингдин ўргулай.

Ногаҳон кўрсанг Муқимиини тафоффиллар қилиб,
Доимо бегонадек ошнолифингдин ўргулай.

АВВАЛДА КҮРМАСАМЧИ

Аввалда күрмасамчи, бағрим кабоб күрмай,
Бир лаҳза сабру тоқат йўқ кўзда хоб күрмай.

Тухми муҳаббатингни жон мазраиға сочдим,
Боқким, экин пишарму то офтоб күрмай?

Оқса не тонг сиришким чиққанда хатту холинг.
Райхонга ҳеч равнақ етгайму об күрмай?

Ўт мадраса саридин, илм аҳли дарси ҳуснинг
Фикрида таътил айлаб, юрсун китоб күрмай...

Гоҳи карам юзидин сўрғилки то бу янглиғ
Ағёр таънасидин ўқ беҳисоб күрмай.

Эй хўблар амири, сандин умид этиб лутф,
Қилди ғазал Муқимий, кетмас жавоб күрмай.

ҚАЙДА БОРАЙ

То жилва қилди ул пари, мен мубтало қайда борай?
Эмди дегайким, бор нари, мен мубтало қайда борай?

Кокилларин дом айлади, субхим қаро шом айлади?
Тобора ноком айлади, мен мубтало қайда борай?

Үмре бүлуб оворалар, күксимда битмас ёралар,
Гар қилмас эрса чоралар, мен мубтало қайда борай?

Юз ноз ила бир-бир босиб, келди ниқобини очиб,
Хайрон қилиб кетди қочиб, мен мубтало қайда борай?

Етти фалакка нолишим, ҳал бүлмади мушкул ишим,
Үзга — ўзидан йўқ кишим, мен мубтало қайда борай?

Ёраб, ёмону гандаман, осию ҳам шармандаман,
Не ҳукм бўлса бандаман, мен мубтало қайда борай?

Борсанг кўйниға, қосидо, айғил Муқимийдин дуо,
Баским занфу беасо, мен мубтало қайдадорай?

МЕН МУБТАЛО ҚАЙДА БОРАЙ?

Суратда раъносан ўзинг, мен мубтало қайда борай?
Ҳам сұхбат оросан ўзинг, мен мубтало қайда борай?

Олифта рафттор айласанг, шириң гүфттор айласанг,
Мундоғки хуштор айласант, мен мубтало қайда борай?

Лаъли лабин қанду асал, қилди таманноси касал,
Ком олмаганда филмасал, мен мубтало қайда борай?

Ҳолимға раҳме қилмасанг, соғинганимни билмасанг,
Охир назарга илмасанг, мен мубтало қайда борай?

Хулқи хуш ила донишинг, күйдирди гул-гул ёнишинг,
Шайдойилар қилди ишинг, мен мубтало қайда борай?

Андуұлар ҳар дам фузун, құңгулда йүқ сабру сукун,
Шум баҳту толе вожгун, мен мубтало қайда борай?

Номинг Муқим жо айламай, назмини иншо айламай,
Васфингни ифшо айламай, мен мубтало қайда борай?

ЮЗ МИНГ АЛАМ ЖОНИМДАДУР

Күздин түкілди қон ёшым, мен мубтало қайда борай?
Раҳм айламас ул мақвашим, мен мубтало қайда борай?

Тиғинг менинг қонимдадур, зулфинг гирибонимдадур,
Юз минг алам жонимдадур, мен мубтало қайда борай?

Бир күрмака зор айладинг, сийнамни афгор айладинг,
Ұлдургали дор айладинг, мен мубтало қайда борай?

Бошида олтун маңжари, белга тушар кокиллари,
Борсам дегай: «тур-тур нари», мен мубтало қайда борай?

Сенсиз жағон бўлди қафас, ағон қилиб мисли жарас,
Гулдир кўзимга — хор хас, мен мубтало қайда борай?

Зулфинг сабодин тебраниб, нозик белингга чўлғаниб,
Улдирди қаддинг тўлғаниб, мен мубтало қайда борай?

Тиғинг қадалди жонима, эл ухламас ағонима,
Раҳм эт тўкулган қонима, мен мубтало қайда борай?

Аҳдингда мундоғ турмасанг, касби Муқимий сўрмасанг,
Ҳаттоки борсанг кўрмасанг, мен мубтало қайда борай?

ЭЙ ЕРИ ҒАМГУСОР

Эй ёри ғамгусор, тасаддуқинг кетай,
Күп құлма интизор, тасаддуқинг кетай.

Аввалда күрсатиб ўзинг, әмди сабаб недур,
Қылдинг күрарға интизор, тасаддуқинг кетай.

Хуштор әрурман ой юзингга, қочма, кел беріш
Қылма мени фигор, тасаддуқинг кетай.

Ҳажрингда йиғладим чуоноким қон ёшим билан,
Дашт ўлди лолазор, тасаддуқинг кетай.

Құнглин олурсан ўзгалара илтифот этиб,
Қылдингми биэдин ор, тасаддуқинг кетай.

Бұлдум юзингни бир күриб, эй маҳлиқо, сани.
Ишқингда беқарор, тасаддуқинг кетай.

Қылсангчи васл марҳамидин дардима даво,
Әй күzlари хұммор, тасаддуқинг кетай.

Ишқингда то қачонғача йиғлатасан мани,
Чун абри нағбағор, тасаддуқинг кетай.

Күпдур жақонда дилбару дилдор, дилрабо,
Қылмасман әътибор, тасаддуқинг кетай.

Хүснеки сандадур, агар оламни истасам,
Йўқ сенча гулъузор, тасаддуқинг кетай.

То жон танимда борича мен сендия ўзгани,
Қылмасман ихтиёр, тасаддуқинг кетай.

Билгил бу эътиқодиму навмид этиб мени,
Ағёра бўлма ёр, тасаддуқинг кетай.

Раҳм эт бу хаста ҳолима, зулму ситам била
Кўп қилма хор-зор, тасаддуқинг кетай.

Ҳажрингда, эй пари, ишим оҳу фифон эрур,
Ҳар лайлу, ҳар наҳор, тасаддуқинг кетай.

Эй кош, бўлса эрди мани бахту давлатим,
Қилсан сенга нисор, тасаддуқинг кетай.

Лекин дуойи жонинг этарман бажону дил,
То жон танимда бор, тасаддуқинг кетай.

Ҳайфки, камбағалману сарф этгудек санга,
Илгимда йўқ мадор, тасаддуқинг кетай.

Армон юракда қолмас эди, текса дастима,
Қўксунгдаги анор, тасаддуқинг кетай.

ТАРИХИ ФАВТИ НОИБИ ТОШКАНДИЙ²

Гарчи дар ҳабсу ба ғурбат хун гирист,
Оқибат файзи шаҳодатро бибурд.

Ҳафтўми моҳи рамазон хонду шом,
Ногаҳон «оллоҳ» гўён жон супурд.

Мардуми Хўқанд он рўзи вафот,
Дошт мотам хосу, ому, пиру хурд.

Ҳам Муқимий буд дар фикраш малул,
Қард дониш соғ тарихаш зи дурд.

Сар зи ҳайрат баркашиду гуфт ақл:
Хўжай Инъом, сад афсус, мурд.

Таржимаси:

Ноиби Тошкандийнинг вафот тарихи.
Гарчи қамоқ ва ғурбатда қон йиғлаган бўлса ҳам,
Оқибатда шаҳид бўлиш шарафига мұяссар бўлди.

Рамазон ойининг ўн еттисида, шом намозини ўқиб
туриб,
«Олло» деди-ю, бирданига жон берди.

Бутун Хўқанд ҳалқи у вафот этган кунда,
Қари ва ёш, катта ва кичик — ҳамма баробар мотам
тутди.
Муқимиининг ҳам хотири паришон, қайғули бўлиб,
Дарду алам билан ақлидан унинг тарихини чиқозди.

Ҳайратдан бош чиқорди-ю, ақл айтди:
Юз афсуски, Хўжа Инъом ўлди.

ИҮҚ ДИЛРАБОЕ САН КАБИ

Жиљваси ғоят хирад, йўқ дилрабое сан каби,
Сарвдек мавзун қаду гулгун қабое сан каби.

Бора-бора ошнои жонсипоридин кечиб,
Кўрмадим бегонапарвар ошное сан каби.

Оҳ уруб қумри билан тўти чаманларда дегай,
Хуш такаллум бормукин ширин адое сан каби.

Раҳмисиз жаллод икки кўзларинг жон қасдиға,
Кам эрур, инсоф қилсанг, пур жафое сан каби.

Хуш кечар умри қачон бир зарраи армони борғ
Ҳар кишини бўлса маҳбуби киройи сан каби...

Ногаҳон маржонидин дурлар агар терсам Муқим,
Чиқмагай жуз васфи шўхи бевафое сан каби.

Ү Т М А Д И

Эй пари, сандек жаҳонда дилрабое ўтмади,
Нозпарвар, пур тагофил, тундрое ўтмади.

Ишқида юттирмаган хуноба ғамдин қолмаган,
Айласам инсоф ўзингдек пур жафое ўтмади.

Маҳфили имконда яктолиғ мусаллам сен каби,
Хуш такаллум маҳваниши ширин адое ўтмади.

Айлаган ҳар бир боқишда сийнаи мардум нишон,
Новаки мужгон отарға қоши ёе ўтмади.

Тушмасун душманни ҳам бошиға ҳижрон кулфати,
Вақтидур ўлдим тамоғдин ноин чое ўтмади.

Риштаи ҳар мисраиға [дурри васфингни] чекиб,
Ҳеч соат ҳам, Муқимий, бедуюе ўтмади.

ЖОНОНИМИЗ КЕЛДИ

Шарафлиғ бу не саъд айём эди, жононимиз келди,
Рамақсиз дўстлар танларга гўё жонимиз келди.

Ёмон вайрон эди дил кишвари ҳажрида, эй аҳбоб,
Биҳамдуллоҳки обод этгали султонимиз келди.

Таарруз не керак, эй муддайи, ҳажриниким чектук,
Мунаввар айламакка кулбай эҳзонимиз келди.

Рақиблар таънасидин заъфарон янглиғ эди юзлар,
Қизил гулдек, шукрким, рангимизга қонимиз келди.

Баҳор айёми тушмас иҳтиёж, эй боғбон эмди,
Юзи гул холу хатлар, сунбулу райҳонимиз келди.

Циқиб бозоришаб келсунлар, албатта, Муқимийким,
Десун то кўкда анжумлар: «Маҳи тобонимиз келди».

САДО КЕЛДИ

Бир кечә қулоғимга лаzzатли садо келди,
Чиқдимки, пари-пайкар бонисо намо келди,

Бир боқди қиё маңго ҳушум бариси кетти,
Девона бўлиб айдим: «Ҳай, ҳай, на бало келди?»

Рахтини ёйиб ақлим, мастона бўлиб бехуд,
Зикрим ҳамадо эрди, тилга санамо келди.

Айдимки: «Закоти ҳусн — бир бўса на бўлғуси?»
Айди кулубон дилбар: «Қайдин бу гадо келди?»

Дилхаста Муқимиини кўнглинни қилиб яксон,
Бу ноз азалдиндур тақдирни худо келди.¹

У Ч Р А М А Д И

Оҳ Фарғонада бир яхши жонон учрамади,
Яъни гулчехра қади сарви равон учрамади.

Тавсаки ноз уза ногаҳ бир олифта сувор,
Шаҳр ошӯби бути оғати жон учрамади.

То нишон қилса киши шавқ ила жонни ширин,
Тийри мужгонларига абрю камон учрамади.

Қилгудек сайд нигоҳи била кўнглунг қушини,
Қошу кифриклари шамширу синон учрамади.

Маҳваш ўтдию, рақибим тарафиға оқшом,
Пойладим йўлида то вакти азон учрамади.

Бўлгудек шод олиб оғуш муҳаббат дами,
Шўҳ заррин камари мўй миён учрамади.

Талхком ўтти дарин-умр бу маҳфилда шабе,
Лаблари шаҳду шакар тўти баён учрамади.

Дилрабоеки таманно эди васли афсус,
Толеима мени бир маству пиён учрамади.

Сўрмагил айши маошимни Муқимий ҳаргиз,
Силлисиз ҳеч фалак хонида нон учрамади.

АФСОНА ҚИЛИБ КЕТДИ

Жонон кўруниб бизни девона қилиб кетди,
Халқ ичра баякбора афсона қилиб кетди.

Журмим на эди кўздин ташлаб мани якбора,
Овораи бу мулки Фаргона қилиб кетди.

Хўб бўлдикни зоҳидга, мастона нигоҳ айлаб,
Ақлу ҳуши вазъидин бегона қилиб кетди.

Қилди юзини шамъин маҳфилда ёқиб равшан,
Ишқида ёмон лекин, парвона қилиб кетди.

Маъюс кўнгилларнинг дарду аламин сўрмай,
Мастоналиқ кулбамии вайронна қилиб кетди.

Бир умр рақибларни (нг) хурсандлигини кўзлаб,
Дунёни Муқимийга гамхона қилиб кетди.

ЕР ИЛА

Ер ила не хүш замони рүэгкорим бор эди,
Подшолик давлатидин ҳамки орим бор эди.

Гоҳ беморини пүклаб келса, айлаб жон фидо,
Гавҳари ашке қудумига нисорим бор эди.

Хеч бир сўрмасмуди, ноком давронлар ўтар,
Қуллари ичра башарти эътиборим бор эди.

Очилик кўнгул қачон қолганда кўз ёшим қуруб,
Айласам то сабзу тар абри баҳорим бор эди.

Қайси жонибдии келур деб, термулиб ҳар соате;
Йўлларида чор чашми интизорим бор эди.

Хўблардин чекмиси эркапман жафою жаврлар,
Қайда билсан, ошнолик ихтиёрим бор эди?

Багри қаттиқ бўлмас эрса демагай ҳаргиз нечун:
Утса ойлар ҳам, Муқимий дилфигорим бор эди?

КОШКИ

Күчесидин келмас эрди күрмасамчи кошки,
Хеч бир ному нишонин сүрмасамчи кошки.

Хөл сүрмас келганида, кетганида соғиниб,
Күрган одамдин сүрөтлаб юрмасамчи кошки.

Боә минбаъди мұяссар бўлсам эркан ул куни,
Фасли вақт айлаб ёнида юрмасамчи кошки.

Ошкора айлади рози ниҳоним эл аро,
Эртаю кеч ёнида оҳ урмасамчи кошки...

Йўқмуди то гарди домонига етса қудратим,
Ёнига ағёрни келтурмасамчи кошки.

Доф эдим аввал, Муқимий, қўйдилар доф узра доф,
Яхшилар бирлан туриб ўлтурмасамчи кошки.

ТОҚАТ ҚАНИ?

Оқким, бир дам юзунгни күрмасам имкон қани,
Дарди ҳижронинг чекарга тобу тоқат, жон қани?

Аввали юз меҳрибонлиғ бирла күнгуллар олиб,
Ишларинг охир тағсифил аҳд ила паймон қани?

Ҳусн мулкини амиридурсан охир бул ажаб,
Бенаво афтодаларға лутф ила эҳсон қани?

Нолалар қилдим кўйингда, келмагай ёдинггаким,
Бир кўрайким зулм айлаб ким қилур аффон қани?

Ман қолиб бегонаға лозимми бўлмоқ ошно?
Борму инсофинг аромизда ўшал паймон қани?

Оразинг бофин тамошо айласам ҳар дам не тонг,
Эмди сандек зулфи сунбул, соchlари райҳон қани?

Чекмайин ранжи риёзат ҳал бўлурму мушкилинг?
Чарх даврида, Муқимий, бир иши осон қани?⁴

ҮЛМАГАН ЖОНИМ МАНИ

Йүқламайдур бу тағофил пеша султоним мани,
Чиқмасуіму күкка ҳар дам оху афгоним мани.

Вожгун толық ситамгар, чархи дүн, бемеңр ёр,
Шунча меңнатларни тортиб, үлмаган жоним мани.

Тушмагай Хиэру Масиҳога ишим бори дигар,
Бир табассум қылса ул шұхы сухандопим мани.

Лола әрмас даштларда очилан фасли баҳор,
Күздан оққан ул парини җажрида қоним мани.

Ер ўтар йұлина дағні эт үлсам ҳижрони била,
Деса: «Бу қабры фалони», йүқтүр армоним мани.

Ишқ дардини иложиға, җакимо, чекма ранж,
Йүқ бисотингда сани дорио дармоним мани.

Сұрмагай мирзоси қулким нотавондур, зәй Муқим,
Йүқламайдур ул тағофил пеша султоним мани.

ИНТИЗОР ЭТДИ МЕНИ

Ваъда ёлгонлар тилисми интизор этди мени,
Бош аёғ гўё дили уммидвор этди мени.

Марг бирлан ҳам гароилиғ тупрогимдин кетмагай,
Тошкўнгуллиғда қазо санги мазор этди мени.

Бўлмасун маҳрум тавфи доманим деб шукрким,
Хоки баржомондае эрдим ғубор этди мени.

Хубрўлар ишқини қасд айладимким тарк этай,
Бўлмади, маъзурман, беихтиёр этди мени.

Сўрмангиз бир лаҳза таскинимдин, эй аҳбоблар,
Найлайн сиймоб янглиғ бекарор этди мени.

Ёр кўйида нетонг бўлса фузун девоналиғ,
Таънаи афёrim ила сангсор этди мени.

Билмадим, Фурқат, жаҳон боғида сен не ранг гул,
Лоладек қат-қат Муқимий доғдор этди мени.

СЕНДЕК ЭЙ ЖОНОН

Сендеқ, эй жон, бормукин офати жон күрган киши,
Үқ отар киприкларинг абру камон күрган киши,

Лаҳни қил топсин такаллум маҳфилингда эй Масиҳ,
Нотавон жисмига то руҳи равон күрган киши.

Тұтийи авжи фасоҳатдурсан охир сұзлаким,
Тавба десин мунча ҳам шириң забон күрган киши.

Эй пари, юз жилва бирлан гулшан ичра қил хиром,
Бир десин қаддингии түбийи жинон күрган киши.

Новакинг күксимга боским, санчилиб қилғай алам,
Дардсиз билмас, билур захми синон күрган киши.

Волаю мафтуну шайдо мумкин эрмас бўлмаса,
Сандадурким бў малоҳат, бў замон күрган киши.

Лолагун тўнлар кийиб, кел қошларинг шамшир этиб.
Англасун албатта бир соҳибқирон күрган киши.

Хўбрўлар, эй амири, ман каби бўлмай нетар,
Васлинг истар дарбадар бехонумон күрган киши.

Ўлтур, эй сурат башар, кўзни кийикдек ўйнатиб,
Бу кеча ногаҳ пари қилсун гумон күрган киши.

Назмини қилди латофатлик Муқимий боридин,
Истасин деб то ўқиб ному нишон күрган киши.⁵

МУҚИМИЙ СҮЗИДИН...

Нигоре учради гүёки манга Юсуфи соний,
Киройи ким кишини бўлса шундог яхши меҳмони.

Ики қошлар камон отмакка мардумни нишон айлаб,
Қолур ким бисмил ўлмай новак ўлса тири мужгони.

Малоҳатлик юзидин Хизр умрини топар одам,
Вале не суд ўлдургай кўзи боққанда пинҳони.

Даҳони чашмаи кавсардан ортиқ, лаълдин лаблар,
Тиши ҳар бир латофат баҳринидур дурри ғалтони.

Хиромини кўруб товуслар боғларда рашқидин,
Чидалмай эртаю кеч бу сабабдин оҳу афғони.

Ўзимда, гарчиким, ҳад йўқ эди алҳамдиллоҳким,
Муборак қўйнига жо топти ашъорим мани они.

Муқимий сўзидин бўйи муҳаббат келгай, эй аҳбоб,
Тараннум қиласа маҳфилларда ҳофизларни хушхони.

ЭЙ ҚУМРИ

Наво чек жонфизо бу кеча меҳмонингман, эй қумри!
Гирифтори ўшал сарви хиромонингман эй қумри!

Фалак бедодидин беболу нармагмум учун келдим,
Асири дилкушо мастона афғонингман, эй қумри!

Ўзинг бир муштипар қушсан, муассир мунча овозинг,
Билолмай дарди пинҳонингни ҳайронингман, эй қумри!

Бўюнда бандалик тавқи, либосинг ранги хокистар,
Бале бу ҳимматига садқа қурбонингман, эй қумри!

Бу иисбат бирла кел ҳасратлашайлик иккимиз бир дам,
Мисоли жугзи саҳро хона вайронингман, эй қумри!

Куярсан ишқида сарвингни маш ҳам гулъузоридин,
Чу булбул — ажралиб шўрида нолонингман, эй қумри!

Манинг-чун не бўлур бир нолаи имдод еткурсанг,
Муқимий, етмас оҳим нотавон жопингман, эй қумри!



ХОРМАНГ

Бориб қишлоқ келибсиз, деб эшилдим, маҳвашо, ҳормані,
Қилибон кетдингиз ишқ үтнің күнгүлга жо ҳорманг.

Жудолиг оташига күйдуриб аз рұйын истиғно,
Қадимни ғам юқидин айлабон охир дуто ҳорманг.

Сухандон тұтиларни лол айлаб бир такаллумда,
Тамошолар қилиб сақрони, эй шириң аді ҳорманг.

Туралмай доғи ҳасратлар билан савдоилар бўлдим,
Мени мундоғ қилибсиз рўзгоримни қаро ҳорманг.

Тағофуллар юзидин қўллари сорига боқмасдин,
Бўлурсиз мунча ҳам бегоналар ноошио ҳорманг.

Чиқиб ҳар кун гузарга йигласам элдин ишон айлаб,
Бу янглиғ мунтазир айлаб мени шому сабо ҳорманг.

Муроди орази бир очсангиз дийдорингиз кўрса,
Муқимийким қилибдур бу ғазалии муддао ҳорманг.⁶

МАКАЙЛИК

Вақтики санга бўлдим ошно ман Макайлик,
Чун лола қонга тўлдим афгорман Макайлик.

Бошларда шўру савдо, йўқ санда зарра парво,
Лутфу карам бўлакко, ман хорман Макайлик.

Зоҳидда жўст-жўйи, хулди канори жўйи,
Муштоқи орзуйи, дийдорман Макайлик.

Сабрим қани чидарга, кўрмай даме туарга,
Кўрсат юзунг кўрага, кўп зорман Макайлик.

Тўти хижил сўзингдин, ой хийра юлдузингдин,
Кўрмайман ҳеч ўзнигдин, тигдорман Макайлик.

Хилватда кошки кўрсам, рухсорингга термулсам,
Рози дилимини қилсам, изҳор ман Макайлик.

Қилсам гаровин жондин, чиқсанг шаку гумондин,
Сандин бўлак улфатдин, безорман Макайлик.

«Ушишоқ», «Баёт» га дилтанг, ёқмайди ўзга оҳанг,
Тинглай ўзинг ўқусанг, «Гулёр»ман Макайлик.

Маълум бўлубдур ҳолим, кеткай Муқим хаёлим,
Йўқим пул ила молим, бекорман Макайлик.⁷

ҮЙНАЙЛИК, КУЛАЙЛИК

Эй яхшилар, келайлик, бир жойга йиғилайлик,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Бу умр экан бақосиз, дунёйи дун вафосиз,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Хуш кечган дам ғанимат, кўп чекма ранжи заҳмат,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Ғамдин қуриб мажолим, йўқ эмди зарра ҳолим,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Ҳаллоқ бандапарвар, қўй, қилма ваҳми маҳшар,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Жўш урса баҳри раҳмат, журмилиг тамоми туҳмат,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Гулбоғларда хуррам, бориб тур эмди биз ҳам,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Ол пардани юзингдин, юр, ўргулай кўзингдии,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Эй шўх ушлашиб қўл, келсангчи токи бир йўл,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Айлаб ғамингда гирён, туттинг демайки, эй жон,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

Йиглаб Муқимий, токай топмас муроди найлай,
Үйнайлик, кулайлик, омон бўлайлик.

УЛФАТЛАШАЙЛИК

Кел, эй дилдор, бир улфатлашайлик,
Солиб бўйнингга қўл ҳасратлашайлик.

Неча муддатки муштоқи жамолинг,
Кел, эй нозик бадан, суҳбатлашайлик.

Паёлай соқиё тут жоми майдин,
Мени маст этки, бир ишратлашайлик.

Куяр жоним фироқинг дўзахинда,
Висолинг боғида жаннатлашайлик.

Висолингға столмай зор токай,
Жунун даштида бир ибратлашайлик.

Рафиқлар манзили мақсадуга етди,
Биз ҳам орқасидин суръатлашайлик.

Муқим, монанди булбулваш наво чек,
Ки то гул васлига, қурбатлашайлик.

ТИМСОЛИНГ ЪШАЛ

Үдлү анбарким дегай эл, зулф ила холинг ўшал,
Ҳар баҳор очилса аҳмар гул, рухи олинг ўшал.

Үтма қилмай раҳм, жоно, ҳолига афтодалар,
Нечаким кўйинигда ётган бепару-болинг ўшал.

Демаким ҳижрон юкидин қоматинг не навъ хам,
Қил тааммул гўйиё номингдаги долинг ўшал.

Лутфинги шарҳина гар юз йил Фалотун чекса тил,
Эй карам тийнат яна фаҳмимда ижмолинг ўшал.

Бўлса ҳусн ойинасидин ҳар бири ким жилвагар,
Фарқи хижлат ўлмишам демакда тимсолинг ўшал.

Ердин сабр эт жафолар кўрсанг, эй дил, раҳм этиб,
Деса шоядким: «Начук ҳажримда аҳволинг ўшал».

Гар деса кайфиятидин нутқи, жонбахшинг, Муқим,
Хуш такаллум тўтилар ҳам гунгу, ҳам лолинг ўшал.

ОФАТИ ЖОНДУР ЪШАЛ

Ҳажри — дўзах ошиқига, васли — рузвондур ўшал,
Мағфират раҳминг, тамуғ жаврингки сўзондур ўшал.

Эл топар ҳар дам каломингдин ҳаёти тоза жон,
Лаб-Масиҳо ё даҳонинг оби ҳайвондур ўшал,

Шеваи ноз ила ким кўзгуга боқтинг, эй пари,
Ул кун эмди то қиёмат маҳви ҳайрондур ўшал.

Меҳри рухсоринг хаёлидур тамошойи чаман,
Эй Эрам боги жамолинг зулфи райҳондур ўшал.

Жилва бирлан расталар ичра хиром этсанг агар,
Ҳашматинг кўрган демасму: «Қайси султондур ўшал?»

Накҳати меҳру вафо еткурдни анбар кокилинг,
Дер ики фаттон кўзингким: «Маҳз ёлғондур ўшал».

Айладинг бисмил чиқармай қон, қошинг тифи билан,
Ангаким сув берди мундоғ, мунча буррондур ўшал?

Навбаҳор очилса гар лола дема ҳажринг туни,
Неча турлик кўздин оқкан ҳар бири қондур ўшал.

Сафҳай васфинг зарафшон қилди назм ила Муқим,
Дермукин деб: «Лутф этай аз баски меҳмондур ўшал».

К Е Л

Нигоро, аср вақти Исфиҳон кел,
Рақиблар кўрмасун, аммо пихон кел.

Зарофатлиғ ўзинг яхши парисан,
Эмас ҳожат санга мандиш— Равон кел,

Утуб боқмай қиё аҳли ҳавасга,
Шитобон шўх чун оби равон кел.

Муҳаббат қўйган ошиқларга сан ҳам,
Кўюб бемеҳрликни меҳрибон кел.

Худо халқ этса билмам йўқса сендуқ
Қани эмди чиройлик навқирон кел.

Отарға ошиқнинг кўкси пишона,
Үқнинг — кирикларинг, қоининг — камон кел.

Намангаңда Муқимий рози сендин,
Илоҳо ким, бўлиб, кўп йил омон кел.⁸

ЭЙ ҚАМАР РУХСОР, КЕЛ

Бир йүл айлаб субх шомим, эй қамар рухсор, кел.
Рұзғорим айламай мұндор қороғен тор кел.

Рух очиб сүйи чамаиди гул ўзига фахр этар,
Шармсор ўлсун күрубон айланиб бир бор кел,

Ҳар қачон чиқсанг, нигоро, боғ сори лоғ урап,
Қабк ила товусларга күрсатиб рафтор кел.

Әътибор олиб ўзини лаъл даъволар қилур,
Синдириб қадрини эл ичра қилиб бекор кел.

Ногаҳон овлаб күнгилларни ўзингга, дилбаро.
Ҳар купи бир бор ақалли якка беағер кел.

Хурраму хандон қизил гулдек қизориб, очилиб,
Қилмайин соғинтириб күп ҳам күрарга зор кел.

Айлабон лутфу карам, келмоқчи бўлсанг, маҳвашо,
Сурмалар тортиб, қилиб наргисларинг хуммор, кел.

Назми таъвиз ўринига ўтса, Муқимий, тоңг эмас,
Хуш ярошур кокилингга тоққали туммор кел.

ОРАЗИНГНИ НАМОЁН ҚИЛ

Оразингни, эй маҳваш, бөг аро намоён қил,
Лола күксини дөг эт, ғунча бағрини қон қил.

Күрсатиб баногоҳи қошларингни меҳробин,
Шунча йилғи зоҳидни зухдидин пушаймон қил.

Ҳар тараф чаманларда лоф урап хиромига,
Кабк то хижил бўлсун, жилва бирла жавлон қил.

Ман ҳам ўзгага, жонон, ёр бўлмайин эмди,
Бас инонғудек сан ҳам аҳд бирла паймон қил.

Ҳажр аро қолиб сансиз, саҳт хастамен — бемор,
Бир сўраб келиб ногоҳ, дардларга дармон қил.

Гулшан ичра қаддингдин кўргузуб назокатлар,
Сарв шохини синдур, хок бирла яксон қил.

Хуснни закоти чун тобакай ривож топсун,
Ҳар маҳал Муқимийға бўса нархин арzon қил.

ҲАЙРОН ҚИЛ

Сайри бөг этиб, жоно, ҳар тарафға жавлон қил,
Сарв лоғ урар шохин синдириуб мусулмон қил.

Юрмасун тиниғлиғда дам уруб ҳар ойина,
Оразингә ҳар маҳшар бир боқишида ҳайрон қил.

Дөғ сийнаси сансиз ғам билан жигар хүнрез,
Доманинг насимидин ғуңчаларни хандон қил.

Қайтиб ўзга ойлардин саңға боғладим күнгүл,
Эмді тозадин сан ҳам манға аҳду паймен қил...

Сүз очиб тақаллумға барғы гул каби лабдин,
Дүррү лаъл нархини хок бирла яксон қил...

Хаста, нотавон, ожиз құлларинг сўраб, йўхлаб,
Кўзларига гардингни сурмаи Сулаймон қил.

Учраса агар эсқил қошларингни меҳробин,
Кўрсатиб бурун қилғон зуҳдидин пушаймон қил.

Юзу кўзларим топсун маҳлиқолар ҳуснидин,
Гар десант, Муқимий сан, азми Чусту Косон қил.⁹

НАМОЁН ҚИЛ

Оразинг очиб, жоно, кечаси намоён қил,
Ойни шармсөр айлаб абр ичра пинҳон қил.

Бисмил айласанг мардум, чекма тиғ учун тасдиъ,
Қошларинг камон тайёр, новакингни мужгон қил.

Дам-бадам ширин ман деб, ўздин ошмасун кўп ҳам,
Қанд қийматин синдур, нархн шаҳд арзои қил.

Равшан этмадинг кулбам, юз йўли борурман деб,
Ким деган санго мундоғ: ваъдаларни ёлғон қил.

Ҳусн боғига ногаҳ тушмасун ёмон кўзлар,
Чиқма очибон кўксинг, тугмадин гирибон қил.

Хуррам очилиб яшиаб, юзларингни тобидин,
Ҳар тараф солиб партав базмии чароғон қил.

Эй пари, қиё боқиб, воқиан пимаинг кеткай,
Неча йилги зоҳидин эзҳидин пушаймон қил.

Ухламаслиғинг билғаи ўзга шаҳрлик англа,
Гоҳ бир карам айлаб, мардуми Наманғон қил.

Муддаи бўлиб кўзгу ўзни «хўб тиниқман» дер,
Бир қараб жамолингга хоҳи маҳву ҳайрон қил.

Навбаҳори ҳуснингни кел Муқимий сайр этсун,
Сабзалар хату холинг зулфларнирайҳон қил.

ЖАВЛОН ҚИЛ

Субҳидам кириб, жоно, бөг ичинда жавлон қил,
Доманинг насимидин гүнчаларни хандон қил.

Дилбаро ёзиб гесу ҳар тарафга гулшаниш,
Ноз ила хиром айлаб саҳнии айбаристон қил.

Ёр кўйидин келса сийлаб ит этосини,
Эй кўнгул юрак-багринг ташлаб анга меҳмои қил.

Қилди сарв нозиклик қоматингга даъвосин,
Эй санам қилиб жилва куфрини мусулмон қил.

Хўблар амирисан бенавололара мандек,
Марҳамат маҳаллидур, лутф бирла эҳсон қил.

Офтоб агар хижлат абрга десанг ботсун,
Пардани кўтар юздин оразингни тобон қил.

Неча муддат ўлдиким ҳажр ила Муқим бемор,
Эй нафас Масиҳ осо дардларга дармои қил.

МЕХРИБОН БҮЛ

Аё гулчөхра бир дам меҳрибон бўл,
Дубора, яъни жонсиз танга жон бўл.

Халойиққа солиб юз шўри-маҳшар,
Сенга ким айди: офоти замон бўл.

Очиб юз мунтазир наргис саросар,
Карам айлаб чаман сори равон бўл.

Нигоро, лол бўлғай тўти ногаҳ,
Замоне лутф ила ширин забон бўл.

Хўқандда хушламам сендин булакни.
Инсониб, хоҳ майлинг бадгумон бўл.

Алингдин берма дер эрдим инонинг,
Бор эмди, эй кўнгил, ҳажрида қон бўл.

Нетай, сўр ҳол, хоҳи қил фаромуш,
Муқим ҳар ердаким бўлсанг омон бўл.

КУЛБАМ АРО

Кулбам аро қўйди бу дам, юз шукр ул барно қадам,
Масканларим айлаб карам, қилди гулистоин эрам.

Жаллод кўзлар қоп-қаро, мужгонлари дур сурма-со,
Қайрилма қошлар, гўйиё, хунрез шамшири дудам.

Жоно дедимким, содда рў, кўпдур гўзаллар тунди хў,
Суҳбатда ширин гуфтугў, олифта сандек шўхи кам.

Айди кулуб: «Эй нотавон, ҳажримда рангинг заъфарон,
Жавру жафо қилдим ёмон, маъзур тут чектинг ситам».

Айдимки: «Қулликка битиб, келган замон ташриф этиб,
Қолди кўнгуллардин кетиб, ҳар қанчаким ранжу алам.

Гул-гул ёниб, рухсор очиб, гуфторидин дурлар сочиб.
Келмас Муқим эмди қочиб, кетти қилиб чун ваҳши рам,

МУНДОГ АШЬОР КАМ

Нозапинлар ичра сандек ңозанини дилдор кам,
Мубталолар ичра мандек мубталойи зор кам.

Онча бордурлар қаро күэлар Хұқандда сан каби,
Ваъдасида турмаган шүхп жафокирдор кам.

Равнақу, ҳусну латофатларки, жоно, сандадур,
Оғиамас мардум бутунким, ҳоли ҳам (хардор) кам.

Сунъ боридин қани рангеки, бош чекмас баҳор,
Лек очилгай ўзунгек сарви гулрухсор кам.

Жаъди мушкинингга тикди беадаб таъзириға,
Қылса ҳам шамшод күнглиш чарх агар афгор кам.

Илгари маҳтоб эди, эмди фуруғи қолмади,
Е магар чиқдингму билмайманки, шаб бозор, кам.

Назмими мағзина васфинг сўзидин гуллар тақиб,
Айладим мундог, Муқимий, дилбаро, ашъор кам.

К А М

Рост қаддингдек жаҳон боғида сарв озод кам,
Ҳам бу қотил кўзларингдек қон тўкар жаллод кам.

Ваҳ на бепарво фалак, шўхи ситамгардурки сен,
Бўлмаган вайрон алингдин хотири обод кам.

Офати жон, зулфи райҳон, анбарни холу хати,
Юзлари — гул, сочи — сунбул, қомати — шамшод кам.

Фитиахӯ, тунду тагофул пеша хўблар кўп: ва ле
Сан каби бебоку золим, сангдил, пўлод кам.

Одамидин бир ўзингдек навжувон бор ўлганин,
Ушбу гулшан ичра пири даҳр билгай ёд кам.

Хома синдуруди, чеколмай суратниг тасвирини,
Синган эрди шунича суратлар чекиб Беҳзод кам.

Наргисинг жаврин Муқимийга кўриб раҳм айламиш,
Чарх айлар неча кундур мес дедим: «Бедод кам!»

ЙИГЛАСАМ

Кулма, эй бедардлар, ман бенавоға, йиғласам,
Айб әмас ишқ ичра дарди бедавоға йиғласам,

Үзгаларға ёр — ёрим, күймайинму ўртаниб,
Не ажаб бегоналарға ошноға йиғласам.

Зарра таъсир айламас, ул тош күнгүлга гарчи ким,
Күз ёшимдин айланур ул осиёға йиғласам.

Ул қаро күз ҳасратидин чўл кезиб Мажнун каби,
Умрими борича оҳуи Хитоға йиғласам.

Очилур ботин кўзи гумроҳ ман бошим узуб,
Қайси хоки-пойи ёраб тўтиёға йиғласам.

Бир қаро бахтимга арзийдур саропо кўз ўпуб,
Даҳрда ҳар ерда бир бахти қароға йиғласам.

Сабр этай шояд, Муқимий, ул санамға хуш келиб,
Ишқ шартидин әмас, жавру жафоға йиғласам.

ЖОНГИНАМ

Қошларинг ёсиға айлардим тасаддуқ жонгинам
Бўлсанг эрди кеча ёлғиз келиб меҳмонгинам.

Мости жоми васл қилсанг эрди бори ҳайфким,
Дилгинамда қолмас эрди зарран армонгинам.

Равшан эрмас боғ тамошоси кўнгул бўлса бас,
Манга зулфинг сунбулу кокилларинг райҳонгинам.

Хўблар кўп, йўқ саботи сўзларида, сан хусус,
Барчасидин суст аҳду ваъдаси ёлғонгинам.

Эмди сандек [ёру сангдилға] қадрдон бўлғуча,
Ғам билан ўтса керакким, муддате давронгинам.

Ногаҳон қилғил ҳазар, жоно, Муқимий оҳидин,
Доманингдин тутмасун то рўзи маҳшар қонгинам.

ДИЛДОРИНГНИ СӨГИНДИМ

Фироқингда қолиб, эй шўхи дилдорянгни сөгиндим,
Хаёли жилвагар товус рафторингни сөгиндим.

Мусаллам шеван маҳбублиғ ҳар тўғридин аммо,
Тамомидин, хусусан феълу авторингни сөгиндим.

Сўраб келганларинг гаҳ-гоҳ чиқмас ҳеч хаёлимдии,
Шитоб эткан шошиб кетмакка кирдорингни сөгиндим.

Ики жоду кўзинг ёди хароб айлаб дилу диним,
Ҳаловат баҳши жон лаъли шакар борингни сөгиндим.

Жафони лоақал тарк этма, майлинг, қилмасанг ҳам
лутф,
Чекиб кўп хўй этиб ман жавру озорингни сөгиндим.

Ўтар муддат насиме ҳеч қилмас хун думоғларни,
Ёмон гесуий анбар мушкин тоторингни сөгиндим.

Муқимий, булбули шўридаман учсан қанотим йўқ
Кўрар кун бормукин оламда гулзорингни сөгиндим.¹⁰

ОШКОР ЎЛГАЙ СИРИМ

Ошкор ўлгай сирим ҳолим баён айлай десам,
Тор кўнглим сиғдиролмайдур ниҳон айлай десам.

Бу баҳор бир дам, дариғо, толеим ёр ўлмади,
Ушлашиб қўл сайри боғу бўстон айлай десам.

Ишқ шартидин эмас сирри муҳаббат бўлса фош,
Кўрқаман кўздан сиришкимни равон айлай десам.

Монин шавқим бўлур, минг истиҳола халқдин,
Гул юзинг кўрганда булбулдек фифон айлай десам.

Жойи олий ўрнига бир кулбай торику танг,
Ҳайфким ҳам, йўқ такаллуф меҳмон айлай десам.

Оҳким бўлмас мұяссар қошлиаринг меҳробиға,
Сидқ ила ўзни ман ул дам мусулмон айлай десам.

Найлайн сайд ўлди холинг донасига жон қуши,
Бир бокиб ҳуснунг, Муқимий, имтиҳон айлай десам.

ЗОР АЙЛАДИНГ СЕН ҲАМ

Нигоро, бир күрарга оқибат зор айладинг сен ҳам,
Десам захмимға марҳам, жонима кор айладинг сен ҳам.

Құнгул қон ўлгани етмасмуди боз устиға охир,
Бу янглиғ интизору дийда хунбор айладинг сен ҳам,

Чекар товус оху нола айлар кабк рашикидин,
Магар жавлон қилиб боғларда рафтор айладинг сен ҳам.

Құллимдин ихтиёрим кетди бир дам, қолмади ором,
Парилардек қачонким феълу атворт айладинг сен ҳам.

Чекиб жавру жафолар, шұхлардин камму таъзириим,
Ки, якбора осарға бегунақ дор айладинг сен ҳам.

Муқимий, қайси гул ишқида мундоғ ўтлу булбулдек
Фигон қилдинг, куюб фарёди бисёр айладинг сен ҳам.

А И Л А Р М У Д И М

Саъб экан мундоғ жудолиғ ихтиёр айлармудим?
Үзга ман ёруғ жаҳонни тангу тор айлармудим?

Дарду сўзи ишқни тан ичра жондек сақламай,
Ун чекиб беҳуда элға ошкор айлармудим?

Иўл топарға домани нозига бир ҳиммат қилиб,
Оҳким йўлида жисмимни ғубор айлармудим?

Қилма пандинг, носиҳо, девонаман суд айламас,
Эмди фаҳми сабру, орому қарор айлармудим?

Халқ лутфу макраматлар айлагай беҳад манго,
Субҳа қўй, эй зоҳидо, шукрин шумор айлармудим?

Асримай мужгон сафида етса гар чоки-жафо,
Ташлаюб бечорани ҳар ерга хор айлармудим?

Нолае дейманки булбулдек, Муқимий, айласам,
Бир яна фирмавс васлиға гузор айлармудим?

А Ф А Н Д И М

Эшит сүз қолмасун пинҳон афандим,
Аё эй ваъдаси ёлғон афандим.

Қани якшанба кун гаплашкан эрдук,
Борайлик деб «Янги Қўргон» афандим.

Буғулгандур зимистон қишлоғида,
Киши йўқ тоза Махдумжон афандим.

Бўлуб рўзиға шокир мўмин эрсанг,
Жаҳонда қилмагил армон афандим.

Ҳар иш улфат билан хуштур ва гар на,
Биҳишт одамки йўқ — зиндан афандим.

Жувон мардона ҳиммат шулки, ёлғиз
Емаслик учраса руммон афандим.

Қаю... сари келсам кетубдур,
Қилиб доғлар ики меҳмон афандим.

Келардим ман дариғо шул замоне,
Агар ўлтурсалар бир он афандим.

Магарким куйдуруб кетмоғлиқ эркан,
Дубора мақсади жонон афандим.

Қелиб куйғонни ўчирмоқдин ортуқ,
Уруб сув қилдилар сўзон афандим.

Фалак кажравлиғидин қунжи ғамда,
Муқим ойинадек ҳайрон афандим.

АЙЛАЙ БАЁН АФАНДИМ

Махфи қулогингизга айлай баён афандим,
То қолмағай бу сүз ҳам әмди ниҳон афандим.

Иқболу давлатингиз бўлсун баланд доим,
Ераб, тижоратингиз қилсун ҳаён афандим.

Эшикларингиз очиқ, савдогар аҳли ичра,
Тун-кун фақири мискин ер ошу нон, афандим.

Кўнгил яқинлиғидин гўстохлик қилурман,
Тобора қиш-совуқ, йўқ гуппи чопон, афандим.

Чит тўққиз олчин, астар пахта билан тайинланг,
Борган замони берсин ул бегумон, афандим.

Мошиначиға бериб, тиктурмаганда барвакт,
Совуқ ҳаво, Муқимий ожиз ёмон афандим¹¹.

НОМЕХРИБОН КҮРДИМ

Баногоҳ күчада бир дилбари абрӯ камон күрдим,
Хаданги новакиға ногаҳон кўксим нишон күрдим.

Юзи гул, даврида райҳон ила сунбул хату зулфи,
Қадини ҳам назокат боғида сарви равон күрдим.

Фурӯғидин жамолини дурахшон, юрса ҳар жониб,
Масиҳ анфосидин гўё рамақсиз танга жон күрдим.

Тушиб рухсориға кўз ул куни, кечдим бўлаклардин,
Агарчанди пари ҳам ўзни арз этса, ёмон күрдим.

Мабодо билмасун ағёрлар деб, эҳтиёт айлаб,
Нетонгким ҷиширик кўнгилда ҳар соат ниҳон күрдим.

Сиришким қон бўлиб ҳажрида кифрикларға ортилғоч,
Муҳаббат чорбоғида очилган арғувон күрдим.

Муқимий шўхлардин кўп кўрардим меҳрибонликлар,
Ани, лекин, ёмон ошиқлара номеҳрибон күрдим.

ОХ, УМРИМ

Ох, умрим бир санам ишқида барбод айладим,
Боқмади чандонки йиғлаб доду фарёд айладим.

Ҳар неча меҳру вафо изҳор қилдим билмади,
Үл фаромуш айлади, мен қанчаким ёд айладим.

Шонаи зулфиға нисбат истаюб бу боғ аро,
Бесамар жисимини охир нахли шамшод айладим.

Муддате таъмир, забти ҳол этай деб кўзларим,
То хароб ўлдим десамким дилни обод айладим.

Кимга улфат тутдим андин манга етти минг жафо
Тарзи шул бирлан дедимким кўнглуми шод айладим.

Сўрма, эй бедард, қасру, боғу мулкимни мени,
Ўзни нехуш гар тааллуқлардин озод айладим.

Оҳу фарёдим, Муқимий, ё малолат еткуриб,
Кўнглуми ибромдин тобора пўлод айладим.

К Е Л Д И М

Кўп эрди ҳасратим, жоно қилай изҳор деб келдим,
Муқими кунжи ғам эрдим, сени ғамхор деб келдим.

Хатингму раста-растা сабза, ёрайҳони жаннатму,
Юзинг кўрсат, тамошо айлайн, гулзор деб келдим.

Бориб ойдек жамолингни кўрай деб соғиниб чиқдим,
Қачон қилмоқ учун савдо-сотиқ бозор деб келдим.

Кўзим оқсун ғараз ком ўлса гар ўзга тамошойи,
Нигоро, васлинг истаб маҳз бир дийдор деб келдим.

Қаро оҳу кўзинг ёдида эрди тийра айёмим.
Малоҳатда юзинг хуршеди пур анвор деб келдим.

Азоб эрмас эди чиқмоқ кишига қиши ҳавосида.
Бошинг ҳаққики, шундин-шунга мен, сен бор деб келдим.

Кўй, эй мутриб, «Баёт», «Ушшоқ» ёқмайди қулоқларга,
Тараннум айласанг маҳфилда қил «Гулёр» деб келдим.

Гирибонингдин очсам тугма бир-бир тутма илкимдин,
Ярашган румча кийган кўйлакинг гулнор деб келдим.

Қошинг меҳробига жону дилим бирла эгиб қаддим,
Белимға боғламакка зулфлар, зуннор деб келдим...

— Бу ерга ким учун келдинг? — дебон сўрма Муқимийдин
Кўрарга бир суманбар, сарви гулрухсор деб келдим.

ХАЖР ОҚШОМИ

Маҳвашо, ҳажр оқшоми уйқуға юмсам гар кўзим,
Конға тўлғай санчилиб мужгонларим — ништар кўзим.

Неча боқсам орттуриб ҳасрат, сафо топкай юзунг,
Оч ниқоб оинаи ҳуснингга равшангар кўзим.

Субҳ бўлғай токи шомим ҳоли беморинг сўраб,
Равшан этсанг не бўлур, эй шўхи маҳпайкар, кўзим.

Рўзу шаб йўлингда термулдим баҳадде дилбаро,
Интизорингни чекиб чун ҳалқаи дар ҳар кўзим.

Хуррам ўлсам, йигласам ғам тунларида тонг эмас,
Бода иссам, қон — ёшим, мийно — дилим, соғар — кўзим.

Улки жонингни, дединг, пинҳон боқиб, қилғил нисор,
Чин, деди жоним бу сўзни қилмади бовар кўзим.

Назм танбуурини [васфинг] бирла соз этди Муқим,
Ҳар начук бўлса эшиктайлар қулоги кар, кўзим.

ТОЛЕИМ

Оқим, афсус, әмас ҳеч ишда раҳбар толеим,
Вожгундур имтиҳон қилдимки, аксар толеим...

Юз тарафдин еткуруб гарди кудурат занги ғам,
Айлагай оинаи табъим мукаддар толеим.

Ҳар неча қилсан тавалло — зори қилмас илтифот,
Рўйгардон тескари, тобора бадтар толеим.

Рўзгорим тийра, иқболим забун, баҳтим қаро;
Бўлса равshan, бормукин тадбири дийгар толеим?

Ногаҳон берсам, Муқимий, бир мусулмонға салом,
Дафъатан икки қулоғини қилур кар, толеим.

ТАСЛИМ

Раъно қад ила гул каби рухсоринга таслим.
Товус сифат жилва-ю рафторинга таслим.

Шайдои қиласан оҳуни даштида Ҳўтанлар,
Бир боқиш ила наргиси хуморинга таслим.

Юз лутфу назокатда такаллум қилур эрди,
Лол этди ажаб тўтини гуфторинга таслим.

Дилсанг эдинг, раҳм қилиб ҳолими сўрдинг,
Инсофа кетурган сани афкоринга таслим.

Хисравдур агар, хоҳи гадо, жумла гирифтор,
Ҳуснингни матонига харидоринга таслим.

Ўлтурдингу бир сўз ила бағишлиб эдинг жон,
Эъжози лаби лаъли Масиҳ коринга таслим.

Ногаҳ эшитиб булбули шўрида, Муқимий,
Ишқида деди: «Нола билан зоринга таслим».

ОШИҚЛИФ ФАНИМ

Хубларнинг меҳри бўлди пешам, ошиқлиф фаним,
Кимки қайтарса бу ишлардин ўшалдур душманим.

Бир бути бегонапарвар, ошнокуш ишқида,
Доимо ғам ҳамдамим, ҳар ерда гулхан масканим.

Кўрсангиз эгнимда пироҳан эмас, жон ваҳмидин
Ғам сипоҳи тийриборонига кийган жавшаним.

Эй кўзум, нокомлиғдин йиғла чандон ким бадард,
Ғарқ бўлсун ишқ дарёсига бунёди таним.

Доду фарёд айладимким, ўтди қилмай ним нигоҳ,
Сангдил пўлод ул бад меҳри кўнгул оҳаним.

Таънаи ағёр ўлдурди дегайсан, қосидо,
Йўлларида оқибат шул бўлди кўрган, боққаним.

Шамъи фонусдин, Муқимий, ошкора партави,
Булъажабким, тийра рўзим қилди табъи равшаним.

ЭЙ ЕРИ ЖОНИМ

Ошиқ бўлубман, эй ёри жоним,
Васлингни излаб йўқдур мажолим.

Бир йўқламайсан куйган қулингни,
Кўзлари жаллод, нозик ниҳолим.

Раҳм айла манга, эй бағри қаттиқ,
Дийдам тўла қон, эй шўхи золим.

Лаб ташналарга айла наззора,
Қадди чу шамшод, қоши ҳилолим.

Олдинг кўнгулни бир-икки сўзлаб,
Девона бўлдим, тўти мақолим.

Ҳар дам куярман ёдимға тушсанг,
Бир кўрмагунча йўқдур мажолим.

Неча замондур, кўздин ниҳондур,
Ошиқ Муқимий, эй хаста жолим.

ХАНДОН ЭКАН

Шўхеки ўтлиғ орази чун ғуңчай хандон экан,
Ҳам сарви-мавзун қомати, кокилчаси райҳон экан.

Таҳсин нигори шўхи-шанг, олифта, бебоку сатанг,
Савдо мижозу неча ранг, тунду тажанг, жонон экан.

Ой чеҳраси, Зуҳро жабин, овози таъсирлик ҳазин,
Товус жавлон нозанин, булбул сифат хушхон экан.

Ширин асалдин сўзлари, иссиғ ажаб юлдузлари,
Оҳуга ўхшар кўзлари, мардумлари достон экан.

Холи лабини устида, ул нуқтадек лаб остида,
Мундоғ ярашмас ростида, қудрат билан тушгон экан.

Сўз қил, Муқимий, мухтасар, ўюнда лочин ҳамлагар,
Хулласки, рангин жилвагар, мўъжизки Фарзинҳон экан.

АҚЛУ ҲУШ

Ақлу ҳуш учди бошимдин эй пари, девонаман,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин афсонаман.

Дарду сўзу, ашку оҳимни қиёс эт шамъдин,
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Ул замонеким, йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам,
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.

Лаҳзасе заҳри ғаминг, ютмоққа тоқат қолмади,
Нўш этиб васлинг майдин ҳам қачон бир қонаман.

Хома мужгон, кўэ қаросидин ёзиб рози дилим,
Арзае қилдим эшит, маъюсу муштоқонаман.

Оҳким сенсиз қарору, сабру оромим кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Навбати жомим тўла қуйғил карамдин, соқиё,
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастанаман.

Мулки Ҳинду Марвдин келсан топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

ДОФМЕН

Рози дил айтай десам хилват қилолмай доғмен,
Бир кеча ёлғыз топиб сұхбат қилолмай доғмен.

Жавру, бедоду, ситам беҳад чекиб дарду алам,
Күрмакингни биргина ният қилолмай доғмен.

Күча-күйда учрасанг минг истиҳола халқдин,
Тиз букиб, таъзим этиб, иззат қилолмай доғмен.

Хаста күнглум сүзларинг марҳам, замоне оқим,
Бир ўзингга ёндошиб улфат қилолмай доғмен.

Оқим нўш айлабон васлинг майдин журъае,
Ҳосил айлаб коми дил ишрат қилолмай доғмен...

Ұлтурубсен чийни абрў бирла, титраб ваҳмдин,
Бир ўпай дерман, vale журъат қилолмай доғмен.

Неча дерманким, Муқимий ғурбат айлай ихтиёр,
Бир ватандын дил узуб ҳижрат қилолмай доғмен.

БЕПАРВОЛИФИНГДИН ДОФМЕН

Оҳким, бегонага ошнолифингдин доғмен,
Ошнога, яъни бепарволифингдин доғмен.

Ошиқа айлаб итобу, нозу истиғно мудом,
Сўрмаган бир йўл кўнгул хоролифингдин доғмен.

Зулм ҳарфидин бўлакни битмаган азрўйи лутф,
Хат чиқориб яхши, хуш иммолифингдин доғмен...

Мардуми пулдор бирлан унсу улфат субҳу шом,
Фақр аҳлидин ҳазар, донолифингдин доғмен.

Хўбрўлар кўпдур, аммо важҳида бадгиналиғ,
Мисли кам Фарғонада танҳолифингдин доғмен.

Үртанурмен тушса ёдимга хаёли оразинг,
Ҳусн боғида кўруб раънолифингдин доғмен.

Нолау оҳингни гулрухлар эшитмас гарчи ким,
Эй Муқимий булбули гўёлифингдин доғмен.

БИЛМАСМУСАН?

Эй пари, күнглум олиб, қон ўлдигин билмасмусан?
Дард бердинг менга дармон ўлдигин билмасмусан?

Сурма устина қўйиб кўзни қиёмат айладинг,
Сурмасиз ҳам офати жон ўлдигин билмасмусан?

Боғдаким рухсор очарсан, гул хижил бечоралар,
Рашқдин чоки гирибон ўлдигин билмасмусан?

Боғлар зулфинг ҳавосин белима зуннорлар,
Йўқса тарсонинг мусулмон ўлдигин билмасмусан?

Каъбаи кўйингда давлатхоҳ ўлан манзурлар
Аксари ҳожи пушаймон ўлдигин билмасмусан?

Ажз ҳам элтар қаноат бирла, эй дил мақсада,
Мўр наздики Сулаймон ўлдигин билмасмусан?

Иўлида чекмак Муқимий чанд ғанжи интизор,
Шўхларнинг ваъда ёлғон ўлдигин билмасмусан?

НИГОРО, ЗОР ҮЛУБМЕН

Нигоро, зор үлубмен ком олурға гулъузорингдин,
Қачон васлинг кўрарман, оҳ ўлдим интизорингдин.

Агар лутф этмасанг лаълинг майдин журъае, лекин
Ёмон даврингда мен маҳмурлардин, бадхуморингдин.

Бўлиб иқболу давлат ёр, санга ногаҳ ажаб эрмас,
Кириб ҳуснинг риёзи ичра терсам гул баҳорингдин.

Борурға ахтариб минг истиҳола ҳалқдин, аммо
Кўнгулда бўлмасам дерман нари бирдам канорингдин.

Не бўлғай ким хуш этсанг, топса жонлар лаҳзаे роҳат,
Паришон айласанг кокилларинг мушки — таторингдин.

Киши армони борму исказян себи занахсонинг
Муяссар бўлса ҳам кўксингдаги ширин анорингдин.

Муқимий кўнгли қат-қат доғ, жоно, айрилиб сендин,
Тамошо қил, юмуб кўз ўтма сайри лолазорингдин.

ГУЛ ЮЗИНГ ЭРУР МАҚСАД

Гул юзинг эрур мақсад манга сайри боғлардин,
Телбадурман ишқингда сонма әмди соғлардин.

Лутф ила хиром айла кулбамиз сари, жоңғ.
Тобакай күриб юрмак гүшай равоғлардин.

Маҳфил ичра, эй мутриб, соз айлағил «Гулёр»,
Тоб йўқ эшиитмакка «Курт»у «Кўча-боғлар»дин.

Ўзгалар майи васлинг нўш этиб дамодам масти,
Соқиё, дареғ этмай қил карам аёғлардин.

Хони васлингга боре айласанг нетар меҳмон.
Ҳажр кунжида токай ўтмас ош тамоғлардин.

Сўрсалар агар аҳбоб бу чаманда кўнглумни,
Дийда ғунчадек пурхун, дил чу лола доғлардин.

Сабр қил Муқимийё, ҳаддин ошмасин ибром,
Жағларинг ҳориб тушди арзингни демоғлардин.

ҮЗГАНИ ЕД ЭТМАЙИН

Аҳд қилдим эмди сандин ўзгани ёр этмайин,
Хар гули раънога мундоғ ўзни кўп хор этмайин.

Бора-бора майли ағёр айладинг, кетдинг, нетай,
Рашк ўтиға ўртаниб, кўзларни хунбор этмайин.

Дардсизлар билмас эрдилар хуш эрдим оҳқим,
Бўлмас эркан ишқ сиррин элга изҳор этмайин.

Эрта-кеч васлингга шод айлардин ортуқ демадинг,
Интизор айлаб йўлимда мунча ҳам зор этмайин.

Лабларингдин зоҳир эт, жоно, табассум ошкор,
ЛАъл бирлан орзуи дурри шаҳвор этмайин.

Ҳеч тарсо қолмас эрди кўрсалар мушкин сочинг,
Динидин қайтиб демонгким ёди зиннор этмайин.

Хуррам этсанг не бўлурким, соқиё, бир жом ила,
Бу сифат маҳмур субҳимни шаби тор этмайин.

Эй пари, қайдоғ соҳирсанки, олиб ҳушими,
Қўймадинг кўрсам қачон тасвири девор этмайин.

Назмими мағзиға васфини Муқимий тож этиб,
Найлайн ҳар дам ўқиб, номингни такрор этмайин.

ОЛ ХАБАР

Ол хабар ул сарви ноз уйқусидин турганмукин?
Ногаҳон турган эса, туш-муш сўранг, кўрганмукин?

Ботмасун кўргач хижолат абри ичра офтоб,
Турса ҳам чиқмай дебон эшикка, ўлтурганмукин?

Қатра-қатра дур нисор этмакчи эрди кўзларим,
Мақдамиға билмадим, оёни топширганмукин?

Ошнолиқ аҳдида маҳкам эрурмен устувор,
Айла мазмун ваъдасида, косидо юрганмукин!

Рози дил бир-бир садоға шарҳ қилдим, ёрга
Гар деган бўлса, мабодо тоза уқтурганмукин?

Жўралар базмида арз айланг гаҳе Фарзинчага,
Эсидин чиқмай Муқимий, ёдида турганмукин?

БОРМУКИН

Боғ аро ҳам сен каби сарви хиромон бормукин,
Юзлари — гул, сочи — сунбул, зулфи-райхон бормукин.

Ҳур пайкар, тўтидек ширин такаллум, хушсухан,
Тишлари — дур, лаблари — лаъли Бадахшон
бормукин.

Бу сифат меҳроби абрўйинг кўруб беихтиёр,
Бош эгиб ҳозир сукут этмас мусулмон бормукин.

Неча кўз тутдим йўлида қилди келмай интизор,
Дўстлар, васлини кўрганларда армон бормукин.

Эй, ҳакими муддаи, қилғил жавоби босавоб,
Ишқининг дардиға ҳам дорую дармон бормукин.

Ўзгалар ҳар кун. Муқимий, комёби базми васл,
Сенга ҳам боре нигоҳу, лутфу эҳсон бормукин.

АЗОБИ, БОРМУКИН

Нозанин кўп, ўзидек олижаноби бормукин?
Ҳеч бир гулда юзининг оби тоби бормукин?

Зулмати ҳажр ичра қолдим, учрагин, эй қосидо,
Арз қилким соясига офтоби бормукин?

Муддаийлар «булҳавас!» деб таъна айлар ишқида,
То ўзумга бир урай қуръон, китоби бормукин?

Хуш бўлурмен ҳар неча қилса қулидин иҳтиroz,
Ўзгалардин ҳам башарти ижтиnobи бормукин?

Ўлтуруб ағёр ила ҳамгап кўзига фасли аср,
Ошиқиға мундан ортиқ ҳам азоби бормукин?

Неча ҳоли дил Муқимий назми иншо айладим,
Сен каби ушбу асрда хуш жавоби бормукин?

БҮЛСУН ОМОН

Гарчи бир келмайди дилдорим сүраб, бўлсун омон.
Кўз тешилди йўлларида ҳам қараб, бўлсун омон.

Анбарин кокилларидин рашк, гарчанд, айларам,
Ортилур нозик белига беадаб, бўлсун омон.

Қўл тутиб ўткай кўзимча ғайрила гар субҳу шом,
Сурма тортиб кўзга, зулфини тараб, бўлсун омон.

Жоми васлидин рақиби рўсияҳлар комёб,
Қилса ҳам ошиқларини ташна лаб, бўлсун омон.

Ўзгага юз илтифоту марҳаматлар лоақал,
Ким мени сўрмас ҳам аз рўйи ғазаб, бўлсун омон.

Холиму майгун лабида маскан этмиш, ё магар,
Чашмаи хизр узра ҳинду ё араб, бўлсун омон.

Ҳажрида найлай, Муқимий, шукр қилмай чора йўқ,
Оҳу ҳасрат бирла кечкайман ажаб, бўлсун омон.

ҚИЛМАСУН

Ер агар лутф айламас, жабру жафо ҳам қилмасун.
Қилмас эрса манга, ғайриға вафо ҳам қилмасун.

Сунбули зулғи каби ошуфта айлаб ҳар нафас,
Қокилидек рүзғоримни қаро ҳам қилмасун.

Гар әшитмас бўлса боғларда фифону ноласин,
Гул юзин кўрсатмасун, булбул наво ҳам қилмасун

Дардим ишқида куни-кундин фузунроқ билмаса,
Бир мусулмонни ўзиға мубтало ҳам қилмасун.

Йигламоқдин хийра бўлди кўз, демиш фарёдким,
Кўзга боскан изларимни, тўтиё ҳам қилмасун.

Қучмасам нозик белидин бир йўл охир мунча ҳам,
Қоматимни ғам юки бирла дуто ҳам қилмасун.

Гар кафи пойнға қўймоқға муносиб кўрмаса,
Йиглатиб кўз ёшимни ранги хино ҳам қилмасун

Якка бир оқшом кёлиб васлинни гар кўрсатмаса,
Рангу рўйимни бу янглиғ қаҳрабо ҳам қилмасун.

Келмаса кўнгул сўраб, тоҳе Муқим, ағёрсиз,
Бўйла аввал ишқ ўтин дилларға жо ҳам қилмасун.

ПАРИШОН ЎЛМАСУН

Меҳри рухсори хусуфи ғамда пинҳон ўлмасун,
Зулфи янглиғ ҳаргиз аҳволи паришон ўлмасун.

Ҳақ ҳазондии эмин этсун давлати гулзорини,
Лавси идбори билан олуда домон ўлмасун.

Мутрибо, нохун дурушту соэ мизроби баланд
Ер нозукдур мабодо таъби ғашён ўлмасун.

Дийдан бадҳоҳ кўр ўлсун ики оламда ҳам,
Душмани шойистай жисму, тану жон ўлмасун

Айшу роҳат, комронлиғ ҳусн тахтида насиб,
Қилсун эзид умрининг ҳаддида поён ўлмасун.

Лафзи жон бахшин эшит, эй боғбон, бергил хабар,
Ўзга айлаб иддуо тўти сухандон ўлмасун.

Юз малоҳат бирла кўрса гулшан ичра қоматин,
Ким синиб шохи начук сарви хиромон ўлмасун.

Жониға мужгон хаданги тегса, деб қилмас нигоҳ,
Раҳм этиб айлар тағофил бир мусулмон ўлмасун.

Үчқуни анжум била оҳим шароридин бутун,
Бўйла куйдурма бинойи чарх вайрон ўлмасун.

Ул куниким боғ аро тушмиш жамоли партавий
Гул чекиб хижлат начун чоки гирибон ўлмасун.

Нозу истиғно қиличи бирла ўлтурса хушам,
Қосидо, албатта бу сұзга пушаймон ўлмасун.

Шамъи васфин ёндирайким ўтлу назмимдин Мұқим,
Ұчмагина то жаҳон борича имкон ўлмасун.

УРГУЛСУН

Эрам товуслари, юргилки, рафторингдин ўргулсун,
Бошида ҳам мурассаъ тожи дасторингдин ўргулсун.

Хиром айлаб бу сурат бирлаким фирмавс боғида,
Кўрубон ҳуру филмон феълу авторингдин ўргулсун.

Жафони манга қил ҳар қанча бўлса дийдам устиға,
Бу юрган бул ҳаваслар жабру озорингдин ўргулсун.

Ўзунгни кўрдингу ошиққа қилдинг буйла истиғно,
Нетай синдумрайин ойина дийдорингдин ўргулсун.

Бўлиб тунд ўлтуришдин не чиқар ширин такаллум қил,
Чекиб хижлат сўзиға тўти гуфторингдин ўргулсун.

Муқимий, қўй тамошо эл аро бозори шабларда,
Тағофил бирла қилғон кору кирдорингдин ўргулсун.

БИР ҚЕЛИБ КЕТСУН

Сабо, арз айла то ул зулфи райхон, бир келиб кетсун,
Ки топсун бўйидин тан ҳар нафас жон, бир келиб кетсун.

Қолиб ҳижронларида, соғиниб ҳасрат билан охир —
Жаҳон гулзори бўлди менга зиндан, бир келиб кетсун...

Лисони сўзга бовар қилмас эрса, қосидо, айғил,
Ўрай ошиқлигимга маҳфи қуръон бир келиб кетсун.

Қади сарви сиҳини мунфаил айлаб, очиб ораз,
Қилиб гулни хижил чоки тирибон, бир келиб кетсун.

Кўрага бениҳоят зору муштоқ ўлғаним айтинг,
Агар бўлса иши ҳам, ҳаттал — имкон, бир келиб кетсун.

Ҳалишга фурсати гар бўлмаган вақтида ҳам лекин,
Аки тошнинг аросида шитобон бир келиб кетсун.

Муқимий ҳоли зорин сўрғали айни муруватдур,
Дегил инсофлик бўлса мусулмон, бир келиб кетсун.

КИМ ДЕСУН

Үл тағофул пешаға ҳоли харобим ким десун?

Ҳажрида мундоғ мени күрган азобим ким десун?

Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,
Лаңзаे йўқ қечалар кўзларда хобим, ким десун?

Ўз кўмочиға, масалким, тортадур кул ҳар киши,
Бас куюб ишқида чеккан изтиробим ким десун?

Куймаган бўлса бирор меҳру муҳаббат ўтиға,
Шамъдек то субҳ ўртаб таббу тобим ким десун?

Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар,
Йўлида жононими хайру савобим ким десун?

Гар қилич бошимға ҳам келса дегайман ростин,
Сўзки ҳақ бўлса, саволимға жавобим ким десун?

Дўстлар, сўрсанг ғизосидин Муқимий, эрта-кеч,
Кон шароб ичсам, жигарлардур кабобим, ким десун?

ҚИРОН ҚЕЛСУН

Илоҳо жумла тухми бевафоларга, қирон келсун,
Жафожӯ, сифлахӯ, баҳти қароларга қирон келсун.

Йўлида хонумонлар сарф этиб, жонлар фидо қилсанг,
Дариғо, ҳеч билмас норасоларга қирон келсун.

Қўюб кўнгул муҳаббат боғласанг қонлар ютуб доим,
Ўлурсан айрилолмай, рўдаполарга қирон келсун.

Қилурлар карру фарлар икки кунлик даври давронга,
Кибрлик маҳмадона, бадҳаволарга қирон келсун..

Бу юрган бетамиз, нодон жувонлар ҳам бозорларда
Балодек учраган шилқим гадоларга қирон келсун.

Амон бўлсун, кўкарсунлар агар донолара улфат,
Муқимий, бир неча паст ошноларга қирон келсун.

УЛ МАҲЛИҚО КЕЛСУН

Бориб арзимни еткур, эртароқ ул маҳлиқо келсун,
Кетиб, ҳижрон ўтиға куйдуруб, қилмай адo келсун.

Чекарга фурқатини эмди бир зарра мажолим йўқ,
Агар шул вақт келса тоза, лекин авлиё келсун.

Бу юрган норасолар базмида хуш бўлмагай кўнглум,
Агар ҳар лаҳза қон юттурса ҳам ақли расо келсун.

Қўнарга ўзга манзил истамай таъйин қил, эй қосид,
Нишимангоҳи кўзлар манзаридур, бенбо келсун.

Ғуборим ерда қолди бир хиром айлаб бошим узра,
Қилурга заррани хуршед бирлан ошно, келсун.

Жудолиқ дарди ҳам ағёр таъни — оҳ ўлдурди,
Ёруғ дунёни кўп ҳам айламай зиндансаро келсун.

Муқимий илтимосим шулки: шўхн гул узоримдин,
Қудумига агарчи сийму зар кам, жон фидо келсун.

ХИРОМ ЭТ БОҒ АРО

Сановбар қоматингдин шармисор осор айлансун,
Хиром эт боғ аро, то, эй пари атвон айлансун.

Агар-чун икки-икки қўл тутиб юрганда гулрўлар,
Муносиб сиз билан хуршиди пуранвор айлансун.

Лабингга лаълни рангинлиғидан нисбати бордир,
Анинг-чун элда топмиш қадр ила миқдор айлансун.

Хино қўйдунг санга ул ҳам, ниғоро, юқ мени фаҳмим,
Мабодо нозик илкинг топмасун озор айлансун.

Хўтан даштида кезмиш ҳасратидин чашми мастиングни,
На деб беҳуда хайли ваҳши ҳам бекор айлансун.

Эмас шайдо десанг кабки дағи рафторима, жонон,
Нега шавқи хироминг бирла ул кўҳсор айлансун.

Нигоҳинг тушмаган бўлса чаман ичра на боисдин,
Қолур ҳайратда нарғис ғунча дилафгор айлансун.

Муқимий ман киму қилмоқ тавсифи хушрўлар,
Буюрди азкиёлар айладим ноҷор айлансун.

А И Р И Л М А С У Н

Хеч ким мендек илоҳи ёридан айримасун,
Меҳрибон, мунис ўшал дилдоридин айримасун.

Хонумонларни бериб барбод етмай васлиға,
Бўлубон маъюс йўқу боридин айримасун.

Ҳажр осеби ҳазонида бўлиб шўридаҳол,
Андалебе мен каби гулзоридин айримасун.

Қосидо, кўнглум қуши банд эрди, айғил зинҳор,
Ишқилибким зулфи анбарборидин айримасун.

Дўстлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолик дардини,
Душманинг ҳам бўлса ўз ғамхоридин айримасун.

Бандае, ёраб, Муқимийдек бўлиб хору касод
Суду савдодин қолиб, бозоридин айримасун.

А И Л А Н С У Н

Қадингдин сарвлар бөг ичра, эй гулфом, айлансун,
Күзүнгдин ўргулуб наргислари бодом айлансун.

Ики-уч донаи. холинг ҳавосида жамолингдин,
Бўлиб кўнглум қушиға икки зулфинг дом айлансун.

Рақиблар аҳлиға айлаб ажаб ширин тақаллумлар,
Тагофул манга йўқтур лоқал дашном айлансун.

Ироқдин айланолмай доғдадурман, эй пари пайкар,
Бориб энди менинг-чун ушбуким пайғом айлансун.

Хиром эт кабкни кўнглида қолсун онча армонлар,
Ололмай тоғу тошлар бир нафас ором айлансун.

Ичиб ағёrlар васлинг майдин маст базмингда,
Карам қил ман сари ҳам соқиё бир жом, айлансун.

Неча дамсозлиқ бегонаға, эй кўзлари оҳу,
Нетарким ошно бўлсанг манга ҳам ром айлансун.

Муқим васфингни дуррин хотами наэмиға чекмишdir,
Колур деб яхши сендин ҳам жаҳонда ном, айлансун.

НАЙЛАСУН

Васлингга еткан кишилар гулситонни найласун,
Қоматинг турганда тўбийн жинонни найласун.

Дилбаро, муштоқи дийдори малоҳат парваринг,
Матлан анвори хуршеди жаҳонни найласун.

Ҳар кишини сен каби ким бўлса дилдори агар,
Ёқмагай ҳаргиз бўлак номеҳрибинни найласун.

Жон ситон мужгонларинг, жоно, шаҳидлик истаган,
Қошларинг олдида тиги Исфиҳонни найласун.

Гар бу истиғно билан қилган хироминг кўрса ким,
Қилмайин мақдамларингга ҳадя жонини, найласун.

Ҳусн шоҳилар тағофул қилса доим айб эмас,
Хам қади мендек, гуломи нотавонни найласун.

Тори-тори зулфинга жонлар қуши банду асир,
Қўй Муқимий ўргулай ўзга жаҳонни найласун.

САН УЧУН

Дилбаро, ҳажрингда дил афгордурман сан учун,
Яъни кўрмакка жамолинг зордурман сан учун.

Тонг отиб қайси тарафдин чиқса деб чун офтоб,
Сояи кўз йўлларингда хордурман сан учун.

Охирида кўча бўйлаб, не маломатлар чекиб,
Сангисори таънаи ағёрдурман сан учун.

Кечалар кимлар билан базм этди, деб айлаб хаёл,
Үйқу келмай то саҳар бедордурман сан учун.

Интизорингда очиб ҳар мў бунидин дийдалар,
Софиниб муштоқи бир дийдордурман сан учун.

Субҳи васлинг ёд этиб, жоно, фироқинг шомида,
Қон бўлиб кўнглум шафақ осордурман сан учун.

Демаким савдо-сотуқ айлар Муқимийни, магар,
Кунда чиққан кўча-ю бозордурман сан учун.

ҮЗГА ЁРИНГ БОР УЧУН

То сани мандин бўлак ҳам ўзга ёринг бор учун,
Нола айларман кўнгуллар най каби афгор учун.

Аҳли олам жумла билгай телбаю шайдолиғим,
Сен қалам қош, кўзлари жоду, пари рухсор учун.

Шомлар маҳтоб айлаб, оч юзингни боғ аро,
Қоматингга сарви-ю, гул оразингга зор учун.

Фитна солиб муддао мардумни куйдурмак ишинг,
Чиқмагай сан маҳзи сайри раста-ю бозор учун.

Лол ўлуб гулшанда, ногаҳ, тўтии ширин сухан,
Гаплашиб инсоф қилди сан шакар гуфтор учун.

Васлинги кўрганда кўнгул шод ўлур, аммо не суд,
Қон ютарман рашқдин ёнингдаги ағёр учун.

Ўхшатиб зулфинг хаёл айлаб Муқимий, риштае,
Боғлагай тарсо белиға шавқидин зуннор учун.

ТАРИХИ ЗИЛЗИЛАИ АНДИЖОН АЗ МАВЛОНО МУҚИМИИ ХҮҚАНДИЙ

Эшитинг, эй дўстлар, айлай баён,
Бандаларин айлади ҳақ имтиҳон.

Қаҳр қилиб ибрат учун ошкор,
Зўрини билдириди худойи жаҳон.

Зилзиладин лаҳзада шундоғ шаҳар,
Бўлди чу вайронай чуғез ошён.

Рўзани ўн олтиси сесанба кун,
Қолди иморат тагида инсу жон.

Мадраса-ю масжиду зовидлари,
Оғнади ҳаммому саро-ю дўкон.

Турфатулъайн ичра биноси тугаб,
Чиқти фалак узра фиризу фуғон.

Кимки — тирик қочти яланғочу оч,
Кийса — кийим йўқ, есалар — парча ион.

Олсалар андоқким очиб мардикор,
Улки том остида қолмишиди ниҳон.

Гўйи бўлиб ул куни явмул жазо,
Ўздин умид узди қари-ю жувон.

Ҳолига ул қавмни бенхтиёр,
Ой куюб, йиглади қон осмон...

Хайру худойи йифиб ҳар мулкдин,
Қисмат ила берди бўлуб меҳрибон.

Нонпазу қассоб топиб дафъатан,
Қурди танур ўртага мошин қазон.

Сартча ошлар пишируб эрта-ю кеч,
Бева-ю бечорага сузди шалон.

Аксари урёну ҳаволар совуқ,
Тутти алар бошларига соябон.

Ҳам ярадорин қаротиб дўхтура,
Топти сиҳат дору-ю дармон билон.

Суръат ила хайр улусдин етиб,
Борлиги ҳам хайрият ўлди вогон.

Бўйла агар кўрмасалар илтифот,
Саҳл эдн ким қолмаса бир жон омон...

Сирри ҳақиқат бу, Муқимий ҳамўш,
Санга на даркор демак ину он.

Жон бошина зилзила қасд айлагач,
Тарихин ақл айди: «дариғ Андіжон»¹³.

МУДДАО

Тўби демакда қоматинг, эй шўх муддао,
Мақсад десам жамолинг эрур жаннатул ало.

Лоф урди сарв бўлсун ўшал боғда қил хиром,
Нозик беллингни фикрида маҳшарғача дуто.

Уммид этиб етарни кафи пойингга чиқар.
Фасли баҳор шавқ ила ҳар боғдин хино.

Хийра кўнгул чироғи ғаминг бирла равшан эт,
Эй боқиб айлаган карам ойинага сафо.

Оҳу кўруб кўзингни хижил бўлмаса нечун,
Оворалиғда умри ўтар кўҳу дашт аро.

Неча тағофил, эй шаҳи хубони мулки ҳусн,
Султон деган тараҳҳум этар ҳолига гадо.

Гумроҳ Муқимий ғафлат ила манзили йироқ,
Ёраб бу йўлда бўлғил ўзинг анга раҳнамо.

МУБТАЛО

Саҳт бўлмишмен яна бир дилрабоға мубтало
Бир балодин соғ бўлмай, бир балоға мубтало.

Лола бағри доғ қат-қат қон очилгай ҳар баҳор,
Ман каби бўлғон магар гулгун қабога мубтало.

Тоқ тоқатлар юрарга кўз тутиб имдод учун,
Не ажаб бўлсам агар мижгон асоға мубтало.

Айласун афтодалар сорига ҳам гоҳе назар,
Бесамар боғларда сарв ўлғач ҳавоға мубтало.

Нутқи нофором тўтини дучор этмангки ман
Бир шакар гуфторлиғ ширин адoғa мубтало.

Доми найранги кўп, ошиқларни сайдига vale,
Гоҳ ман бир кўз учи бирлан имоға мубтало.

Раҳм қилмай, эй кўнгул, бўлдинг надеб аҳволинга.
Бу сифат бебоки пур жавру жағоға мубтало.

Мунчаким мавзуну нозиклиғ билан бўлсун, агар
Зарра бад боққан киши ранжу аноға мубтало.

Ашкими қонға бадал қилдим бу боис бирлаким,
Шўхлар мойил руунатга хиноға мубтало.

Хонақаҳдин найлайин келмай қочиб майхонаға,
Шайхларким, бўлсалар ушбу риёға мубтало.

Афзун ўлди дўстлар тобора-бора ҳайратим,
Бир бошим — савдоий юз минг муддаоға мубтало.

Назмими кўрсанг билурсан доғи ҳижроним мани,
Бўлмишам, найлай Муқимий, маҳлиқоға мубтало.

ҲУСНИНГ КҮЗГУСИ

Топти ҳуснинг кўзгуси хаттинг ғуборидин сафо,
Бўстонлар, сабзадин бўлған каби фарҳат физо.

Икки фаттон кўзларингни ҳасратида рашқдин,
Бўлмаса овора нечун тинмас оҳуи Хито.

Жилва қил гулшанда, жоно, сарву, шамшоду суман,
То кўруб хижлат юкидин беллари бўлсун дуто.

Етмак уммида туфроқдин чекар бош ҳар баҳор,
Шавқлар бирлан кафи пойингга боғларда хино.

Хат чиқарган бирла ҳуснингга на нуқсону халал,
Билки ой, бўлса қоронғи кеча, орттиргай зиё.

Очмагани бўлсанг ниқобингин чаманда не учун,
Мунтазир — наргис, паришон — гул, қилур булбул
наво.

Васфиға айлар ғазаллар пок муҳаббатдин Муқим,
Бўлмас одамға агарчанди парилар ошно.

ҚИЛМА ҚҮП

Қошни шамширини биш кесмакка бурро қилма күп,
Еш бошингга мунча ҳам қонларни дарё қилма күп.

Оч юзингни бир келиб бу кулбай эхзорда ҳам,
Файр базмида ҳар оқшом шамъдек ёқилма күп.

Ноз ила жавлон қилиб ҳар дам назарлардин ўтиб
Тоза-тоза доғлаб бағримни шайдо қилма күп.

Ер күйлә кече розимни изҳор этгали,
Фош ўлур, эй итлари борганды ғавғо қилма күп.

Нотавон жон ҳалқаи зулфига йиллардур асир,
Устига вобастан юз шўру савдо қилма күп.

Охири хижлат чекарсан кўрубон нозук белин,
Боғда, эй сарви сиҳи, қаддингга даъво қилма күп.

Ногаҳон инсофа келса не ажаб сўрса Муқим,
Сангдил bemexra зори-ю тавалло қилма күп.

НИГОРИ МАҲВАШ

Нигори маҳваше ким кам бўлур мундоғ парипайкар,
Санавбарбўй, насринхўй, сунбулмўй, сийминбар.

Зариfy, зийраку, дилҳоҳу, дилжўй, дилкашу марғуб,
Расо табъу салимилвазъу базморо, ажаб дилбар.

Адофаҳму, сухансанжу, шакаргуфтору шўрангез,
Сабиҳулважҳу, некўшаклу матбуу накў ахтар.

Малоҳат осмонида юзи хуршеди тобоне,
Латофат бўстонида қадидин сарвдур музтар.

Хироми бандаси кабку, қаломи воласи тўти,
Кўзи саргаштаси оҳу, лаби шармандаси шаккар.

Асири ҳалқаи зулфу хатидур, сунбулурайхон,
Ғуломи доғдори оразидур лолаи аҳмар.

Нетар жаннатни нася, нақд турганда Муқим ошиқ,
Ўзи — ҳур, кўзи — хулду, қадди — тўби, лаби —
кавсар.

БЕВАФОЛИК ШУНЧАЛАР

Бир демас ҳолинг начук деб дилраболик шунчалар,
Сўрмагай ўлдим,— десам ҳам пуржафолик шунчалар..

Ҳамма лутфу марҳамат бегоналарга субҳу шом,
Бир умр манга тағофил — ошнолик шунчалар.

Неча фарёд айладимким, айламас бир илтифот,
Айламак кўйида охир бенаволик шунчалар.

Айдилар кўрган табиблар набзими афсус ила,
Сорғариб юз дард бирлан каҳраболик шунчалар.

Зор устига ёғиб бўлгай маломат тошлари,
Бир киши ҳажрида тортар ашқболик шунчалар.

Масти саҳбойи ғурури ҳуснидур, найлай Муқим,
Сўзга ҳам солмас қулоғин бевафолик шунчалар.

САЙРИ БОҒ

Юзларинг очдинг магарким сайр этибон боғлар.
Гул хижил очилганига, ғунча қат-қат доғлар.

Бўйлаким саҳрова ноз ила хиром этсанг нетонг,
Лола-ю гуллар очилса, ўринидин янтоғлар.

Кўрубон кабки дари рафторинга деб: офарин.
Қочдилар шармандалиқдин сўйи дашту тоғлар.

Найлайин ҳар ерда бўлсанг ҳам омон бўл — майлига,
Шодмен, ўйнаб-кулибким бўлса вақтинг чоғлар.

Ичкиликка ўргатиб, охир пиёниста қилиб,
Ўзларидек, соғни ҳам қилдилар чўлоғлар.

Бу малоҳатда сенга, жоно, агар боқса киши,
Хор ўлуб, оламда тўлгай кўзиға тупроғлар.

Ногаҳон базмингни кўрганда Муқимий, йўқ ажаб,
Телба-ю девона бўлсалар Ойимқишлиғлар.

НАВБАҲОР

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик қелинглар, жўралар, ўртоқлар.

Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб, гоҳе табиатни қиласайлик чоғлар.

Рух очиб кўздин инҳон бўлса паридек, найлайини,
Айрилиб ҳушу ақлдин телба бўлмай соғлар.

Ҳайфким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Марҳам истаб кимсадиш, захми дил изҳор айласанг,
Чорае қилмоқдип ўзга, устига тирноғлар.

Тобакай мундоғ маломат кунжида доим Муқим,
Бу замон кўз тутгии эмди сенга бўлсун тоглар.

ЗУЛМ ИЛА ҚАХРУ ГАЗАБ

Зулм ила қаҳру газаб изҳор қилмоқ шунчалар,
Ошиқи бечорага озор қилмоқ шунчалар.

Гул дебон севганинг кўкрагига ниш уриб,
Хаста-ю маъюс этиб, афгор қилмоқ шунчалар.

Тўтийи ширин сухан ағёрларнинг базмида,
Бизга келганда гаппирмай зор қилмоқ шунчалар.

Сизга ким айди: муҳаббат аҳлини қил иҳтисоб,
Кўрқутиб ўз айбига иқрор қилмоқ шунчалар.

Келса олдингизга бой суврат, яқоси тугмалик,
Иzzат ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар.

Гарчи келса эски тўн, биздек дуогўйи фақир,
Камбағалнинг хирқасидин оп қилмоқ шунчалар.

Ҳар бало-ю жабр келса ёнмагай ҳаргиз Муқим,
Ошиқ аҳлини урубон хор қилмоқ шунчалар.



ЭТСАНГ НЕТАР

Минг салом этган кишига бир салом этсанг нетар,
Иззатинг тутганин сен ҳам эхтиром этсанг нетар.

Үтүурсан ошиқа боқмай, гапирмай, тунд бўлиб,
Сўзларинг тўти каби ширинкалом этсанг нетар.

Файра ёру ҳамзабон бўлмак неча аз рўйи лутф,
Мен билан ҳам ошнолигни мудом этсанг нетар.

Соқиё, даврингда мендии ташшароқ йўқ талхком,
Айламай маҳмур мундоғ масти жом этсанг нетар.

Ғуналар очилмасун ботиб хижолат қонига,
Бир табассум бирла корини тамом этсанг нетар.

Кабк ила товус рафторига мағрут ўлмасун,
Ҳурваш, юз нозлар бирлан хиром этсанг нетар.

Номаи хуни жигар бирлан ёзар умре Муқим,
Сен ҳам эмди бир жавоб айлаб паём этсанг нетар.

ИСТИҒНОСИ БОР

Нозпарвар ёр агарчи табын зулм ососи бор,
Ошиқ ўлтурмокда қон тұқмакка истиғноси бор.

Войким солмас тағофулдин назар ақволима,
Юз менингдек хаста расво үлса не парвоси бор.

Расми маҳвашлардур ошиқ олдида ағерға,
Лутф эттіб дегайлар опи үзга бир барноси бор.

Ман гадога хоки бўйниг маскан этмак орзу
Эрмиш, аммо итларинг ҳар гўшадин ғавғоси бор.

Ҳури жаннат васфин этмиш зуҳд аҳли муддао,
Ишқ эли маҳшар куни маъшуқига даъвоси бор.

Майли гулзор этса ҳар ким ёрдин маҳрум эрур,
Найласун ризвонни улким сан каби раъноси бор.

Дам чиқармас, сидқ ила даъвойи ишқ этган киши,
Булҳавасдур ишқ ойинида оҳу вости бор.

Бўстони назм аро ҳар бандидин бир гул узиб,
Даста қилким, ёрнинг васфи чаман ороси бор.

ЕРИ БОР

Қымнинг иисон хайлидии ул нозаниндең ёри бор,
Арзи рухсор этса ҳар қайдоқ пари ҳам оры бор.

Күрмиш обклии хиромини чаманда рашидии,
Әрта-кеч товусларнинг оҳи оташбори бор.

Боги васлиидин узарга олма қилсанг шитимос,
Нозлар бирлан дегайким:— Олма йўқтур, иори бор.

Мубталойи доми зулфи бўлмас эрса не учун,
Бўйла тарсолар белида ҳалқан зуниори бор?

Топимай ўтса башогаҳ ул сашам маъзур тут,
Сен каби йўлида минг-минг ошиқи дийдори бор.

Шам — бенарвона, гул — бебулбулу, бекумри — сарв,
Бўлмас ҳусну ишқнинг оламда то осори бор.

Неча ҳажрида, Муқимий, иижима чексанг алам,
Кетмагай бекор охир—роҳати бисёри бор.

А Н О Р

Неъмат ичра хуш латофатликда мустасно анор,
«Қой» агар ҳикматда дерлар қотин сафро анор.

Меъдани покиза айлаб, иштаҳони келтуруб,
Кўп гизо қилғанин қилгай рангини ҳумро анор.

Аччиғида хосият кўпдур, ҳавосида хусус,
Бўлса ширин ташналиқ дафъигадир танҳо анор.

Гар есанг фором ҳар бир дона чун лаъли хушюб,
Боғида сунъи илоҳи меваи ғатмо анор.

Бор масалким: яхши одам дер эдим, ўзи билур,
Йўқса айлардим қачон сизларга мен даъво анор.

Халтаси бирлан юборинг гоҳ-гоҳи лутф этиб,
Бўйла келганда Наманган шаҳридин савғо анор.

Ногаҳон ўртаб юрак турганда келтирди ўғул,
Шодлиғимдин, деб юборибмен, Муқимий, ё анор!

САРВИ ҚОМАТ ҚАЙДАДУР

Қаддинг олдида сановбарда назокат қайдадур?
Гулда рухсорингни борида тароват қайдадур?

Рашкидии ағроң хиромиғини қилур кабки дари,
Сўзласанг тўти каломида латофат қайдадур?

Боғларда очилур эрди санингдек гулъузор,
Сочлари райҳону сунбул, сарви қомат қайдадур?

Айласанг сайру тамошо расталарда ногаҳон,
Бўлмагай бозор—бозори, қиёмат қайдадур?

Нақшгар Монийға килк ангушти ҳайрат тарҳинга,
Чекса тасвиринг хаёл айлаб бағоят қайдадур?

Хуррам айлаб сахласун осеби даврондин мудом,
Ҳақ вужудинг навниҳолини саломат қайдадур?

Айлагай девона зоҳид таъна эгсам қадими,
Қошларинг меҳробиға мундоғ ибодат қайдадур?

Назмими мағзида васфинг дурлари ҳар ердадур,
Манда ишқингда, Муқимий, истиқомат қайдадур?

ДИЛРАБО, ҚЕЛСАНГ НЕТАР

Дилрабо, келсанг нетар таъхир қилмоглиқ надур,
Ношто ўрнига жондин сер қилмоғлиқ надур.

Ваъда бирлан интизор айлаб, келолмайман демай,
Чеккан оҳимни йўлингда тийр қилмоғлиқ надур.

Новаки мужгонларинг етмасму бисмил айласанг,
Қошлиарингни устига шамшир қилмоғлиқ надур.

Сафҳай ҳуснингда хатти сабзалар сунъи илоҳ,
Мундин ортиқ ўргулай тафсир қилмоғлиқ надур.

Демасанг олма-апорингдин узиб, жоно, агар,
Тугма бирлан қулфлаб, занжир қилмоғлиқ надур.

Билмадим ёрабки бу маҳфилда қайдоғ созман,
Билмагай чексам наво таъсири қилмоғлиқ надур.

Ранги зардимдин, Муқимий: дардими қилғил қиёс,
Хожати изҳор эмас таҳрир қилмоғлиқ надур.

ШАБНАММУДУР

Қатра-қатра тер ёким гул юзинг шабнаммудур?
Е риёзи ҳуснинг ичра чашмаи замзаммудур?

Улфатинг бегоналар маҳрам санго ҳар субҳу шом,
Онию бечоралар ёнки номаҳраммудур?

Санки қочсанг қанчаким борсам яқин тобора ман,
Айлаким инсоф, ўзингдек ваҳши соҳиб раммудир?

Муддатедурким кўриб лаъли бадахшон лабларинг,
Ранги ўчкан қоп аро пинҳон магар мулзаммудур?

Жисеми зоримни ахири рашк ўтиға куйдуруб,
Файр ила, жоно, бу янглиғ ҳар куни майраммудур?

Айласанг мундоғ чиқибон кўчаларда хушхиром,
Қошлиаринг меҳробиға бош эгмаган одаммудур?

Неча васлингни сўроғ айлаб топуб бўлмас дарие,
Кисматим ҳажрингда оёким, Муқимий, саммудур?

РАҲНОЛИФИНГ БОРДУР

Эрам гулзоридин ҳар важҳдин раънилиғинг бордур,
Ғараз лутфу назокатда чаман оролиғинг бордур.

Каломинг жонфизоеким, тақаллум айласаңг ширин,
Жаҳон тўтиларининг олдида гўёлиғинг бордур.

Бу гулшан гуллари бирлан очишсанг ногаҳон рухсор,
Руунат авжида ҳар бобдин ҳумролиғинг бордур.

Рамаққа етса ҳам нозу тагофул ишларинг жонлар,
Нигоро, саҳт ошиқларга бенарволиғинг бордур.

Халойиқ ичраким қўзғалди мундог фитналар боис,
Ўзингни ҳам бир оз лекин кўнгул оролиғинг бордур.

Агар заъфимни рангимдии қиёс этсанг бўлур баским,
Баён даркор эмас ақлу хирад донолиғинг бордур.

Начук кўнглум Муқимий куймасин рашк ўтиға охир,
Қолиб ошиоларинг бегонаға ошнолиғинг бордур.

ШИТОБ АЙЛАБ

Шитоб айлаб юарда нозу истиғноларинг бордур,
Қаён борсанг аниңг-чун шўришу ғавғоларинг бордур.

Ҳамиша ваъдага мониъ чиқар, шулдур гумонимким,
Уруб йўлдин юбормас ошиқи шайдоларинг бордур.

Агар инсоф қилсам сарв қадлар хайлида, жоно,
Ажаб хилъат ярашган қомати зеболаринг бордур.

Боқиб ойинаға даркор эмасдур сурмалар қўймоқ,
Қаро оҳу кўзидин наргиси шаҳлоларинг бордур.

Халос ўлмоқ муанбар доми зулфингдин иложи йўқ,
Бошимда мўйисардин ҳам фузун савдоларинг бордур.

Эшигига урулган боғи ҳуснинг қулфлиму олтун,
Ваё камзулларингда лаългун тугмоларинг бордур.

На деб рашқ оташиға куймасун кўнгли Муқимиининг,
Мудом, эй позанин, бегонадин ошноларинг бордур.

ОШИҚИ ҲАЙРОНЛАРИНГ БОРДУР

Ажойиб жилва бирлан, дилбаро, жавлонларинг бордур,
Хироминнга анинг-чун ошиқи ҳайронларинг бордур.

Боқиб мардумни бисмил айламакка тиф эмас ҳожат,
Камон абрў отарга новаки мужгонларинг бордур.

Ҳамиша гул юзинг шавқида чун булбул наво қилдим,
Демассан менга мундоғ пола-ю афғонларинг бордур.

Лабингдин ком бахшишлар магарким ваъда айларсан,
Ниҳоний шум рақибга аҳд ила паймонларинг бордур.

Хуш ўлмас хотирим bogларни сайри бирла бўлсанг бас,
Рухинг — гул, зулфлардин сунбулу райҳонларинг бордур.

Очиб руҳсорини бир неча кўрмай борасан васлии,
Бу тўғридин, нетойин эй кўнгул, армонларинг бордур.

Наво бирлан Муқимий шеър равшанироқ эшишканга,
Қилиб ёд ўқуса базминнга ҳам хушхонларинг бордур.

УХШАЙДУР

Күнгүл фикри лаби лаъли билан қон ўлди ўхшайдур,
Деманг қон, балки чун лаъли бадахшон ўлди ўхшайдур.

Бўялган лола-ю гул дашту саҳроларда қонига,
Шаҳиди новаки ул тийри мижгон ўлди ўхшайдур.

Иўлида термулармен субҳдии то шом ҳам, келмас,
Бугун агёр ила шамъи шабистон ўлди ўхшайдур.

Қаро холини қоши остида кўрганлар дедиларким:
Бу меҳроб ичра ҳиндуе мусулмон ўлди ўхшайдур.

Лабидин ваъда айлаб бўсае қил деб адo қилмас,
Магар ушбу кароматдин пушаймон ўлди ўхшайдур.

Кўзинг сувлар сепиб фаррошлар мужгон билан мардум,
Ҳаёли кўнглими уйига меҳмон ўлди ўхшайдур.

Кетар азм айлабоп Хўқанд сори хуши қолинг аҳбоб,
Муқимий фориги сайри Наманғси ўлди ўхшайдур.

ДЕВОНАН АДҲАМ КЕЛУР

Күчадин шўхе бу рафтор ила келмас кам келур,
Турфа жавлонлар қилиб чун ваҳший соҳиб рам келур.

Шум толиъ гунчаси очилмагай фасли баҳор,
Ҳар кеча оҳим насимим дийдадин шабнам келур.

Дарди ҳижронида ўлмакка етушдим, қосидо,
Арз қил вақте сўраб, гар ул Маснҳо дам келур.

Юз очиб богларда гар қилмас тамошо не учун,
Чок-чок айлаб гирибон гул хижил, мулзам келур.

Хушдилу мастона ўхшар ангаким келганлари,
Сарви нози бош эгиб ҳар сори бориб хам келур.

Үйласам лаъли лаби кайфиятии айлаб хаёл,
Гўйиё маҳмур эдим, илкимга жоми Жам келур.

Ногаҳон Ҳўқанд келгонимни ўхшаттим Муқим,
Балх шаҳридин ўшал Девонан Адҳам келур.

ГУЛИ РАЬНО КЕЛУР

Растадин бир-бир босибким ул гули раъно келур,
Гўйиё Боғи Эрамдин бир пари сиймо келур.

Шод ўлурман гарчиким келган тағофиллар билан,
Айлабон ағёра ҳам юз нозу истиғно келур.

Иўлларида жондии уммид айласанг қоч, зоҳидо,
Үқ отарга киприги, қошини айлаб ё келур.

Доду фарёдиға ушвоқини қилмас илтифот,
Хоҳ рақиблар бирла бўлсун, хоҳ ўзи ташо келур.

Халқдин элтиб ҳаё, ваҳшат ческиб беихтиёр,
Шаҳрга тушган каби бир оҳуи саҳро келур.

Ой юзини согиниб келгоним ўхшар ангаким,
Гулшан ичра булбули шўридан шайдо келур.

Неча сабр айлай Муқимий шояд аз рўйи карам,
Гар букун келмас сўраб беморини фардо келур.

ГҮЁ ЖОН КЕЛУР

Растадин гул-гул ёниб ким ул маҳи тобон келур,
Рүҳсиз жисм ичра ширин тоза гүё жон келур.

Шавқидин кўрким еса-қўйса киши бир луқмавор,
Гўиё ширмойи иссиғ оч гадоға нон келур.

Ёрдин бўлғай кўнгиллар музтариб андоғким,
Камбағал муфлис ўйига бир азиз меҳмон келур.

Даъви айлаб беадаблиғдин табассум бобида,
Ғунча оғзидин баҳор очилди, ерлар қон келур.

Жазм ўлғайким келур чогида ҳожат аҳлини,
Ғайбдин илкиға гүё ақчалик ҳамён келур.

Үхшатурман шум рақиб бирла келурда ангаким:
Айлаюб талбиси иблис ҳамроҳи инсон келур.

Неча йўл борди Муқимий ўтти армонлар билан,
Токай охир ерда аксар топмағай дўкон келур.

РАШКИМ КЕЛУР

Хажр ила тинмай күзимдин күрмасам ашким келур,
Файр ила күрсам мабодо худ-баҳуд рашким келур.

Үзга сүз сиғмас хаёлимға ва лекин субҳу шом,
Айлашиб улфатчилик ҳар ерда гаплашким келур.

Бўлмасун деб ошкоро рози диллар ҳалқ аро,
Айлабон рамзу ишорат махфи имлашким келур.

Навбаҳор айёми чиқса боғларни сайр этиб,
Нозлар бирлан хиром эткач қўл ушлашким келур.

Муддаосиз бошда савдолар билурман шунчаким,
Кўчада сан бирла ҳар соатда учрашким келур.

Арз қил, қосид, Муқимий хастадин, кўрсанг агар:
Мақдамиға садқа жоним ул париваш ким келур.



Г А П У Р

Жонларингни ҳурмати, қосидки, жонондин гапур,
Ман қулиға не супориш бўлса султондин гапур.

Муддате нозу тагофил, ишлари бегоналиғ,
Ошнолиғ қилғувчи тил бирла ёлғондин гапур.

Айлама, эй бөгбон, бөғингни васфини менго,
Қўй, тапурссанг чеҳраси гул, зулфи райҳондин гапур.

Лола айёми баҳор очилса ҳожат йўқ баён,
Қатра-қатра ҳажрда кўздин оқар қондин гапур.

Хулқдин кўпдур итоби, айламайдур илтифот,
Меҳрибонлиғ бўлса дар воқиъки эҳсондин гапур.

Ул паридин бўлмас эрса сўзламакка зарра гап,
Лоақал маҳрамлари андак ёр жондин гапур.

Нозанинлар базмида ҳар ранг ўтар сўз булъажаб,
ЛАҲЗАЕ ҳам ман Муқимийи паришондин гапур.

ХИЖРОН КУЙДУРУР

Гоҳ васлиға ёнурмен, гоҳ ҳижрон күйдурур,
Бўйла куйдурмакни мундоғ номусулмон күйдурур.

Шамъдек то базмида ўртаб жудолиғ кунжида
Интизор айлаб, хилофи аҳду паймон күйдурур.

Пойтахт эрди хаёлиға кўнгуллар, оҳқим,
Қайси золим шоҳ қилиб, мулкини вайрон күйдурур.

Куймайнмуким, олиб ўтдин бу ён бегонани,
Ошно бўлган сари мундоғ қадрдон күйдурур.

Ташлабон кўздин қуюб маъюсу зори бенаво,
Ўзгаларга айлабон юз лутфу эҳсон күйдурур.

Термулалмай оразига бир замон ағёрсиз,
Бу сабаб бир умр ҳасрат бирла армон күйдурур.

Ошиқи кўпдур вале, инсоф этинглар, дўстлар,
Ким ҳамиша ман *Муқимийдек* анго жон күйдурур.

БҮЛМАСАМ БҮЛМАС

Баҳор айёми дур чун абри гирён бўлмасам бўлмас,
Ки ман ҳам гүнчадек чоки гирибон бўлмасам бўлмас.

Қудумиға нисор айларга келгач ёр кулбамға,
Фидо жонимни айлаб, ҳеч қурбон бўлмасам бўлмас.

Парилар ҳусниға қилсан назар ман этмай, эй носиҳ,
Нетай ойинна янглиғ маҳви ҳайрон бўлмасам бўлмас.

Қазо вазъи нишонким қилди кўксум ложарам эмди,
Шаҳиди ханжари ҳар тийра мужгон бўлмасам бўлмас.

Қўйинг озодлиғни, ҳў қилибман мубталоликқа,
Асири доми бир зулфи паришон бўлмасам бўлмас.

Қоши меҳробини кўрганда тарсо бу латофатда,
Демасму жонидин қайтиб, мусулмон бўлмасам бўлмас.

Муқаддарроқ кўнгуллар истиқоматдин қўзиб савдо,
Муқимий озими тахти Сулаймон бўлмасам бўлмас.

ИНДАМАС

Инжима, эй дил, гадоға расми султон индамас,
Кўрмадинг булбулни гулға қилса ағғон индамас.

Лафзи жон бахшингни гулшан ичра бўлса кўрмаган,
Нега, жоно, бўлди гар тўти сухандон индамас.

Лаблари даврида кўрдимким хати мастур эрур,
Ушбу мазмун бирлаким бу оби ҳайвон индамас.

Ҳар дам ағёр аҳлиға қилғон такаллум ноз ила,
Бизга ул маҳваш кўтарганимуки қуръон индамас.

Бор эткай боиси журминг тағофул демаким,
Ўтмаса мандин агар чандики нуқсон индамас.

Индамас гул чеҳраларнинг даҳр аро кўрдим барин,
Кўрмадим ҳаргиз санингдек номусулмон индамас.

Раҳми йўқ, золим табиат дилрабога учрадим,
Гарчи қилсан жоними йўлида қурбон индамас.

Хастаи бемор бўлса нотавон ҳижрон ила,
Шундоқ одам ҳолига қандоқ мусулмон индамас.

Ою йил Яъқубдек ҳасрат чекиб қон йиғладим,
Зарра парво қилмас ул хуршиди Канъон индамас.

Ногиҳон, гуфтор оч, деб илтимос этдим лабинг,
Манга ул шўх айдиким: «Лаъли Бадаҳшон индамас».

Зеб бердим назм ила исми гулистония Муқим,
Бовужудиким, манга сарви хиромон индамас.¹⁴

ҮХШАМАС

Эй мунааввар, оразингга моҳи тобон ўхшамас,
Мардумига кўзларинг Мирриху Чўлпон ўхшамас.

Юзларинг кўргач сафосин хоки хижлатлар билан,
Ойнаға сайқал бериб ўзиға ҳайрон ўхшамас.

Рост билсанг шулки, жоно, то бўлубман ошно,
Фурқатингга — дўзаҳу васлингга — рузон ўхшамас.

Кўзларингга оҳуи Чин, соchlарингга мушки Чин,
Дур — тишингга, лаълингга лаъли Бадахшон ўхшамас.

Улки рафторинг кўруб, товус боғларда юруб,
Айлагай тақлид этиб, ҳар чанд жавлон, ўхшамас.

Шўхи бебоке бўлак ҳожат эмас қатлим учун,
Исфаҳони қошинга шамири буррон ўхшамас.

Хўблиғда кўп ёрон, аммо баробар келмагай,
Санга кўрдимким уканг ҳам бўлса чандон ўхшамас.

Айламас меҳроби абруйинг кўриб, улким намоз,
Ҳеч мазҳабда ўзин олса мусулмон ўхшамас.

Ногаҳон ҳар шеърими бир-бир агар олсанг, Муқим,
Наэми васфинг чиқмаса ёлғону ёлғон ўхшамас.

ДАРКОР ЭМАС

Үмр сансиз ўтса мундоғ манга жон даркор эмас,
Туфроқ ўлмак яхшироқ, руҳи равон даркор эмас.

Хар қаю маҳфилда васфингни чироғини ёқиб,
Қылмасам зикрингни кесилсун забон, даркор эмас.

Қадди мавзунинг тамошосидин улким топти завқ,
Сарв ила, биллаҳки, тубин жинон даркор эмас.

Үртадим ишқингда қыл сўзи ниҳонимдин тамиз,
Ошкоро айлабон оҳу фигон даркор эмас.

Ногаҳон кўнглум ўйиға келса ёдинг шодмен,
Қолмағай армону ҳасрат, хонумон даркор эмас...

Дарбадар юрсам жунун кўйида айб этмак надур,
Булбули бехонумонман ошиён даркор эмас.

Улдурурсан чин абрў айласанг бир ноз ила,
Қатлима мужгонларинг қылмак синон даркор эмас.

Риштай назмиға чекти зоти васфингни, Муқим,
Мисли гавҳар эмди ортиқча баён даркор эмас.

ХУШЛАМАС

Гул юзинг кўрган киши сайри гулистон хушламас,
Ташна, майгун лабларингға оби ҳайвон хушламас.

Рангу, рухсору, бу зулфу, холу хатким сенدادур,
Кўрса ҳар ким боғда сунбул бирларайхон хушламас.

Кимки майгун лабларингдин топса, жоно, лаззате,
Мисрнинг аччиғ наботи, обидандон хушламас.

Бўйла жавлон айласанг ҳар кун назардин, эй пари,
Бўлмағай одам начук сарви хиромон хушламас.

Оч юзингни, токи ҳайронлар қолиб бўлса не тонг,
Кечибон Лайлосидин Мажнун биёбон хушламас.

Эшитиб жонбахшу руҳафзо каломинг қайси кун,
Бўлди кўнглум ҳеч тўтийи сухандон хушламас.

Носиҳо, хуш тутма дерсен қоши ёларни, Муқим,
Бу сифат меҳробни қайдоқ мусулмон хушламас?

ҚОЛИШМАС

Узоринг бояи ризвондин қолишмас,
Хироминг ҳуру гулмондин қолишмас.

Агар ёлғон эмас, жоно, каломинг.
Ширинлигда десам: жондин қолишмас.

Латофат мавж урар ҳар бир сўзингда,
Тишинг хам дурри ғалтондин қолишмас.

Муродинг бисмилим, бас бир қаросанг,
Нигоҳинг тийри мижгондин қолишмас.

Жудолиғ дардидин ҳижрон тунида,
Сиришким шўри тўғондин қолишмас.

Очиб чиқсанг қаронғу кечаларда,
Юзинг ҳам моҳи тобондин қолишмас.

Нетарким кулбами қилсанг мунаvvар,
Ионким, ҳеч зиндандин қолишмас.

Хату холинг эмастур Хизердин кам,
Даҳонинг оби ҳайвондин қолишмас.

Алифдек қоматинг юз қатла нозик,
На қолдиким, десам ондин қолишмас.

Назар қилганда назмингға Муқимий,
Назокатда Умархондин қолишмас.

МАСТОНА ХАТ

Маълум ўлғач сафҳан ҳуснингда, эй жонона, хат,
Кўрунуррайхону, сунбул боғ аро афсона хат.

Юзларинг май тобидин чун оташи сўзон эди,
Турфа бебокона чиқмушдур магар девона хат?

Раҳм ҳам даркор, келмас заррае парвойингга,
Қилса ҳам ким кеча-кундуз ғам билан ғамхона хат.

Ҳеч илнимасдин бўлак ҳам чора топкайму киши,
Бўлса жоду кўзларинг сайёду дому дона хат.

Зулфи мушкинингни таҳрир айлади то кимки сунъ,
Ошно хатлар кўзумга учраган бегона хат.

Мехри рухсорингни атрофини олмиш ҳолавор,
Чиқмайин бўлсун илоҳо хонаси вайрона хат.

Дилларини чок-чок этмиш қазо бу журмидин,
Қўйғач устиға қадам машшота гўстохона хат.

Мазраи назмимдин очилғач тули васфинг, Муқим,
Қилди булбулдек фигонимни ажаб мастона хат.

ХАЙРИЯТ

Жон рамаққа келган эрди, келди ёрим, хайрият,
Топди жон дубора бу жисми фигорим, хайрият.

Орзулар ғунчаси ҳаргиз очылмас, дер эдим,
Чиқди ҳижрон чилласи, келди баҳорим хайрият.

Бул кеча бир ох урдим гул юзингни шавқида,
Даҳрни күйдирмади ўтлиқ шарорим, хайрият.

Нече кун бўлмишки, васлидин йироқ ташлаб эди,
Софиниб йўқлаб келибдур гулъузорим, хайрият.

Хира эрди шамъи умрим шоми ҳижрони билан,
Равшан ўлди ой юзидин рўзгорим, хайрият.

Ақл ила ҳушимни олиб кетти ёдидин чиқиб,
Қолди ўхшайдир магар сабру қарорим, хайрият.

Тоғларни ғарқ этиб сели сиришким, йиқмади,
Кўк биносин икки чашми ашкборим, хайрият.

Ваъда қилмай қатъи уммид айласа нейлар эдим,
Термулиб йўлида чашми интизорим, хайрият.

Ул кунеким бир нигоҳ қилдинг Мұқиминг сориға,
Афзун ўлди мисли гавҳар эътиборим, хайрият.

АШКИ ҲАСРАТ РЕЗ НЕСТ

Дил зи шўри ишқи бекoke кам аз ангез нест,
Як дамам бе оҳ, чашмам ашки ҳасрат рез нест.¹⁵

Чини абрўяш ба қатли ошиқон шамшири ноз,
Ханжари алмос чун мужгони ў хунрез нест.

Меканам кўҳи ғам аз шавқи ҳамон Ширин лабе,
Тешан Фарҳод пеши ноҳуни ман тез нест.

Сўхт тоқатҳо ба роҳи интизориҳо ҳануз,
Сўйи мо боре нигоҳи марҳаматомез нест.

Дўш аз оина пурсидам, ба ҳайрат рафту гуфт:
Улфати рў ошноён жуз ғуборангез нест.

Нестам маъҷури соҳиб, ҳамду лиллоҳ ҳудписанд.
Аз дигар чизе агар чанди маро парҳез нест.

Мебарад Муҳни баҳаржо даъвии арзи камол.
Ғайри нуқсонам Муқим имрӯз дастовез нест.¹⁶

Таржимаси:

Дилимнинг ишқининг аламли ташвишидан узоқлашган вакти
йўқ,
Биргина бўлса ҳам дамим оҳсиз чиқмайди, кўз ёшим
ҳасратсиз тўкилмайди.
Қошининг қайрилиши ошиқларни ўлдириш учун ноз-
карашманинг қиличига айланган,

Олмос ханжар ҳам унинг киприклари сингари қон тўкувчи
эмас.

Уша ширин лаб шавқида мен ғам тоғини қазийман,
Фарҳод тешаси манинг тирноғимдин ўткир эмас.
Унинг кўйида интизорлик торта-торта тоқатим
куйди (тугади),
Ман тарафга унинг бирор марта марҳаматли нигоҳи бўлмади.
Утган куни ойинадан сўрадим, ҳайронлик билан айтдикি:
Ҳуснга ошно бўлганлар ғубор келтиришдан бошқага
ярамайди.

Мен маңжурман (дүстлардан ажралғанман), лекин худ-
писанд (эгоист) эмасман,
Бошқа нарсалардан пархез қымасам ҳам худписандлықдан
пархез қыламан.

Мұхән ҳар ерда камолот дағысинаң қилишдан бошқа нарсаны билмайды, Лекин менинг құлымда, эй Мұқимий, нүқсондан (камчиликдан) бошқа ҳеч нарсам йўқ.

ХУРШЕДИ ЖАҲОНДУР БУ

Тағофил ўқин отма, эй жафо жў, ким ёмондур бу,
Начукким жонлариға ишқ аҳлини зиёндур бу.

Олиб чиқ ой юзингдин парданি бозори шаб ўтмай,
Десун кўргон киши, албатта, хуршеди жаҳондур бу!

Шитоб айлаб бу кун юз қатла ноз ила хиром эттинг,
Қолиб ҳайрон дедим: «Ёраб, начук сарви равондур бу?»

Фатонат жавҳарин кўргач, юзинг кўзгусидин зоҳир,
Деди аҳли хирад: «Қайдоғ Арастўйи замондур бу?»

Висолингга етолмай зор йиғлаб юрганим билдинг,
Тараҳум қилмадинг дебким: «Мусоғир меҳмондур бу?»

Лабингдин ваъда бердинг: «Ком олғил,—деб топиб фурсат»,
«Бу чин сўздурму, жоно, ёки маҳзи имтиҳондур бу?..»

Деди: «Ағор кўксинг хонаи занбурдек нечун?»
Дедим: «Жоно, фироқинг ўқига умре нишондур бу».

Хаёл этсам мабодо оразингни кўз юмуб дерман:
«Даҳонинг чашмай кавсар, юзинг боғи жинондур бу».

Агар олдингдин ўтсам манга басдур ушбу давлатким,
Десанг: «Ишқимда мундоғ ранги рўйи заъфарондур бу».

На бўлғайким,— дедим,—кўрса тишинг оқин Муқиминг ҳам,
Кулуб айдики: «Кўрмайдур бирор дурри ниҳондур бу».

О Р З У

Фикримиз бөгидин унмас жүз ниҳоли орзу,
Маҳфили аҳбобу шамъу қийлу қоли орзу.

Васфи ҳусни қайси кун пайғомдин мағҳум ўлуб,
Бўлди биз афтодаларға парру боли орзу.

Лаълиму ё барги гул, шаҳду шакар ё лабмидур,
Чунки зикридин эрур ширин мақоли орзу.

Орзу бирлан қолай то чанд ҳижрон шомида,
Ваҳ қачон ёраб тулуъ эткай ҳилоли орзу.

Давлатим сарви қадиға құмри бўлдим тавқдор,
Вой улким ташна-ю, оби зилоли орзу.

Хоксорини сарафroz этса найлар лутф ила,
Иштиёқида эрурман поймоли орзу.

Ой юзиға кўз тушиб, борсак мунаввар бўлмаса,
Қонга тўлди йиғлай-йиғлай аз камоли орзу.

Нақш қилди хотами назмиға [васфин дуррини],
От чиқарсун деб, Муқим, соҳиб жамоли орзу.

МАЙЛИГАМУ

Мұҳаббатингдин бұлубман фигор майлигаму?
Тараҳұм айламасанғ, эй ниғор, майлигаму?

Сан ичкарида фароғатда, мунда ман йиғлаб,
Оқар күзімни ёши шашқатор, майлигаму?

Баногоҳ учраса дилбар либос иси гулғом,
Келур димогима бўйи ифор, майлигаму?

Мани ки қадрима етмассан, ўтса умри азиз?
Менингдек учрамаса жонсипор, майлигаму?

Фурури ҳусн ила ҳоло кўзингга илмайсан,
Бил оқибат санга қадрим ўтор, майлигаму?

Мани қачонғача ҳижрон ғамида йиғлатасан,
Кўзум ёши сани бир кун тутор, майлигаму?

Муродин айламасанғ ҳосил ошиқни, агар
Тўкиб кўз ёшини йиғлаб кетор, майлигаму?

Келиб бу ерга қизил юзимни сарғайтиб,
Азиз бошим сани деб бўлди хор, майлигаму?

Десамки: «Кетма олдимдан», дединг: «Рақиблар бор,
Бўлур кўнгулдаги сир ошкор, майлигаму?»

Йўлингда қылсам агарчи фидо бу жоним ҳам,
Бўлолмасам санга ҳеч эътибор, майлигаму?

Ётуб фароғат ила уйда бир кўрай сани деб,
Келолмасанғ мани олдимға ёғ, майлигаму?

Муроди етмай агар кетса мундин ошиқи зор,
Куюб жудолиғ үтиға үлор майлигаму?

Бу дардим: анда санинг бирла сўзлашиб эмди,
Шириң сўзинг мани этса хумор, майлигаму?

Бўлолмадим санга ҳамроз, уч кун ўлди, чиқиб
Келолмадинг манта бир кунта кор, майлигаму?

Агарчи кўпдур, олурман, деган харидоринг,
Йўлингда қилсам агар жон нисор, майлигаму?

Узатсам илким агар кўксингга кулиб дерсан:
«Узулса хом агар олма-анор, майлигаму?»

Начук илож этаман, десам — айтасан: «Сабр эт!»
Таҳаммул эткали қўймади зор, майлигаму?

«Бор ўртоғим манга толиб», дединг, қани бир йўл,
Келолмади манга ул ҳам дучор, майлигаму?

Умид ила келиб эрдим бўлиб санга меҳмои,
Қилурсан олдима келмоқға ор, майлигаму?

ИНСОН БҮЛДИМУ?

Илм ўқуғони билан ҳар ким мусулмон бўлдиму?
Моуман айлаб фаришта ғайри шайтон бўлдиму?

Шиквалар айлаб туз ичкон ерларингизни мудом,
Ё магар поси намак тутмоғлиқ осон бўлдиму?

Шеърингизга халқ толиб бўлсалар сўнгра ўқинг,
Ё келиб аҳбоб кар бўлмакка меҳмон бўлдиму?

Қимки муҳмалдур ўзи ҳам ўзгани муҳмал билур,
Қилсангиз ғалла атое дерки, эҳсон бўлдиму?

Бузда риш, эшишакда жон, тўти гапургони билан,
Эй афандим, сизга ул, албатта инсон бўлдиму?

Суҳбат ақлига қилолмай ул кеча изҳори фазл,
Фазлингизни паҳтаси ҳам ёки арzon бўлдиму?

Бўлмагай ҳосил, Муқимий, маъние ҳар лағздин,
Дона сочқон бирла ҳар қишлоқи дехқон бўлдиму!¹⁷

БИР МЕНМУ

Асири чашминг оқуи биёбон ўлди, бир менму?
Кўриб оина ҳам ҳуснингга ҳайрон ўлди, бир менму?

Рух очдинг пардадин ул субҳидамким, сайри боғ айлаб,
Қолиб хижлатда гул чоки гирибон ўлди бир менму?

Куяр жисмим на танҳо ишқинг ўтидинки, саҳрода
Тушуб ўт, лолалар ҳам жумла сўзон ўлди, бир менму?

На ёлғиз мен хароби ҳалқаи зулфу хату холинг
Лабингга банда ҳам лаъли Бадаҳшон ўлди, бир менму?

Кўйингда телба-ю девонадек юрганда айб эрмас,
Сочингдин сунбулу райҳон паришон ўлди, бир менму?

Кўриб рамзи табассум, бу эрур деб ҳусни Юсуфлар
Гирифтори ўшал чоҳи занахдон ўлди, бир менму?

Висолинг, лаззатидин маззалар топган ҳариблар ҳам,
Келиб ойлар, Муқимий, Янги Қўргон ўлди, бир менму?

КЕЛ ЭРТАРОҚ

Дилбаро таъхир қилмасдин бир он кел эртароқ,
Мунтазир бўлмакка йўқ жисм ичра жон кел эртароқ.

Гар бу оқшом то саҳар сан бирла таскин топмасам,
Ишқ ўтига куйди мағзи устихон, кел эртароқ.

Сийналар афгор ҳижронинг билан, боз устиға
Ханжари ноз бирла қилмай имтиҳон, кел эртароқ.

Хожат эрмас ўзга шамшир истамак қатлим учун,
Ўқ отарға кипригинг, абруй камон, кел эртароқ.

Кечаки кундуз висолинг орзусинда умр ўтиб,
Феълу авторингни соғиндим ёмон, кел эртароқ.

Ўзгалар номеҳрибонлиғ бирла ташлаб кетдилар,
Бошинг ҳаққи сен бўлубон меҳрибон кел эртароқ.

Эшитиб ҳасрат Муқимийдин, ниgoro, бу кеча,
Гарм суҳбат бирла то вақти аzon кел эртароқ.

ЖАҲОН БОҒИДА

Жаҳон боғида ҳам гулгун қаболар бор экан мундоғ,
Олиб кўнглунгни сўрмас, дилраболар бор экан мундоғ.

Не нуқс ҳусниғаким ўтканда деб ўтса хаёлида:
Йўлумда рангу рўйи каҳраболар бор экан мундоғ.

Қачон туткай эдим, аҳбоблар, гулчеҳралар номин,
Агар билсан эди жавру жафолар бор экан мундоғ!?

Неча сўзи дил изҳор айласангиз, қилмагай парво,
Асарсиз, мустажоб ўлмас дуолар бор экан мундоғ.

Кўрунуб ишқ осон, бошларимга тушди билдимким,
Жудолиғда қиёмат можаролар бор экан мундоғ.

— Машаққатлар чекиб ҳажримда не кечди,— демас,—
Холи,
Ямон бегонадин ҳам ошнолар бор экан мундоғ.

Муқимий нега афгор ўлмасун кўнглунг нишон айлаб,
Отарға тийри мужгон, қоши ёлар бор экан мундоғ.

УЧРАДИ НОГАХ...

Манго минг шону шавкат бирла жонон учради ногаҳ
Мұхаққар мұр әдим, гүё Сулаймон учради ногаҳ.

Фироқида ёмон махмур әдим алхамдулиллоҳким,
Висолидин етиб дардимға дармон учради ногаҳ.

Күрүбон бир назар чун барқ күздин айладим ғойиб,
Анга ўхшарки: оқуиі биёбон, учради ногаҳ.

Юзидин гул, қадидин сарв күрмишлар магар боғда,
Қилиб құмри наво, булбул ғазалхон учради ногаҳ.

Анга тамсил келтурдимки, ағёрим билан күргач:
Неча габр ичра ёлғуз бир мусулмон учради ногаҳ.

Керакмас сайри боғ, эй боғбон, қўй эмди таклифинг,
Букун бир сочи сунбул, зулфи райҳон учради ногаҳ.

Муқимий, дилраболарға, дедим, дил бермағил зинҳор,
Яна парвонадек урдинг ғаронгон учради ногаҳ.

Мураббаълар

ПАРВО ҚИЛМАДИНГ

То ўзингни маҳфил оро қилмадинг,
Ошиқларни зору шайдо қилмадинг,
Дилларингни санги хоро қилмадинг,
Үлдим, дедим ҳаргиз парво қилмадинг.

Аввалида жонон юзинг кўрсатиб,
Абрў камон, мужгонларинг — ўқ этиб,
Масиҳога жон бахшлик ўргатиб,
Журмим надур, пазар асло қилмадинг.

Тушиб сансиз бошлиримга можаро,
Бениҳоят ғамга бўлдим мубтало.
Айлаб карам навбатимдин, соқиё,
Махмур эдим, масти саҳбо қилмадинг.

Қошларингга қурбон қоши қаролар,
Қаломингга ҳайрон тўти адолар,
Хушторингга ноҳақ айлаб жафолар,
Ҳаргиз андишаш фардо қилмадинг.

Қоматларинг сарви боғи назокат,
Лабларингдин мавж ургай латофат,
Эй Юсуфи тахти Миср малоҳат,
Яъқубингни дийда бийно қилмадинг.

Иўлларингда ман нотавон афтода,
Ағёр ила сенсан завқу сафода,
Кундин-кунга дардим ёмон зиёда,

Оқшомлари базм айлашиб то саҳар,
Шум рақиблар муродига етдилар,
Муқимийға аммо айлаб ваъдалар,
Водариғо, ҳеч бир вафо қилмадинг.

ЮЗНИ ОЙДЕК

Юзни ойдек ногаҳ тобон айладинг,
Чун ойина маҳву ҳайрон айладинг,
Ошиқларга рўзи ҳижрон айладинг,
Ағёrimга васлинг арзои айладинг.

Ваъда юз йўл, бирга вафо қилмадинг,
Хуш бўлмади кўнглунг жафо қилмадинг,
Дардим билиб туриб даво қилмадинг,
Қилмас ишни ҳеч мусулмон айладинг.

Лола каби яшнаб чиқсанг мастона,
Кўрган одам пачук бўлмас девона,
Халқ ичида қилиб мундоғ афсона,
Овораи пур бесомон айладинг.

Дилраболар хайлида, эй тождор,
Кани сендеқ энди сарви гулъузор,
Шамшир айлаб қошларингни обдор,
Қатлим учун мунча буррон айладинг.

Эй чеҳраси қамардин ҳам мунаvvар,
Лабинг лаълу тишинг сафода гавҳар,
Солиб бошга нетиб ғавғойи маҳшар,
Пари янглиғ ўзни пинҳон айладинг...

Хўбларнинг эй сарвари сарири,
Хусн тахти узра одил амири,
Мен бенаво қолиб маҳрум ахири,
Бўлакларга лутфу эҳсон айладинг.

Оҳу нолам етди етти самога,
Боқмай ўтting ҳаргиз мен мубталога,
Фарёд этдим, Муқим, ўхшаб гадога,
Бир демадинг: кимсан, афғон айладинг?

А И Л А Д И Н Г

Богда магар, жоно, рафтор айладинг,
Пари каби феълу атвортай айладинг,
Бурқаъ очиб арзи рухсор айладинг,
Фунчаларни дийда хунбор айладинг.

Арзим эшиш, эй дилбари ягона,
Десам ҳасратларим сиғмас баёна,
Ҳажр ўқига кўксим қилиб нишона,
Не журм этдим, жавр бисёр айладинг?

Девонамен сўрма кору боримни,
Равшан этгил келиб шаби торимни,
Рашк ўтига ўртаб жисми зоримни,
Равомуди, майли ағёр айладинг?

Айлаб тазаллумлар ошиққа пеша,
Тангрини ҳам гоҳе қилғил андеша,
Рақиб бирла қўл ушлашиб ҳамеша,
Тирикликни менга душвор айладинг.

Боқмай, эй ой юзинг парвоналарга,
Яъни мендек кўнгли вайроналарга,
Ёзиб кокулларни бегоналарга,
Димоғларин мушкин тотор айладинг.

Ошиқларга лутфу карам оз айлаб,
Хонақолар эшикларин боз айлаб,
Зуҳд аҳлиға бир жилваи ноз айлаб,
Тоат — тақволарин бекор айладинг.

Дилраболар хайлин, эй беназири,
Малоҳатлар авжин бадри мунири,
Узиб мундоғ ошнолигни ахири,
Муқимийдин саҳт инкор айладинг.

ЗОРУ НОЛОН АЙЛАДИНГ

Улким, жоно, юзни тобон айладинг,
Абр ичинда ойни пинҳон айладинг,
Коматингни сарви бўстон айладинг,
Қумриларни зору нолон айладинг.

Эй золими бедодгар, ситамгар,
Қилмас токайгача фарёдим асар,
Беморингдин олмай келиб бир хабар,
Қилмас ишни ҳеч мусулмон, айладинг.

Йўқ ўзингдек, лекин, жаллоди қотил,
Ташлаб чиқиб нозик белларга кокил,
Боқмай ўтиб ошналарга тафоил,
Бегонага лутфу эҳсон айладинг.

Ағёр ила юриб шому саболар,
Рашк ўтиға қилдинг бағрим адолар,
Бежарима айлаб жавру жафолар,
Назарларда мундоғ жавлон айладинг.

Маошимдур ҳижронингда заҳру ғам,
Ортуқчадур боз устиға бу алам:
Рақиблардин на кўрдингким ҳар оқшом,
Васлинг ҳаримиға меҳмон айладинг.

Рухсорингдин лола қат-қат доғ ичра,
Қабки шайдо хиромингга тор ичра,
Жилва бирлан товусларни боғ ичра,
Рафторингга маҳву ҳайрон айладинг.

Ишқинг билан ишим оҳу фигонлар,
Ҳасратингда рангим бўлди сомонлар,
Муқимийга аввал қилиб паймонлар,
Охир ваъдаларни ялғон айладинг.

ЗОРУ ШАЙДО АЙЛАДИНГ

То ўзингни базм аро жо айладинг,
Бениҳоят зору шайдо айладинг,
Коматингни сарви раъно айладинг,
Қумриларни оташ наво айладинг.

Эй дилбари жаҳон ичра ягона,
Кўрмас эмди сандек жонон замона,
Айлаб кетиб ҳар ишга бир баҳона,
Юрак-бағрим эзиб адо айладинг.

Фатонатли эй яхшилар сарвари,
Башармусан, ёким малак, ё пари,
Жафо қилсанг кўп ошиқинг дафтари,
Не гуноҳим манга танҳо айладинг.

Лабларингдии лаъл ранги шарманда,
Тишларингга гавҳар дарёда банда,
Кам бўлурди гулчеҳралар Хўқандда,
Қайси боғда нашъу намо айладинг.

Доғи рашки рухсорингдин лолалар,
Товус айлар ишқинг билан нолалар.
Хижолатдан ой юзида холалар,
Бу малоҳат қайдин пайдо айладинг.

Аввалида чекиб андуҳи ҳижрон,
Висолингдин топкан вақтимда дармон,
Қилиб, оҳ, соchlаринг ҳар ён паришон,
Вобастаи чандин савдо айладинг.

Васлинг эди, Муқимиё, муродим,
Тагофилдин эшиитмадинг фарёдим,
Юз ўлдуриб боз устиға жаллодим,
Қошлиарингдин дор барпо айладинг.

ҮЗИНГ ИЖОД АЙЛАДИНГ

Токим, жоно, жилва бунёд айладинг,
Ошиқлиқни ўзинг ижод айладинг,
Ишларингни жавру бедод айладинг,
Кўзларингни мундоғ жаллод айладинг.

Қилмай кетдинг ҳаргиз васлингга восил,
Муддаолар нетар бир бўлса ҳосил,
Ошноларга айлаб нозу тагофил,
Бегоналар кўнглини обод айладинг.

Булбул қилур гул юзингга наволар,
Сўзларингга бўлур тўти адолар,
Қумри сайраб нечун бўлмас шайдолар,
Қоматингни сарви озод айладинг.

Гарчанд ўтиб сўрмасанг ҳам замонлар,
Найлай бўлсанг ҳар ерда бўл омонлар,
Бир демадинг, лекин қилдим фифонлар:
«Дардинг надур, мунча фарёд айладинг?»

Доим ниҳон бўлуб олдинг канора,
Йўлларингда йиғлаб турдим дубора,
Раҳм айламай қилмай ўтдинг наззора,
Магар дилни қаттиқ пўлод айладинг.

Халқ ичида басе бўлдим афсона,
Чуғз янглиғ, сўрма, жойим вайрона,
Гоҳе ҳудман, гоҳе беҳуд девона,
Ҳар на қилдинг, сан паризод айладинг.

Үзгаларни ҳар дам масти жом айлаб,
Муқимиини(нг) рўзгорини шом айлаб,
Кўнгул қушин бир боқишда ром айлаб,
Чашминг мардумларин сайёд айладинг.

АЖАБ ШИОР АЙЛАДИНГ

Жоно, ул кун азми диёр айладинг,
Келмай кетиб күп интизор айладинг,
Дуди оҳим турфа шарор айладинг,
Бевафолик ажаб шиор айладинг.

Пўлларингда, аё ширин шамойил,
Туриб эрдим рақиб бирлан муқобил,
Манга айлаб ўтуб нозу тағофил,
Лутфу карам анга изҳор айладинг.

Қилдинг сафар рўза ичра азм айлаб,
Қелурман деб ҳайнтғача жазм айлаб,
Оқшомлари кимлар билан базм айлаб,
Кундузлари сайри бозор айладинг.

Келганингда, аё моҳи тобоним,
Қолмас эрди дилларимда армоним,
Охир мундог эшиитмасанг фиғоним,
Аввалида вега хуштор айладинг.

Эй нозанин, ошиқларинг сони йўх,
Лекин санга мандек қадрдони йўх,
Бир кўрарға муштоқингман жони йўх,
Ойинани маҳви дийдор айладинг.

Эрта-ю кеч эсдан чиқмас хаёлинг,
Жилва айлаб назарларда жамолинг
Маст эканмен бодасида висолинг,
Ташлаб кетиб эмди ҳушёр айладинг.

Во дариго, қилмай аҳдингга вафо,
Жудолигни кўрдинг раҳм этмайраво,
Ҳасратингда алқиссаним, дилбаро,
Муқимиини дийда хунбор айладинг.

ҚИЛДИ ШАЙДО ҚҰЗЛАРИНГ

Құйма, жоно, сурма, шаҳло күзларинг,
Оқуларни қилди шайдо күзларинг,
Мардум ичра солди ғавғо күзларинг,
Мардумлари, магар, тарсо күзларинг.

Эй париваш гулпирақан суманбар,
Назокатда қаддинг сарву сановбар,
Букун боқмай ошиқларга баробар,
Килмас андишай фардо күзларинг.

Малоҳатлик йүқ сан каби дилрабо,
Қон түкарға золимлари бепарво,
Бир күрарға барча санта мубтало,
Хар қайсиси танҳо-танҳо күзларинг.

Васфинг сиғмас биткан билан дафтара,
Үшшар кокидларинг тожи ағсара,
Тахти ҳуснинг кифрикларинг панжара,
Искандару ёки Доро күзларинг.

Баланд ўлсун, ёраб, сани иқболинг,
Офатлардин тегру бўлсун паноҳинг,
Боқсанг агар маст айлагай нигоҳинг,
Мужгонларинг — жоми саҳбо — күзларинг,

Васлинг истаб заҳар ичдим ютуб ғам,
Муқимиийдин ваҳши сифат қилиб рам,
Шўхлиғларда ўз асрингда бўлур кам,
Хар қачонким қилса даъво күзларинг.

НА БҮЛДИ

Бир сўрмадинг, эй дилрабо, на бўлди?
Қилган ўшал аҳду вафо на бўлди?
Кўзларинг ҳам ноошно на бўлди?
Кетинг демай ул мубтало на бўлди?

Эрта-ю кеч ишим, фикрим хаёлинг
Узгаларни(нг) комидадир висолинг,
Бир кўрарга зоридурман жамолинг,
Ниқоб очмас боди сабо на бўлди?

Етди кўкка шому саҳар фиғоним,
Арз айладим неча дарди ниҳоним,
Ҳаргиз эшифтадинг, магар гумоним,
Қилмас асар қилган дуо на бўлди?

Айтай десам ҳасратларинг йўқ маҳрам,
Елғиз бекас, на ёрим бор, на ҳамдам,
Дийдорингга нетар тўйганда бир дам,
Ташналиғдин ўлдим жудо на бўлди?

Кўриб ногаҳ тўлган ойдек рухсоринг,
Жон нақдими қила олмай нисоринг,
Муқимингман ишқинг билан беморинг,
Бир боқмадинг баҳри худо на бўлди?

ХОЛИ ҲИНДУЛАРИНГ ЁДИМГА ТУШТИ

Эй амири ҳусни тахти тажаммул,
Хижолатда рухсорингдин қизил гул,
Боғлар ичра кўрибрайхону сунбул,
Зулфи хушбўларинг ёдимга тушти.

Кўзга уйқу келмай оқшом канора,
Санар эрдим то субҳидам ситора,
Айлаб ногаҳ янги ойга наzzора,
Тифи абрўларинг ёдимга тушти.

Ҳасратингда ўздин бўлиб рамида,
Субҳи фикринг мундоқ қилиб дамида,
Қавсар суйи ажойибдур фамида,
Холи ҳиндуларинг ёдимга тушти.

Лутф айласанг айни вақти камолинг,
Неча айлаб ёд, этмадинг висолинг,
Бир сўрмадинг, қалайсан, деб аҳволинг,
Чашми жодуларинг ёдимга тушти.

Инсоф этиб келгин айлаб тараҳҳум,
Нетар келсанг бўлиб ширин тақаллум,
Узгаларга этиб жабру тазаллум,
Хулқи хушхўларинг ёдимга тушти.

Иўлларингда истаб бўлдим гадолар,
Қаттиқ дилинг, таъсир этмас дуолар,
Белларида зунноридур тарсолар,
Чийни гесуларинг ёдимга тушти.

Муқими-ю ёд айламак дуода,
Ҳуснинг, ёраб, мундин бўлғай зиёда,
Кўзларимдин қонлар тўкиб саҳрода,
Хайли оҳуларинг ёдимга тушти.

ҲАЙРОН ҮЛМУШАМ

То асири ҳалқаи ул зулфи райҳон ўлмушам,
Рўзгорим тийра-ю, зору паришон ўлмушам,
Соядек афтодалиғда нотавон жон ўлмушам,
Турфа дийдоринг таманносида ҳайрон ўлмушам.

Безибон мандин, бўлакни ёр қилдинг оқибат,
Сангсори таънаи ағер қилдинг оқибат,
Аҳду паймонлар эсиз бекор қилдинг оқибат,
Деб эдинг юз йўл қани бир кеча меҳмон ўлмушам.

Ваъдалар қилмасмудингким, ман санго деб ошно,
Охирида айладинг бегонадин ҳам кўп жафо,
Кўрмадим қолиб маломат таъналарга бир вафо,
Қил давоким дарди бедармони ҳижрон ўлмушам.

Эй бути бебоки, золим сангдил, бедодгар,
Үтлу оҳим айламас токайрacha санга асар,
Не бўлур қилсанг нигоҳингдин мени ҳам баҳравар,
Ҳасратингда доғ кўнглим, гунчадек қон ўлмушам.

Радди хулқ айлаб тириклай ошнолиғ ўлдуур,
Вожгун толиъ билан баҳти қаролиғ ўлдуур,
Ҳам яна устиға, эй маҳваш, жудолиғ ўлдуур,
Сансиз охир тобакай маҳбуси энндон ўлмушам.

Сабзадин ерда зумуррад фарш ўлуб фасли баҳор,
Боғлар саҳнида хори хушқдин гул ошкор,
Очилир кўнгли Муқимийни қачон, эй маҳъузор,
Кунжи ғам ичра мисоли абрин гирён ўлмушам.

ОШНОЛИИНГ ЁДИМГА ТУШТИ

Арзим эшилт, аёй сарви равоним,
Ҳажр ўтиға куюб ўртанди жоним,
Ногаҳ ойинаға боқтимки хоним,
Маҳви ҳайронингиз ёдимга тушти.

Боғда кўриб ҳар ён очилган гуллар,
Фарши маҳмал ерда сабза сунбуллар,
Сунбул иси хуш айлабон кўнгуллар,
Зулфи райҳонингиз ёдимга тушти.

Илкингиздин нўш айлаюб паймона,
Гоҳе ҳудман, гоҳе беҳуд девона,
Ҳар қачонким кўксим қилдим нишона,
Тийри мужгонингиз ёдимга тушти.

Эй сарвари маҳбублар, раънолар,
Бўлди афзун бошда шўру савдолар,
Бисмил хаёл айлаб гули ҳумролар,
Тийги парронингиз ёдимга тушти.

Туфроғидур мазаллатлар масканим,
Нотавонлиғ пешам, ожизлиғ фаним,
Қасд айласа қайси ерда душманим,
Мағга ошнолигинг ёдимга тушти.

Ғафлат босиб охир сарғайди рангим,
Йўқ дариғо зарра номусу нангим,
Хижолатдан сувга тушдим қачонким,
Ҳозир пайдолиғинг ёдимга тушти.

Ишқ ўтиға, куйдим, ёндим, туташтим,
Васлинг истаб-истаб йўлдин адаштим,
Қасратгаким Муқимийё кўз очтим,
Ёраб, танҳолиғинг ёдимга тушти.

ЭИ ЧЕҲРАСИ ТОБОНИМ

Эй чеҳраси тобоним,
Ошиқлари ҳайроним,
Йўқ тоқати ҳижроним,
Васл ила даво айланг.

Эй зулфи паришоним,
Аҳди ҳама ёлғоним,
Синди, қани паймоним,
Бир меҳру вафо айланг.

Эй шўхи дилоромим,
Етса санга пайғомим,
Кулбамга келиб шомим,
Пур нуру зиё айланг.

Эй булбули шўрида,
Токай дили афсурда,
Бўлмай даме осуда,
Гул вақти наво айланг.

Бу ҳусн ғаниматдур,
Чун бод басуръатдур,
Ҳангоми муруватдур,
Хўб лутфу сахо айланг.

Охир мени бемора,
Қил марҳами наззора,
Ким айтдики, хуштора
Юз жавру жафо айланг?

Гар қилса Муқимий хун,
Рұксоралари гулгун
Инсофга келур бир кун,
Ҳаққига дуо айланг.

ҚҮРДИМ ЮЗИНГНИ

Жоно, булдурким рози ниҳоним,
Етмаклик эрди санга тумоним,
Ногаҳ рамаққа етканда жоним,
Кўрдим юзингни алҳамдуиллоҳ.

Чун лола кўксим доғ эрди қат-қат,
Ҳамдам тополмай айтурға ҳасрат,
Ўлдим деганда бўлди каромат,
Кўрдим юзингни алҳамдуиллоҳ.

Пасту баланди оламда йиллар,
Саргашта эрди зикрингда тиллар,
Васлингни истаб қон эрди диллар,
Кўрдим юзингни алҳамдуиллоҳ.

Боғларда сансиз, эй сарви қомат,
Қумридек этдим оҳу надомат,
Гарчанд элдин чектим маломат,
Кўрдим юзингни алҳамдуиллоҳ.

Токим назардин кеттинг нигорим,
Ийқ эрди бир дам сабру қарорим,
Инглаб кечарди лайлу наҳорим,
Кўрдим юзингни алҳамдуиллоҳ.

Ҳар ерда жойим вайрона қилдинг,
Мардум ичинда афсона қилдинг,
Ишқингда гарчи девона қилдинг,
Кўрдим юзингни алҳамдуиллоҳ.

Умре фироқинг тортиб бағоят,
Софинган эрдим кўп бениҳоят,
Эмли кўрибким тоқ ўлса тоқат,
Кўрдим юзингни алҳамдуиллоҳ.

Дарди жудолиғ бирлан Мұқимий,
Андухұ ғамлар әрді надими,
Очиб ниқобин келгач насими,
Күрдим юзингни алҳамдулиллоҳ.

ЁДИМГА ТУШТИ

Дилда васлинг эрди умре таманно,
Хаёлингни қилур вақти тамошо,
Ногаҳ ойинаға боқпіб, нигоро,
Маҳву ҳайронларнинг ёдимга тушти.

Фасли баҳор ўлуб, гуллар очилиб,
Ерга сабза бахмал каби ёпилиб,
Машомимга сунбул бўйи хуш келиб,
Зулфирайхонларнинг ёдимга тушти.

Қўлларингдин то нўш эттим паймона,
Гоҳе худ мен, гоҳе беҳуд девона,
Ҳар қачонким кўксим қилдим нишона,
Тийри мижгонларнинг ёдимга тушти:

Сайр айладим чиқиб дашту саҳролар,
Бошлиримга ортиб шўри савдолар,
Бисмил учраб кўзга лола, раънолар,
Тифи бурронларнинг ёдимга тушти.

Эй, яхшилар хайлни нозик миёни,
Гарчанд эрдим ёмонларнинг ёмони,
Базмларда қилган элдин ниҳони,
Лутфу эҳсонларнинг ёдимга тушти.

Не хуш айём экан ўшал замонлар,
Бўлур эрдим ҳар дам, жоно, қурбонлар,
Охир мундоғ бўлиб зору сарсонлар,
Ҳарсў жавлонларнинг ёдимга тушти.

Эй истиғно фирдавсингинт насими,
Ёд этмадинг қадрдан деб қадимий,
Уммид этдим ҳар ердаким, Муқимиий,
Аҳду паймоиларнинг ёдимга тушти.

ФАРГОНАДА ҮЗИ ТАНХО МАКАЙЛИК

Иўқтур жудолиғда сабру қарорим,
Бир кўралмай қуриб қолди мадорим,
Қоронгудур лайлым каби наҳорим,
 Улдим десам қилмас парво Макайлик.

Киши мислин топмас шаҳру саҳрова,
Хулқи хушу истиғнолик озода,
Ажаб эмас ўтмас десам дунёда,
 Фарғонада үзи танҳо Макайлик.

Мансиз кечар начук демади ҳолинг,
Бир сўрмағай боқиб ранжу малолинг,
Недур мундоғ демас фикру хаёлинг,
 Кўнглимуудур макру хоро Макайлик.

Ўзга билан доим ичишиб бода,
Бул сабабдин дарду ғамим зиёда,
Ўтган чоқда хоҳи отлиғ, пиёда,
 «Қалай ҳолинг!» демас, асло Макайлик.

Саҳарлари йиглаб қилдим дуолар,
Қилмай ўтар бир дардимга даволар,
Билсам бўлур экан иши жафолар,
 Бўлмас эрдим бўлса ошно Макайлик.

Ёраб, қилур токай ситамни пеша,
Муқимийни зор йиглатиб ҳамеша,
Шафқатни ҳам қилсанг нетар андеша,
 Букун-букун, тогна фардо Макайлик.¹

ҚҰНГЛІМ САНДАДУР

Әмди сандек, жоно, жонон қайдадур,
Күриб гул юзингни боңда бандадур,
Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,
 Үзим ҳар жойдаман, күнглум сандадур.

Меҳринг ўти ногаң тушди жонларга,
Парвойим йўқ зарра хону монларга,
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
 Үзим ҳар жойдаман, күнглум сандадур.

Эрта-ю кеч фикру зикрим хаёлинг,
Бир сўрмадинг, налар кечти аҳволинг?
Эсларимга тушиб ширин мақолинг,
 Үзим ҳар жойдаман, күнглум сандадур.

Воқиф эрмас киши сенинг аслингдин,
Токим десам пари сенинг наслингдин,
Водариғо, жудо бўлдим васлингдин,
 Үзим ҳар жойдаман, күнглум сандадур.

Йўқ сан каби малоҳатлик ягона,
Кўрганмукан мисолингни замона,
Бўлиб ҳалқ ичидა мундоғ афсона,
 Үзим ҳар жойдаман, күнглум сандадур.

Юзларингдин хижил моҳи тобонлар,
Рафторингга шайдо жумла ёронлар,
Қолиб ҳар дам ўз ишимга ҳайронлар,
 Үзим ҳар жойдаман, күнглум сандадур.

Султонисан, барча хўблар надиминг,
Доим эрдим дуогўйинг, қадиминг,
Бовужуди сўрмай ўттинг Муқиминг,
 Үзим ҳар жойдаман, күнглум сандадур.²

УЛ МЕҲРИ РАХШОН КҮЙДҮРҮР

Ҳар нафас бир дөг ила ул меҳри рахшон күйдүрүр;
Гоҳ жамоли шуъласидин, гоҳи пинҳон күйдүрүр,
Гоҳ васлидин ёнурман, гоҳи ҳижрон күйдүрүр,
Бўйла күйдурмакни қайдоғ номусулмон күйдүрүр.

Шоми фурқат ичра йиглаб бенаволиғ кунжида,
Юз гудозу сўз бирлан мубталолиғ кунжида,
Шамъдек базмида ўртаб, гаҳ жудолиғ кунжида,
Интизор айлаб хилофи аҳду паймон күйдүрүр.

Хўблиғ мулкида жавр андеша шоҳаншоҳким,
Айланиб бедодлиғ ҳарғиз ўсонмас, оҳким,
Пойтахт эрди хаёлиға кўнгуллар, оҳким,
Қайси золим шаҳ қилиб мулкини вайрон күйдүрүр.

Қилмади обод мутлақ бу дили вайронани,
Күйдурив дөг устиға ўртар мани девонани,
Куймайинмуким олиб ўтдин буен бегонани,
Ошно бўлғаш сари мундоғ қадрдан күйдүрүр.

Лутф ила айлаб мани аввал ўзига ошно;
Ёр этиб ағёри бўлди оқибат мандин жудо,
Ташлабон кўздин, қўюб маъюс, зору бенаво,
Ўзгаларга айлабон юз лутфу эҳсон күйдүрүр.

Кўрмадим гулдек юзини бир замоне хорсиз,
Васл чоғи чиқмадим ман базмидан озорсиз,
Термулолмай оразига биргина ағёрсиз,
Бу сабаб бир умр ҳасрат бирла армон күйдүрүр.

Мұхәнни ҳам арзы додига етинглар, дүстлар.
Яъни ушшоқи қаториға битинглар, дүстлар,
Ошиқи күпдур vale инсоғ этинглар, дүстлар.
Ким ҳамеша ман Муқимийдек анга жон күйдур.

Мұхаммаслар

мұштоқ юзингга

(*Мұхайдир ғазалыға мұхаммас*)

Түшмай назарим тоқат ажаб тоқ юзингга,
 Етдім деган албатта йирекроқ юзингга,
 Овора ҳама шаҳр ила қишлоқ юзингга,
 Эй күзу күнгіл жон била мұштоқ юзингга.
 Мұштоқлиғи шұхрати оғоқ юзингга.

Гавқарға фақр ганжини(нг) тошини алишмам,
 Мунъимлара дарвишлик ошини алишмам,
 Жандамга күчан шоқи құмошини алишмам,
 Гар берсә фалак ою қүёшини алишмам,
 Бір кечаси ё бир куни ул оқ юзингга.

Наргис ингорон бөгде талабкоринг ўлубдур,
 Товус ҳам ошуфтада рафторинг ўлубдур,
 Ким бўлсанки жен нақду харидоринг ўлубдур.
 Юз важҳ ила гул бандада руҳсоринг ўлубдур.
 Десанг етурай мақсадига тоқ юзингга.

Йўқ санга баробар буте, Хўқандда, нигоно,
 Юсуф кўрубон бўлса не тонг банда, нигоно,
 Зулфинг руҳинг атрофида рахшанда, нигоно,
 Тун-кун била равшан кўрунур санда, нигоно,
 Чин демасанг ойина олиб боқ юзингга.

Дилхасталара лутф этибон тангри ҳақи-чун,
 Бошимға карамдин етибон тангри ҳақи-чун,
 Үздин борадурмен кетибон тангри ҳақи-чун.

Бир кеча ҳарамдин чиқибон тангри ҳақи-чун,
Ол пардани боқса нетар уніптоқ юзингга.

Йўлингда Муқим ўлмайин ўлса бу Мұхаййир,
Гар жавру жафо күрмайин ўлса бу Мұхаййир,
Едингда дуо қымайин ўлса бу Мұхаййир,
Ишқингда фано бўлмайин ўлса бу Мұхаййир,
Маҳшар куни боққай сани қайдоқ юзингга.¹

КАШМИРЛИК ҚИЗГА

(Фурқат ғазалига мухаммас)

Дилбареким олам истиғеносидин ташвирда,
Йўқ қоши олдида бурролиғ дами шамширда,
Лол этар ширин такаллум тўтини тақрирда,
Бир қамар сиймони кўрдим балдан Қашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.²

Қадди мавзунлиғда шўхеким назокат интихоб,
Лаблари лаъли Бадаҳшон, тишлари дурри хушоб,
Ҳусн тахтида таҳаммул пеша-ю олийжаноб,
Зарра-зарра зар сочар бошиға ҳар кун офтоб,
Субҳ келтач, кеча ётиб чашмаи иксирда.

Маст қилди жумлаи шоҳу гадони ишқидин,
Айлади девона ринду порсони ишқидин,
Дема ғофул пашшае токим ҳумони ишқидин,
Холи эрмас ҳеч киши ул дилрабони ишқидин,
Зулфиға дил басталиғ ҳар бир жувону пирда.

Сўрма парвозим, пару болимни, бўлмишман асир,
Орзу бирлан ҳаваслардин қутулмишман асир,
Гоҳ йиғлаб, гоҳ аҳволимға кулмишман асир.
Айдим: «Эй жон офати, зулфингга бўлмишман асир»,
Деди: «Бу савдони қўй, умринг ўтар запжирда».

Моҳи тобон матлаи ашоридин бир нуқтадур,
Хуру ғилмон шеваси ашоридин бир нуқтадур.
Жилваи кабки дарни рафтторидин бир нуқтадур.
Коши ўртосида хол асроридин бир нуқтадур.
Сураи нун ўқидим пайваста ҳар тафсирда.

«Қоматинг бөг ичра яктодур», дедим, айди кулуб,
«Ошиқа васлинг таманнодур», дедим, айди кулуб,
«Хатларингдин дийда бийнодур», дедим, айди кулуб,
«Нуқта лаб устида бежодур», дедим, айди кулуб:
«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда».

Мақдамидин зебу оройиш топиб саҳни чаман,
Иўлиға гуллар нисор айлаб, Муқимий зар туман,
Сочибон ногоҳ табассум бирла лўълуйи Адан,
Айди: «Эй бечора, қилдинг на учун тарки ватан?»
Ман дедим: «Фурбатда Фурқат бор экан тақдирда».

ЗАБОН ОЧТИМ ҚИЛАЙ ТАВСИФИНИ...

(*Fozii razaliga mukhammas²*)

Забон очтим қилай тавсифини ман ул қалам қоша,
Насибинг бу эрур даст солди ҳижрон заҳридин оша,
Қилибдур ваъда мандин ёшурин бир-икки ўйноша,
Кима дод айлайн ёр ўлди ёrim неча авбоша,

На суд эмди фифону нола қилсан бош уруб доша.⁴

Қачонким хор янглиғ гулрухим васли аро бўлдим,
Жудолиғ ихтиёр этганда бир яфроғ киби сўлдим,
Самуми ғам келиб тегди, алам боронига тўлдим,
Видоин қилдиму кўргил, қаро бахтимниким — ўлдим,
Муяссар бўлмади боқмоқ юзина, кўз дўлуб ёша.

Насиҳат этмагил аҳли фасиҳат ўйлама ман ҳам,
Фидо қилдим нигорим йўлида жоним билан тан ҳам,
Кўруб ҳар лаҳза сен таън этмагил сода эмас ман ҳам,
Мани айб этма, вердинг нақди жон, деб зоҳидо, сан ҳам,
Эрурсан рост эрмас, эгри қўйса баргини боша.

Қаю жонбоз ошиқ жонини жонона вермишдур,
Фироқу, ҳасрату ҳижрон ўтина ёна вермишдур,
Гадоларга азал султони бирдур дона вермишдур,
Ғами ишқини кўнгул раҳм айлаб жоно вермишдур.
Ажабдурким, саховат айламиш султон султона.

Умид айла, Муқимий, кўйида кўп нола қилдурди,
Топуб нусрат ўзини тийғи фурқат бирла тилдурди,
Ўшал муҳсан қушиға нисбатан завқини илдурди,
Ниҳон дардингни кўз қон ёшда кўп оламға билдурди,
Гирифтор ўлмасун Ғозий киби ғаммози йўлдоша.

НИГОРИМ...

(Навоий ғазалига жухаммас)

Нигореким гапурмас дурри тамкиним ушолгай деб,
Боқолмасман юзига боңаёликтин ўёлгай деб,
Нишон кўксум ҳамиша тири мижгони қадолгай деб,
Кезарман кўйида йиллар назар ҳолимга солгай деб,
Агар ўлдурса қоним ранги тупроғида қолгай деб.

Жудолиғ кунжида ҳар дам тушиб бур турфа аҳвола,
Эмас анжумлар, оҳим шуъласидин кўкда жаввола,
Баҳор айёми қат-қат доф мендан қарз олур лола,
Кўнгулга юз туман ниш урса ҳижрон айламам нола,
Висоли нўшидин ул захмлар шояд тузолгай деб.

Кўзим ёши на танҳо сўйи тупроғига оғушта,
Ўшал чин нофаси ҳам бўйи тупроғига оғушта,
Қачонким хуш димогим мўйи тупроғига оғушта,
Сиришким қони бўлди кўйин тупроғига оғушта,
Итиға токи бу балчиқ билан бир уй ясолгай деб.

Фигонким, ўткариб ғафлатда умрум ўйнадим, кулдим,
Букулди оқибат қомат, надомат ҳалқасин қурдим,
Бу кун оҳ эмди бир вайронада қайгулуғ ўлтурдим,
Кўнгулни ишқида ғамлар билан меҳнатга топшурдим.
Кўриб раҳми келибон, нотавон кўнглімни олгай деб.

Ғанимат бахту фурсат, эй муғаний, чал дигар гун,
Керак «Ушшоқ», «Гулёр» айласанг ўтлуғ чекибон ун,
Муқимий ҳам бу маҳфилда ниҳоят хаста дил маҳзун,
Навоий бенаволиғ бирла доим май ичар ҳар тун,
Наво созини даврон мутриби базмида чолғай деб.

А И Р И Л И Б...

Чарх жавридин ажаб мағмумдурмен, айрилиб,
Заъфдин бир риштаи мавҳумдурмен, айрилиб,
Истаманг мендин нишон, маъдумдурмен, айрилиб,
Баски, сендеқ ёрдин маҳрумдурмен, айрилиб,
Хожати изҳор эмас, маълумдурмен, айрилиб.

Ҳамдаму аҳбоблар машғули базму ижтимоъ,
Гаҳ ўқуб ашъори рангин, гаҳ қилиб рақсу самоъ,
Шўхлигидин ҳар бири бир санъат айлар ихтироъ,
Эй кўнгул, дилдору ёронлар билан айлаб видоъ,
Оҳқим, кам бахту толеъ шумдурмен, айрилиб.

Не хуш ул кунларки манзурим эдинг, эй сиймбар,
Бор эди зебо қадинг ҳар дам назарда жилвагар,
Кору борим завқи суҳбат эрди ҳар шому саҳар,
Туъма эрди хони қисматдин менга шаҳду шакар,
Аждари ғам комиға матъумдурмен, айрилиб.

Муддате эрдики табъим айшдин саршор эди,
Ҳасрату, андуҳу, ғам усрук кўнгулда ор эди,
Дийдаи бахтим висолингдин зиҳи бедор эди,
Булбуле эрдим ҳамоно масканим гулзор эди,
Кўҳи ғам устида ёлғиз бумдурмен, айрилиб.

Мунису ғамхор йўқ, ҳамдам қилурға шарҳи роз,
Кимга ёндошдимки қўюб меҳр, қилди эҳтиroz,
Сен била ул кун ки бўлмушмен жудо, эй сарвиноз,
Тортаман юз ранг кулфат ҳар бири тоқатгудоз,
Оташи ҳасрат ичида мумдурмен, айрилиб.

Реза·реза ун каби чарх осиёсидан сўнгак,
Тангу торик ўлди олам кўзга монанди катак,

Даҳр золи урди роҳатлиғ кўзим ичра намак,
Дастидин тушди жудолиғ ўртага, золим фалак,
Бекасу, беҳамдаму мазлумдурмен, айрилиб.

Қолмади мен чекмаган ранжу алам озордин,
Етмаган бир заҳм йўқдур бош кўтарган хордин,
Бўлма, жоно, бехабар мен сийнаси афгордин,
Телбадур ажраб Муқиминг, сўрма кору бордин,
Сафҳаи ҳар ғуссага марқумдурмен, айрилиб.

ХУШ КЕЛДИНГ

Қулингни күнглида ёдинг эди маҳзур хуш келдинг,
Хузурингдин дилим топди чароги тур хуш келдинг,
Құдумингфа фидо жон бўлса гар манзур хуш келдинг,
Висолингдин эдим бир неча кун маҳжур хуш келдинг,
Бу маҳжурингни айлаб хотирин масрур хуш келдинг.

Муанбар зулфинга банд айлабон ёшу қариларни,
Такаллум бирла лол айлаб Флотун, Бу Алиларни,⁵
Грифтор айладинг ҳам ошно-ю ажнабийларни,
Қилиб ҳайрон жамолингга пари-ю одамиларни,
Жаҳон мулкига жаннат боғидин, эй ҳур, хуш келдинг.

Раманда шўхликда ваҳшидин ҳам ғамзаға моҳир,
Рагу пай гул каби пироҳанингни устидин зоҳир,
Ҳаёли чашми беморинг ила бемор эдим охир,
Назокатда дейин ман қайси ҳуснингни забон қосир,
Қадам кўз манзариға қўй сўраб ранжур хуш келдинг.

Юз оч то бир кўриб руҳи равонимни нисор айлай,
Начук шаккар лабингдин, ўпмасам сабру қарор айлай,
Муҳаббат йўлида кимдин ман эмди нанггу ор айлай
Эшиг, эй лола рух, олдингда бир-бир ошкор айлай,
Юракда кўҳна доғим қолмасун мастур хуш келдинг.

Хўжандий дер нечук бовар қилурман жавҳари аслинг,
Башардин бу малоҳатда чиқодур кам пари наслинг,
Кўрар кун бор экан юз шукр айни яҳшилик фаслинг,
Фироқинг заҳрини сўзи ҳалок этган эди васлинг,
Ба ғайри захмиға қўюб марҳам кофур хуш келдинг.

Тўкуб ёш шамъдек тонг откуча ёнур эдим ўртаб,
Асар қилғон эди ишқинг ўтидин жонға тобу таб,

Кетарсан тангдур фурсат, жудолиғ шарҳидур күп гап,
Биҳамдиллаҳ мұяссар бўлди ҳижронинг чекиб йиғлаб,
Оқарган кўзларимга доманингдин нур, хуш келдинг.

Нигоро, риштай назмимға васфинг гавҳарин тердим,
Жудо ҳар байтини ҳар бандини(нг) тўғросиға бердим,
Муқимий ман ҳам эмди санга қуллик лофини урдим,
Фалак рухсат бериб кўрмакка бормай, мунтазир эрдим,
Хижил қилдинг келиб лутф айлабон маъзур хуш келдинг.

НОМА ЁЗМАДИНГ

(Навоий ғазалига муҳаммас)

То ўтмадинг, тағофул ила ноз қилмадинг,
Қўйдингму халқ ичра сарандоз қилмадинг,
Мактуб учун давоту қалам соғ қилмадинг,
Қоғоз уза қаламни фусунсоз қилмадинг,
Бир руқъя бирла бизни сарафroz қилмадинг.

Мендек қулунгни отиға бир нома ёзмадинг,
Мискин кўнгул закотиға бир нома ёзмадинг,
Матлабларим баротиға бир нома ёзмадинг,
Жонсиз таним ҳәтиға бир нома ёзмадинг,
Килкинг учини мўъжиза пардоз қилмадинг.

Ҳад йўқ демакда шаҳди мазоқинг баёнида,
Ё жоду кўзу, қошу қабоқинг баёнида,
Тил лол дерга бошдин-аёқинг баёнида,
Васлинг кунида шоми фироқинг баёнида,
Кофорур бирла мушкни ҳамроғ қилмадинг.

Бу офтоб толеи баргаштай заррани,
Дарду бало ўқиға сипаргаштай заррани,
Хижлат арақлари била таргаштай заррани,
Бир меҳр номаси ила саргаштай заррани —
Кундек жаҳонда мужиби эъзоз қилмадинг.

Сенсиз бошимға тушди ниҳоятда можаро,
Мажруҳ сийналарға яро устиға яро,
Қолдим, ҳужум айлади андуҳу ғам аро,
То рўзгорим айламадинг дуддек қаро —
Бир номанинг саводини оғоз қилмадинг.

Ул сарвиноз бўлса ситамкор ҳар неча,
Тобора сен Муқим талабгор ҳар неча,
Сабр айла жавр айласа дилдор ҳар неча,
Раҳмат Навоийё сенгаким, ёр ҳар неча —
Зулмин кўп этти, меҳру вафо оз қилмадинг.

ЛОЛАЗОР АЙЛАБ ҚЕЛИНГ

Дилбаро, шўри қиёмат ошкор айлаб келинг,
Бўлса номаҳрам агар, номусу ор айлаб қелинг,
Шум рақиблар кўзиға оламни тор айлаб келинг,
Келсангиз кулбам аро кўзни хумор айлаб келинг,
Лекин эл кўзича тамкину виқор айлаб келинг.

Гул юз узра икки зулфингизни ҳам сунбул қилиб,
Оразингизга муҳаббат аҳлини булбул қилиб,
Хору хасни босибон райҳон ила жанбул қилиб,
Учраса ағёрлар қилмай нигоҳ бисмил қилиб,
Қонларидан кўчаларни лолазор айлаб келинг.

Гунг, қилсангиз такаллум тўтии ширин сухан,
Қўзингиздин рашк этиб овора оҳуи Хўтсан,
Тишларингиздин хижил ҳам мунфаил дурри Адан,
Лоф урар гулзор аро сарв ила шамшоду суман,
Қоматингиз кўрсатиб, бир шармисор айлаб келинг.

Нозу истиғно билан найларки келсангиз кулуб,
Ғамза бирлан маст қилсангиз дамодам май сунуб,
Қўл бўюнгга ташлашиб юрсак иковлон бир бўлуб,
Кечакундуэ оҳ урарман йўлларингда термулуб,
Сизга ошиқни ким айди, интизор айлаб келинг.

Бўлмади бир дам мұяссар қолса кўз ёшим тиниб,
Мевав сабрим тўкилди шохи оромим синиб,
Чиқсангиз бир кун агар эҳсон самандига миниб,
Ҳар тарафга ташлабон кокилларингиз, силкиниб,
Кулбаи эҳзоними мушкин татор айлаб келинг.

Доғлар кўнглумда қат-қат, ғунчадек бўлди ниҳон,
Ғам юкидин қоматим нахли эгилди чун камон,

Ишқни кўйида чун барбод бердим хонумон,
Таъналар айлар манга зоҳид, аё ороми жон,
Они ҳам бориб менингдек беқарор айлаб келинг.

Улдуруб бир нечани, абрў камон бирла отиб
Ҳам Масеҳга мурда тиргузмакни расмин ўргатиб,
Бир ғуломингман, мени хоҳ сохлағил, хоҳи сотиб,
Ишқ бозори оро майгун лабингни кўрсатиб,
Лаъл қадрин синдириб бе эътибор айлаб келинг.

МУЖГОНИНГ

(Амирий ғазалига мухаммас)

Магар жаллод чашмингни ҳидоят қилди мужгонинг,
Итоб айларда жонимға иноят қилди мужгонинг,
На журм этдимки, жаврин ниҳоят қилди мужгонинг,
Ҳалокимдин ажиб бир сўз ривоят қилди мужгонинг,
Кўзинг ўлдирди-ю, аммо риоят қилди мужгонинг.

Парилардек хироминг кўрган инсонни шаҳид айлар,
Нигоҳинг хоҳ гадо-ю, хоҳ султонни шаҳид айлар,
Тишинг дурни, лабинг лаъли Бадаҳшонни шаҳид айлар,
Кўзинг ҳар бир боқиша юз мусулмонни шаҳид айлар,
На кофир санки, қон тўкмакка одат қилди мужгонинг.

Сочингдин шўриши савдо билан бечора бошида,
На бир хобида орому ва на завқе маошида,
Чунон маъюсман маҳрум сарто-сар харошида,
Хаёлинг базмида эрдим кеча кўнглимни қошида,
Кўзинг бедодини айтиб шикоят қилди мужгонинг.

Юриб чиқсанг бу истиғно билан даврон қутулгайму?
Кўриб мавҳи жамолинг бўлмаса хубон қутулгайму?
Сўзингдин лол бўлмай тўтилар ҳар ён қутулгайму?
Ики хунхор жоду кўзларингдин жои қутулгайму?
Бу кофирларни қатлимга далолат қилди мужгонинг.

Аё эй хўбларни сарвари, шўхи чаман оро,
Борурман деб висолингга етолмайман бу кун, фардо,
Ўшал кун бир қародинг жониби ман телбай шайдо,
Мани ўлдургудек эрди кўзинг мардумлари гўё,
Чекиб ҳар ён синон саф-саф ҳимоят қилди мужгонинг.

Қошинг шамширидин ҳар боққанингда минг ситам эрди,
Бўлиб сув сабру тоқат чашмаи чашмимда нам эрди,
Нигоро, нотавон жонимға, бу озор кам эрди,
Кўзинг қилган жафолардин кўнгилда юз алам эрди,
Манга ушбу аламларни зиёдат қилди мужгонинг.

Муқимий хонавайрон манзилимни санга айтурга,
Қоронғу шомдин ҳам маҳфилимни санга айтурга,
Машаққатда ешилмас мушкилимни санга айтурга,
Борур эрдим Амир арзи дилимни санга айтурга
Мурувват бирла қатлимға ишорат қилди мужгонинг.

КҮЗЛАРИНГ

(Фурқат ғазалига мухаммас)

Гар эмас, эй нозпарвар, кофиристон күзларинг,
Нега икки мардуминг бадмасту мастон күзларинг,
Айлагай хунрезлиққа ҳарсў жавлон күзларинг.
Тўккали жаллод эрур ишқ аҳлидин қон күзларинг,
Лабларинг жонбахшу, аммо оғатижон күзларинг,

Кишвари ҳусни малоҳат тахтида, эй подшоҳ,
Сарв қадлар ичра ўтмас сен каби мавзун паноҳ,
Найлайн ошуфталиғдин чекмайин ҳар лаҳза оҳ,
Саҳл агар бўлса паришон, дилларим қилсанг нигоҳ,
Қилди оҳуни Хўтан даштида сарсон күзларинг.

Бир назар уммидида йўлингда рўзў шаб ётиб,
Хорлиғлар хори ҳар узвимға хородек ботиб,
Озимиدي ўлғонлиғим заҳри ғами ҳижрон тотиб,
Ногаҳон ошиқларингга тийри мижгонлар отиб,
Рахна дил мулкиға солди номусулмон күзларини.

Мақсадингни ғунчасидин дер эдингким, гул қиласай,
Соғари айшинг майи васлим билан пурмул қиласай,
Тобакай мундоғ тафофул айлай, эмди қул қиласай,
Бир ишорат бирла дер эрдинг; боқиб бисмил қиласай,
Бўлмасин ул аҳдидин, ёраб, пушаймон күзларинг.

Келганингда, дилрабо, ногоҳ оқшом кетмағил,
Куйдуриб куйган юрак-бағримни бирён этмағил,
Сўрмасант арзимни, додига рақиб ҳам етмағил,
Эй нигоро, сурмани қўй, қўйма, қўйсанг чиқмағил,
Қилмағай ошуби даҳр устига тўфон күзларинг!

Неча муддат, кеча-кундуз күрганинг ағәр эди,
Бу сабабдин ҳар тукум жисмимда гүё мор эди,
Шом вақтидек Муқимий рўзгорим тор эди,
Шукр, Фурқат фурқатингда хаста-ю бемор эди,
Бир боқишда айлади дардиға дармон кўзларинг.

АРЗИМНИ АЙТИНГ

Арзимни бошингиз ҳақи дилдорга айтинг,
Муштоқлиғим шўхи ситамкорга айтинг,
Софинганими қўзлари хуммормага айтинг,
Ҳижрон ўтидин ўртади жон ёрга айтинг.
Девоналиғимни пари атворга айтинг.

Лабларга яқин руҳи равон етти йитарга,
Йўқ, зарраи тоқат ғами ҳажрини чекарга,
Азм айладим ул кечаки ман эрта кетарга,
Юз ишва билан нақди хирад форат этарга,
Найрангларин бетига айёрга айтинг.

Ҳар ошиқа ким соате маъшуқи топилса,
Боқмас гул агар жаннати ризонда очилса,
Анбар била лозимки раҳи уд ёпилса,
Эмди хати райҳонларини даврида келса,
Нархи ушалур нофай тоторга айтинг.

Азрўйи карам гоҳ фуломига гапурсун,
Ё нома жавобига паёмига гапурсун,
Товус қилур даъви хиромига гапурсун,
Лоф урмаса то тўти каломига гапурсун.
Албатта лаби лаъли шакар борга айтинг.

Иш қилсаки озори дил етмаса зинҳор,
Яъни бирор озарда бўлиб кетмаса зинҳор,
Қатлимга қалам қош ила хат битмаса зинҳор,
Хуш этса керак овласа оғритмаса зинҳор,
Ошиқларининг кўнглини бекорга айтинг.

Хамёза ишим бўлмас эди тутмаса жомин,
Кўзлар йўлида рост билиб ваъдаи хомин,

Қайдин ҳам әшиитдим, деб әкан ким манга номин,
Эй кош бориб күрмас әдим сарви хиромин,
 Үлдим, муни кабки дари рафторга айтинг.

Ақбоблар, ул дилбари худкомима учраб,
Ҳар гоҳ ўшал сарви гуландомима учраб,
Нозик баданим нарғиси бодомима учраб,
Ҳажрида Муқимий, бу қаро шомима учраб,
 Бахти сияҳим меҳри пур анворга айтинг.

ТАНҲОЛИФИНГ

(Фурқат ғазалига мухаммас)

Гунг ўлар ширин сухан тўти кўриб гўёлифинг,
Айлар оҳуларни саргардан кўзи шаҳолифинг,
Қайси золимда дегил бордур кўнгил хоролифинг,
Маҳвашо, ўлдирди бизларни ба Истиғнолифинг.
Бор экан билдук тафофул бобида танҳолифинг.

Билмадим манким башарму, ё pari, ё ҳурсан,
Е сипеҳрида малоҳат ахтари пурнурсан,
Бир иликмассан кишиға мунча вахший сурсан,
Айланай ҳар тўғридин Хўқанд аро машҳурсан,
Бир сари яхшилифинг ва бир сари устолифинг.

Эрта-ю кеч ҳар маҳал олдингда бўлсам субҳу шом,
Хизматингда айласам қасддан ўзимни чун фулом,
Чок тиксанг қилса жоним ришталиғни илтизом,
Мошинанг чорхи каби бошингдин айлансан мудом,
Лаҳза бўлгайму муюссар давлати ҳамполифинг.

Сан каби кўрган эмас золим фалак офоти жон,
Жон рамаққа етди боқмассан аё руҳи равон,
Оразингдур офтобу қоматинг сарви жинон,
Санда бордур кўп малоҳат, қай бирин айлай баён,
Оҳқим ўлган кўнгулга лаъли руҳ афзолифинг.

Қимдур эй қотил эмастур тиғи нозинг күштаси,
Сунбулурайхон сочингни ҳар баҳор ошуфтаси,
Қўйғил оҳиста оёқ остинг шаҳидинг пуштаси,
Үтга тушкан мў каби чўлғонди жонлар риштаси,
Келтируб эрдим хаёла ногаҳон чун жолифинг (?)

Ҳасрату ғамдур маошим ютмишам хуноблар,
Рангу рўлар заъфарон бўлди бўлиб бетоблар,
Сўрма оромим, Муқимий, ўчти кўздин хоблар,
Дедилар ҳолим кўриб афсус ила аҳбоблар,
Бир париваш ишқидиндуру Фурқатий шайдолиғинг.

АШЬОРХО ДОРАД

(Мунтазир^б ғазалиги Мұқимиң мұхаммаси)

Буте дорамки, тарсо аз хаташ зиннорхो дорад,
Ба ёди жилвааш кабки дари рафторхо дорад,
Ҳазорон ҳамчу ман дар ҳар қадам беморхо дорад,
Маранж, эй дил зи ишқаш гар жафо озорхо дорад,
Мұхаббат инчунин бо ишқбозон корхо дорад.

Кулохи фақр тожам, шавкати Доро диҳад табъам,
Ба кунжи бенишони шүхрати анқо диҳад табъам,
Гаҳи маҳмуриям қайфияти саҳбо диҳад табъам,
Ажаб набвад ба жаннат арзи истиғно диҳад табъам,
Чунин к-аз фикри рўяш хотирам гулзорхо дорад.

Шууре кў намоян фарқ аз фардои худ диро,
Надонам ҳам чунон мустақбилим айёми мозиро,
Димоги имтиёзам нест аз андуҳ шодиро,
Тажалли гўямат ё руҳи қудси хонамат, зеро,
Забони шавқам аз девонаги гуфторхо дорад.

Ҳаёли кокулаш хотир паришон мекунад, варна
Шабамро ёди рухсораш ҷароғон мекунад, варна
Табиат лола осо доғисомон мекунад, варна
Дили зорам ғамаш дар сийна пинҳон мекунад, варна
Қитобатҳо, суханҳо, розҳо асрорхо дорад

Агар ҳоҳики гарди аз газанди ҳалқ амон, эй дил,
Макун ҳарғиз қабули ихтилоти нокасон, эй дил,
Хушо мардеки дар як гўшае бошад ниҳон, эй дил,

Мапурс аз бетамизиҳои абнои замон, эй дил,
К-аз ин сактинатон оинаам зангорҳо дорад.

Қаноат кард ҳар кас ёфт ганжи бегарони худ,
Ба обе тар шавад нон дид айши жовидони худ,
Намеарзанд гирифтан миннати дунон ба жони худ,
Ба дунё қониам бо неъмати табъи равони худ,
Баҳори фитратам сеҳр офарин ашъорҳо дорад.

Бадӯшам бори ҳости баста дийдам то дар ин саҳро,
Надорам ғайри ҳақ бар ҳеч корам аз касе ёро,
Агар пурсидаи ҳоли Муқимий бесару поро,—
Ба ёрон гулфурушу мекунам, бо мункирон — хоро,
Ба ҳар маҳфил жунунам Мунтазир бозорҳо дорад.

Т а р ж и м а с и:

Шундай севгилим борки, унинг кокиллари тарсолар
(бутпарамалар) учун зуннорлик хизматини қилади,
Чиройли юришлари билан шуҳрат қозонган дала какликлари

ўз ҳунарларини унинг жилваларидан олганлар,
Манинг севиклигим ўзининг ҳар бир қадамида манга
үхшаган
мингларча мафтун бўлганларни учратади,
Эй кўнгул, санга беҳисоб жафолар етказса ҳам унинг
ишқидан ранжима,
Чунки севги муҳаббат аҳлига шу тахлитда аламларни
кўрсатади.

Манинг бошимдаги фақирлик кулоҳи тожимдур,
Табиатим эса Доро шаъни шавкатидан улуғроқ шаъну
шавкатга эгадур,

Үзим бенишонлик бурчагида қолиб кетган бўлсам ҳам,
табиатим анқо шуҳратини эслатади.

Үзим махмурман (хуморда қолганман), табиатим эса
соф май кайфини беради,

Манинг бу табиатим жаннатни писанд қилмаса ажаб эрмас,
Чунки гўзал юзининг хаёли манинг хотиримда
жаннатдан ортиқроқ гулзорлар яратади.

Кечамин эртанги кунимдан фарқ қилгуси идрокимдан
ажралганман.

Шундай бўлгач, келажагимни ҳам ўтмишимдан фарқ қила
олмайман-да.

Қўнглим эса шодлик билан қайғунинг фарқига боролмайди,
Гоҳ «тажалли — намоён бўл» дейман, гоҳ «эй муқаддас-
руҳ!» дейман,

Чунки ғалаба қилган завқу шавқим девоналарча сўзлар
сўзлатади.

Ерим кокилининг хаёли менинг хотиримни паришон
қилмаса эди,

Қоп-қора зулмат кечамни унинг рухсори хаёли билан
ёритмасам эди,

у, табиатимни лола каби доғ қилмаса эди,
Муштоқ дилим унинг сийнасига
яширинган бўлмаса эди,

Бу китоблар, бу сўзлар, бу хил кўнгул сирлари туғилмас эди.
Агар замон аҳли заарларидан қутулишни истасанг,
эй дил.

Нокаслар билан зинҳор алоқа қилма, эй дил,
Бир гўшада ўзини яширин тутган одам қандай яхши, эй дил,
Замон аҳлининг бетамизликларидан оғиз очма, эй дил,
Чунки бу ит табиатликлар сўзидан манинг ойнам ранги
хира бўлган.

Қаноатлик киши беҳисоб хазинага эга бўлади,
Қотган понни сувга ивitiб еб қаноат қилган одам
абадий роҳатга эга бўлгади,

Пасткаш одамларнинг миннатларини ўз устингга олиш
дуруст эмас,
Бу дунёда «табъи равон» (шеърий истеъдод) бўлиш
фазилатим билан қаноатланаман,
Чунки заковатим мўъжизага ўхаш шеърлар яратади.
Шу дунё саҳросида тириклик юкини кўтаришга бошлаб,
у билан алоқа қилишга киришганимдан бери
Ҳеч бир ишимга ҳақдан бошқа мададкор топмадим,
Оёқ яланг қолган Муқимий ҳолини сўрасанг,
Дўстларга гулфурушлик қилиб душманларга тикон санчаман,
Ҳар бир жойда менинг савдоилигим, эй Мунтазир,
бозор қиласди.⁷

БОРМУ АНГА ҲЕЧ ЧОРА

(Нодим^в ғазалига мұхаммас)

Эй бег, банда арзларин ул шарқи ёра де,
Мажруҳ қүнгли, борму анга ҳеч чора де,
Бераҳмлиғда қүнглин они сангхора де,
Боди сабо саломими ул гулъузора де,
Бу андалиби зор паёмин баҳора де.

Бир ғамзасида, ўт қўйибон ошёнима,
Кўк токи тийра нола-ю оҳу фифонима,
Қосид, бошигни ҳурмати номеҳрибонима,
Етдим ниҳон тутиб ғами ишқини жонима,
Раҳм айлабон бу дардими сан ошкора де.

Ағёrim ила ёр букун боданўшдур,
Рашким келиб тонг отқучча корим хурушдур,
Қайда бошимда эмди мани ақлу ҳушдур,
Ул маҳлиқо силеҳр киби сабзапўшдур,
Жайнида тугмаларни дурахшон ситора, де.

Етди рамаққа жониму, келмас хаёлиға,
Наззорә қилай демагай зори ҳолиға,
Тун-кун дуодаменки етушқай камолиға,
Улсам фироқ лаштида етмай висолиға,
Эй гирдибод, кўрсанг ўшал ғамгусора де.

Ҳусн иқлимининг тахтида султон дегил они,
Майгун лабини лаъли Бадахшон дегил они,
Зулфу хатин сунбулу райҳон дегил они,
Қаддина сарви ноз хиромон дегил они,
Рұхсорай мунаавварини «моҳ пора» де.

Ҳажрида умре ранж чекиб, ранг заъфарон,
Ёш ўрниға кўзимдан оқар қатра-қатра қон,
Эй дўст, шулдур, ҳасратими айласам баён,
Зинҳор учраганда ўшал шўх ногаҳон,
«Сансиз ғамингда жийби они пора-пора» де..

Эй раҳгузори куйи ўшал ёри бевафо,
Кўрдингму ҳажри дардида мен зору бенаво,
Бошимда шавқи васл, жамолига жон фидо,
Кўрсанг нигорими, санга мандин бу илтижо:
«Дарду ғамиға йўқ они ҳаргиз шумора» де.

Езди ғамин Муқимий байду қарибдин,
Кўрмай гузири бормиди иону насибдин,
Инжитма жавр етса карам билан ҳабибдин,
Нодим шикоят айлама ёру рақибдин,
«Боис тамоми ғуссаға бу бахти қора», де..

МЕКУНИ, ё НЕ?

(Жомий ғазалига Муқимий мухаммаси)

Қадамро ранжа сўи мо асирон мекуни, ё не?
Ба муштоқон жамоли худ намоён мекуни, ё не?
Масихои, давои дардмандон мекуни, ё не?
Ба раҳмат илтифоти мо асирон мекуни, ё не?
Нигоҳе жониби мо хоксорон мекуни, ё не?

Кашидам баски ҳижрон тар зи хун шуд хонаи дида,
Ба ранги ҳалқаи тасвири нун шуд хонаи дида,
Зи жӯши гиряи ашкам бурун шуд хонаи дида,
Чу Яъқубам зи гиря сарнигун шуд хонаи дида,
Худоё Юсуфи моро ба Қанъон мекуни, ё не?

Ба боғи даҳр фасли гул баҳорон мекуни равшан,
Тамоми кӯҳу саҳроро ба борон мекуни равшан,
Гуҳар аз қатраҳои абри найсон мекуни равшан,
Шаби торикро бо моҳи тобон мекуни равшан,
Даруни қабри торикам чарогон мекуни, ё не?

Гунаҳкорам ғариқи баҳри исёни ту мебошам,
Асири мубталои нафси шайтони ту мебошам,
Ба ғафлат дода умр аз даст нодони ту мебошам,
Шаби аввалки, ман дар гӯр меҳмони ту мебошам,
Шаҳо инъому эҳсонат ба меҳмон мекуни, ё не?

Муқимий — зарра: ҳамчун офтоби ховари Жомий,
Заифу ожизам, кун дастгири, ёвари Жомий,
Ба доди додхоҷон аз ту шояд довари Жомий,
Кадомин дарду меҳнатро кунам ёд овори Жомий,
Ту осон мушкили мо мустамондан мекуни, ё не?

Таржимаси:

Эй севикли, биз асиrlар томонга ҳам қадам етказасанми ё йўқми?

Биз муштоқларга ўз жамолингни кўрсатасанми ё йўқми?

Масиҳо сифат бўлиб, биз дардмандларга даво қиласанми ё йўқми?

Биз асиrlарга илтифот билан раҳм қиласанми ё йўқми?

Оёқ остидаги тупроқ каби эзилган биз бечораларга нигоҳ қиласанми ё йўқми?

Айрилиқ аламларини шунча кўп тортдимки, кўз хоналари қонга тўлди,

Кўз хонаси қон рангли ёшлар билан тўлган ҳалқа шаклига кирди,

Кўз ёшларимнинг беҳисоб оқишидан кўз хоналари қабариди чиқди,

Худди Яъқубга ўхшаш йифидан кўз хонаси салқиб тушди, Эй худо, Юсуфимиэни Каиъонга етказасанми ё йўқми?

Эй замона гули, баҳор фасллари билан боғни равshan қил, Бутун тоғу тошларни баҳор ёмғири билан сероб қил,

Бу ёмғир билан турли гавҳарларни ундириб, ўстириб обод қил,

Қоронғу кечани тўлин ой билан равshan қил,

Қоронғу гўримни ёритасанми ё йўқми?

Ман санинг гуноҳ денгизига ботган гуноҳларингман,

Ўз нафсиға мубтало бўлган қулингман,

Ўз умрини фафлатда ўтказган нодонингман,

Биринчи кеча гўрдаги санинг меҳмонингман,

Меҳмонга инъом-эҳсон қиласанми ё йўқми?

Муқимий Жомий олдида қуёш атрофида айланувчи зарра сингаридур,

Заифман, ожизман, қўлимдан тут, ёрдам қил, эй Жомий,
Сендан ёрдам сўровчиларга ҳамма вақт мадад этиб келган-
сан, эй Жомий,
Дарду меҳнатларимнинг қай бирини эсга олайин, эй Жомий,
Биз ёрдамга муҳтоҗларнинг мушкулини осон қиласанми ё
йўқми?⁹

БУ ПАРИШОН ҲОЛИМИ

(Надим ғазалига мухаммас)

Бу паришон ҳолими зулфи паришонимға денг,
Сочларирайхону сунбул юзи гулистонимға денг,
Яъни бебоку ситамгар, номусулмонимға денг,
Дўстлар арзим бориб ул ёри жононимға денг,
Жон чиқарға етти ҳажридин муни жонимға денг,

Найлайин ҳар ерда бўлдим сиймбарлар ошиқи,
Дилраболар, шўхлар, зебо санамлар ошиқи,
Бўлмайин умри ўтиб заррин камарлар ошиқи,
Эгма, дерсиз на учун бўлдинг кибрлар ошиқи,
Йўқ бу ишда ихтиёrim, чашми ҳайронимға денг.

Ушбу Мажнуни биёбони балийят арзини,
Нух янглиғ фарқ тўфони балийят арзини,
Гўйидек саргашта чавгони балийят арзини,
Юсуфи маҳбус зиндани балийят арзини,
Корвони Миср беҳжат пири Канъонимға денг.

Оҳким ҳар тун бўлиб ағёrlарға ёр, ёр,
Бу аламларга чидалмай кўзда ёшим шашқатор,
Йўлларида бўлмасун ѡч ким манингдек интизор,
Базм аро барбату, танбуру, қонуну, дутор,
Заъфдин тор ўлғаним ҳур хуш илҳомимға денг.

Ишқ ўтига устихонлар ёнди монанди ўтун,
Тийра оҳимни тутунидин сипеҳр нилигун,
Жон лабимга етди, қилди дарду ғам бағримни хун,
Эй Масиҳойи насими субҳидам тангри учун
Зарра-зарра ҳолими хуршиди тобонимға денг.

Бўлди кун-кундин фуэун ҳажрида ранжу меҳнатим,
Соядек турмакка ердин йўқ мадору қувватим,
Бўйла андуҳу, малолу, дарду, дого кулфатим,
Худ-худи пайти сабо ғурбатда кўргон шиддатим,
Бошингизни ҳўрмати шоҳи Сулаймонимға денг,

Навбаҳор ўлди-ю, дерлар сабза нўшу ёсуман,
Навҳагар шавқида булбул кабку қумри хуш сухан,
Дийдаи наргис йўлида ҳалқаи байтулҳазан,
Лола кулди, гул очилди, бўлди гулгашти чаман,
Сайри боғ этсун келиб сарви хиромонимға денг,

Умрлар кездим жаҳон пасту баландин ман ёмон,
Тинмадим васлин сўроғлаб лаҳза бир дам, бир замон,
Кетса армонлар билан кўрмай Муқимий ногаҳон,
Ўлса Нодим топмайин мақсад аҳлидин нишон,
Ёд этиб, эй дўстлар, афсусу армонимға денг.¹⁸

ОРЗУЛАР ФУНЧАСИДИН..

(Умидий газалига мухаммас)

Гарчи бўлса мисли булбул ишларим фарёду дод,
Орзулар фунчасидин ҳаргиз очилмасми мурод,
Ошно, ёру биродарларда йўқ меҳру видод,
Мунҳариф ўлди фалак, жавр ўлди кун-кундин зиёд,
На ҳабибимдин карам, на ўзлукимдин эътимод.

Ул жафопеша демаским бир бўлай меҳмон анго,
Демагай, ҳижрон ғамидин қолмагандур жон анго.
Бўлмади ҳаргиз муассир нолаю афгон анго,
Бир ажойиб толеим бордурки, ман ҳайрон анго,
Сидқ ила қўйсам қадам ҳар ерга қўзғолғай фасод.

Файзу дониш зарра йўх ман маҳзи оҳ барди жаҳул,
Шоҳи золим, вожгун бахтим, дуо бўлмас қабул,
Манзили мақсад йироқ, масдуд эрур роҳи вусул,
Ҳар ишимдин, қилмишимдин дўстлар хотир малул,
Ҳар ҳунар қилсан зиён-афзун, бозоримдур касод.

Меҳнатим ортар дамо-дам, жисми зорим нотавон,
Гарчи сўрмас кимса ҳолимни рамаққа етса жон,
Кибр ила бухлу адоват ишлари ҳалқи жаҳон,
Бўлмишам ҳайрону лолу, йўх ҳабиби меҳрибон,
Кўзима олам қоронғу, гўри танг турган билод.

Хўблардин кўрмадим бир зарраи меҳру вафо,
Меҳру шафқат даҳр элидии келмади ғайри жафо,
Умр ўткардим абас, беҳуда йўлларда хато,
Лутф этиб ёраб ўзинг кўргиз манго роҳи бақо,
Лавҳи дилдин нақши фосидларни айлаб инхирот.

Раҳм қил, ҳолим хароб, эй подшоҳи мұхташам,
Құдратим етмаски борсам равзай байтул-ҳарам,
Ийүлға истиъдодимиз йүқ молу, мулку, на дираам,
Борим исән ҳамраҳим, йүқ күэлашим мулки адам,
Минган отим лангу логар, йүқ қўлимда роҳи зод.

Йўл хатарлик, лутф этиб кўрсат манга роҳи сафид,
Маъсиятлар бениҳоятдур, уқубатлар шадид,
Остин олудаи шардур, Муқим, домон палид,
Нўш этиб мастонадур ҳамрий хижолатдин Умид,
Бул жиҳатдин айламас охир ишин бир лаҳза ёд.¹¹



АСАР ВЕРМАЗ

(Фүзүлий ғазалига мухаммас)

Дуо бир умр агар қылсам ижобатдин асар вермаз,
Қаён ғам лашкари бирла қадам қўйсам зафар вермаз,
Маошим заҳр агарчи талх комим най шакар вермаз,
Манга боди сабо ул сарв гулруҳдин хабар вермаз.
Очилмас ғунчай баҳтим, умидим нахли бар вермаз.

Нигоро, нолишимидин бе сукунтур гунбази мийно,
Ҳаводисдин етар бошимға юз бинг кулфати савдо,
Тараҳҳум этмадинг ҳижрон юкидин, гарчи, қаддим ё,
Тўкиб кўз ёшими сансиз ҳалоким истарам аммо,
Ажал бегина сели ашк гирдоби гузар вермаз.

Ҳазар қил, очма барге, ғунча, гулшан эътибориндан,
Буқун хандон ўлиб андеша қилмазсан ҳазониндан
Фузун вирди сариким, маст эрур давлат шаробиндан,
Қиёс эт шамъдан, ваҳм айла чархинг инқилобиндан,
Ким ул бош олмога қасд этмайинча тож зар вермаз.

Амири ҳуснсан жуз маъдалат қонунни соз этма,
Ҳар абллаҳни ҳаримнингға бериб йўл шархи роз этма,
Қолиб биз бенаволар, ғайр аҳлин сарфароз этма,
Кўзимда маскан эт хори мужамдан эътиroz этма,
Гули хандона сурдим, хора ёр ўлмоқ зарар вермаз.

Хўтан оҳуларидин нофай тотор эдар ҳалқа,
Баҳори лутф бирла даштни гулзор эдар ҳалқа,
Биронни эътибор айлаб, биронни хор эдар ҳалқа,
Бало зимнинда роҳат ўлдигин изҳор эдар ҳалқа,
Фалак беҳуда хори хушқидин гул барги тар вермаз.

Құюб чиқсанғ, мабодо, сурма күза, қошинга вусма,
Берурсан бу малоҳат бирла ранже нотавон жисма,
Жафою жаврни, әй гул, құлунгдин ўзгая этма,
Агар жон олмоқ истарсан танимдин тийғинги кесма-
Ки пажмурда ниҳола вермайинча сув самар вермаз.

Югургай токи олам боғида чун решаси ҳар ән,
Ато қилмиш ани ажриға ҳосил әзиди Яздон:
Мүқим ғам бирла ўтса, шукр, умринг тинмайин бир он,
Фузулий даҳрдин ком олмоқ ўлмадан гирән,
Садаф сув олмайинча абри найсондин гүҳар вермаз.¹²

А И Л А Н А Й

Арз этарга ҳасратим күптур, тилим лол, айланай,
Васлинга етмакка түн-күн күрамаш фол, айланай,
Хожат эрмасдур баён этмак, ўзунг зол, айланай,
Хар даме ҳажринг паришон турфа ахвол, айланай,
Гоҳ-гоҳс күэ учн бирлан назар сол, айланай.

Аввало, жоно, бирөвга аҳду паймон боғламанг.
Ишқ ўтиға боғлагандин сүнгра бағрин доғламанг,
Файрга ҳозиржавобу, биз гапурсак ағнаманг,
«Ошнойи бо ғараз» деб икки кунлик чоғламанг,
Ман дуогӯ, бўлғонимча букчайиб чол, айланай.

Кимки ишқинг мубталоси ҳаргиз ором олмади,
Ҳеч бир манзилда кўси истиқомат чолмади,
Ҳуснға сандин бўлак гулчехрага кўэ солмади,
Шевай нозинг кўрубон ҳеч мажоли қолмади,
Ўзга маҳвашларни меҳри дилда мисқол, айланай.

Эй тағофул пеша, истиғно-ю ноз этмак надур?
Зулм танбурин бураб, ҳар лаҳза соз этмак надур?
Бизни маҳрум, ўзгаларни сарфароз этмак надур?
Хуррам айла тоҳ йўқлаб, иҳтироҳ этмак надур?
Хужрага фурсат топиб, яъни чиқиб қол, айланай.

Орзуманди висолинг бир ман эрмас, хосу ом,
Иштиёқингни ўтидин ўртанур жонлар мудом,
Рози дилни оқибат қилдим санга маҳфий паём,
Ўткану кетганда айларман румуз бирла салом
Билмасун ағёrlар оҳиста беҳол, айланай.

Гулшани имконда сандек сарви мавзун битмади,
Оқим сан тош кўнгулга оҳу афғон етмади,

Шарҳи ғам айларга олдінгдин рақибим кетмади,
Нече айландымки пинқон, зарра таъсир этмади,
Пештоқ узра ўзим чиққанда яққол, айланай.

«Лутф қыл ақволға», дер ким ёна мен қул, некқадам,
Хайфким, йўқтур иисор этсам йўлингда зарру сийм,
Тобакай етмас манга гулзор васлингдин насим,
Дурри васфинг терди шул назмини баҳриға Муқим,
Гар десанг «Бўлсун аёни!» истаб топиб ол, айланай.

ХҮБ БҮЛДИ

(Амирий ғазалига мухаммас)

Күрүб қон кокилингни нофай тотор хүб бүлди,
Бараҳман боғлади ҳасрат билан зуннор, хүб бүлди,
Ниқобингни юзунгдин олмадинг, эй ёр, хүб бүлди,
Бу кун ағёрга күрсатмадинг дийдор, хүб бүлди.
Ки пинхон айладинг ойнадин рухсор, хүп бүлди.

Қиёс эт, дилбаро, ошиқни чашми ашкборидин,
Таним сиймоб янглиғ бекароринг бекароридин,
Нетар сайр айласам фирмавси васлингни каноридин,
Назокат гулшанида сабзай хат наубаҳоридин,
Юзунг боги тароват топти-ю бисёр хүб бүлди.

Уруб дам сабза помолинг эрур холу хатинг бирлан,
Очилгач лола қат-қат дөғи хижлат талъатинг бирлан,
Чекалмай Моний ҳайрон суратини суратинг бирлан,
Чаманда сарв ўзин тутти баробар қоматинг бирлан,
Анга күргузди қаддинг шевай рафттор, хүб бүлди.

Қилибон ғамза, имон қасдин айлаб, тишладинг лаълинг,
Қачон дардимга дармон қасдин айлаб, тишладинг
лаълинг,
Демайким, лутфу эҳсон қасдин айлаб, тишладинг
лаълинг,
Манга пинхон боқиб, жон қасдин айлаб, тишладинг
лаълинг,
Бу маъниидин хабардор ўлмади ағёр, хүб бүлди.

Очарди баргидин гул турфа очти гулъузорингдин,
Варақлар ҳусни авроқин хушам лайлу наҳорингдин,
Жамолингга на нуқсон ўргулай, эй зулфи торингдин,

Сафо топти юзунг ойнаси хатти губорингдин
Бу кўзгу то намоён айлади зангор, хўб бўлди.

Паривашлар қилиб девона савдосида, эй соқий,
Рамаққа етса жон йўқ зарра парвосида эй соқий,
Ютуб зардоблар бу чарх мийносида, эй соқий,
Ёмон махмур эдим лаълинг таманносида, эй соқий,
Карам айлаб ичурдинг бодаи саршор, хўб бўлди.

Биҳамдиллоҳ, Муқимий, фазли ҳақ ҳар ерда ҳамроҳим,
Қаёнким азм қилсам, ҳеч ким тутмас сари роҳим,
Сипоҳу лашкарим — андуҳу ғам, тийри камон — оҳим,
Амири мулки ишқам не сўрарсан шавкату жоҳим,
Қимеким топти бу давлат сарога бор, хўб бўлди,

МАЖОЛИМ ҚОЛМАДИ

Васлингга етмакка, жоно, иҳтимолим қолмади,
Ошёнинг кўп бэланд учмакка болим қолмади,
Ҳеч бир абиога майли иштиғолим қолмади,
Ман бу гам бозорида юрмакка ҳолим қолмади,
Гуссанинг тўфонида ҳаргиз хаёлим қолмади.

Келди мастона бошимға кечаси дилдор хуш,
Кўрдиму бўлдим юзин, ман сийнаси афгор, хуш,
Айлади ҳолим сўрубои ул пари атвор хуш,
Шишаи май бирла қилди хотиримни ёр хуш,
Ғамли кўнглимда бу кун ғамдин малолим қолмади.

Доми зулфиннга кўнгул вақтеки бўлди мубтало,
Қолган эрмас тийра баҳтим рўзгорида зиё,
То ўшал кун сен жағожўға бўлубман ошию,
Фарқи тўфони сиришк ўлдум қолиб йиглаб жудо,
Топқали маҳлас шиноварлиғ мажолим қолмади.

Эй, қарамдин, йўхламас бўлсанг қулингни гоҳ-гоҳ,
Пора-пора сийшалар мажруҳ ҳолимдур табоҳ,
Душманим халқи жаҳон, йўқтур бўлак сандин паноҳ,
Балгуҳарни суҳбати миръоти дил айлар сиёҳ,
Мардуми бад аслा зарра қийлу қолим қолмади.

Ул киши топкай, агар ғам кунжида истар мани,
Билмадим анжомими неткай бу чашми тар мани,
Қилди кетти айлаюб ишқида хокистар мани,
Баски ҳижрон сташиға айлади ахгар мани,
Гуссадин холи бу кун бир моҳу солим қолмади.

Ногаҳон дониҳ юзидин айлаюб лутфу қарам,
Чун Муқимиға қилиб ширин тақаллум дам-бадам,
Қўрди мундоғ даҳр лавҳи мисраи баржаста кам,
Бу ғазалинг матланни қилди Махдумжон рақам,
Мақтани ишо қилиб номи маолим қолмади.

ОҲКИМ ҲОЛИМНИ СҮРМАС ОШНОЛАРДИН БИРИ

Эй табиб, айланма, дардим бедаволардин бири,
Ранги зардим кўру кўрма каҳраболардин бири,
Рўзгорим тийра, мен баҳти қаролардин бири,
Оҳким, ҳолимни сўрмас ошнолардин бири,
Ошнолар, балки хешу ақраболардин бири.

Нафси шайтон бўйнимга бошлар солиб, ҳар ерга ғул,
Охиратдин йўқ ғамим, фикрим ҳамиша молу пул,
Оқибат бўлдим емак-ичмак била нафсимга қул,
Орезулар тухмидин яъсу надомат қилди гул.
Бўлмади афсус ҳосил муддаолардин бири.

Кеттилар ҳасрат билан мардум йигиб дунё, дариф,
Ҳирсу ғафлат пардаси босиб, бўлиб аъмо, дариф,
Даҳрдин бир оли ҳиммат бўлмади пайдо, дариф,
Жоҳу-қудрат бирла хок ўлди ғанийлар, во дариф.
Хайру эҳсонин кўралмай бенаволардин бири.

Ҳеч истаб топмадим ҳамдам қилурга шарҳи роз,
Кимга ёндоштимки қўюб меҳр, қилди эҳтиroz,
Оlam аҳлини бир-бир этдим имтиҳону имтиёз,
Маҳфиле ким йўқ, назарда, мутрибо, ул дилнавоз,
Равшан этмас кўнглуми завқу сафолардин бири.

Соч ақорди, тиш тушуб, қувват белимдин кетти, ҳайф,
Тоатим йўқтур, матоимдур гуноҳ, юк битти, ҳайф,
Айладим зойи йигитлик, кўси рихлат етти, ҳайф,
Пур хатар водийда саргардон абас умр ўтти, ҳайф,
Йиғламайму: йўлға солмас раҳнамолардин бири?

Эй муҳаббат шуълае ур дилғаким, тинмай қуяй,
Қонлик ашкимдин либосимни қизил гулдек бўяй,
Феълибадларға пушаймонлар қилиб, юзни юлай,
Ҳолати лутф этки, ёраб, кўз ёшим бирлан ювай,
Қолмағунча номада журму хатолардин бири.

Шамъдек жонлар қуюб, жисм ўртанур монанди ҳас,
Еткудек додимға кўрмай борамен фарёдрас,
Иўқ асар ноламда, манзиллар йироқдур чун жарас,
Ишқ йўлида Муқимийким, дема, эй булҳавас,
Шавқида бир сарв қад, қумри паволардин бири.

ИНТИЗОР ҮЛТУРГУСИ

(Фүрқат ғазалига мухаммас)

Доми зулфи ичра холи донавор үлтургуси,
Жон қүшини мубтало айлаб шикор үлтургуси,
Илкига олса хусусанким дутор үлтургуси,
Келса кулбамга ұшал бераҳм әр үлтургуси.
Келмаса, келгүнча дарди интизор үлтургуси.

Йўқ дилеким ҳеч бир ғамдин мукаддар бўлмаса,
Кўрмадим кўз ҳамки мотамдин наму тар бўлмаса,
Ўзгалар ҳуснин нетай ман, ул суманбар бўлмаса,
Давлати дийдор гар гоҳе мияссар бўлмаса,
Меҳнати жавру жафои рўзгор үлтургуси.

Сонма ошиқ жабрига қилмас тафохур, эй рафиқ,
Ҳар жафоким етса бўл шукрига зокир, эй рафиқ,
Турфа бекас ман бу водийда мусофири, эй рафиқ,
Эйки дерсан: ўлғасан кўйида охир, эй рафиқ,
Розиман биллоҳ агар билсамки ср үлтургуси.

Ераб, ул бемеҳр беморин келиб сўрмас даме,
Сангдиллиғ пешаси инсофа келтурмас даме,
Ўзгалардин ўзга манга қўл тутиб юрмас даме,
Ўзни ўлтурсам агар ман бирла үлтурмас даме,
Доимо ағёр ила, келсам, нигор үлтургуси.

Умр ўтар юз ҳайфким ҳосил қилолмай лаҳза ком,
Рўзгорим тийра, бахтимдур қаро монанди шом,
Манга сунсангчи висолинг бодасидин эмди жом,
Бўлди корим бори ғам остида жон узмак мудом,
Ваҳки, ҳар кун меҳнати бу кору бор үлтургуси.

Бошдин ҳар дам җушум жоду күзинг элтур мани,
Фитнадур анга солурсанму қўярсан сурмани,
Кўл йироқ туштим назардии васлинга ёткур мани,
Мастман бу кеча соқий лутф ила ўлтур мани,
Вар на қўйсанг тонглага ранжи хумор ўлтургуси.

Юз йўла ўтдим кўйингдии тинмадим эл ётгуча,
Мунтазир бўлдим йўлингда термулиб ой ботгуча,
Остонангдии шетар юрса Муқимий сотгуча,
Бир кеча борғум дипоб ҳар кечалар тоиг отгуча,
Фурқатийни айлабон уммидвор ўлтургуси.

ХИЖРОНИ ЗОР ЎЛТУРҒУСИ

(Навоий ғазағыга мұхаммас)

Таъхир құлманғ, маҳвашо, күп интизор ўлтурғуси,
Юздин ииқоб очмай келинг гарди губор ўлтурғуси,
Бу йўлға юрма эй зоҳид, бўлсанг дучор ўлтурғуси,
Бир кун мани ул қотили Мажнун шиор ўлтурғуси.
Ўтру чиқиб, жавлон қилиб девонавор ўлтурғуси.

Ишқ аҳли жавриға агар изғонсалар ҳам қуфр эрур,
Етмакда васлиға ишим доим хаёлу фикр эрур,
Гулзор аро савдосидин булбулда ҳар дам зикр эрур,
Васли аро гар ўлдуур, жонимға юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андии бир нафас ҳижрон зор ўлтурғуси.

Мажнундин ўзгамен киби бу дашт аро саргашта ким?
Савдои зулфиға ани мандек күнгүл вобаста ким?
Таън этма, зоҳид ишқдин олам аро ораста ким?
Ошиқ бўлурда билмадим, мен нотавони хаста ким:
Ҳажр ўлса — ғам куйдурғуси, васл ўлса — ёр
ўлтурғуси.

Мумкин сиҳатлик бодани гар узмасанғ, эй муғбача,
Базмингга ағәр ақлидии киргузмасанғ, эй муғбача,
Зулм ила кўнглим орзусин сен бузмасанғ, эй муғбача,
ЛАълинг зулоли май била тиргузмасанғ, эй муғбача,
Дайр ичра ман дилхастани ранжи хумор ўлтурғуси.

Кўз шабнамидик ғунчани булбул очибдур оразин,
Ё ул гулурайхон ила сунбул очибдур оразин,
Эмди халос ўлмоқ, Муқим, мушкил, очибдур оразин,
Дерлар Навоий қатлиға гул-гул очибдур оразин,
Юз кўрмайин ул қотили чобук сувор ўлтурғуси.

КЕСАНГЧИ

Құзларга жақон бүлди тангу тор, кесангчи!
Қылмай бу бало мунча мени зор, кесангчи!
Тонг отқуча дардинг била бедор, кесангчи!
Йүлингда мен, эй құзлари хұммөр, кесангчи!
Жөн бүлса фидо бош мана тайёр, кесангчи!

Ағёра карам күп, менга кам бүлмоғи хұбму?
Устига яна жавру ситам бүлмоғи хұбму?
Қатлимға қошиңг тифи дудам бүлмоғи хұбму?
Сенсиз юрагим маскани ғам бүлмоғи хұбму?
Ииглаб қилайин дардими изҳор, кесангчи?

Рухсоридин, эй кулбаи әхәонга зиёлар,
Бир меннү әдім қылмагашнинг жавру жафолар,
Қетгунча, қилиб келма әди бағри адолар,
Хатм үлди, қапи, ўртадаги аҳду вафолар?
Исо нафасо, сүргали бемор, кесангчи!

Ҳар бобида, эй йүқтур үшал ҳеч назири,
Чокар ҳама хубони жақон, сен-сен амири,
Ҳар бир қарашиб тикмиш әди күксима тири,
Елғуз мен әмасмен, ҳама зулфингнинг асири,
Тарсони бериб белига зуншор, кесангчи!

Хуноба ютуб, күрмай эсим кетти, үлай деб,
Келмас сени ёдингаки бир ҳеч сүрай деб,
Зағфим йиқилиш, айласам андиша турай деб,
Наргис нигорон боғда жамолингни күрай деб,
Юздин күтариб парда баякбор, кесангчи!

Эй кош күриб тутмас әдім аввали номинг,
Чиқмас назаримдин туны күн әмди хироминг,

Жоно, менга ҳам келса нетар гоҳ паёминг,
Үлдим соғиниб тотли, назокатли каломинг,
Тўтини қилиб сурати девор, кесангчи!

Назхатда юзи ошиқин, эй хулд пайми,
Жон нақди писорим, йўқ агарчи зару сими,
Зулфинингни хаёлида дуогўйи самими,
Таъвиз учун аъзами исмнингни Муқими,
Чекти газала тоққали туммор, кесангчи!

МУБОРАК

(Амирий газалига мухаммас)

Қўймак чаманга, жоно, мастана по муборак
Шамшоду сарв қаддин, қилмоқ дуто муборак,
Гул рашк этиб юзингга, маҳзуннамо, муборак,
Ҳуснинг камола етти, эй маҳлиқо, муборак,
Ойнаи жамолинг топти сафо, муборак.

Уммид шишиасиға раҳм этмайин тош урдинг,
Фам лашкарин юбориб, эй зулмхў, шошурдинг,
Ошноя бермай унвон, бегонани ошурдинг,
Хўб бўлди оразингни ойинадин ёшурдинг,
Эй шўхи моҳ талъат, шарму ҳаё муборак.

Улкунки эй парирў гулшанг тушти жилванг.
Товус кўриб хироминг ўзидин айлади нанг,
Боис ўшал уриб оҳ, боғларда юрса дилтанг,
То юзга ғоза чектинг, қонимни тўқдиганзанг,
Ноз илгига нигоро бўлсин хино муборак.

Ушшоқ қулларингдин то бора-бора кечтинг,
Ағёрларга доим лутфу карамлар эттинг,
Бир кеча келмушам деб, қилдинггу ваъда, кетдинг,
Тун қайдга масти эрдинг, ким бирла бода ичтинг,
Гул жайбидек очилган банди қабо муборак.

Номаҳрам ила тун-кун базм айладинггу ётдинг,
Биздин жарима ўтмай тийри жафолар отдинг,
Қадрини ҳайф билмай, арzon қулингни сотдинг,
Ҳарчанд менга паймон, паймонасин ушотдинг,
Қилдинг рақибларга аҳду вафо муборак.

Үтмуш тажаммул ила, бир шоҳи ҳусн мулки,
Ноз отига миниб каж, бошида кеш бўрки,
Девонавор найлай бўлмай эл ичра кулки?
Ул шўх дилрабонинг бўлдим асири зулфи,
Бошимға тушти савдо, қилсун худо муборак.

Хўблар ичинда сендек гулчеҳра, дилрабо кам,
Аҳли муҳаббат ичра дил хаста мен каби ҳам,
Ҳасратларингда қўздин бир лаҳза кам эмас нам,
Эй яхшиларни(нг) шоҳи бўлма рақиба ҳамдам,
Ёнингда не муносиб, ул шуми номуборак.

Чин мулки тахтини(нг) чин хоқони сен, вафо қил,
Гулзори лутфу дониш райҳони сен, вафо қил,
Ҳар дардманду бемор дармони сен, вафо қил,
То маснади малоҳат султони сен, вафо қил,
Шаҳдин карам муносиб, қулдин дуо муборак.

Ақл ила олди ҳушим бир моҳи маҳфил оро,
Бўлди Муқим ёраб ишқида зору шайдо,
Ҳайрону лол эди ким васфиға бўлса гўё,
Ул сарв қад хаёлин қилди Амир иншо,
Фикри салим бирла, табъи расо муборак.

КЕРАК

(Навоий ғазалига мухаммас)

Қосидо, ул ойға ногақ етса пайғомим керак,
Субҳи васлидин ёритса бу қаро шомим керак,
Шод қылса ғамли күнглумни тутиб жомим керак,
Гулшан ичра йўқтур оромим, дилоромим керак.
Сарву гулни найлайнин, сарви гуландомим керак.

Чўғзедек вайроналарда бўлмадим обод мен,
Рўзгоримдур парешон, кимга айлай дод мен,
Шукрилиллоҳ ўзгаларнинг қайдидин озод мен,
Гар парилар қуш каби рам қылсалар ҳам шод мен,
Ғам йўқ ул шўхи пари пайкар менинг ромим керак.

Соқиё, даврингда маҳмурам карам қил бир аёқ,
Ерсиз сайри чамандин менга зиндан яхшироқ,
Олами аздод, эмас бир-бирга ҳалқи иттифоқ
Каъбада нокомлиғдин аҳлида йўқ жуз нифоқ.
Дайр ичида кофири бебоку худкомим керак.

То нишон қилди кўнгилларни ўшал абрў камон,
Қатра-қатра кўзларимдин келди ёш ўрниға қон,
Не ҳавоин боғ бошда, не димоги бўстон,
Гул била савсан керакмасдур менга, эй боғбон,
Зулфи сунбул атрлик, рухсори гулғомим керак.

Умрлар кеадим қўзиб савдоларим дашту қазаф,
Тийри хунрези фироқиға қилиб кўксим ҳадаф,
Пойбўсиға даме шоядки топсам деб шараф,—
Эй харобот аҳли, расво кўнглим этмиш бу тараф —
Келмишам топиб сўроғ, ул ринди бадномим керак.

Имтиёз этгай чунонким талху ширин зоиңа,
Лол экан ҳайратда таҳқиқиға ақли нотиқа,
Субҳагардонлиқ. Мүқимий, илкими айлаб чақа,
Эй Навоий, хонақоҳда топмадим жуз тафриқа,
Хум каби майхонанинг кунжида оромим керак.

РУХСОРИНГИЗ ЧИРОЙЛИК

(Фурқат ғазалыға мұхаммас)

Қийған либосларингиз, дасторингиз чиройлик,
Тоза матоларингиз, бозориінгиз чиройлик,
Пайғомингиз фараҳбахш, ахборингиз чиройлик,
Жаннатни гулларидин гулзорингиз чиройлик,
Хуру пари юзидин рухсорингиз чиройлик.

Ҳар важәдін суманбар, қоматда сарв пайкар,
Інсоф айласам йўқ сиздек жаҳонда дилбар,
Ҳар неча васфингизга симбайди танг дафтар,
Кўрганда қоматингиз бўлгай хижил санаубар,
Товус жилвасидин рафторингиз чиройлик.

Ойдек етиб камола, кўрманг завол ҳаргиз,
Лаъли лабингиз ўлмас оби зилол ҳаргиз,
Тўти камолингиздин бўлмасму лол ҳаргиз,
Ҳар қанча қилсангиз ҳам келмас малол ҳаргиз,
Яхши эрур жафонгиз, озорингиз чиройлик.

Умре баланд бўлсун иқболу давлатингиз,
Кам бўлмасун ҳамиша Доройи шавкатингиз,
Гул боғ оразингиз, райҳон эрур хатингиз,
Ҳар бир-биридин аҳсан афъолу хислатингиз,
Кирдорингиз ярашкан, авторингиз чиройлик.

Фильмонмусиз башарсиз, қайдогсиз ўзингиз,
Бўлгайму мунча иссиф ё ўтму юлдузингиз,
Жонлар топар ҳаловат, қанду асал сўзингиз,
Олма қизил юзингиз, бодом эрур кўзингиз,
Таърифи анжирингиз, анорингиз чиройлик.

Эй ҳусн кишварини (нг) тахтида якка султон,
Мумтоз дилрабосиз, чокар жамии хубон,
Етмакка васлингизға борму, Мұқимий, имкон,
Фурқат, күриб күнгиллар бўлмас начук паришон,
Белларда кокилингиз, зуннорингиз чиройлик.

ҚҰЗЛАРИНГ ШАҲЛО НЕЧУК

Бұлди мундоғ сурма құймай құзларинг шаҳло нечук,
Боқмасанғ оворалардек оқуи саҳро нечук,
Интизоринг сүргали бир келмадинг асло нечук,
Марҳамат ағёра, жоно, манга истиғно нечук,
Кечти ғам күнжидә холинг, демадинг танҳо нечук,

Етти күкка фурқат ичра оху ағфон кечалар,
Оқти соңсиз дийдадин ёш үрниға қон, кечалар,
Әй хәели айлаган то рўзи, ҳайрон кечалар,
Ҳеч ёдингга келурму, дебки ҳижрон кечалар,
Тушти әркан бошина бечорани(нг) савдо нечук?

Қыл тараҳхум сўзишим кун-кундин ағзун рашқдин,
Хаста күнглум дам-бадам маъюсу маҳзун рашқдин,
Бўлмайинму ўртаниб ҳар дам жигархун рашқдин,
Ушлашиб юрсанғ рақибим бирла тун-кун рашқдин,
Кўз ёшим оқмайди ҳасратдин тўлуб дарё нечук?

Эй асири чашми мастинг қўзлари бодомлар,
Ииллар айлар ўзгалар базмингда ҳосил комлар,
Ваъда бирлан оҳ токай кечадур аёмлар,
Соқиё, даврангга тутдинг тўлдуруб май жомлар,
Навбатим етканда холи айладинг мийно нечук?

Оқибат, эй гулбадан, ағёрлар кенгаштилар,
Рашқ ўтиға жисму жоним ҳас каби ўрташтилар,
Кетди қўлдин иш ҳарифларким санга ёндоштилар,
Рамз илаи турдинг рақиблар то туриб эргаштилар,
Булҳавасларга қолуб ошиқларинг, имо нечук?

Якка ҳусн иқлимида султони олийсан ўзинг,
Ҳам малоҳат баҳрида дурри лаоли сан ўзинг,
Ишқ аҳлини фикру, зикру ҳам хаёли сан ўзинг,
Рост айғил қайси жаннат навниҳоли сан ўзинг,
Одам ўғлидин биносан, сен малак сиймо нечук?

Нега кўрмайдур тағофулдин дил афгорин келиб,
Мунтазир йўлида, яъни дийда хунборин келиб,
Не ажаб раҳм айлаюб кўрсатса дийдорин келиб,
Эй кўнгул хуш тут Муқимий ёри беморин келиб,
Гар букун сўрмас, деса шоядки сан фардо нечук?

Г У Л

(Навоид ғазалига мухаммас)

Лабларингдек нозик эрмас барги ҳам гарчанд гул,
Хеч боғда битмас оғзинг ғунчасидек қанд гул,
Кўрмади раъно қадингдек мардуми Ҳўқанд гул,
Эй латофат касбida ҳуснингга ҳожатманд гул,

Юз гулистан ичра йўқ юзингга бир монанд гул.

Ҳалқай зулфинг асири нофай тотор эрур,
Оразинг саргаштаси хуршеди пур анвор эрур,
Дона-дона тишларинг дурму, дури шаҳвор эрур,
Хилъати зебо била ул қомату руҳсор эрур.

Рост бир сарвеки қилгайлар анга пайванд гул.

Жаъди мушкинингни то машшота оројнададур,
Рашқдин кўнглумда андуҳу ғам афзојнададур,
Меҳр ҳар кун остоңангга жабин сояннададур,
Нозу ғамзангдин мужам қон ёш афзојнададур,

Йўқ ажаб чун бор тиканда доимо фарзанд гул.

Субҳ кирсанг боғ аро мастона, жоно, найламиш,
Қуллиғингга юз еридин ёсуман бел боғламиш,
Чокаринг хайлиға наргис ҳам ўзин жо айламиш,
Жолалар эрмас гули садбарг узра, айламиш,

Жисмини тишлар била ҳажрингда юз парканд гул.

Эй даҳонинг ҳасратидин бўлди савсан сарнигун,
Лолалар тоби руҳингдин доғ қат-қат ғарқи хун,
Лоғ урур шамшод, қилким жилва то бўлсун забун,
Қайси важҳила юзингга даъви айлар бўлди, хун

Ганжи ҳуснингдин муҳаққар важҳ ила хурсанд гул.

Гар чамандин сан, ўшал бош чекса тұбивор сарв,
Күрмамиш ҳарғыз Эрам сандек пари атвөр сарв,
Қоматинг қумрисидур ҳар ерда қумридор сарв,
Сарв сан, эй гулъузор, ар бўлса хушрафтор сарв.
Гул сан, эй сарви равон, гар қиласа шаккарханд гул.

Оҳ-афғонингни, гар дилдор эшиитмас айб эмас,
Инғалил бўлса ғаминг ғамхор эшиитмас айб эмас,
Қил Муқим, арзи ниёз изҳор эшиитмас айб эмас,
Эй Навоий, гар сўзингни ёр эшиитмас айб эмас,
Турғали бирла қулоғдур, лек эшиитмас панд гул.

МУНЧА ҲАМ

Бошлара ишқинг тушуб, савдо бўлурму мунча ҳам,
Эл аро пинҳон сирим ифшо бўлурму мунча ҳам,
Ғам юкидин, оҳ, қаддим ё бўлурму мунча ҳам,
Эй чаманда қоматинг раъно бўлурму мунча ҳам,
Оллоҳ, оллоҳ, кўз деган шаҳло бўлурму мунча ҳам.

Сайри гулшан қилдинг ул субҳеки мастона чиқиб,
Сабзалар бош чекди таъзимингга то наргис туриб,
Пардасиз кирган чоғинг савсан сафиға от суриб,
Гул яқо чок этди хижлатдин, деди ногаҳ кўриб:
Тавбаким, ораз деган ҳумро бўлурму мунча ҳам.

Лаззатин ширин сўзинг тўти шакардин кўрмади,
Лаъли нобинг мавжини гул барги тардин кўрмади,
Ой юзинг нурин фалак шамсу қамардин кўрмади,
Офати жон ҳеч киши сандек башардин кўрмади,
Хусн мулкида киши танҳо бўлурму мунча ҳам.

Беҳаё гуллар боғингда турмасун, эй боғбон,
Очилиб беҳуда сунбул кулмасун, эй боғбон,
Қаддинга шамшод мағрур ўлмасун, эй боғбон,
Лофи нозикликни сарвинг урмасун, эй боғбон,
Ботил ишқ аҳкомида даъво бўлурму мунча ҳам.

Бедаводир дарди, беморингни кўрмайсан ҳануз,
Етди кўкка нола, ёдингга кетурмайсан ҳануз,
Мушкил ишлар сенга осондур, битурмайсан ҳануз,
Қонга бағрим лоладек тўлди-ю, сўрмайсан ҳануз,
Эй мақоминг авжи истиғно бўлурму мунча ҳам?

Муттасил базм айласанг ағәр ила лайлу наҳор.
Рашк ўтиға ўртаниб ҳам бўлмасунми дил фигор,

Найлайин юрмай ғамингда дарбадар мажнун шиор,
Хүшими бошдин олиб ҳажрингда қилдинг беқарор,
Нотавон күнглимга ишқинг жо бўлурму мунча ҳам.

Тобакай мундоғ тағофул, ҳоли зоримни билиб,
Қыл жамолингдин мунаввар кулбами кўзга илиб,
Не бўлур ҳасрат эшиңсанг то саҳар, оқшом келиб?
Йўқму раҳминг келмадинг, кўзлар тешилди термулиб,
Деган одам шўхи бепарво бўлурму мунча ҳам?

Аҳду паймонлар ушатдинг қадрдоним, деб ахир,
Мунисим ҳам, ҳамдамим ҳам, роздоним, деб ахир,
Улфатим ҳам ғамгудозим, меҳрибоним, деб ахир,
Аввалида ваъда айлаб, дўсти жоним, деб ахир,
Сендан, эй, душман иши барпо бўлурму мунча ҳам.

Даҳрда саргаштаи осий Муқимий умрлар,
Яъни расволарни расвоси Муқимий умрлар,
Эй парирўларни аълоси, Муқимий умрлар,
Бўлмаса васлинг таманноси, Муқимий умрлар,
Кўчаларда зору ҳам шайдо бўлурму мунча ҳам.

СОФИНДИМ

(Висолий ғазалига мухаммас)

Фиғон этмай нетай ҳажрида дилдоримни соғиндим,
Пари талъат, шакар лаб, ҳур атворимни соғиндим,
Малак пайкар, суманбар, кабк рафторимни соғиндим,
Кўзи шаҳло, юзи гул, чашми хумморимни соғиндим,
Жафонинг бодасидин масти саршоримни соғиндим.

Чекай то чанд, ёраб, дарду, андуҳу алам тинмай,
Оқар икки кўзимдан ул санам ёдида нам тинмай,
Ҳамиша дар-бадар истаб йўлида йигларам тинмай,
Муаттар кокилин, шавқида тун-кун, истарам тинмай,
Назокат боғида руҳсори гулноримни соғиндим.

Ўзимдек даҳрда саргашта гумроҳни киши кўрмас,
Ғарибу нотавон афтода йўқтур ман каби бекас,
Куяр жисмим фироқ оташгаҳида мисли хору ҳас,
Ғаму андуҳдин Мажнунсиғат ўтсам ажаб эрмас,
Латофат бобида ул шаҳд гуфторимни соғиндим.

Унудти-ю назардин ташлади афсус якбора,
Жудолиғ тифидин мажруҳдур кўнглум, жигар пора,
Рамақға етди жоним қилмас аҳволима наззора,
Вафо ойинида йўқтур дам урмак ошиқи зора,
Жафожӯ ул ситамгар бевафо ёримни соғиндим.

Муҳаббат йўлига, эй дўстлар, туштум совутманглар,
Бериб таскини хотир, пандлар бирлан овутманглар,
Қўйинглар эмди ўз аҳволима илгимни тутманглар,
Ичай заҳри фироқин аччиғ-аччиғ таъна этманглар,
Ким ул неку шамойил ошиқ озоримни соғиндим.

Хар оқшом ғайринг ёр үлди шамъи маҳфили лекин,
Муқимий раشك ўтиға тоқат айларсан бали лекин,
Надомат бирла ўтсанг мұғтанам ою йили лекин,
Висолий, ёр васлин хуш демушлар ишқ әли лекин,
Дами ҳажрида сўзу нола-ю, зоримни соғиндим.

ИХТИЁР ЭТМАЗМИДИМ

(Фузылий ғазалига мухаммас)

Үлмаса ғам чўх ҳасрат ихтисор этмазмидим,
Тоқатим етсайди тамкину викор этмазмидим,
Хуш ёр ўлсайди зулмидин фирор этмазмидим,
Ақл ёр ўлсайди тарки ишқи ёр этмазмидим,
Ихтиёр ўлсайди роҳат ихтиёр этмазмидим.

Жона етдим, эй жафожӯ, заҳри ҳижронинг ютуб,
Айладинг бинг ваъда бўлди субҳ келмассан гедуб,
Ултуарсан ғайра, эй соқий майи гулгун дутуб,
Неша маҳрам айладинг шамъи, бани маҳрум эдуб,
Бан санинг базмингда жон нақдин нисор этмазмидим.

Дарду андуҳ ила кўнгил кўзгуси зангордур,
Сийналар тийри жафодин хаста ҳам афгордур,
Толеим шум, ёр бемеҳру, фалак ғаддордур,
Дардими оламда пинҳон дутдигим ноchorдур,
Ўғрасайдим бир ҳакима ошкор этмазмидим.

Ул кўзи офатни кам-кам кўрмага ўлсайди сабр,
Ўзгани васлина маҳрам кўрмага ўлсайди сабр,
Кўрмаюб бир лаҳза бир дам кўрмага ўлсайди сабр,
Ёр ила ағёри ҳамдам кўрмага ўлсайди сабр,
Тарки ғурбат айлаюб, азми диёр этмазмидим.

Ишқ асрорин бани шайдолиғимдин қил қиёс,
Умр ўтар ғафлатда, нафс оролиғимдин қил қиёс,
Саҳт гумраҳбан, дили хоролиғимдин қил қиёс,
Воизинг куфри бани расволиғимдин қил қиёс,
Анда сидқ ўлсайди банд тақво шиор этмазмидим.

Равшан айлар эл күзин, ёраб, күзимни(нг) мардуми,
Хўблар расмида ё ойини мардумлиғ буми?
Фамгузорим йўқки шарҳ этсам Муқимий дардими,
Эй Фузулий, доди ҳижрон ила ёбмиш, кўнглуми,
Лолазор очсайди сайри лолазор этмазмидим.

ҲАЛОВАТ КҮРМАГАН ЖОНИМ

Фалакдин роҳат излаб ком ҳосил қылмаган жоним,
Жаҳоннинг айшидин бир дам кўнгул шод этмаган жоним,
Ғами айёмидин бир лаҳза фориг бўлмаган жоним,
Малоҳат доғи тифи халқдин айрилмаган жоним,
Жафо чеккан, алам торткан, ҳаловат кўрмаган жоним.

Манинг билмам эгам ёраб нечук инсон яротибдур,
Фироқ ўтида куймакка манга бир жон яротибдур,
Кўзимни хуш нигоҳлар йўлига ҳар ён яротибдур,
Нетай шум толеим ошуфтаси даврон яротибдур,
Жафо чеккан, алам торткан, ҳаловат кўрмаган жоним.

Ёшим ўттузга етмай бори қайғудин қарибдурман,
Бу меҳнатхонада чун устухоним оқарибдурман,
Не чора шаҳрида бир беватан қолган ғарибдурман,
Ҳамиша кўйи меҳнат узра рангим сорғарибдурман.
Жафо чеккан, алам торткан, ҳаловат кўрмаган жоним.

Жунун даштида Мажнун ибтидоси, интиҳоси ман,
Муроди мақсадига етмаган бемуддаоси ман,
Ғарибларни(нг) ғариби, мубталолар мубталоси ман,
Ҳама ёри биродарни асири хокипоси ман,
Жафо чеккан, алам торткан, ҳаловат кўрмаган жоним.

На булбулдек бари гул шохидин ўзга маконим йўқ,
Магар меҳнат чекиб роҳат кўроримга гумоним йўқ,
Ғам ўти тушмаган, куйдурмаган бир устихоним йўқ,
Мусофирилик диёрида маконим йўқ, нишоним йўқ,
Жафо чеккан, алам торткан, ҳаловат кўрмаган жоним.

Бошимга шуълаи суйи қиёмат офтобидур,
Юроким лахта-лахта оташи ҳижрон кабобидур,
Бошим гул барги узра ҳамди саҳроларда ҳисобидур,
Сўзим ҳар бир алам торткан Муқимийни(нг) китобидур,
Жафо чеккан, алам торткан, ҳаловат кўрмаган жоним.¹³

АҚЛУ ҲУШ

То асир ўлдим ўшал кун сан каби жонона ман,
Зиръи ҳуснинг хирманидин бир тералмай дона ман,
Тобакай мундоқ қуярман оташи ҳижрона ман,
Ақлу ҳуш учти бошимдин, эй пари, девонаман,
Бир иложе қил эл ичра бўлмайин афсонаман.

Дилбаро, ҳоли табоҳимни қиёс эт шамъдин,
Ўт аро оромгоҳимни қиёс эт шамъдин,
Нури бийносиз нигоҳимни қиёс эт шамъдин,
Дарду сўяу ашку оҳимни қиёс эт шамъдин,
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Кўрмади даврон санингдек нозанин зебо санам,
Хўблар кўпдур ўзингдек маҳлиқ бисёр кам,
Сўрки, беморинг эдим ҳеч бир қўёрмусан, қадам?
Ул замонеким йироқ васлингдин ўлдим, то бу дам,
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.

Манда, кеттинг, зарра орому фарофат қолмади,
Соате бир ерда бир дам истиқомат қолмади,
Халқдин мен чекмаган таъну маломат қолмади,
Лаҳзае заҳри ғаминг ютмоққа тоқат қолмади,
Нўш этиб васлинг майдин ҳам қаҷон бир қонаман.

Субҳим этдинг шом, эй хур shedi айёмим кетиб,
Бир жавоби келмади юз қатла пайғомим кетиб,
Бўйла илкимдин, ямон махмурман, жомим кетиб,
Оҳким сансиз қарору, сабру оромим кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Ҳажр ошуби балосидин ёзуб рози дилим,
Шум рақиблар можаросидин ёзуб рози дилим,

Гулгун ашкимнинг хиносидин ёзуб рози дилим,
Хома мужгон кўз қаросидин ёзуб рози дилим,
Арзае қилдим эшит, маъюсу муштоқонаман.

Ишқ савдосида кўзларга шаҳарлар тангу тор,
Келки жоно, сайр этайлик бўлдиким фасли баҳор,
Вожгун толиъларимдин санга бўлмай шармсёр,
Мулки Ҳиндуд Марвдин келсан топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардумни Фаргона-
ман.

ДОФМЕН

Остонанг күзласам, ҳиммат қиласлмай доғмен,
Азтаңдил яхши бир хизмат қиласлмай доғмен,
Лаңзае бир ерда бир ҳасрат қиласлмай доғмен,
Рози дил айтай десам, хилват қиласлмай доғмен.
Бир кеча ёлғиз топуб сұхбат қиласлмай доғмен.

Рүзгорим тийра точанд этмак, әй қоши қалам,
Сүрмаб әхволими ўтмай неча күрганда дам,
Мунча ҳам дил хасталардин айламай чун ваҳши рам,
Жавру бедоду ситам, беҳад чекиб ранжу алам,
Куйларингни биргина ният қиласлмай доғмен.

Енурал ҳар дам тушиб бир ўзга ҳола, халқдин,
Борурам бир дамда юз рангин хаёла, халқдин,
Қат-бақат қон дил, бу дашт ичра чу лола халқдин,
Күча-күйда учрасанг минг истиҳола халқдин,
Тиз букиб, таъзим этиб, иззат қиласлмай доғмен.

Мен каби оламда йўқ бехону моне, оҳқим,
Дастидин золим фалакни(нг) нотавоне, сәқим,
Топмадим излаб юриб, бир қадрдоне, оҳқим —
Хаста күнглум, сўзларинг, марҳам, забоне, оҳқим,
Бир ўзунтга ёндашиб улфат қиласлмай доғмен.

Эй баҳори ноз, тут фаслинг майдин журъае,
Айла огоҳ, бир сунуб аслинг майдин журъас,
Ичкуз, одам ё пари наслинг майдин журъае,
Оҳқим нўш айлабон васлинг майдин журъае —
Ҳосил айлаб коми дил ишрат қиласлмай доғмен.

Бир назар, афтодамен, қилсанг на бўлғай раҳмдин,
Куйганимдин сўрмажил, жоно қиёс эт шамъдин,

Заррае қолгай қачон күрганда ақлу фаҳмдин,
Үлтүрубсен чийни абрў бирла титраб ваҳмдин,
Бир ўпай дерман vale журъат қиласалмай доғмен.

Бедимоғи мулку молам, дилда йўқ завқи шикор,
Сўрғудек ҳоли харобимдин на бир хешу табор,
Эмди хуш, аҳли замондин тутмак анқодек канор,
Неча дерменким, Муқимий ғурбат айлай ихтиёр,
Бир ватандин дил узуб гайрат қиласалмай доғмен.

ФАРМОНИ РОЙИНГМАН

Манам ким гүшай ишқингда ёткан рўдапойингман,
Эшикдин урсангу қувсангки кетмас бир гадойингман,
Ёмонингдин ёмону, баднамодин баднамойингман,
Демасман аргумоқу, тўпичоқу бодпойингман,
Баҳар ноқобили бир бекуюшқон калтатойингман.

Аё эй шўхи бепарвойи ошуби жаҳон дилсанг,
На янглиғ сансиз ўлмак тобакай кўзларға олам танг,
Тушуб савдои ишқинг бошға, қўлдин кетти ному нанг,
Агарчи ошиқинг беҳад, vale инсоф агар қилсанг,
Баридин ҳам йўлингда хастау зору адойингман.

Нетай бўлмай рақиби зиштрўлардин паришон ҳол,
Кўнгул рашик ўтига хокистар айлаб қилдилар помол,
Сани доим тафофул ишларинг йўқ манда қилу қол,
Кўнгулда гап кўп айтурға, бўлуб кўрганда гунгу лол,
Лаванду, ландаҳуру, соддаю, ношуд анойингман.

Бўлур ҳуснингға не нуқсон, нигоро, лутф қилсангчи,
Куяр жон оташи ҳажрингда тонг откунча, билсангчи,
На бўлғай бир йўли борини ҳам кўзингта илсангчи,
Тасаддуқ хонумон бир оқшоме ногоҳ келсангчи,
Кудумингга тамоми ҳадя қурбону фидойингман.

Баланду пастиға дунёни чандон чоптиму елдим,
Кезиб қисматдин ортиқ ризқу рўзи йўқлигин билдим,
Қилиб тай оғият сарманзилини имтиҳон қилдим,
Муқимий гардани таслим даргоҳингга ман келдим,
На ҳукм этсанг қулингман, тобии фармони ройингман.

ОЛМАСАМ БҮЛМАС ҮЧИМНИ

Олмасам бўлмас ўчимни мен ўшал ағердин,
Бир тараҳум бўлмаса зероки золим ёрдин,
Гўё қочиб учрадим сели балога қордии,
Тобмадим мазза басе озор дўстлар ёрдин,
Баҳравор зоғу раған, булбул қолиб гулзордин.

Ханжари нозингдин, эй гул, сийнамиз чок ўлтудек,
Кўнглуми шод этмасанг, ўлгунча ғамнок ўлгудек,
Кечакурдим кўчада биздин ғазабнок ўлгудек,
Чиқмаса савти муассир дил фараҳнок ўлгудек,
Синдируб куйдир на ҳосил торсиз сетордин.

Лайли сиз бу асрда, гўёки биз Мажнунчалар,
Дарду ғам афзунчалармиз, кўз ёши Жайхунчалар,
Тилларинг остида тил кўп гарчи, эй гулғунчалар,
Алдамоғлик бир мусулмонни, ниғоро, шунчалар,
Шоли инъом айлаган янглиғ қуруқ омбордин.

Эрта-кеч, тун-кун ҳамиша доимо ҳамдам эрур,
Кечалар соз уйқуси келганда резу бам эрур,
Урса, сўкса юз ўғурмас бўйни доим хам эрур,
Хизматида кеча-кундуз ўзгага маҳрам эрур,
Мурдагов, албатта, афзал камбағал хуштордин.

Фақр аҳлин англасанг бир гўшада гумном эрур,
Заррача йўқ эътибору, обрў бадном эрур,
Донасиз кам жониворлар мубталойи дом эрур,
Бебизоатлар, Муқимий, даҳрда ноком эрур,
Ерни додин беролмас ўзгалар пулдордин.

О Ф А Р И Н

Минган саманди тез хиромингга офарин,
Майли қилурға қатл, маромингга офарин,
Тинмас ҳануз навбати жомингга офарин,
Эй сарви ноз, лутфи каломингга офарин,
Пинҳон рамуз бирла саломингга офарин.

Нозик чаманда сен каби раъно очилмагай,
Фамзанг ўқи-ла йўқки кун, ошиқ отилмагай,
Ҳусн иқлимида ҳеч мисолинг топилмагай,
Ҳар бир сўзингда мумкин эмас, дур сочилмагай.
Келган сўраб қулингни, паёмингга офарин.

Бўлдим йўлингда охири помол, сўрмадинг.
Номинг тутарга бўлди тилим лол, сўрмадинг.
Тоғ эрди сабр, қолмади мисқол, сўрмадинг,
Дард остида букулди белим, ҳол сўрмадинг.
Авжи тағофул узра мақомингга офарин...

Сенсиз жафолареки етар менга дам-бадам,
Ранж узра ранж кўрдим, алам устига алам,
Дафтар қилурға ёзғали ожиз эрур қалам,
Эй шоҳи ҳусн, кўриб агарчанд минг ситам,
Кетмас яна **Муқимий** ғуломингга офарин.

ҚҮЙМАДИНГ ҲАЙРОН ЭТМАЙИН

(Камий ғазалига мухаммас)

Лоладек бағримни құлмай қўймадинг қон этмайин
Демадинг термултуриб йўлимда ҳайрон этмайин,
Найлай эл олдида зоримни намоён этмайин,
Ҳаргиз әмди йўқ иложим оҳу афғон этмайин.
Ошкоро бўлди ишқинг сирри, пинҳон этмайин.

Оразингга кўз тикилган бирла асло тўймади.
Қўзларинг жаллод эрурким, қўймади то сўймади,
Жон десам раشك ўтидин куйди дегайсан, куймади,
Оташин рухсор ила зулфинг хаёли қўймади,
Ўтға тушкан тордек жисмимни печон этмайин.

Муддате елдим, югурдим, етмадим жоно, санго,
Бўлмади ҳарчанд кездим ҳеч ҳосил муддао,
Эй губори нақши пойинг жон кўзиға тўтиё,
Шарбати лаъли лабинг зикри мени лаб ташнаго,
Бас эрур минбаъд фикри оби ҳайвон этмайин.

Эй тағофул пеша, майл этмак неча озорга,
Ошно қайдин ҳам ўлдим сан жафо кирдорга,
Боқмадинг йўлингда мендек нотавони зорга,
Манга қаҳр айлаб дамодам, лутф этиб ағёрга.
Ўртадинг жону дилимни зарра эҳсон этмайин.

Чархи кажрафтордин ҳар лаҳза афзундур, ғамим,
Шарҳ этарга йўқ рафиқим, ғамгузорим, ҳамдамим,
Гулситонлар сайридин сарви қадингдур матлабим,
Хок бўси остананг айламакдур мақсадим.

Тинмағумдур токи саъйидаги фидо жон этмайин.

Дил Эрам бөгүнни хүш күрмас, паризодин нетай,
Ер тавфиқ ўлса эмди орзулардин кечай,
Хилват истаб, риштаи улфат халойиқдин узай,
Ул муанбар хат, юзи гул, сарв қад ёдин этай,
Ман букун сайри баҳору, богу бүстон этмайин.

Афв қил журмин Мүким айлаб карам, ёраб анинг,
Шоми умридин оқартур субҳидам, ёраб анинг,
Ер жавр айлар агарчи дам-бадам, ёраб анинг,
Нахли қаддин бори ғамдин қилма хам, ёраб анинг,
Чекмади сар то Камий чашмини гирён этмайин.

ШИРИН

(Амирий ғазалига мухаммас)

Күрүнгай ғурбат аҳлига, нигоро, хонумон ширин,
Чунончи хайли инсонға ҳәёти жовидон ширин,
Юзүн күрмак менга юз қатла андин бегумон ширин,
Лабинг аччиқ сүз айтиб эрди, бўлди коми жон ширин,
Бу соғар ичраму мавжи шароби арғувон ширин?

Хаёл этсам жамолин меҳрдек шуҳрат топар кўнглум,
Бу ғам кунжидагүй мунису улфат топар кўнглум;
Ниҳоли қоматинг ёд айласам қувват топар кўнглум,
Лабинг васфини такрор айлагач лаззат топар кўнглум,
Агар чандеки ҳалво зикридин бўлмас даҳон ширин.

Ажойиб бир тамошо мен, тамошобин ўзим ҳайрон,
Табиат қайси ишни ихтиёр айларда рўгардон,
Тушуб ўт ҳасрати дийдоридин тан шамъдек сўзон,
Мен ўлгум ёр учун, кўнгул талошур лабларидин жон,
Анго жон ўлди ширину, менга оромижон ширин.

Дилим нозикки қобил мисли мийно бўлса май зарфи,
Қадаҳ тут соқиё то нимшикан бўлсин кулаҳ тарфи,
Букун яксон кўрунур менга дунё дахлию сарфи,
Шакар гуфтторлар лаъли ҳадисидин десам ҳарфи,
Бўйур ҳар лаҳза тўтидек менга кому забон ширин.

Ўқиб тақво сўзидин дамба-дам такрор этар зоҳид,
Узи уйқуда, элни уйқудан бедор этар зоҳид,
Тутубон ошкоро субҳаю дастор этар зоҳид,
Қилиб зуҳди риёни, ишқдин инкор этар зоҳид,
Ани маъзур тут, эшшакка пашмакдин сағон ширин.

Киши хў қилди гар одат, эрур оламда қаттиқлиқ,
Баробар йилу гар соат, эрур оламда қаттиқлиқ.
Чекиб сабр айласанг тоат, эрур оламда қаттиқлиқ.
Қаноат пешага роҳат эрур оламда қаттиқлиқ.

Таажжуб қилма гар бўлса ҳумога устухон ширин.

Кўриб дийдори ҳақ, бўлсун мақоминг жаннатул аъло,
Назокат гул қилур ҳар мисраингдин эй шаҳи доно,
Бу баҳр ичра садаф янглиғ Муқимий, сен дури якто;
Букун қайси шакар лаб васфини қилдинг Амир иншо,
Деди назмингни кўргач ҳар бути ширин: «забон, ширин».

БҮЛСУН ОМОН

Телба Мажнуниман ул Лайли насаб бўлсун омон,
Умри ошиб ҳар замондин рўзу шаб бўлсун омон
Боғи ҳусни ҳам хазондин бесабаб бўлсун омон,
Гарчи бир келмайди дилдорим сўраб бўлсун омон,
Кўз тешилди йўлларида ҳам қараб бўлсун омон.

Ёд этиб ойни гаҳе ҳусниға монанд айларам,
Кўкка етар оҳими анжум киби банд айларам,
Сунбули зулфиға ман жонимни пайванд айларам,
Анбарин кокилларидин рашк гарчанд айларам,
Ортилур нозик белиға беадаб бўлсун омон.

Фунчай тангдур даҳони, лаблари гулбарги тар,
Мавж урап ширин сўзидин сўзласа шаҳду шакар,
Бўлмади равшан тааммуллар билан айлаб назар
Холму майгун лабида маскан этмиш ё магар,
Чашмаи Хизр узра ҳинду ё араб бўлсун омон.

Ваҳшидек мандин раманда, оҳ ағеримга ром,
Эрта кеч аксар бўлаклар бирла базму масти жом,
Бу аламларга начук ўтсун тамоғлардин таом,
Қўл тутиб ўткай кўзимча ғайр ила гар субҳу шом,
Сурма тортиб кўзғя, зулфини тараб бўлсун омон.

Боғ аро рух очса тобидин ўшал олижаноб,
Гул қилур чун мўйи оташ дийда ҳар дам печу тоб,
Нозу истигно, тағофул шеваси меҳру итоб,
Жоми васлидин рақиби рўсияҳлар комёб,
Қилса ҳам ошиқларини ташналаб бўлсун омон.

Подшаҳлиғлар сарирни салтанатлар лоақал,
Додхоҳларга тариқи маъдалатлар лоақал,

Лутфу эҳсонлар, улусга макраматлар лоақал,
Ўзгага юз илтифоту марҳаматлар, лоақал,
Ким мени сўрмас ҳам аз рўйи ғазаб бўлсун омон.

Ҳеч ҳолимға ҳабибимдин букун наззора йўқ,
Дарду ғам айтурға ҳам бир мунису ғамхора йўқ,
Васлини истаб манингдек ишқида овора йўқ,
Ҳажрида найлай, Муқимий, шукр қилмай, чора йўқ
Оҳу ҳасрат бирла кечкайман ажаб, бўлсун омон.

КИМ ДЕСУН?

Сояедурменки, боқмас офтобим ким десун?
Бора-бора кетди қадрим, интихобим ким десун?
Бир ўқутмайдур битиб берган китобим ким десун?
Ул тағофул пешага холи харобим ким десун?

Хажрида мундоғ мени күрган азобим ким десун?

Ошносидин кечиб, бегоналарга ёр, ёр,
Бу аламларга чидолмай, күзда ёшим шашқатор,
Хеч душман бўлмасун кўйида мендек хору зор
Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор.

Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим ким десун?

Кўрмадимким, бўлмаса бошида мушкул ҳар киши,
Қадри ранжи хор бу боғдин узар гул ҳар киши,
Тешани чопқай ўзига, расмдур шул, ҳар киши,
Ўз кўмочига, масалким, тортадур кул ҳар киши,

Бас куйиб ишқида чеккан изтирабим ким десун?

Турфа бир махмурмен лаъли лаби ёқутиға,
Ўхшатур одам гапурса, хуш такаллум тўтиға,
Зарра майлим йўқ бу дунёнинг ҳисобу чўтиға,
Куймаган бўлса бирор меҳру муҳаббат ўтиға,
Шамъдек то субҳ ўртаб таббу тобим ким десун?

Топмадим васлига йўл айлаб хаёлу ўйлар,
Пайкарим ғамдин заинф ўлди, чунончи, мўйлар,
Ўзгаларга хулқи хуш, аммо менга бадхўйлар,
Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар.

Иўлида жононими хайру савобим ким десун?

Қайда бўлғай телба, расвода яқою остин,
Не билур Мажнун деган субҳ ила шому чоштин,

Найлайин, ўйлаб тирикликинг камиу күстин,
Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин,
Сұзқи ҳақ бўлса: саволимга жавобим, ким десун?

Демаким, фориғ дуосидин Мұқимий, эрта-кеч,
Миджату зикру саносидин Мұқимий, эрта-кеч,
Құз тутар давлат асосидин Мұқимий, эрта-кеч,
Дүстлар сұрманг ғиэсисидин Мұқимий, эрта-кеч,
Қон шароб ичсам, жигарлардур кабобим, ким десун?

ҚҰЗГОЛМАСУН

(Амирій ғазалига мухаммас)

Очма юзким, тә күрүб шоху гадо құзғолмасун,
Солма күп бозорга ҳуснингни, баҳо құзғолмасун,
Кокилингни ёзма, жон айлаб ҳаво құзғолмасун,
Сунбули зулфингни тарқатма, сабо, құзғолмасун,
Жамъ қил ҳар гүшадин минг бенаво құзғолмасун.

Хуру ғилмон банда феълу, хулқу хуш атворинга,
Қабк ила товуслар хижлатдадур рафторинга,
Тұтии ширин такаллум лол ҳам гуфторинга,
Қылма гисўлар паришон ҳар нафас рұхсоринга,
Рум аро ғавғо тушуб, Чину, Хито құзғолмасун.

Хұблар ичра ўзунг янглиғ пари кирдор кам,
Құрмади мавзун қадингдек сарв гулзори Эрам,
Айлабон әбрүларинг ҳар лаңза шамшери дудам,
Дилрабо, пинқони үлдур, айламай зоҳир карам,
Жумлаи бегона бирлан ошно құзғолмасун.

Оташи ишқинг тушуб бағримни сув айлар дедим,
Дарду ҳижрон зағұф этиб жисмимни мү айлар, дедим
Итларинг борганда күөнгіга ғулу айлар дедим.
Жону дил лаълиингға етмак орзу айлар дедим.
Күлди-ю айдикі: «Турсун, жобажо, құзғолмасун»,

Маҳлиқолар меҳридин дилларда таббу тоблар,
Сажда вақты бўлса найлай, қошлиари меҳроблар,
Топсам энди не ажаб бу йўлда фатҳи боблар,
Гул жабинларга мурид ўлмуш деманг, аҳбоблар,
Жаҳлидин зоҳид олуб, қўлға асо құзғолмасун.

Ҳусн мулкида бўлуб, ёраб, ҳамеша комирон,
Давлату иқбол ила ёнғай чароғинг жовидон,
Хайриҳоҳинг мен Муқимий ошкорою, ниҳон,
Сен Амиру ҳар қулунгдур бир жаҳонгири замон,
Хасм торожиға қўзғолсунму, ё қўзғолмасун?

А И Р И Л М А С У Н

Бу чаманда ғунчай афгоридин айрилмасун,
Сози ҳар маҳфил, дуо қил, торидин айрилмасун,
Бўлса тарсо ҳамки ул, зунноридин айрилмасун,
Ҳеч ким мандек, илоҳи, ёридин айрилмасун,
Меҳрибон, мунис ўшал дилдоридин айрилмасун.

Комжў ноаҳллар аҳлига етмай биргина,
Турфа ҳайронликда мен аслига етмай биргина,
Одами ёким пари наслига етмай биргина,
Хонумон барбод уруб васлиға етмай биргина
Маҳруму, маъюс, йўқу боридин айрилмасун.

Чарх остида букулди, бўлди қаддим чун ҳилол,
Заъфдин халқе қилурлар соя янглиғ поймол,
Ҳасрати шамъи жамоли қилди фонуси хаёл!
Ҳажр осиби хазонида ўтиб шўрида ҳол,
Андалибе мен каби гулзоридин айрилмасун.

Истагони борҳо панд эрди, айғил зинҳор,
Ютса заҳри мордин қанд эрди, айғил зинҳор,
Жонларим бир умр пайванд эрди, айғил зинҳор,
Қосидо, кўнглум қуши банд эрди, айғил зинҳор.
Ишқилибким зулфи анбарборидин айрилмасун.

Кимга айтиб, кимга йиглай мубталолиқ дардини
Олами қаҳҳатчиликда бенаволиқ дардини,
Оҳ, саргʼардон кезиб, бераҳнамолиқ дардини,
Дўстлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолиғ дардини,
Душманинг ҳам бўлса, ўз ғамхоридин айрилмасун.

Етмади додим, фалакни(нг) дастидин фарёду, дод!
Рўзгорим шоми равшан қилмади субҳи мурод,
Ошно, ёру биродарларда йўқ меҳру вадод,
Бўндае, ёраб, Муқимийдек бўлуб хору касод,
Суду савдодин қолиб, бозоридин айрилмасун.

КАМЛАНМАСУН

(Шоир Алмай ғазалига мухаммас)

Ашк чашми шиддати ранжи билан дамланмасун,
Бандае эл таъну дашномин чекиб замланмасун,
Лаҳза сози маҳфили бозеру — бебамланмасун,
Фуссадин ёраб муборак хотири ғамланмасун,
Қадди шамшоди малолат боридин хамланмасун.

Бу назокат бирла қилсингим чаманлардин гузар,
Гул нисор этсун табақда мақдамиға сийму зар.
Умрлар товус рафториға шайдо кабки дар,
Оҳуи дашти Хўтн зоги сиёҳи болу пар

Шўрдин су ичмасун, яъни кўзи наъмланмасун.

Бормукин бир чорае ҳижронда қолган дардға?
Тобакай боқмай тағофул оҳ — оҳи сардиға,
Қилсачи боре тараҳум жисми ғам парвардиға,
Етмасун андуҳ илки доманининг гардиға,

Бодаи ишрат шакардек комига самланмасун.

Беҳаёли ёр жоне соҳиби тан бўлмағай,
Майда кайфият хароботида гулхан бўлмағай,
Ринду расвосида ҳам маъвоу маскан бўлмағай,
Базм бешамъ руҳи оламида равшан бўлмағай,
Бегули рўйи жаҳонда боғи хуррамланмасун.

Қилди чун қудрат тириклик лавҳида пайдо мани,
Телба Мажнун айлади бошимдаги савдо мани,
Бу дуғ вирдим ҳаётим берса фурсат то, мани,
Нашъадин боши, қадаҳдин илки, гулдин домани
Жилвадин қадди, табассумдин лаби рамланмасун.

То баҳори лутфи ҳақ бирлан мунаввар бу бисот,
Қылмасун зангори ғам ойинасиға ихтилот,
Ойдек оғушида қылсун модари чарх эҳтиёт,
Зоҳир ўлсун шомидин юз субҳ, субҳиддин нашот,
Гунчасидин гул, гули офатга мунзамланмасун.

Хўбларнинг нозу истигно жувонлиқ шеваси,
Ҳар неча кўбдур итоби, меҳрибонлиқ шеваси,
Ишқ кўйида, Муқимий, нотавонлиқ шеваси,
Равшан ўлғай ахтариға комронлиқ шеваси,
Сояи сарви бошикгдин Алмайӣ камланмасун.

РАҲМАТ САНГО

(Фузылий ғазалига муҳаммас)

То бориб ул шўх ағёр иладур улфат санго,
Заҳри андуҳу ғам ўлди оқибат қисмат санго,
Умрлар ҳажрида қон ютмак бўлуб нисбат санго,
Гарчи, эй дил, ёр учун юз верди юз меҳнат санго,
Заррача қатъи муҳаббат қилмадинг раҳмат санго.

Эй кўнгил, ҳар кимга йиғлаб чашми гирён зоҳир эт,
Гул каби йиртиб яқо чоки гирибон зоҳир эт,
Лоладек қат-қат юракдин доғи пинҳон зоҳир эт.
Соҳлама нақди ғами ишқини, эй жон, зоҳир эт,
Ким вера ҳабси бадандин чихмаға рухсат санго.

Қолмади бир-бир юриб кўрдим муолиждан, деди,
Ранги зардим илкина сурдим муолиждан, деди,
Набзими кўргунча ўлтурдим муолиждан, деди,
Чораи беҳбудими сўрдим муолиждан, деди.

Дард — дарди ишқ эса мумкин эмас сиҳҳат санго.

Нотавон афтодаедурман шафиим доманинг,
Кош сурсам кўзга бўлсайди насибим доманинг,
Захмимар марҳам насими, эй табибим, доманинг,
Дўнарам тонгла қиёматда ҳабибим, доманинг,
Мастсан ғафлат шаробидин букун муҳлат санго.

Ўзлугимдин қил ўзимни бехабар бир тиф ила,
Қолмағай ҳаргиз вужудимдин асар бир тиф ила,
Бисмил эт йўлингда қонимдур ҳадар бир тиф ила,
Инжидур нолам сани нўла агар бир тиф ила,
Чашми жаллодинг эда эҳсон манга, миннат санго.



Фақр кунжида демай ўткил Мұқимий күпү оз,
Чекма ташвиши тириклик ҳақ карими бениёз,
Дар ҳақиқат хислати хуш, шеваи ажзу ниёз,
Санда дун күрдүм, Фузылий, майлι мәхроби намоз,
Тарки ишқ этмакми истарсан надур ният санго?

ХАЁЛИМ САН ПАРИ ПАЙКАРДАДУР

(Зазқиә ғазалига мұхаммас)

Эй кечә-кундуз хаёлим сан пари пайкардадур,
Термулурман күз йўлингда ҳалқаеким дардадур,
Сандаким лутфу малоҳат қайси сийминбардадур,
Оразинг нури қачон хуршеди пур анвардадур,

Ё гулистон ичра очилган гули аҳмардадур.

Хулқинга таслим ўшал вақти итобу қаҳрда,
Кўрмади ҳеч ким мисолингни на саҳро, шаҳрда,
Бўлмаган қул санга йўқтур Мовароунаҳрда,
Бўлса бўлғай хўбрўлар, сарв қадлар даҳрда,
Сандаги нозик адолиқ қайси бир дилбардадур.

Хатм эрур санга башардин то башарлиғ шеваси,
Қаддинга зебо ажаб заррин камарлиғ шеваси,
Мунча жоду кўзларингни қон тўкарлиғ шеваси,
Дилраболиғлар равиши жилвагарлиғ шеваси,
Санда эй ноз офарин, шўхи ситампарвардадур.

Эй хаёли бирла хуш дарвиши дил огоҳлар,
Ҳеч бир жон йўқки сансиз эрса чекмас оҳлар,
Орзуманди жамолинг ой жабинлар, моҳлар,
Қуллуғини қилмадилар, даъви қилмай шоҳлар,
Пой бўсингни таманноси неча Қайсададур.

Эй ғубори мақдамингдин сабзу тар боғи Эрам,
Инглай-инглай ҳасратингдин қолмади кўзларда нам,
Нотавон беморман боқсанг нетар, Исои дам,
Ичмади оби ҳаётингдин ширин сув Хизр ҳам,
Лаззати лаълинг магар, жаннат аро кавсададур.

Үзгалар ҳамдамларинг, бегоналар йўлдош учун,
Ўртанурман рашик ўтиға сан эгилма кош учун,
Бир нигоҳи марҳамат борму мани қўллош учун,
Дурии нодир тишларингга, лабга-лаъл ўҳшош учун.
Қадру қиймат эл ичида лаъл ила гавҳардадур.

Гоҳ кўрсатсангчи дийдорингни муштоқ аҳлиға,
Ёнса маҳфилда жамолинг шамъи хушроқ аҳлиға,
Бул ҳавасларга тағофул қилғилу, боқ аҳлиға,
Раҳм қил бўлсанг мусулмонзода ушшоқ аҳлиға,
Сангдил, бераҳму, золимхўйлиқ коғирдадур.

Сабзаи хаттингму, эй ширин забон, лаблар уза,
Чашма чоғлаб ёки Хизр этии макон лаблар уза,
Қўйди уч нуқта магар кавсар даҳан лаблар уза,
Холларинг даври суроҳи аргувон лаблар уза,
Е чибинларму ҳаловат истаюб шаккардадур.

Бир боқиб ўтсанг на бўлғай, ёри жон, кўнглум учун
Яъни тўлган лоладек ҳажрингда кон кўнглум учун,
Бўлмадинг бир кеча йўқлаб, меҳмон кўнглум учун,
Илтифот эт камбагалга нотавон кўнглум учун,
Ҳам дегони қўрқаман бу шўхликлар зардадур.

Мадҳи авсофингни ашъоримдин, эй барно, эшиит,
Бўлди шаъннингга Муқимиини тили гўё, эшиит,
Айлади соғ дурдидин ҳар бандни зебо, эшиит,
Нозанинлиғ васфинг, эй маҳбуби дил оро эшиит,
Завқий иншо айламиш зийнат этиб дафтардадур.

КАМ-КАМ БҮЛУР

(Фурқат ғазалига мұхаммас)

Ишқ үйлида муҳаббат раҳнамо кам-кам бўлур.
Мустажоб ўлмас дема ҳаргиз, дуо кам-кам бўлур.
Сандилларға муассир оҳу воҳ кам-кам бўлур.
Эй кўнгул, сабр айла ул маҳ ошно кам-кам бўлур.
Байтул эҳзонинг ахири пурзиё кам-кам бўлур.

Иўқлабон bemорини ҳолин сўраб ўтмас дема,
Қулларини дафтариға не учун битмас дема,
Ошиқига кўрсатиб рухсорини очмас дема,
Дафъатан меҳру вафо ойинини тутмас дема,
Еш ҳоло ғўрадур ақли расо кам-кам бўлур.

Ҳар тарафга бўлмағил ўзни уриб бетоблар,
Ойни ўн беши қоронғу, ўн беши маҳтоблар,
Қатра ҳам тамкин билан бўлғай дури ноёблар,
Ер васлиға тааммул еткурас аҳбоблар,
Гар саломатлиғни қўйса муддао кам-кам бўлур.

Қелса бир кун не ажаб ағёрлардин айрилиб,
Жон сипориға тағофул эрди боқса қайрилиб,
Шум рақибларни ғаразлик имтиҳон бир-бир қилиб,
Бора-бора хаста ушшоқини қадрини билиб,
Бул ҳавасдин иҳтиroz айлаб жудо кам-кам бўлур.

Кеэма, эй сайёд, сахрода саросима мудом,
Қилмагил ранжу аламларни ўзингга илтизом,
Инжиган одам жафою жаврга албатта хом,
Мурғи ваҳшини қилолмас ҳеч ким якбора ром,
Донаю домини қурдинг мубтало кам-кам бўлур.

Бўлма ҳар ишда қилиб таъжиллар бепою сар,
Шомни кўрким, батадриж айлагай равшан қамар,
Наҳл ҳам айлаб таҳаммул неча кун кўргай самар,
Касб этар оҳиста-оҳиста киши фарзу ҳунар,
Боғ аро булбул болоси хушнаво кам-кам бўлур.

Чашми таҳқир ила ҳеч кимға тикилманг, дўстлар,
Дарҳақиқат кимсани беҳуда билманг, дўстлар,
Гаҳ Муқимиға тамасхур бирла кулманг, дўстлар,
Бехабар деб Фурқатиға таъна қилманг, дўстлар,
Лутфи ҳақ бўлса, агар, машқи бажо кам-кам бўлур.

ҲАӘТ

(Алмас ғазалига мухаммас)

Айру сандан сувдин айрилган каби болиғ ҳаёт,
Бўлди дардидин жудолиғ чеҳраси сориғ ҳаёт,
Бўлмади ғамдин йўлингда бир нафас фориғ ҳаёт,
Эй ҳаёли жоним ичра, танда жон янглиғ ҳаёт,

Келки сансиз талх бўлди жонима тотлиғ ҳаёт.

Эй муҳаббат аҳлиниң жисмида жондур фикратинг,
Очсалар тил сўз демакда таржимондур фикратинг,
Бўлмаса юрмак тирик бир дам гумондур фикратинг,
Рагларимда қоним ўрнига равондур фикратинг,

Пайкаримда оташи ишқинг эрур иссиғ ҳаёт.

Фурқат ичра кечалар йўқ лаҳза оромим на рўз,
Айлади афсус хокистар танимни дарду сўз,
Истаманг девонадин, эй хуш эли фаҳми рамуз,
Ҳажрида тунларни ўткардим тириkdурман ҳануз,

Эй ажабким мунча ҳам бўлмиш манга қаттиғ ҳаёт.

Эй карамдин даргахингда айлаган ҳар хасни кас,
Фаҳр этар анқоя лутфингдин назар топкан магас,
Поймоли даҳрман йўқ сандин ўзга додрас,
Ашклик туфроғим узра руҳдек ургил нафас,
Бўлмағай нуқсон дамингдин топса бир болчиғ ҳаёт.

Субҳи васлин кўрсатиб, шомиға қилғунча асир,
Юз туман дарду бало домиға қилғунча асир,
Шум рақиблар таъну, дашномиға қилғунча асир,
Айбжў душманларим комиға қилғунча асир,

Манга, эй тақдир, мақсудим бу дурким, йиғ ҳаёт.

Элгадур сансыз тириклик, манга чун самдур vale,
Дам дема гар чиқса ғафлат бирла ул ғамдур vale,
Ҳар дамеким ўтса ҳақ ёдида ул дамдур vale,
Умр агар хуш ўтса умри Нух ҳам камдур vale,
Күп узундур күз юмиб очқунча кулфатлиғ ҳаёт.

Ранжу меҳнат соғарын камдурки даврон ютдиур,
Толеим ҳам, неча ким ортуқча пинҳон ютдиур,
Чарх силлисиз Мұқимийға қачон нон ютдиур,
Алмайға баски баҳти дам-бадам қон ютдиур,
Маргдур шириң қотида заҳрдин аччиғ ҳаёт.

О Р З У

(Фузулид газалига мухаммас)

Оҳүйи чин чашми пур хумморинг айлар орзу,
Нофаси ҳам турраи тарроринг айлар орзу,
Ҳуру ғулмон феъл ила авторинг айлар орзу,
Булбули дил гулшани рухсоринг айлар орзу.

Тўтийи жон лаъли шаккар боринг айлар орзу.

Дилбаро, ўйлаб хаёлингla хуш ўлмас хотирим,
Ёки мағтона хиромингла хуш ўлмас хотирим,
Гоҳ-гоҳе ним нигоҳингла хуш ўлмас хотирим,
Номай қосид, паёмингla хуш ўлмас хотирим,
Уз лабингдин лаҳжай гуфторинг айлар орзу.

Ишқ даштида чу Мажнун бесару сомон ўлан,
Лолатак қат-қат кўнгилда ғам сиришки қон ўлан,
Рўзу шаб васлинг сўроғлаб дийдаси гирён ўлан,
Сарву гул наззораси найлар санго ҳайрон ўлан.
Оразингла қадди хуш рафторинг айлар орзу.

Ханжари нозингла аввал сийнаси афгор ўла,
Тарки хоби роҳат айлаб кечалар бедор ўла,
Рўзгори тийра, субҳи шомдан ҳам тор ўла.
Орзу айларки бандек муттасил бемор ўла,
Кимки чашми нарғиси беморинг айлар орзу.

Оҳ йўхким ошное, зоҳир этсам дардими,
Кўк дутунидин қаро ҳар лаҳза оҳи сардими,
Қаҳрабо сонма иложини бу ранги зардими,
Зулмати ҳажрингда боҳмаз шамъя чашмим мардуми,
Партави рухсори пур анворинг айлар орзу.

Лабларингдин умрлар лаъли Бадаҳшондур хижил,
Қоматингдин сарв ила шамшод доим мунфаил,
Мунтазир йўлингда ҳайронмен Муқимий ою йил,
Орзуманди висолингдур Фузулий хаста дил,
Васлинг истаб давлати дийдоринг айлар орзу.

РУБОИИ, ТҮЮҚ ВА ФАРДЛАР

Бодасиз бетобман бу кеча ман,
Лаълинг истаб эмди жондин кечаман,
Соҳили мақсадға еткайманму деб,
Кўз ёшим дарёсида сув кечаман.

Ажиб кордчай асли коргоҳи фаранг,
Кесарда тифи баробар дамина мўм ила санг
Қачонки тегди бу «забъёл» тамғаи олий,
Қутулдум эски фичноғдин ямон босиб эди занг.¹

Ҳасратим эл ичра айтсам ногаҳ ифшо роз ўлур
Аксари пайваста абрўларни меҳри оз ўлур.

Чу бад аслга хўблар не керак,
Қора тунда хушлаб учар шаппарак.

Ба вақти танг дasti ошно бегона мегардад,
Суроҳи чун шавад холи жудо паймона мегардад.

Мазмани:

Май идиши бўшаб қолганда қадаҳ ундан ажралгандек, қўл
қисқа бўлган чоқда яъни киши начорлашганда ошно бегона
бўлиб қолади.

Нолае дорему маҳви пардан тўши худем,
Шавқи моро бар каси дигар димоги арз нест,

Таржимаси:

Фигон-нолаларимиз бор, лекин у ўз қулоқларимиз
тагидан нарига бормайди,

Аслда ўз завқи шавқларимизни бошқаларга етказиш
мақсади бизда ҳеч бўлган эмас.

Муножоту харобот аҳлини(нг) матлуби сендуру сен
Билолмасман мани бечораким қай соридур беҳбуд.

Ҳусниға не нуқс, гар бўлса кўзи ферузга ранг,
Билки, боғларга тароват сабзадин пайдо бўлур.²

Саҳифаеким анга шарҳи ҳажрингиз ёзилур
Кўзим ёшила ўчар, ҳарна ёзингиз, ёзилур.

Доги жудолигим кам эмас эрди, эй фалак,
Устиға боз муңтазири хат ҳам айладинг!

Етгач хатим, жавобина бир руқъя соз қил,
Ирсол этиб бу янги мени сарфароз қил.

II Хажвиёт



Сатиralар

ТАНОБЧИЛАР

Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар,

Адл қулогила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золими,

Үн ики ойда келадур бир тансб,
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Султон Али Хўжа, Ҳакимжон икав,
Бири хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гёё хаёл айлаки, (қилмай иифоқ).

Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа — чироғ ёғи, Ҳакимжон — пилик.

Бир-бирисига солишурлар ўрун,
Эрта-ю кеч ўпушиб оғиз-бурун.

Саллалари бошларида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳама вақт уч қават.

Бирлари мўлтонинамо, ҳийлагар,
Бирларидур кундапиҳу гавдахар.

Оғизлари мақтаниб ўнбеш қариш,
Майда сухан, эзма (чурук), занчалиш.

Қайсики қишлоққа тушар отидин,
Элни йигиб, воқиғ этар зотидин.

Дерки: «Күзунгга ҳали кал жұжаман,
Махтуми аъзамлик ўзим хұжаман.

Бизга бобо ҳазрати Шоҳлиғ мазор,
Мухлисимиң мардуми аҳли диәр.

Ҳам яна Эрхубби бұлодур тағо,
Аммамизинг әрларидур Нурато.

Биби Үбайдада бұладур холамиз,
Гоҳ келур әрди кичик боламиз.

Хизр отамларга буродар әрур,
Чимлиғ азизлар менга додар әрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,
Қирқингиза әмди берай бир қозон.

Манки танобингға чиқибман келиб,
Хизматими яхши қилинглар билиб.

Хт құюбон күйдурадурғон ўзим,
Хокимингу үлдурадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон қиласай,
Хоҳ қарам бирла бошингни силай».

Хұжа сўзини мунга бермай қарор,
Мардуми саҳройи бұлур бекарор.

Дерки Ҳакимжони — «Аё оқсоқол,
Бизни топибсан магарамким ўсол?»



«Хозир этиб түрт нафар мардикор,
Түгри қыл олдимға қилибон қатор.

Арқоними еринга судраб чиқай,
Бачшаталоқ қишлоқиларни (урай).

Бир бурайин мұйлабимни чиқиб,
Торт танобини жазоси сиқиб!

Яхшилиғингни фуқаро билмагай,
Ҳоли булар күзга бизи илмагай.

Икки танобини қиласай ўн таноб,
Юртингизи күйдурууб айлай хароб.

Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг, баччағар»,
Дебки, узангуга аёғин тирар.

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,
Гоҳ уён, гоҳ буён чопишиб,

Жамъ бўлиб айлаюбон маслаҳат:
— «Дўғмаға, — дер, — бир нима бериб жўнат».

Ақча қўлида ики-уч мўйсафид
Дерки: — «Бу назрингизу, бизлар мурид».

Зулм билан эллигу юзни олур,
Боз танобини дучандон солур.

Тоғи булар яхшию, бизлар ёмон,
Эл тамизидин ҳазар эт, алъамон.¹

* * *

Үзга яна ғусса будурким, дейин.
Шунчаки бир қисса булардин кейин:

Құшти Жалолхон² деган ўғлип манга,
Деди: «Руқум ўргатадурсиз сиз анга»,

Юклади ўғлини менга, мухтасар,
Бу дағы ортиқча (менга дардисар)...

Сүзни, Муқимий, керак этмак тамом,
Маззаси қолмас узун ұлса калом.

МАСКОВЧИ БОЙ ТАЪРИФИДА

Ҳикоят қиласай, турфа даврон экан,
Халойиқ ҳама маҳву ҳайрон экан,

Чиқиб янги масковчидин бойлар,
Синар ўтмайин баъзиси ойлар,

Хусусанки эшони Ҳодихўжам,
Йўқ оғзида қарзини ваҳмида нам.

Керак берса Масковга бир лак, қани,
Битиб ваъдаи пул, (ўзи мўлтани),

Дер эрмишки, ўрусга нисфин берай,
Келар йилга ярмига муҳлат сўрай.

Қачон бўлмаган гап қабул айласин,
Муқаррар дегайким, печать бойласин.

Мунинг устига қарзибур Андижон
Ким, ўз халқидин — барчадин бу ёмон.

Бу ҳам қирқ минг сўм эмиш, деди қарз,
Утуб ваъдаси берсалар вақти фарз.

Нетармиз, дебон қистамас эл пулин.
— Берурмен,— деса,— сўмига ўн тийин.

Чунончи хўжам, Пошибоҳўжани
Чу Масков юборган билан мол қани?

Фабрикантлар ваъдага молини
Беришмай,— деди, йиглаб аҳволини.

Бориб мол учун, мол ололмай келиш
Емон, аҳли тужжорга мушкул иш.

Олиб сулсини ақчасин хўжайин,
Бериб мол конторга қилди тайин.

Олай деса, конторда йўқ бир бақар
Деса: олмайин, ул заколат куяр.

Бу савдо билан бошида кечқурун,
Борур кўхе ё орқадин, ё бурун.

Қочиб кетди маҷҷойилар аксари.
Бориб шулки юртига таъкидлари:

—«Сароеки, ў бошадаш, зинҳор,
Даронжо марав мемури, эй табор».³

Сарой этаси камбағал Бобоҷон
Кўрар тоҷике йўқ, бўлур тоза қон.

Очилгач келиб эртаси ҳужраси,
Қилур жангур жанжол ҳар эртаси:

—«Кўтармакка юқ деб, малай сақласам,
Ўзига дегай, ишлатурлар акам».

Үрисга ижора қўйиб зовутин,
Борур эрди ишлиқ бўлиб, чиқти кун.

Чиқиб қочди бир-бир ҳама мардикор,
Купес қолди бу сирга ҳайрону зор.

Топиб мардикорини —«Сейчас юринг,
Пожалиста,— дер эди,— эмди туринг».

Деди:— ҳар кун берсанг ўн сўм ҳам.
Борилмайди, қўй зовутини, хўжам».

Дубора яна борди бир ишга шул,
Сўкиб «нет,— деди,— келма дуррак, пошёл!»

Хўқанд ичра эссизгина ҳавлилар,
Келиб икки минг ақчага сотдилар.

Олур эрди уч-тўрт мингга, қаранг
Нетар, бўлса, қарзига ўлгунча танг?

Ўзи оқшом ҳавлисида, ҳар кими
Кўрап келди эшон, қочар одами.

Агар борсалар қайси ҳаммомга
Чиқар ходимиylар қочиб томга.

Сабаб сўрди ҳаммомчи қочқонидин,
Дедиларки: «Биз кечтук эҳсонидин»...

Бериб арза маъмурга: «Эй ҳокимим,
— Деди,— бор тўққиз юз олтмиш сўмим»,

Олиб буйруқ отиға Хайруллахон,
Шариатга қамту ўтурган замон,

Келиб қолди ўзига ногаҳ қасам,
Сариқ бўлди ёлғонлиғи муттаҳам.

Қизини олиб гўркави шўрлик,
Турушлик тушиб, бўлмади жўрлик,

Келиб тошқидин ичкари кирмади,

• • • • • • • • • • • •

Деди оҳ уриб: «Бўлса эр ҳоли бу»,
Фигонидин эл ичра тушди ғулу.

— «Дариғоки, баҳтим қаро бўлмаса,
Сенга тушмас эрдим, худо урмаса».

Чиқиб ичларида ниҳон қотишиб,
Базўр қўйди ҳамсоялар босишиб,

Вале растада савлатин кўрсангиз
Ким, арзийди шайхи замон билсангиз.

От устида мардум қилурлар гумон,
Мударрислари «Бег»ни, деб Тош эшон.

Амома бошида, сафид жомалар,
Хаёл айлагайсизки алломалар.

Килиб муҳтасар, сўзни қилдим тамом,
Малоловар ўлғай чўзилган калом.

САЙЛОВ

Қачон ким бўлди ҳоким амри бирлан ибтидо сайлов,
Амалдор аҳли бошига бўлиб келди бало сайлов.

Тераклар баргидек титраб, жамии қози — мингбоши
Дегойларким: «юзини тескари қил, эй худо, сайлов».

Сочиб қарзи-қавола, пул кўториб, истаюб мансаб,
Бўлолмай кўп кишини синдируб, қилду гадо сайлов.

Агар минг хатми қуръон этсалар, қўйлар сўюб арзир,
Үлумдин қолди қолганлар, бўлиб эрди вабо сайлов.

Олурға пора элликбошилар мингбоши — қозидин,
Ижобат бўлди — бўлди айлар эрдилар дуо сайлов.

Талоши жоҳ айлаб, от чопиб, олмай даме ором,
Мусулмонларни рангин айлади чун каҳрабо сайлов.

Муқимий, оғриди бошлар халойиқ гуфту-гўйидин,
Шаҳар тинчиб қолурди бўлса-чи эмди адо сайлов.

АХТАРИНГ

Подшоҳ йўқлатсалар ногаҳ, гадо деб ахтаринг,
Тутма ҳаргиз номими, бахти қаро, деб ахтаринг.

Кимса билмайдур мани, ному насаб қилсанг баён,
Лола янглиғ доғи ғамга мубтало, деб ахтаринг.

Лайли топғил, десалар, Мажнуни саргардонини (нг),
Қўзларининг ёшидур ранги хино, деб ахтаринг.

Истаган чоғда топай деб, бўлса кўнгилда хаёл,
Қоматидур бори меҳнатдин дуто, деб ахтаринг.

Ҳажр водийсида кезгай доимоким хўблар,
Хоки пойидур кўзига тўтиё, деб ахтаринг.

Бир шакарлаб, зулмпарвар ҳасратидан, дўстлар,
Умрлар умри ҷароги безиё, деб ахтаринг.

Даҳр зулмидин сиришки тинмай оқиб айланур,
Чарх жавридин бошида осиё, деб ахтаринг.

Толии шум, вожгун бахту ғизоси дарду ғам,
Нотавон мўри заифдин бенаво, деб ахтаринг.

Ёр васлиға етолмай қолмиш улкунким Муқим,
Ушбу боисдин ўлумиға ризо, деб ахтаринг.

ҲАПАЛАҚ ҚИШЛОГИ ТҮФРИСИДА

(Махмур ғазалига мухаммас)

Күрди сандек шаҳи одилни на инсу на малак,
Арранинг зулмидин эмин ҳама бөфу чакалак,
Янги ой кўзига хасмингни отурға камалак,
Эй жаҳондори зафар кавкабан даври фалак,
Эшитинг қиссаи қишлоғи хароби Ҳапалак.

Гаждуму оғиу бий, ўтласа чаррандалари,
Бир гала мўру малаҳ, бўрию даррандалари,
Улдуур чақса мабодо канда, газандалари,
Турфа қишлоқ, жин урган они паррандалари,
Товуғи — игначию, ўрдагу ғози — капалак.

Чуғзи вайрона тешик, уйлари сўрохи камар,
Фижи-биж тулкию кирпитетикону эчкиэмар,
Ўтга қўшнига чиқиб, бир кечаси йўлда тунар,
Тепага чиқса киши, ундаю мунда кўринар:
Бир ката, икки ката, уч олочиқ тўрт каталак,

Чопишур янтоғ ўтун марду зан иссиқда куюб,
Ер зағора нонини, топса отин қанд қўюб,
Жази йўқ шўрва каду ейдуган ошида суюб,
Ажириқ илдизини майдада келиларда туюб,
Қайнатиб, кунда ичиб, отини дерлар сумалак.

Отлари логару қоқиу харобиу хариш,
Раҳм қилмай минадур, икки қадам жавр миниш,
Очилур оғзи десангизда вузу ғўсл қилиш,
Чўл, йўқ қатраи сув, катта-кичик, ёзу қиши,
Қўлини қумга ювиб (ортига) суртар гувалак,

Күрпача тагда қомиш, бошларида болиш увот,
Нару мода аралаш, билмас алар айбу уёт,
Соқову гунг сүфи, йўқтур имомида савод,
Масжиди ертўла, бир эски қоронғи зулумот,
Кўр қилур кўзга уруб кирса киши кўршапалак.

Кўчти ҳалқи ёпиниб кўҳна, увода тўнини,
Чархдин ўткаришиб оҳу фифону унини,
Солмасун душмана ҳам бошига келган кунини,
Кеча ногаҳ эшитиб шуҳрати тилло пулинини,
Ҳапалак қўрқишидин учти мисоли капалак.

Бўлса ул хисрави Жам жоҳ карамдин не ажаб,
Фуқаро ҳолидин огоҳ, карамдин не ажаб,
Ҳам Муқимин сўраса, гоҳ карамдин не ажаб,
Кечадан Махмурни учун шоҳ карамдин не ажаб,
Ҳапалак юртига тушган пул агарчи лак-лак.

ДАРИФО МУЛКИМИЗ..

Дариғо мулкимизнинг соҳиби аҳли шарор ўлмиш,
Шариат ҳукми қозилар қўлида пур губор ўлмиш,
Ба жойи амри маъруф, кори мункар ошкор ўлмиш,
Ҳакиму, олиму, соҳиб фасоҳат хору зор ўлмиш,
Бу кунда кимки имонин сотар ул эътибор ўлмиш.

Замона аҳлини бир хайли бордур ҳайф инсонлик,
Шул инсофи билан ул айлагай даъво мусулмонлик,
Бирорга ҳийлаю макр айлаюр, афъоли шайтонлик,
Бўлур хурсанд ўз қилғон ишига буйла нодонлик,
Берисб қиз кекса бойга фахрила хешу табор ўлмиш.

Ҳама модар зинолар ҳамнишини қозиул ислом,
Расолар бўлдилар тортиб ўзин ҳар гўшада гумном,
Туну кун фисқнинг йўлиға нодон қўйдилар иқдом,
Бунингдек қўрқаман, дўстларки, бадтар бўлмағай айём,
Нечун ким маслаҳатдони замон аҳли қимор ўлмиш.

Ҳазор афсуским, илм аҳлиға бир зарра иззат йўқ,
Ғанийларда саҳоватдин асар, хайр ила ҳиммат йўқ,
Хирадманд аҳли донишларда ҳам қадр ила қиймат йўқ,
Фақр аҳлиға мардумларда эҳсону мурувват йўқ,
Бахилу кўр каби эл кўнгли ҳам торику тор ўлмиш.

Бўза, хамру, мусаллас, бўзагардан тарк бўлмайдур,
Халойиқлар ҳужум айлаб эшигидин узулмайдур,
Хумини катта одамзодлар келгунча бузмайдур.
Халойиқ... ўзгани манзур қилмайдур,
Маҳалли фисқи мардумлар қадам жойи мазор ўлмиш.

Кетардим биш олиб гар бўлса эрди, рўзгорим йўқ,
Нетай безоди тўша йўлга юрмакка мадорим йўқ,
Турага қолмади тоқат, кўнгулда ихтиёrim йўқ,
Ўзингдин ўзга, ёраб, раҳбари лайлу наҳорим йўқ.
Ҳидоят вилагайму деб Муқиминг интизор ўлмиш.

ДАР МАРДУМИ ОҚЖАР БАТАРИҚИ МУХАММАС

(Оқжар одамлари ҳақида мухаммас)

Махташиб отларини дерки: бу дулдур-дулдур,
Байталим боркаши зўрки филдур-филдур,
Қиладур лоф уришиб кўзлари мўлдур-мўлдур,
Оқжар одамларини тўнлари жулдур-жулдур,
Билмадим туркму, тохик, тиллари ғулдур-ғулдур.

Келганим ушбу маконга қиладур манга алам,
Лойиқи табъ йўқ одамки десам ҳасрату ғам,
Гаплашурға киши йўқ эртадин оқшомғача ҳам,
Кун совуқ, қора чироқ, гўрдек ўю, ўтун кам,
Чиқсан эшикка қилур тўрғайи чулдур-чулдур.

Зотимиз саййиду содот эмасмиз, қорамиз,
Ғам ўқидин тани мажруҳ сарпо ярамиз,
Ўлтурон жойда ҳам баъзи маҳалда хорамиз,
Сув учун дарё уза ҳавсала айлаб борамиз,
Гоҳ йўловчи келадур кемага гулдур-гулдур.

Тушадурган кишини(нг) кемага ишлари пичинг,
Келишур маслаҳат айлабки қасам берса ичинг,
Қўтариб ерга урай дейсану етмайди кучинг,
Тўрт пул отға берур «кам!» десанг айтурки: кечинг,
Йўқ кисамда пулими қолғани шулдур-шулдур.

Кема важҳини демасларки берибон қутулай,
Тарзи бир ҳийла қилиб дерки юкумни яшурай,
Билса саркори «почо!» деб этагига осилай,
Икки пул бер яна буйруққа қараб,— деса, дегай:
«На қилурсан чақамиз йўқ мана ўлдур-ўлдур».

ДАР МАЗАМАТИ ЗАМОНА

Дарифоким, ажойиб турфа бир охир замон бўлди,
Ики қўл то ёқода юрмасанг ишлар ёмон бўлди.

Уруб бир неча ерни босмачилар зор қақшатди-
Ки аксар бевау бечоралар бехонумон бўлди.

Тушуб хат: «берсун оқча мунча,— деб,— гар бермаса
кўрсун»
Не бўлди Мур Муҳаммад аълам ул ҳам ончинон бўлди.

Мавосою мадоро йўлини кўзлаб чиқишиганлар,
Тирик қолди аларнинг шарру зулмидин омон бўлди.

Ҳама зир-зир сиюб, оқшом чиқолмай уйдин эшикга,
Саломат кўз очиб тонг отса турмоғлиғ гумон бўлди.

Йигилди ҳар тарафдин зўр зани, хунрез ўғрилар,
Алардин нечаси бадбахтларни пирсиён бўлди.

Яқин бир ойғача пулдорлар аҳволи ҳар оқшом
Киши билмас ётар жойи даруни коҳдан бўлди.

Отиб тонг ухлашолмай дуздлар ваҳми билан ҳаргиз,
Семиз бойлар озиб, ғам бирла чўпу устухон бўлди.

Қаю мажлисга борсанг, босмачилардин гапургайлар,
Бўлак сўз ҳеч сиғмай ёлғиз ўзи достон бўлди...

Муқимий шаҳрға шундоғ киши миръасас бўлса,
Худойим хоҳласа ўғрилар энди бенишон бўлди.

ҲАЖВИ ВИКТОР БОЙ

Қисса бози дафтарга олғсн экан Виктор бой,
Бойлар бойи бойларга кордон экан Виктор бой,
Маълум, машҳур Хўқандга шайтон экан Виктор бой,
Кантуралар ичинда ёмон экан Виктор бой,
Темир сандиқ дегони ёлғон экан Виктор бой.

Ҳиссат харис давонлар хушоматгў нечаси
Машваратни(нг) бобида борур эрди кечаси,
Молу, матоъ ҳимматлик санга берди ончаси,
— Ман хонаи пухта,— деб олдинг жаҳон оқчаси,
Санга берган одамлар нодон экан Виктор бой.

Ман мунъим,— деб юрганлар, давру даврон сурганлар,
Фаросатни(нг) йўлида оқил ман, деб юрганлар,
Минг лак сўмни берганлар, йиглаб келиб турганлар,

Андижонлик бечора меҳмон экан Виктор бой.

Билмасларни билдурдинг, судхўр кўнглин тиндердинг,
Макру ҳийла ишлатиб, қўноқ қилиб, қўндердинг.
Кўп бойларни синдердинг, судхўр кўнглин тиндердинг,
Йўқ жойлардин ундуруўб, сандиқ пулга тўлдердинг,
Бир курашда йиқитган полвон экан Виктор бой.

ҲАЖВИ ВИКТОР

Фалокат шум бадрагсан касофат тавъаман Виктор,
Сиёқи кундаи дўзах, жаҳаннам ошиён Виктор,
Мусулмонлар ҳақига кўзладинг жавру зиён Виктор,
Синиб қилдинг ўзингдек кўп кишиларни ҳазон Виктор,
Булатни ҳам жазоси дер эди дорул-амон Виктор.

Зиёфат айламоғликлар, талош юз минг такаллуф-ла,
Юрурди хизматингда пиру ёш юз минг такаллуф-ла,
Чиқордилар йўлингга неча бош юз минг такаллуф-ла,
Паё-пай тортишибон нон-ош юз минг такаллуф-ла,
Эшиткач боришингни хосса бойи Андижон Виктор.

Қидиргон бирла омборида чумчуқларга дон чиқмай,
Қачон бергай гадога бир тийин руҳи равон чиқмай,
Баногаҳ авлиёйи бир тарафдин келса нон чиқмай,
Отига охуридин ерга бир кафдин сомон чиқмай,
Бўлур эрдинг кафи дасти муazzаз мәҳмон Виктор.

Қўриб даъволарингни билмас эрдилар юрокингдин,
Ҳамиша судрар эрдилар кириб эгри учокингдин,
Карим охун, Қосим даллол пир ушлаб этокингдин,
Бурун, албатта, огоҳ бо хабар воқиф кечокингдин,
Хаёл айлардилар инсофлик шайхи замон Виктор.

Келиб оҳиста кантурга дедиларким мавосодин,
Сотиб нақд ақча қилди баъзи одам мулку ашёсин,
Емай, ичмайки берди икки қўллаб халқ дунёсин,
Бу рангда кўзладилар ўзларин торожу яғмосин,
Иложи бўлса еб кет бир тийин ҳам берма, жон Виктор.

ВОҚИАИ ВИКТОР

Эшит, турфа сўзлар ҳикоят қилай,
Ҳикоят агарчи, шикоят қилай.

Жаноби ўшал Ҳоди Хўжа эшон,
Олур ўзларин ағниёни замон.

Хаёлида Хўқонда дийдур: «қани,
Ўзумдан бўлак хўжа саййид, ғани?»

Бериб оқча Викторга ўн етти минг,
Ўтар қон билан ичларидан йиринг.

Қилиб махфи элдин пулин қистағай:
— Санго манда жон ошноси,— дегай,

Чунончи бу йил Андижон одами
Ҳаён айлади сандин ўн минг ками.

Олиб баски етти ярим пахтани,
Ўн икки яримга итарди сани.

Ба ваъда ипак олибон санга ман,
Баҳосида берган эдим тан ба тан.

Бўлакларни бир сўмиға ўн бақар,
Берилганда ҳам шулки ҳаққинг кетар.

Қелиб туштилар бойлари Андижон
Афандимни ҳавлисида меҳмон.

Муқаррарки, ҳожим санга учрагай,
Алар оқчаси важҳидин сўзлагай.

Келиб бўш афандига сен зинҳор,
Бутун бермагил пулларин зинҳор.

Бериб кўндурай бир сўмиға ярим,
Чароким ўзимни туғушконларим.

Бири холабаччам, бириси акам,
Кичиги укам, мўйсафиди дадам.

Хатим кўзга суртиб қилишгай тумор,
Қабул айлагай манда деб ихтиёр,

Дегайлар: ишим бор кетай, борму май?
Ёмон диққат ўлдим букун оз ичай.

Қўтариlsa шояд кўнгилдин губор,
Вале кимсафа қилмагил ошкор.

Биров ичканим билса яхши эмас,
Ичарманда бўлсанг кишига демас.

Кўнгуллар тилаб санга дерман сирим,
Дегайлар мени барча мардум: лирим.

Шариатда майки, билурман ҳаром,
Киши билмагай деб, будур илтижом.

Қилиб ичкилик ду-баду ёширин,
Кетар чоғда ҳавлисиға кечқурун.

Дегайлар Карим охунум меҳмон,
Борур бу кеча одаминг бир замон.

Самовар қўйсун, деб олиб кетиб,
Эшик, тешику, дарчани беркитиб...

Бир оқшом әди: «бор!» деди, бормади,
Бери қилди Охун бошин ёрмади:

Тұлиб ўпкаси йиғлабон зор-зор,
Деди: «Мунча охир дединг,— бор-бор.

Эшикингда қўйсанг агар от боқай,
Улумга буюрсанг бошимла чопай,

Бориб қай кеча бўлди корим тамом,
Томоғимдан ўтмас ҳануз ҳам таом...

Жавобимни берғил, агар бор десанг,
Юрай ёки қўй бормагил, бор десанг»,

Эшиккач Охун ушбу ҳангомани,
Олиб бошга қотти кулиб жомани.

Утиб буйла пинҳон қизиқ можаро,
Урусларга бўлди магар бир бало:

Бу ҳам синди ногоҳ Лахтин сабил,
Бериштиму билмамки бир-бирға тил.

Иигилди тамоми пули борлар,
Қилиб жонлариға бу ғам корлар.

Деманг ушбу сўзларни сиз ўтрук,
Ўтуз икки ойға олишти сурук.

Хабар дўғма берди пулдор келиб,
Олур эски вексилни янги қилиб.

Бўшон бист ҳазор оқчаға бегумон.
Үн иккига вексилни янгилогон;

Сакиз мингиға ўзи махфи бориб,
Бўлак янгилаб келди чарчаб-ҳориб.

Бу ишга жамии тижоратчилар,
Дедиларки, девона — Мажнун магар.

Бу аснода топди Мусажон шикаст,
Қилиб гарди накбат юзиға нишаст.

Пули бор эди минг сўм мунда ҳам,
Уруслан мунча чекди алам.

Ўшал оқшоми уйқуси келмади,
Ниҳон дарду сўзи киши билмади.

Деди учраб ўтканда Мавлон ака:
«Сиза илтимосим бу ким: жон ака,

Олиб берсангиз оқчами олти минг,
Боринг беш юзини ўзингиз олинг!»

Деди бойки «Андин пул олмоқ қийин,
Бусотида анқо эрур бир тийин.

Агар етса эди унарга кўзим,
Олур эдим аввал пулимни ўзим».

Йўлиқти бу ўтиб, келиб Рудник,
Дебон: «Ну, давай идрас» олиб илик.

Мусажонга «ақчанг,— деди,— қанча бор?»
Деди: «Бир минг уч юз ва олти ҳазор».

Бу сўз ҳам, дейин, қолмағай то ниҳон,
Келиб Қосими суйидин Андижон.

Дедиким: «Қани уч мингимни беринг,
Ва гарна шариат десангиз юринг!»

Ики мингчани олди, бир мингини,
Түшиб ўртасиға оғою ини;

Отанг яхши деб елкасига қоқиб,
Халос эттилар отка зўрлаб тоқиб.

Бу ҳам борки, ўғли эди читфуруш,
Дўконини беркитди, деб, «қилди куш».

Хўқанд олдуриб келдиким мол олиб,
Берай йиғламай бориб, ўлтур солиб;

Кими бермади ваъдага молини,
Кафил нусрат олди жуҳуд шолини.

Килиб меҳмон нону чойи билан,
Жўннатти яҳудини бойи билан.

Ўтиб сўми бир минг, ёқиб жонни ҳам,
Ололмай баҳолаб, олинди гилам.

Окосини ўғлин яна дам-бадам,
Юбормоқчи Масковга — йўқ бир дирам..

Путин олти тийиндин қарор айлади,
Бўлуш оқчасини шумор айлади.

Гилоба бериб уэди қиймат баҳо,
Олиб сурдилар кўзга айлаб дуо.

Келиб кимниким оқчаси бор эди,
Униш бир сўм ўлгунча душвор эди.

Агарчанд нархи зиёд ўлса ҳам,
Ганимат кўриб олдилар бешу кам.

Агар қистаса қарзлар ақча йўқ,
Ва лекин бу янглиғ тороқо-туруқ;

Сонур ўзларин Хўжа Аҳорори вақт,
Пиёда жиловида иқболу бахт.

Сарой — ўрдаси, наздида хон эди,
Ики ёнида юрса икки...

Агар хайрдин сўзласа ҳар киши,
Урарким, синар ўттуз икки тиши.

Гадо қўлида кўрса ногоҳ нон,
Дегай:—«берган одам эмас мусулмон!»

Қилай ман ҳам эмди сўзимни тамом,
Малоловар ўлғай чўзилган қалом.

ДАР ШИКОЯТИ ЛАХТИН

Мусулмонлар ҳақига кўзладинг жавру зиён, Лахтин.
Буларнинг ҳам жазоси дер эди: дорул-амон Лахтин.

Карим охун, Қосим даллол пир ушлаб этогингдин.
Хаёл айлардилар инсофлиғ шайхи замон Лахтин.

Керак пулдорларни мунча ҳам қақшатмасанг эрди,
Бўлар иш бўлди эмди эл пулиға тоза тон, Лахтин.

Емай-ичмайки, берди икки қўллаб ҳалқ дунёсиг.
Иложи бўлса, еб кет, бир тийин ҳам берма, жон Лахтин.

Темир сандуқ дебон хўб мұттамад билган кишиларга,
Кетар ҳаққинг агар берганда бир қопдин самон, Лахтин.

Кўйинг, пул қистаманг, гар жон саломат бўлса топилгай,
Мабодо тонмагай деб қўрқаман жоҳил ёмон Лахтин.

Бирор куйди, бирорлар синди, мунга мунча куймаклик.
Муқимий, қўй на ҳожатдур демоглиқ: «Йну он Лахтин!

ВОҚИЛИ ҚҮР АШУРБОЙ ҲОЖИ

Ажаб халқ әканимиз, ажаб рұзғор,
Қизиқ ҳодиса, турфа лайлу нақор,

Ашурбойдин әшитинг қиссае,
Аё эй бу Фарғонада номдор.

Қоровул уйидин ярим оқшоми,
Баногоҳ бўлди фифон ошкор.

Маҳалла бу ҳангомадин уйғониб,
Эшигига келди сағириу кибор,

Қоровул, истарши-ю, мингбошилар,
Чопиб келдилар, деб: начук кор-зор?!

Босиб кирдилар бу начук дод деб,
Қоровулнинг уйиға, беихтиёр...

Кўруб дедилар: бой әкан, қочиринг,
Ашур кўр ўзи ҳам бўлуб бекарор.

Қўюб томга бир бузуқ норвон,
Қўлидин тутиб кўрни, қилди дучор.

Ики-уч поғона чиқиб, шошилиб,
Инқилди, синиб шоти, ул мурдавор...

Иториб кетидин пишанглар билан,
Азоб ила томга қилинди сувор.

Қочар эрди томда саросима кўр,
Чапу ростиға музтару бекарор.

Халожо эди, туйнукидин ани —
Кетиб боши бирлан ўшал нобакор.

Туруб ҳовлиниң соҳиби ногиҳон,
Чирогила нақзи вузуга чиқор,

Халожода ишиш-пиши қилур бир нима
Деди: не балодурсан, овозиниг чикор!

— Секинроқ гапир, мен Ашурбой... — деди.
Қочиб ўлтурнибман, сенга интизор.

Бу сўзда халойиқ, ғулув айлашиб,
Тутиб чиқдилар этгали сангсор.

Қоровулни, хотин, қизи бойни
Гаронишга келтирдилар ҳар чаҳор.

Кириб илгарироқ кордон қошиға,
Сиримни очиб қилма, деб шармсор.

Қўлингга тушуб феъли шайтон билан,
Деди: товба қилдим ҳазорон-ҳазор.

Приступга маълум қилмоқ учун,
Олиб кирдилар тўғри айлаб қатор.

Деди: нега бостинг бироннинг қизин
Бобо ҳожи бўлсанг, купес — молдор.

— Урушиб эди эру хотин булар,
Яроштурғали қилган эрдим гузар.

Үрис, тўра олдида мункир келиб,
Деди: туҳмат айлар олурға никор.

Шариатга айлаб ҳавола, деди:
Бу даъвога тейиши қозиға бор.

Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,
Топиб бой сўзи бунда зўр эътибор.

Қачон камбагалларнинг сўзи ўтар,
Агар бўлса ақчанг, сўзинг зулфиқор.

Ниҳони сочиб сийму зар сув каби,
Босилди мاشаққат билан бу ғубор...

Халойиқға қилмас эди ихтилот,
Агар табъида бўлса номусу ор.

Муқимий сенга ушбу сўз не керак,
Бўлак ҳар кими кору аъмоли бор.

Ва лекин эшитконга танбиҳ бўлуб,
Қолур сафҳан даҳрда ёдгор.

Т У И

Эшитипп бир ҳикоя Иқоидин,
Түй ночор қилди ёлғондин.

Хўжайин берди Тошкентдин тил.
«Тўй қилар бўлсанг, қўй ўзингга кафил.

Ўғлинигиши, — дедики, — қилманг тўй,
Балки от тезагини қилманг бўй.

Не керак сизга тўй қилмоқлиқ
Керилиб обрўй қилмоқлиқ.

Гар десангиз мени қозон қурманг.

Ман ризомас кишига нон берсанг,
Е товуқ сақласангу дон берсанг,

Туйнугиндин агарда чиқса тутун,
Мунда бер дастмояларни бутун.

Бўлса уммидингиз агар биздин,
Манфаат кўрмасин бирав сиздин».

Ушбу мазмунда қоқди сим хўжайин
Шод бўлуб эр, хотни деди: «Ўлайин!»

Соф шият сувини лойланса,
Не ажаб хайр эшиги бойланса.

Кичигу катта, хурд ила реза,
Қилдилар бир-бирига истеза.

Үй ичи — ўрнига ўюн-кулгу,
Юлушиб юз — йифи-сиги, қайғу.

Ташқарыда қимирлаган эркак,
Бир-бировига аччиғу жиртак.

Түйга үз тухмидин хотун демади,
Аччигидин отаси ош смади.

Түй-тамошо азога айланди,
Билохир тузди, күйдию ёнди.

Қүй олиб сўйди арриғ уч сўмга,
Урди гўшт ила ёғини хумга.

Уч кишини маҳалладан оқшом
Чарлади, келди олдириб илдом.

Отларини дейин, — десанг, — ким-ким?
Сартораш, Кўр ҳожи, Сайнд Қосим,

Үртага қўйди калласини чиқариб,
«Кўргузинг маслаҳат», — деди қизариб,

Биров ундоғ деди, биров мундоғ,
Элда айтур чунончи ким тўмтоғ.

Машварат айлашиб ҳоришдилар,
Неча ерга ўчоқ қозишдилар.

Оқибат маслаҳат бу ерга қарор
Топтиким, чиқдилар секин бозор.

Каллага еткудек биринч ила ёғ
Келдилар олишиб учнда оғеғ.

Ис чиқармасдин ошни дамладилар,
Анга лойиқ түқузни ғамладилар.

Ұчоқ устида гар йұталса бирав,
Ер эди елкасига катта құсав.

Бири қаттиқ чиқарса овозини,
Билмасин құшни, деб тутиб оғзини.

Құшнілар ҳам солурлар әрди қулоқ,
Асарин топмас әрди дегу табоқ.

Дейдиган одамин тутиб номин
Деди: есин келиб ошу нонин.

Етти одамни ўз маҳалласидин,
Қорни түқ, янги түң, басалласидин,

Қылди шовқунламай имо уйидин,
Мундин, уидин, юқоридин, қуйидин,

Кирдилар түйга қўл юниб, дегани:
— «Хайра мақдам», деб үтқазиб ҳамани,

«Түй муборак», дейништи пешу пас,
Деди: «Мундоғ деманғ, бу түй эрмас!

Яхшилар — қылди түй — деманғ зинҳор,
Хұб бўлмас эшитса хешу табор.

Билсалар бойлар — аҳли расталарим,
Ичларида қийин кейин юратим.

Нима кўп менда — ёру ошно кўп,
Бой кўп, шайху хўжа, мулло кўп.

Етса ногаҳ қулоқлариға бу гап
Обрўйим кетиб қолур-да тугаб,

Мен бир одамнинг одамию малай»...
Занчалиш, эзма ҳам чўзулди талай.

Тўйга кирган ўшал беш-ўн одам.
Деди: — «Хўп гап замонада шу ҳам».

Солди алқисса эски дастуркои,
Қўйди сойил каби неча хил пон.

Бириси юмшоғу бирни қотган,
Бирни иссиқ, бирни мөғор отган;

Енг учида қўюлди тўққиз нон,
Кулчалар тошки, синдирур дандои,

Сузди ош бир ликавда уч кишидин,
Кетти ошни кўриб ҳама ҳушидин.

Ош мисоли табақда кўз ёши,
Курмаки кўп, гурунчидин тоши;

Бир оғиз эмди олдилар янги,
Чиқди лаппак табақ уза чангиги.

Фотиҳа жаҳл ила ўқишиди туруб,
Келдилар тўйдин уйга оч кекуруб.

— «Икки юз сўм бўлурми, деб, ширавор?»
Бўлғани шул тўйнинг охири кор.

Борҳо айтур эрди тўйларда,
Еру дўстига кўча-кўйларда:

— «Қирқ чорак гурунч олай дейман,
Яна түйимга етмагай дейман.

Хотирим жам түғрисидин үнүм.
Камлигим бир сүкүм билан ўтуум.

Бошласам түй агар қозонни куруб,
Үтказынг ўзингиз бошида туруб».

Иўқ бириси-да бу деганиларидин,
Тўқкузу ошларин еганларидин,

Кўча дарвоза тўй куни занжир.
Тўқти мискин, гадо йўлига қир,

«Хатми қуръон» қўюлди тўйнинг оти,
Бўлса шундое бўлурмиди уёти?!

Урди чўт сарфиға тўй, ўтганда,
Тузгача жами ўттуз уч таига.

Ушбу сўзлар, Муқим, эмас ёлғон,
Кўни-қўшниси шоҳиду бурҳон.

Мухтасар бўлди топти сўз анжом
Аддуо, вассалому нома тамом.

В Е К С И Л

(Завқий ғазалига мұхаммас)

Мастур қолмагайким: сұзиншіг йүғони чиқди,
Олтиарықлари ҳам вексилли кони чиқди.
Заводни битказолмай Эшонни жони чиқди,
Афсус, эй халойиқ, ишлар ёмони чиқди.
Охир замона маълум бўлди, шишони чиқди.

Ҳар ишки халқимизға ҳокимлар этса фармон,
Қилмай иложи йўқтур душвору хоҳи осон,
Нуқра-кумушларидин бойлар хижил, пушаймон,
Юз дод қилмасунму бечораи мусулмон,
Ҳар тангада миридин яққол зиёни чиқди.

Банд ўлди олди-сотди, фуқароинигни бил, деб
Пуллар жаримасини қилсанг экан, биҳил, деб.
Бозору бай очолмай қишлоғу шаҳр сил, деб
Арз этдилар халойиқ ҳокимга: ҳукм қил, деб.
Қирқ кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.

Диққат ҳама сотолмай, ё бир нима олурга,
Қассоб етди ўзни гўшт ўрнига тилурға,
Солган қулоқларини эл гап недур билурға,
Бозор аҳли, ҳайрон савдо-сотиқ қилурға,
Сўйи самога йиғлаб косиб фифони чиқди.

Халқеки камбағалдур гўёки ғалтак ўлди.
Улганни устига ҳам бир неча калтак ўлди,
Бу воқиа, Муқимий, ҳар ерда дастак ўлди,
Пул-лабба, нарх-қиймат устига пўстак ўлди,
Пўстак (белига) боғлаб Завқий баёни чиқди.

ХАЖВИ ХАЛИФАИ МИНГТЕПА

Махзани холи — даҳан, тил — мори гүё баччағар,
Заҳри қотил сұхбати монанди дунё баччағар.

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуғ,
Мұттахамлік дафтариң бошида түгрө баччағар.

Іс чиқарған ерда ҳозир мисли шайтон ҳамтабақ,
Қанча сўксанг шунча шилқим; турфа суллоҳ баччағар.

Ботини чўян қозон, қайнар ичида реву ранг,
Зоҳири бир сўфи сурат, қўлда ассо баччағар.

Ётқузиб тилсанг баногаҳ қорнидии чиқмас алиф,
Салласин кўрган киши дер: — «Катта мулло баччағар».

Ҳалқада мундин бўлак болонишин йўқ, охири
Қилмағай деб қўрқаман ҳазратга даъво баччағар.

Неча муддат йўқ эди, ул қайданам ҳозир бўлиб,
Ош аруса ҳангирраб, кўп қилди ғавғо баччағар.

Шунча қўйнинг пўрдогу пўстунбасин ўғирлади,
Тозалаб Мингтепасига қилди савғо баччағар.

Сурмалар тортиб қачон кўрсанг кўзига, доимо
Ўзга бергай, қўлида ойина, оро, баччағар.

Билмам одам шаклида юрган уммисибъёнмукин,
Отини тутсанг агар ҳар ерда пайдо баччағар.

Бир пучак пул хайр иногоҳ бир гадо қилса тама
Истаган янглиғ вужудин андин анқо, баччағар.

Меварад ҳаржо шикамро маҳз пур кардан, дигар
Нест парвойи ғами имрӯзу фардо, баччағар.

Кир ювиб магзобасин кўпугини олиб йигиб,
Рўзада қўйғай отин қандин нишолло, баччағар.

Илгари филжумла номусу ҳаёси бор эди,
Қайси кун ҳаждинки келди, бўлди расво баччағар.

Борса ҳар ерда уруб беҳуда ёлгон лофу қоф
Дерки: «Султон берди менга етти тилло», баччағар.

Гар асо тутса қўлига сиз ани айб айламанг,
Воқнанким, кўзи очиқ, ботин аъмо баччағар.

Қилмас эрдим ҳажв, иочор айладимким ўқишиб,
Аҳли доинишга бўлур деб дафъи савдо баччағар.

Ҳеч кимни баччағар деб бўлмагай, то бу тирик,
Мундин ўзга баччағар йўқ, ўзи танҳо баччағар.

Эй Муқимий, сендин озоре биравга етмасин,
Душманинг ҳам бўлса ҳаргиз дема асло баччағар.

ТУРФА НОДОН БАЧЧАГАР

Кўрмадим оламда сандек турфа нодон баччағар,
Суратингни кўрган одам дерки, шайтон баччағар.

Бу қадар расволиғингдин эътиборнинг йўқ сани,
Бу сабабдии сотасан ўзингни арzon баччағар.

Гоҳ тўқимни олиб қоринга, айлаб акслик,
Бенизом эшакка ўхшаш бекуюшқон баччағар.

Доимо йиртиқ кийим бирла юурсан кўчада,
Янги киймайсан энингга ҳаргиз иштон баччағар.

Сан билан қилғон киши суҳбат, қулоғи кар бўлур,
Доимо ҳар ерда бўлсанг лофу ёлғон баччағар.

Билмайни сўз айтасен ҳар ким юзиға чоптируб,
Беҳаёю, беадаб, оғзи паришон баччағар.

ДАР МАЗАМЛАТИ ҚУРБАҚАЛ

Пирларинг ҳаққида күп қылманг фигон қурбақалар.
Дам туринг, битти қулоқлар лаҳза, жон қурбақалар.

Бошқа вақти майли ғавғо қилсанғиз, хомуш ұлунг,
Шаҳрдин келган әдилар меҳмон, қурбақалар.

Бош чиқориб ҳавздин ҳардам надур фарәдніңгиз,
Еки бу масжид деб айтурсиз аzon, қурбақалар.

Хеч ҳавзу, ҳеч күл қурбақасиға ўхшамас,
Барча калладору фарбес паҳлавон қурбақалар,

Хоҳ-нохоҳ Мингтепа ўйлаб қилурсиз зикри жаҳр,
Ҳовз давринда ҳама масту пиән қурбақалар.

Не учун домла имомдин құрқмассизлар, агар,
Бир сиёсат бирла бўлдингиз ниҳон қурбақалар.

Илгари эркан Ойим қишлоқ, Муқимий, әмди ҳайф,
Баччағар оқ дўппилик қорни йўғон қурбақалар.

А В Л И ё

Бошларида шапка гоҳе, гоҳ дастор авлиё,
Кўлларида субҳаю бўйнида зиннор авлиё.

«Тавба» денг охир замона чиқса бу янглиғ чибок,
Ҳар (хотинга) ошиқу ҳар (қизга) хуштор авлиё...

Шул эрур кашфу кароматики бўйлаб субҳу шом,
Чиқса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор авлиё.

Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо,
Бўлмагай деб қўрқаман ногоҳ сангсор авлиё.

Тоза илкини ювиб, ейдур ҳалол англаб гумон,
Учраса ҳар ердаким макруҳу мурдор авлиё.

Гар муқаллид бўлса пўстун бирла тоқат қилмасанг,
Муз қизиқликлар, ёгар тақлинидин қор авлиё,

(Гавдасидин) йўқ бўлак оғирлиги дунёда ҳеч,
Охират сори сафар қилса, сабукбор авлиё...

Филҳақиқат бўлма ғафлатдин бадандеша, Муқим,
Баски шуҳрат топти расволикда бисъёр авлиё.

Ч О И Ф У Р У Ш

Құлған жувон бўлиб, битта хуштор, чойфуруш,
Кўрсанг қачонки мурдакови бор чойфуруш.

Белбог сотилди, бир неча кун хўжайин қилиб,
Аммо бир кун муюнда дўкондор чойфуруш.

Ким сўрса нарх иккиси бирдин баҳо қўйиб,
Қилгай гаранг келса харидор чойфуруш.

Пойлаб смакка бир нон олиб бир-биравини,
Тиқ этса ғалладонга хабардор чойфуруш.

Бензин хўжайин тийинин қулса сарф агар
Тушкай дўконга қулф баякбор, чойфуруш,

Кундуз ҳавоси ер билан осмонга сифмаган
Лек оқшом... ёмон хор чойфуруш...

Нисбат қилурга арзимагай ҳажв ҳам ўшал,
Кетсун, қўй эмди, салқан атъбор чойфуруш.

УРУФ

Бошлади мардум аро шўриши маҳшар уруғ,
Айлади чун рӯдапо халқни музтар уруғ.

Нонини бултур еган, пойлаган эрди алар,
Ҳайф куйиб ақчаси қилди чу ахгар уруғ.

Зарда қилиб жопивор, бўйлаки хор қилдилар,
Қолмаса номидин асар, бўлмаса хуштор уруғ.

Ҳикмати парвардигор, банда таажжуб қолур,
Бўлди чу хоки сиёҳ зарга баробар уруғ.

Қимгаки ўтказсалар, ваъдага олганига
Насъяга ҳам олмайин, эртаси қайтар уруғ.

Учраса гоҳ бир таниш, қўлини маҳкам тутиб,
Қўймайин аҳволига, ҳасратин айтар уруғ.

Кўрди ўтар ошно, дерки, деса: «камнамо»,
Бўлди бошимга бало, бор эди камтар уруғ,

Қайдаки дарвешлар қўйға олур фотиҳа,
Дебки, дуо қил сотиш бўлса мұяссар уруғ.

Қозилар иқболиға тухмнинг жанжоли кўп,
Битса агар муфтилар фатвойи маҳзар уруғ.

Хирмани сармоясини боди заرارга бериб,
Бир неча бойваччани қилди қаландар уруғ.

Сўзни, Муқим, мухтасар ўлмоғи яхши вале
Қанчаки оз, айласам шаънига дафтар уруғ.

ТАР МЕВАЛАР

Оҳ не кунким есанг, тайёр экан тар мевалар,
Қадри чандои йўқ экан — бисъёр экан тар мевалар,
Хоби роҳатбахши жисми зор экан тар мевалар,
Ушбу йил Фарғонамизда хор экан тар мевалар,
Боғлиқ одамга ёмон душвор экан тар мевалар.

Юрт мингбошилари [ҳам] келдилар ёниб — тутаб,
Нозу неъмат журмини Хўқанд уёзидин тилаб.
Мухтасар айлаб тамоми муддаосин — мунтахаб
Килди деҳқон арз ҳокимға, дедиким яҳшилаб,
Сотмагил, фармойиши жондор экан тар мевалар.

Зомуча чиққан назарлардин тушиб бсихтиёр,
Бир тийин берсанг этаклатмуш эдилар бешумор,
Ҳеч арzon қолмас эркан қиммат этмай рўзгор,
Бодиринггу олуча ҳалқ ичра топти эътибор.
Ўзгаси то ҳандалак бекор экан тар мевалар.

— «Олма, ўрукни кипи бозора олиб келмасун,
Чунки иллатлик, еганларга балоси тегмасун.
Бир мусулмон, от тутиб, шафтоли чилги демасун,—
Рус ҳукуматдонлари манъ этди,— мардум емасун»,
Есалар, офат тегиб ўлор экан тар мевалар.

Боғбонлар ҳам бўлурми боғига кирсанг тажанд,
Миннатидин умрлар кирган чекар эрди газанд,
Дарҳақиқатким бузук ниятлари бўлмай пишанд,
Чилги, шафтолову — кепак бирлаш чигитга икки чанд,
Сотқучи қишлоқ юриб, аттор экан, тар мевалар.

Кўранн пайкалга деҳқон ҳам темурлардин қуруб,
Кимки ўтса илкидин олур эди итдек ҳуруб.

Феъли бадларни ажаб бўлди жазосини кўруб.
Сой, ариғларга сават бирлан палиска оғдариб.
Пишганидин бўғулиб безор экан тар мевалар.

Ошкоро боғда зардолу гералмай ҳайфким,
Бир қошиқдонда биравга келтуралмай ҳайфким.
Тоштарозулар қабоқлардин қуралмай ҳайфким.
Шаҳрга бир дона саҳродин кидалмай ҳайфким,
Муртади ҳар растаю бозор экан тар мевалар.

Сифлапарвар чарх еткурди фалакка нолишим,
Қалтираб, титраб бўлунган эрди тобистон, қишим,
Фарқ пишган кўкча қовун, тегмагай аммо тишим,
Ёз ҳам неъмат билан, шундоқ гузарлар чўлким,
Чорсу, чорсу дер экан, гар бор экан тар мевалар.

Турфа иссиғким ҳаволар тобиши нори жаҳим,
Ҳар нафас айлаб ҳароратлар фузун ўтлуг насим,
Ташналигдин ҳўл табият хоҳлади қайтиб дамим,
Ваъдалар қилди келар йил айлайин рўзи Муқим,
Едириш мендин, бу йил қарздор экан, тар мевалар.

ХОЖИ ҚАДОҚЧИ

Домиға түшмаган кам турфа тузоқчи Ҳожим,
Бермайди қылса нася судраб, чатоқчи Ҳожим.
Енгил ҳазилни билмас, нозу фироқчи Ҳожим,
Күрганда сүфи кундуз, оқшом қароқчи Ҳожим.
Минганда ўзин олғай эшшак, улоқчи Ҳожим.

Бечора камбағалсан, филжумла тарз косиб,
Чиқмайди чүнтагингдан урганда бир сүм осиб,
Ҳар ким билиб йўлини юрса, изини босиб,
Илкингга қўндурууб қуш, ул сенга номуносиб.
Боқиб ўзингга иш қил, касбинг қадоқчи, Ҳожим.

Ҳар ерда кўрса шубҳа, билгай ҳололу тоҳир,
Ботинда бухлу кина, ҳар кимга дўсти зоҳир,
Оч қолса каллапазлар шўрбоси борса ҳозир,
Бу билмаган ҳунар йўқ, ҳар қайси касба моҳир.
Холи темирчи уста, ҳоли сувоқчи Ҳожим.

Халқ айди, келди чакки, дўконга келганингда,
Қелмас эдинг бу одам олдиға билганингда,
Олдингда дўсту душман гар унда жилганингда,
То етмагай ғуборе, деб қўрқамен ёнингда —
Эй, Тожихон қароси юққай, бўёқчи Ҳожим.

Мажлисда лоф урманг, бор деб терак богимда,
Давлат шукур бажодур, йилқиларим тоғимда,
Ҳовлимда мунча ғалла хумлар тўла ёғимда.
Нబлис ҳийла дарсин анда ўқур чоғимда
Ўлганда панд бергай, келса сўроқчи, Ҳожим.

Ногоҳ бир тарафга қилсанг агар сафар сен,
Чиққунча то шаҳардин эллик тушуб қўнарсен,
Ҳар бир овулда ётиб бир кечадин тунарсен,
Олдингда ҳоли тикмиш йиртиқ, синиқ қадарсен.
Бир ерда хўб яраштинг икки ямоқчи Ҳожим.

ГАП ТҮФРИСИДА ГАП

Ҳар кишиким күрпасига пой узатмайдур қараб,
Сал вақт ўтмаски күэлар жониби Шому Ҳалаб,⁴
Сўрсалар ушбу шикоятга буродарлар сабаб;
Фозиёғлика зимиston ер эди бир жўра гап,
Карру фарлар бирла бир-бир қочти, қолди гап тугаб.

Ҳожати теъдод эмас, даркор эмасдур отлари,
Мардум устидин ҳамиша, еб-инчиб авқотлари,
Ҳеч Қорундин кам эрмас еру сув, давлатлари,
Кўча-кўйда кўрсангиз от ҳуркитар савлатлари,
Уйларида ой ўтиб чой ичмагайлар ўт қалаб.

Лоф рахшин катталик майдонига ҳарён суриб,
Қўл билан ҳар дам бурутларни юқорироқ буриб,
Юз тарафдин сўзга ёлғондин масаллар келтуриб,
Жўра дастурхонларида чорзону ўлтуриб,
Пашмаку ҳалвони урғайлар нишондога булаб.

Маърака, мажлисда олур ўзларини Таҳматан.⁵
Ишлари даъво-ю манманлик агар кўрсанг қачан,
Муфт баэм, улфатчиликка дўппи қайтоқи чапан,
Ҳеч эркаклик ярашмас, хўби шулким мисли зан,
Эмди уйда хапгина ўлтурсалар кокул тараб.

Ҳақларига оз эди ҳар қанча чакки сўз десанг,
То қиёмат кам агар ҳар қанча дашном айласанг,
Боз кетган устига кетган масал бордур, кесанг,
Ичкариси бирла ҳам эмди таваккал гап есанг;
Эрлари ўрнига шояд хотунидин тегса гап.

Гаплареки, еб кетиб қарз ошни қилмаслар адо,
Құрқаман улфатчилик барҳам егай деб ўртадо,
Аҳли ҳимматлар қаниким, айласанғ жонлар фидо,
Кулмайин найлай Муқимий товба деб, ушлаб яқо,
Бўлса хотундин хароб эркак, замоне булъажаб.

А С Р О Р Қ Ү Л

Садқан одам кет, юз ҳайфсан, Асрорқұл.
Заҳр ичкан, кийганинг бұлсун каған, Асрорқұл.

Қайды ким борсанғ чекиб, әлдин уқубатлар мудом,
Бүйнингга ҳар ерда солсунлар расан, Асрорқұл.

Аксары умрін ұтуб (...) еб түймаган,
Сингдиралмай әрта кеч урган ҳасан, Асрорқұл.

Яңғы Құрғондин келур хирмонга нон қүйған, магар,
Хуржунда пүшқаты зогу заган, Асрорқұл.

Әгнида оқ жома-ю дасторлар зоҳир вәле,
Қоп-қаро ботинлари деги чүян, Асрорқұл.

Бор экән деб келмасун, одам гадо деб бир умр,
Үстидан дарвозасини қулфлатан, Асрорқұл.

Саллан харроти-ю, уст-бошлари навъи силиқ,
Юзни совунлаб, ўзини сирлаган, Асрорқұл.

Ҳайф Маҳдумхонки, бўлмиш улфати қишлоқда,
Баднамо, бадбўйсан, сассиғ сухан Асрорқұл...

Қатталиқлар номуносиб санга, сан кимсан ўзинг,
Улганинг яхши бўлуб эрдинг қачон, Асрорқұл..

Манқаси бурнидии оққон турфа ифлосу палид,
Ош еса беш пашаси ҳам дар даҳан, Асрорқұл.

Панд эрур санга — Муқимиң — ушбу сұз ҳажв айласам,
Бош олиб кетсанғ керак бу шаҳдан, Асрорқұл.

ДАР МАЗАММАТИ САГЕКИ, ЭЛЛИКБОШИ НОМИ НИХОДА БУДАНД

(Элликбоши деб аталган бир итнинг ҳажви)

Қарилиғ юки тушубои манга, қади мавзуним букулиб кетиб.
Соқолим оқи ўлум элчиси, яна хогирим чўкулиб кетиб,
Мунин устиға лақабим ёмон, қутулаймукин кўмулиб кетиб,
Ула қолайни тирик ўлгуча, ҳама жунларим тўкулиб кетиб,
Тожик аҳлинин чориги каби, жигорим чоки сўкулиб кетиб.

Баданим чақа анга йўқ чақа, десам ҳозиқа рангим кўрсатай,
Бу касал мени дами қўймагай, қичишиб десам нафаси ётай,
Бу аламлари ила юргуча, қилингиз дуо ўлубон кстай,
Нони қоқи манга берадур тишим ўтмаса на илож этай,
Битта қолмади тўкулиб тишим, суяқ оғзими ўпуриб кетиб.

Тура тур дами эшит арзими, ака суфиё санга айтайнин,
Жайлөв ер каби жасадим қўтур, бу ситамларим кима айтайнин,
Чиқайин десам кўча сори эл, деб элликбоши қилишур қийин,
Кечакундуз истикоматим, ҳамма муллага тешилиб биқин,
Яна вақфдин манга бермагай, қопойинмукин қутуриб
кетиб.

Манга муллалар қилибон жафо қўфа бирла бўйними боғлади,
Бўғубон ёмон йиталаб юруб, томогимга кескини жойлади,
Йифилиб ҳамма мени қўймайнин, элликбошиликка сайлади,
Мединскийга қилойинму арз, бу саҳар мени хафа айлади,
Дам-бадам келиб сўғи баччагар, манга чангитиб супуриб
кетиб,

Бу жаҳонда бир мусофирам ва на манда она на падар,
Дер эди мени бу шаҳар ичи кучими борида шерни нар,

Бу жароқатим сиза арз этай, ўлимима бердилар хабар,
Етиб эрдиму күз эди юмуғ, «мана нон» деди битта
баччағар,
Хира қилди табъими бир киши, очсам оғзими тупуриб
кетиб.

Қилиб птижо сўфиға дедим: «қиңиди таним баданим сила,
Увалаб эзиб қичи (қўлларим), мана манда нифати тўн тила,
Қасал устиға хафа қилдилар, сабаби буким қиласа гила.
Кўчага қувиб чиқадур уриб, бир охун акам зулм ила,
Белима тениб битта боққолинг, чиқа ёэди жон узилиб
кетиб.

Неча кун эрур тумов ўлмишам, яна кўк йўтал юрагим эзор,
Тилаганда табъ бир таом қилиб, бергали қани бир табор,
Едуруб манга сўфи ўн собун, дилим авлабон деди «жун
чиқор»,
Қичима хориш бўлубон букун, кўтарурга пут қани бир мадор,
Турайин десам йиқилай дедим, осқим кеча чўзулиб кетиб.

Ҳама он хомуш эшитмагай киши ҳеч қийл ила қолини,
Йўқ эди дейин деса муниси ғаму дарду ҳажр малолини,
Элу халқдин кўзини юниб, мўйинни юлиб пару болини,
Демас эрди бошиға келса тиф, элликбоши кимсага ҳолини,
Деди ногиҳон тўлуб ўпкаси дардидин қўзулиб кетиб.

БЕДАРАК КЕТДИНГ ОХУНИМ

Нече кундур бедарак кетдинг, йўқолдинг, охуним,
Ногиҳон бетоб бўлсанг эҳтимолдинг, охуним,
Ёки бир ёре ила бир ерда қолдинг, охуним,
«Ҳўб келай деб кечқурун» келмайки қолдинг, охуним,
(Ёт) каби кўрганда хижлатдин ўёлдинг, охуним⁶.

Лозим эрди ётибон уйқуни урмоқ қай кеча,
Эй кўнгулларга тушиб суҳбатни урмоқ қай кеча,
Йўл тегиз бўлса хаёл этдинг югурмоқ қай кеча,
Санга ҳам осоп эмас лойлоқда юрмоқ қай кеча,
Мисли ит қувғон бузоқ — келгунча толдинг, охуним.

Дўстлик шундоғ бўлурми ҳафтада бир келмасанг,
Одамиятликни расмин қайдоғ эркан — билмасанг,
Хат юборгандা келурсан бир ўзингча келмасанг,
Лозим эрди ваъдага мундоғ тахаллуф қилмасанг,
Синдингу лах-лах бўлиб эмди ушолдинг, охуним.

Деб эдинг: «бир кун бориб ҳасратлашиб ётмоқчиман»,
Алладинг келмай ва лекин санга алдотмоқчиман,
Бу ишингга эмди мени отларга сурратмоқчиман,
Бир ўшал жонибга боргандা кўруб ўтмоқчиман,
Сўрсалар бек жонларим лоҳаз йўталдинг, охуним.

Уз маҳалланг ҳўб бепарво юрарсан, беибо,
(Еш, ялангларга) уялмай сўз қотиб беҳаё,
Кўринур кўзларга, лекин, суратинг сўфинамо,
Такъя лаб, жарлар, самовору оқарсув, хуш ҳаво,
Мунча ҳам сероб экан обод олдинг, охуним.

Ёғса ёмгур, ўтса чакка хона таъмирии бузар,
Эртароғ том теп чиқиб, тарновлар остидин сизар.

Кўп пулнинг чиққан иморатлар юрак-бағринг эзар,
Беш ёғоч дарвозасини лойиға оглар сузар,

Ул кеча келдинг яёв, қайдоғ ўтадинг охуним.

Назмни билишлигина айёмдин охун қадим,
Үқимай «охун» бўлиш осону табъингдур салим,
Маст бўлуб олдиға қўй чексун тамокунинг чилим.
Дахли йўқ сўз бирла кўнгул чокини кўклар Муқим,
Гўиё уста ямоқчи новҳа чолдинг охуним.

Юморлар

ТАЪРИФИ ПЕЧ

Совуқ қайда әкан ороми жон, печ,
Дегайким баъзи нодонлар: ёмон печ.

Эшикдин қалтираб келсанг иситгай,
Ки мушфиқ волидангдин меҳрибон, печ.

Совуқ душман бўлиб урса шабохун,
Қилурға дафъи үл соҳибқирон, печ.

Зимистон фаслида қурсанг уйингга,
Ҳузури дил, чу боғу бўстон, печ.

Чу тортиб келса лашкар қору борон,
Ўзи танҳо қочургай қаҳрамон печ.

Келур на сандали тўғри, на гулхан,
Чиқорғонин, Муқим, эткай омон, печ.

КУСАМЕН

Оҳ, соқол қадри ўтиб, күнгулда армон күсамен,
Ҳафтада ойнага боққанда ҳайрон күсамен.

Барчада бўлса соқолу менда бир тук бўлмаса,
Инғлабон ушбу аламдин гоҳ пинҳон күсамен.

Сен ёшим сўрма, билолмайсан, ўзим ҳам, шунчаким,
Катта-катта мўйсафидларга падархон күсамен.

Ёш гумон этма кўриб афтим, соқолим йўқ учун,
Маллахондин¹ қолган эски қарри таллон күсамен.

Бўлма овора, билолмайсен суриштирган билан,
Бир чигилменким, ешилмас асли чистон күсамен.

Ёш гўдак бирла кураш тушсам чиллакдай оширур,
Суратим кўрсанг агар ўлгуича полвон күсамен.

Ҳар шаҳарда кўп агар юрсам, бир ой юргум келур,
Найлайн савдои, аҳволим паришон күсамен.

Найчилик бўлди фалак бедодидин охир ишим,
Йўқса, бир вақтида сурган даври даврон күсамен.

Жағларим Шайдонни даштидек гиёҳ йўқ яп-яланг,
Энгакимдин бир Оло Маҳрам намоён күсамен.²

Сўрма мазмунини қил найдин қиёс аҳволими,
Езу қиши ҳар ерда мундоғ соҳиб афғон күсамен.

Бир фақирдин бир пақирни, дўстлар, тутманг дариг,
Бир дуогўйи Муқимий мен қадрдан күсамен.

ХАЙРОН КҮСАМЕН

Камбағал бир тұда гүдак ичра қолғаш күсамен,
Рост хоҳиким, гумон қыл, хоҳ ёлғон күсамен.

Күп бўғулганман, ҳаво иссиғ кетарман эрта-кеч,
Дафъи савдо қилғали ӽшу Аровон күсамен.

Уйға овқоти учун ун-мун олиб бермоқчиман,
Бир тийин йўқ, дўстлар, ёнимда ҳайрон күсамен.

Гоҳи бехуд, гоҳ худ ҳолимға йиғлаб, тоҳ кулуб,
Алғараз ким бир нафасда неча алвон күсамен.

Эрта бирлан бор жанозамға хабар даркор әмас,
Ош емай ёткан кечим, албатта, ўлгон күсамен.

Зийнат эркакка сақол эркан, соқолим йўқ учун,
Халқ аро ўлгунча шумшук бад намоён күсамен.

Хайр мардумда, Муқимий, кам қолиб тушмай чақа,
Най чолурға қолмаган бир зарра дармон күсамен.

ПАРИШОН КҮСАМЕН

Езда иссиғда қуюб, ҳар ерда юргон күсамен,
Хоҳи шаҳру, хоҳ саҳрою биёбон күсамен.

Зиндалиг водисида тентуб гадолиғлар билан,
Бир қадамға қолмаган юрмакка дармон күсамен.

Найлайин овора бўлмай мулкида Фарғонанинг
Камбағалликдин ниҳоятда паришон күсамен.

Бораман савдо қўзуб, Мажнун сифат фасли баҳор.
Қўзга хокин сурмака Тахти Сулаймон, күсамен.

Якка нафсимға гадолиғ айласам, андоғ эмас,
Жўжаси кўп қип-қизил деган: «Қани нон?» күсамен.

Даҳр бозорни харидориға саққол эътибор,
Бесоқоллик дардидин ҳар ерда арzon күсамен.

Киссаларни, яхшилар, ковлангки шундоғ най чолиб,
Кетмаган то бир пақирдин олмай осон, күсамен.

ДЕВОНАМЕН

Дүстлар, бечора, қашшоқ камбағал девонамен,
Най чолиб, ҳар ерда ўқыйман ғазал, девонамен.

Беканоатлиқ гадо қилди, дариғо, иойлож,
Бандалиғ шартида, лекин беамал девонамен.

Салла, оқ тұнлар күруб, сохтимни инкор айламанғ,
Бўлмасам ҳамким асл девона, кал девонамен.

Хайр этинглар бир тийиндии кечаси дегжўш этай,
Одатим шул: ош емай ётсам касал девонамен.

Ғўдайиб турмай беринглар бир фақир, хоҳ бир мири
Аср қичқирғон хуруслек, бемаҳал девонамен.

Хира шилқимлиққа ҳам йўқдур ўзумнинг тоқатим.
Зардаликмен гарчики дуну дағал девонамен.

Мардикор иш қил, аёқ-қўлинг бутун найчи деманг,
Най агар чалсам бажомен, ишга шал девонамен.³

ҒАЗАЛИ БЕК

Билма, юрган ҳарзакұ бир нон гадо девонамен,
Беклардин зотиму аслим бажо девонамен.

Кулма ўрусча либосимни күруб, бегона деб,
Етмиш икки фирмә бирлан ошно девонамен.

Аҳли раста илгари касбим ифакчилик эди,
Найлайин шул бўлса тақдирни худо девонамен.

Айланиб бошим адам иқлимидин шаҳри вижуд,
Келдим аввал ибтидою интиҳо девонамен.

Зоҳиримни кўрушиб жинни гумон қилманг мени,
Сабр қилган ҳам қазосига ризо девонамен.

Эртадин оқшомғача ҳар кўчадин юз айланиб,
Мисли саргардон қуюн шому сабо девонамен.

Илтимос эттим, Муқимий, байту қилди менга ҳам,
Гарчикин панж жоиману бенаво девонамен⁴

ОТ

Урма бир қамчи, олур минг интиқом, ўлсун бу от,
Тишлибу тепиб ўтар умри мудом, ўлсун бу от.
Хеч кишига бўлмағай чун ваҳши ром, ўлсун бу от,
Тоб йўқ афтини кўрмоққа, ҳаром ўлсун бу от,
Ҳайфдур ҳаргиз суғорманг, ташнаком ўлсун бу от.

Турфа қирчанғию, санғи, хираю бадкордур,
Фикри-зикри доимо андешаси озордур,
Шовқунидин, эл миниб чиқсанг агар, безордур,
Гар сафар қилсанг бирав ҳамроҳлиққа зордур,
Шатта солғай йўлда ким қилса салом, ўлсун бу от.

Бад қабоқ, сурат совуқ, рангида кўрким қони йўқ.
Бедани чайнаб ютарға тиш била дармони йўқ.
Ҳар қадамда қоқилур жисмида логар жони йўқ.
Минган одам бўлмаса мажруҳ то имкони йўқ,
Гўнё қайрарга тифи бениём, ўлсун бу от.

Доғули хислат, мугомбир, феъли-автори қизиқ,
Боғласанг бир ерга, келсанг ногиҳон қайтиб ешиқ.
Бермагай тутқич, мисоли сабчибон ўғри мишиқ,
Гарчи ҳанги, жангариждур, кошки бўлса пишиқ.
Улгуча қўшу жувоз бобида хом, ўлсун бу от.

Зарра минганда ҳузур бирла ҳаловат кўрмадим,
Шумлигидин ҳеч бир манзилда тинчлик кўрмадим,
Эрта оқшом пуштлаб, бир лаҳза емсиз қўймадим,
Қанча боқсанг силга ўҳшаб, ранги чиқмас билмадим,
Сингдуролмас, еса ғад қилғай таом, ўлсун бу от.

Яхшиси бул: бosh кесинг қилганда тўй, айлаб сўқум,
Е муҳимми хайра қўш, ўрниға қўй айлаб сўқум.

Хожат әрнәсдүр ыңқотрил үүфтүгүй, алаб сүкүм,
Дүм билан ёлин кузаб, жаззоси сүй алаб сүкүм,
Парчай жүл, садқай зину лажом ўлсун бу от.

Дафъатан тұхтар ыироқдив бўлса бир одам дучор,
Анга боқиб кишинагай оғзин очиб чун аждаҳор,
Қайтадур noctor ўталмай орқасига кўча тор,
Садқай ему хашак кетсин, қўйинг очу наҳор,
Эртароқ етсун ҳалокатга тамом, ўлсун бу от.

Чап бериб, пойлаб тепарга устухон йўқ этида,
Ендашиб бормай ыироқроқ тур охурнинг четида,
Дўст бўлмайдур — масал — туклук нимарса бетида,
Олдидин келсанг оғиз солғай, мабодо кетида —
Тепадур хоҳи чуқурлиқ, хоҳ том, ўлсун бу от.

Хуркуб ўтмас ўлса кўзиға кўринса бир гиёҳ,
Ботинолмас анга бир эллик чуқурча — катта чоҳ,
Чўчимасдин ким қилур ўзиға ўзи иштибоҳ,
Икки қўл доим яқода шарридин истаб паноҳ,
Минган одамни қилур субҳини шом, ўлсун бу от.

Кимса бозора сузиб дум, эй Муқимий солмади,
Бир харидори чиқиб, олған пулимға олмади,
Нечаким бадбахт тадбир айладим сотилмади,
Тобу тоқат менда эгарлаб минарга қолмади,
Келганига олса сот, эмди ҳаром ўлсун бу от.

ХАЖВИ ОТ

Эй сипеҳри макрамат, и-эй меҳри буржи иътило,
Шахси олинг айламиш ҳақ мазҳарин иззу ало,
Бўлмишам мен хаста ҳар турфа балоға мубтало,
Яъни отимдур бошимға бир ало кўзлик бало,
Барча кулгай арз агар қилсан мен ушбу ҳожатим.

Бир отим бордур, аё шаҳзодаи олий мақом,
Кимса кўрмас бу сифат този нажоду хуш хиром,
Йўл юрур вақтида қилгой гаҳи ғамза, гаҳ мақом,
Ҳар қадамда бир неча қуллуқ қилиб айлар, салом,
Ким анинг авзоидин ҳар лаҳза ортар ҳайратим.

Ему ўт берсам егай туфроғ ҳам тоши била,
Қорни тўйса сувга имо айлагай боши била,
Йўлга кирса сув ичиб бурни оқор ёши била,
Ҳар қадам қўйса агар мункиб кетар боши била,
Халқ ичинда ортадур шармандалиғдин хижлатим.

Неча ёшга кирган эрконсан дебон сўрдим хабар,
Деди: «Ман келганда йўқ эрди бу оламдин асар,
Неча йилдин сўнгра пайдо бўлди авлоди башар,
Бу жаҳонда оту эшшак ҳоҳи мода, ҳоҳи нар,
Жумла мандин тарқағон авлодиму зурриятим».

«Чув!» десам кўздин оқизғай йиғлаб ашки шашқатор,
Гулдуруклаб йўргалар, аммо оёғи бемадор,
Ногаҳон ул йўлда кўпруксиз ариғ келса дучор,
Ўлтуруб йиғлар ӯтамлай оҳ тортиб зор-зор,
Ман ҳам анда йиғларам, раҳмим келиб, ҳам диққатим.

Дерман: «Эй оҳу тану, този нажоду, хуш хирад.
Сен кечургайсен кезиб бу олам ичра неку бад,

Бу ариғдан сенсизин ўтмакка йўқдур манга ҳад.
Ҳазрати Дулдулни(нг) руҳидин талаб қил бир мадад,
Девзодим, сар-сарим, шабдез соҳиб иззатим».

Чун бу сўзларни эшитса қайнабон тошиб кетар,
Меҳр ила чайнаб сўлуқ тиши гижирлошиб кетар,
«Епирим!» деб сакраганда теплашиб, шошиб кетар,
Шалп этиб сувға йиқилғоч дўймбалог ошиб кетар,
Ман ҳам анда йиқилиб бафоят ўлғай кулфатим.

Кўп имирлаб эртадан оқшомғача айлар шитоб,
Тентираклаб, ҳансирағ ҳам қалтираб тортар азоб,
Неча тош юрғондек аҳволи бўлур терлаб хароб,
Уч қадам юргон экан диққат била қилсан ҳисоб,
Аччиғи келгай агар билса ҳисобу диққатим.

Нўхтаси пўлод ўлуб, арқон темур бўлса узар,
Ҳар тараф борса қочиб ҳангомай маҳшар тузар,
Ҳар на келса рўбарўға тумшуғи бирлан сузар,
Турфа ишлар илгари таҳсин ҳунарлар кўргузар,
Ким борисин шарҳини қилмоққа йўқдур қудратим.

Бир куни боғлаб салома кирмиш эрдим мен фигор,
Дафъатан узмиш лажомин ул яъни нобакор.
Йигилиб калтакламишлар они халқи бешумор,
Бўлди дарвешонада шўри қиёмат ошкор,
Эшишиб мен ушбу сўзни ҳаддин ошди ҳасратим.

Бормиши ул бозорга тоғи чопиб, тоғ йўрғалаб,
Қайда борса қувламишдур оти оту ит талаб,
Куйдурублур тукини сонбусапазлар ўт қалаб.
Йиқилибдур лой аро кўп энтикуб, кўп ҳарсилаф,
Бедаракдур эгару анжоми бирла савлатим.

Йиғилиб бошим аро ҳаллоқи олам бандаси,
Үшбу ҳолатдин етиб күкка аларни(нг) хандаси,
Оти қурғур жумла махлукотнинг шармандаси,
Мен изо тортиб, ўлай деб, ҳалқ сарафкандаси,
Мотамилардек бўлур ул мажмуъ ичра ҳайъатим.

Хосил улким етти андин манга бу янглиғ малол,
Келдим уйга хастау шармандау ошифта ҳол,
Бору ғам қилмиш эди чеҳрамни зард, ашкимни ол,
Ҳушим элтар эрди савдо бирла ҳар сўе хаёл.
Даргаҳинг сори ҳидоят қилди ақлу фикратим.

Сан сен истихқоқ бирла сарвари олий мақом,
Муттакойи аҳлу фазлу муқтадойи хосу ом,
Комронлиғ маснадида шодком ўлғил мудом,
Издиеди давлатингни ҳақдин истаб бардавом
Кечакундуз сидқ ила қилмоқ дуодур одатим.

БУ ОТИНГИЗ

Эй афанди, саҳт берадтор экан бу отингиз,
Турфа, лекин доғули, айёр экан бу отингиз.

Гар синаб бир қамчи урсангиз мұғамбір ғаші әқіб.
Ходими қылған киби ухлор экан бу отингиз.

Елиға қүйсант ги鲁 боғлаб тегирмөн тош ила,
Бир қадам юрмай дуруст қолор экан бу отингиз.

Үрнидан турмай ётиб ер отингиз ему хашак,
Етмай охурга боши начор экан бу отингиз.

Құз очолмайдур финак бориб, магар кайфи баланд,
Ичкани сув ўрниға күкнор экан бу отингиз.

Суратини күрган албатта гүмөн айлаб дегай:
«Зұр улоқчи, пойғачи, тулфор экан бу отингиз».

Сизге жон ҳожат әмас, лойиқ экан бу дабба от,
Боби кети катти аттор экан бу отингиз.

От қүйиб сотмиш, Мұқимий, отини жаллоблар,
Бұлмаса бир әшшаки тайёр экан бу отингиз.

О Т И М

Бу падар лаънат ҳаром ўлгур отим,
Ҳар қачон ким ман минар бўлсам касал.

Зарра келмас ўзиға боққан билан,
Емиға қўшиб бериб қанду асал.

Меъдаси тобора суст, ўлғай заиф,
Силму билмайманки логар камбағал.

Ётса ўрнидан туролмас нотавон,
Қилмасам қўйиб пишанг бирлан шатал.

Иўқ табиб ким, югуриб боқтирумадим,
Тортсайди, эртароқ кошки ажал.

Кетидин дурбин қўюб боқсанг агар,
Ўшу Учқўргон кўрингай то Азал.

Тўғрисида бўлмасун оту улов,
Хўжа хондек ҳеч каси шамъулқамал.

Эл аро афсоналар қилди мани,
Ҳар тарафдин чиқди миңиг байту газал.

Етмагайманким, пиён бозориға,
Эртадин то кечгача қилсам жадал.

ДАР СИФАТИ АСБИ ТОЖИ ТИЛГРОФЧИ, БА ТАРИҚИ ҲАЖВ МУҚИМИЙ ГУФТААСТ

Синну солидин сўрарсиз гар отимни, дўстлар,
Ушбу йил тўлса, мусулмонсиз, аниқ мингга кирап.

Ёшлиғида борлиғи дандонларини оғзида,
Кексалиғдин бормуди, ё йўқму билмас тишлар,

Қамчини зарби билан йўрттарда оғзича кетиб,
Мастлар учган каби ул ерда ҳушидин кетар,

Ончунон лоғар, харобеким, заифлик бобида,
Қантариб қайдоғки уч кун кетсанғиз шундоғ турар.

Ҳафта кавшаб, донае емдин олибон оғзиға,
Ютса, қайдоғим бутун, шундоғ ичидан боз ўтар.

Дарҳақиқат, Тожиё, бечораи ҳайвонга жавр,
Рўзи маҳшар ҳақ қасос олса, сени ҳам бу минар.

УЛОҚЧИЛАР

Одам демангу тозя бало денг, улоқчилар,
Қайдоф бало мисоли вабо денг, улоқчилар.

Отларга жавр этибки, чопишкай уриб ҳама,
Қылған иши ҳамиша жафо денг, улоқчилар.

Бечора отни қамчилашурлар жаримасиз,
Қилмас хаёли явми жазо денг, улоқчилар.

Үлган бузовни тортишадур бир пақир деб,
Хайвон сифот ҳарбгаро денг, улоқчилар.

Лаънат тириклиғиғаким, овқат учун мудом.
Ҳар тўйда хира, шанқи гадо денг, улоқчилар.

Аэрўйи жаҳл ўлса агар тортибон улоқ,
Маҳшар кунида юзи қаро денг, улоқчилар.

Гар десанг чопишда сурупий йиқилмайин,
Ушлаб жиловингизни фидо денг, улоқчилар.

Дашномингизга арзимагайлар Муқимийё,
Ҳар қанча ким казою казо денг, улоқчилар.

АРАВАНГ

Оқибат қилди дардисар араванг,
Хам қулоқларни саҳт кар араванг.

Юз маротиб пиёдалиқ жаннат,
Дейдилар ё сақар-сақар араванг.

Фидираб ҳар қадамда минг дўқ-дўқ,
Мунча нотинч (тақар-тақар) араванг.

Шаҳрихон борғуча ҳалок қилиб,
Бизни ўлдурди, мухтасар, араванг.

Бўлса шул яхши дебки мақтағанинг,
Бормуди мунданам батар араванг.

Сотар ўлсанг ўзум баҳо қўйсам:
Бир мири оту бир бақар араванг.

Йўлда чарчаб, пиёда ҳоришлар
Роҳат албатта билназар араванг,

Манзилига Муқимий етгунча,
Еди лекин-да, мочахар араванг.

АРОБА

Бозор чиқмай энди, зинхор, ароба қурсин,
То келганингча айлар безор, ароба қурсин.

Ногоҳ кайфи учкай келса агар тарақлаб,
Ичган гиёхи бўлса кўкнор, ароба қурсин.

Кенг кўчаларни қилғай ўлгунча бесаранжом,
Қилмай ўшал ҳунар деб нажжор, ароба қурсин.

Юкланган эрса ғалла, юрсин омонки маъзур,
Эски сўлоги чиққан, бекор ароба қурсин.

Қишлоқ бетамизи бир игна олса қўшиб,
Таңг растасига киргай аттор, ароба қурсин.

Бўлса киройи тушсанг пуржиналиқ қаласка,
Гарчандким, қилурлар гулдор ароба қурсин.

Луччак аробакашлар кўкка боқиб гўдайган,
Босқай юролмагандা ҳушёр, ароба қурсин.

Айлантириб бошингни, дил беҳузур доим,
Миндим нетай сафарда, ичкор, ароба қурсин.

Чиқсанг, Муқимний, бозор, айларга дафъи савдо
Қилғай жаҳонни кўзга кўп тор, ароба қурсин.

ЛОИ

Күчага чиқмоққа лекин саҳт ҳайрон қилди лой,
Қор ениб, қайтиб баҳор эрди — зимистон қилди лой.

Барфу борон устиға тинмай ёғиб бўлғонига
Ўзи ҳам чоғимда ўлгунча пушаймон қилди лой,

Бўлмаган қишиларда ёмғур, қор ўлуб фасли баҳор,
Бош кўтарган сабзани хок ичра пинҳон қилди лой.

Порсою зоҳиду обид риоят айламай,
Тойдуруб, ё сачралуб олуда домон қилди лой.

Бу фақири бой демай, ногоҳ аёғига чолуб,
Ерга ургайким ани, ёрабки, полвон қилди лой.

Очилиб бодому савсан, гуллаганда ушбу йил,
Жойи тобистон магарким, тангри фармон қилди лой.

Кўчага чиққоч Муқимий калласин ўгуртуруб,
Яхши қилди, нафси кофирии мусулмон қилди лой.

ХАЙРОН ҚИЛДИ ЛОЙ

Эл ҳалокиға бу қаш чун Нұхи туфон қилди лой,
Мадраса масжидни айлаб ғарқу пинқон қилди лой.

То нүзүл этса малонк субқ ҳақ амри билан,
Осмондин ер уза тушмакка ҳайрон қилди лой.

Бўлмағай бечора, бойни фарқ айлаб имтиёз.
Хоҳиким туфорию озода яксон қилди лой.

Қор ёмғир устиға тинмай паёпай ёғилуб,
Бўлғониға ўзи ҳам, чоғим, пушаймон қилди лой.

Қиши бўлур эрди совуқ, яхбандлиғ, парвардигор,
Кудрати бирлан магар жойи зимиштон қилди лой.

Зоҳиду обид агарчанди риоят айламай,
Тойдуруб ё сасралуб олуда домон қилди лой.

Қўчага чиққоч, Муқимий, келмасин ўгуртуруб,
Хўб бўлди, нафси саркашни мусулмон қилди лой.⁵

ДАР МАЗАММАТИ ИСКАБ ТОПАР

Турға махлуқи вужудидур заңар исқаб топар,
Бир милиц ухлатмадилар то саңар исқаб топар.

Ҳам ёмонликка ҳаво иссиғ, булутлиғ кечалар,
Димлиғи етмасмукин қайнаб чақар исқаб топар.

Найзасини захмидин ҳаргиз омон топмас киши,
Құлларыда найза — қонингни ичар исқаб топар.

Дамларинг қайтиб үларсан ёпиниб, олсанг ўзинг,
Йұқымукин дағынға тадбири дигар, исқаб топар.

Хұрмат этмай халқын түғри келиб чаққай сабил,
Демагайлар: «Қозилар, мингбошилар», исқаб топар.

Беркитиб эшик-тешикни шарридин истаб паноҳ,
Беркиниб ётсангки, лекин баччагар исқаб топар.

Ҳикматин билмас Мұқимий банда сунъи ҳақ билан,
Бўлмаса йўқ ҳеч саҳрою шаҳар исқаб топар.

ШИКОЯТИ БЕЗГАК

Илоҳиким, юзи бўлгай қозондии ҳам қаро безгак,
Тутиб, рангимини қилди, оздуруб, чун қаҳрабо безгак,

Қарилар суннатини гар йигитликда ҳавас қилсанг,
Берур илкингга бир йўл ушласа, яхши асо безгак.

Эл озорини кўзлар бўйла шиддатда тутиб қаттиқ,
Магар андеша қилмас мункири рўзи жазо безгак.

Зи сартопо набуд аз дарду аидуҳу гамат холи,
Мусаллат шуд, худоё тавба кардам, аз кужо безгак.⁶

Табу тобидин ўртаб жисм куйди сабру тоқат ҳам,
Бу қайдоқ дард, ёраб: ман турай Кўёнда ё безгак.

Багорат бурда қувватҳо, хурушон мерасад имрўз,
Намедонамки, боз акнун чи ҳақ дорад бамо безгак?⁷

Йўғон бир одами семизин тутсинким, бир оз озсун,
Тутар ман нотавонин, тутмаса ҳам гўнё безгак.

Илоҳи бандамен ожиз, Муқимий, лутф қил, қолсун,
Баҳаққи сувраи қуръону оёти шифо, безгак.

БЕҲАД ҖМОН БЕЗГАК

Қасалларни ичида, дўстлар, беҳад Җмон безгак,
Җмон ҳам бўлмагай деб, бир балойи ногаҳон безгак.

Қамоли шиддатидин дардини бошдин олиб ҳушинг,
Қилур рангингни туткач бир минутда зарьфарон, безгак.

Мураббиси ўзингдин ўзга йўқ, ёраб, бу бандангни,
Ўзинг дардиға дармон қил, бўлубон меҳрибон, безгак.

Худоё бу начук махлуқ эдиким, раг билан пайдин,
Тутар пинҳони, раҳм этмай, магар номусулмон безгак.

Демаским: «тутмайин қавму қариндошини кўрмоққа,
Келибдур мунда Масковдин неча кун меҳмон», безгак.⁸

Бу янглиғ бандаларга берса озор интиқомиға,
Қурубон биху бунёди не тонг бўлса хазон безгак.

Илоҳо, сақла шарридин Муқимийга жияндур бу,
Баҳаққи чор ёру ҳурмати пайғамбарон, безгак.

ФОНУС

(Завқиігә жағоб)

Гап берилур борурда хуркоку сур фонус,
Сиғмайды ҳеч әшикдіш ұам чун танур фонус.

Бир дош қозонда қайнат илгары шам ёқмай,
Бўлсун мулоим андак, азбаски гўр фонус.

Инъом бўлди сизга гарчанд Тошкентдин,
Бергаймудик деганда Шайхантаҳур фонус.

Қўйса балога кишинаб сқшом сабаб бўлурким,
Фонуларга мунда бўлган ғаюр фонус.

Сизниқида нетонгким, бўлса пишиқу чаққон,
Бизларда мунда эрди кўп ландаҳур фонус.

Илтиқларин ямаб сиз яхши килиб ёқинг шам,
Маъюс кетди мундин бо сад қусур фонус.

Бор эрди табъларда бермак сени бирорвга,
Жойингни энди топдинг қилғил шукур фонус.

Хотирда йўқ әдиким, кўздин Муқимий кетсанг
Завқий сени тилабдур бермак зарур фонус.

ШАМОЛ

Қилди оламни күзимга танг шамол,
Юзга ургач, гарду хоку чанг шамол.

Қилди аҳволим паришон айлаюб,
Хотирим ойинасига занг, шамол.

Қўзғолиб турди саҳар маҳшарму деб,
Айлади бир соат ҳангу майг шамол.

Чектируб, ҳар дам отиб, тўп гулдураб,
Душманеким, ёраб айлар жанг шамол.

Кар қилиб бошдин учиргай саллани,
Хўб қилур, лекин, гаранг калланг шамол.

Гангратиб тортар этакдин ҳар тараф,
Қилғай одамни чўлоқу ланг шамол.

Ип билан тортиб ияқдин қўймасанг,
Қочкай олиб дўппию салланг, шамол

Очибон боғларни ҳам айлар хазон,
Оллоҳ, оллоҳ бу начук найранг шамол.

Файри сониъ ҳикматин билмас, Муқим,
Бандасан дафъига урма чанг, шамол.

БҮҚОҚ

Ушбу Хўқанд ичра бордур марди бир нодон бўқоқ,
Бир эшакка юклаган хуржун киби тўлгон бўқоқ.

Ефурушининг човасидек осилибдур бўйнида,
Есиғо (?—!) майдонида доим эрур жавлон бўқоқ.

Сўзлаганда гунбазе гўё садои бергуси,
Е кулол дўкони билмам бўйнида хумдон бўқоқ.

Е... аклати бирлан қилиб шудгорлик,
Тарбуз эккан ҳар бири бир кўзадек дехқон бўқоқ.

Ҳар нафас олганда отлар ҳуркиб, эшшаклар қочиб,
Ул йўқолганларга бергай доимо товоң бўқоқ.

Пул йўқотган кўкнорилардек эгилган қомати,
Кўтаралмай юклаган тўрва киби сомон бўқоқ.

Кўзлариға қон тўлиб, шоҳсоққадек ўйнаб чиқиб,
Гарданиға зўр келиб, томирлари арқон бўқоқ.

Соябондек кўтариб, ҳар кўчада савлат қилиб,
Ошнолар бошларига сояи айвон бўқоқ.

Расволиғ шарти шулдур, бу бўқоқ фармонида,
Бўлди ғам дехқони хирманни қилиб бордон бўқоқ.

Шодлик йўқтур кечакундуз иши мотам билан,
Қолди ғам остида бўлиб бошиға зиндан бўқоқ.

Жон берарни шиддати бир кун ани бошидадур,
Бу жаҳонда юрганидин яхшидур ўлгон бўқоқ.

Бир балойи ногаҳонким, осилибдур бўйнида,
Улса ҳам бошида ўлтургай бўлуб гирён бўқоқ.

Хўқанд ўзи кўп тамошо, яхшидур одамлари,
Бир неча (ўзи бузуқнинг) бўйнида йўғон бўқоқ.

КАЛ ҚИЗИҚ

Чун Ҳалокунинг ити, ҳар ерда сарсон кал қизиқ,
Бир шаҳарга йўқ бориб, бир ҳафта турғон кал қизиқ,
Қавми қардошин хаёли шулки ўлғон кал қизиқ,
Неча кун бўлдики, пайдо бўлди шайтои кал қизиқ,
Еғилур бошиға лаънат мисли борон кал қизиқ.

Солсанг агар нўхтани бошиға тўнғуз кал узар,
Тўхтамай келгай қочиб, тўғри самовору гузар,
Учраса одам йўл устида ҳўқиз янглиғ сузар,
Ногаҳон пул топса иштоибоғига туфлаб тугар,
Умрида кўрган эмас бир эски ҳамён кал қизиқ.

Заррае шарму ҳаёй ўқ оғзида доим (чатоқ)
Шум қадам, модар зино, оқ падар, хотин талоқ,
Суратидур оқ кўпак, оғзи мисоли ит ялоқ,
Кўймайинму ёр бирла доим ўлса ҳамтабоқ,
Бир каф асло кўрмаган умрида талқон кал қизиқ.

(Баъзи бирлар) бу маҳаллар калнидур жононаси.
Шамъи рухсорини кал тонг откунча парвонаси.
(Ўйлаким, ул ернидур) кал отаси, кал онаси,
Тобланур оқу, қарою тоғ сариф пешонаси,
Гоҳ фистоқи бўлур, гоҳе нафармон кал қизиқ.

Бу ишимдин оқ сақолнимла, демас, ор айлайин,
Ўэни фафлат уйқусидин эмди ҳушёр айлайин,
Хислати зиштини токай тилда такрор айлайин,
Ман они қайси хунук феълини изхор айлайин,
То оёғдин-бошгача фасли зимиштон кал қизиқ.

Б У Р У Н

Бир бурун күрдим бурунлардин бурун,
Шипга етгай ўзи турмасдин бурун.

Еш болалардек юургай беадаб,
Ош ичадур қошиқ олмасдин бурун.

Сувга кирди ғусли пок айлай дебон,
Лойга чўкли боши ботмасдин бурун.

Ногиҳон йўлда йўлуқти бир куни,
Бошима тегди кўришмасдин бурун.

Шошдин Фарғона сори аэм этиб,
Ул кўринур довон ошмасдин бурун.

Ховлига боргандা дўстин кўрмоқа,
Ўйга кирди ҳалқа қоқмасдин бурун.

Номин айтиб чорласанг бехосдин,
Ерга йиқди юзи боқмасдин бурун.

Борса олдига ўчоқ ош қилмоқа,
Кул ծлодур ўт ёқмасдин бурун.

ҚИЙФИРЧИЛАР

Уч кун овлаб бир тирик бермас манго қийғирчилар,
Ҳар куни беш-үн олиб, қилмай хато қийғирчилар.

Бойдада, бойваччага ғойиб бериб яхши тулак,
Қилдилар бизларга қолғонда адо қийғирчилар.

Икки қийғир бирла овлаб, әртадин оқшомғача,
Ҳеч ҳосил этмадилар муддао қийғирчилар.

Бирларидур додхоҳ ўғли ҳукумат дастгоҳ,
Бири Ғойиб сартарош ул по-бапо қийғирчилар.

Кечқурун олиб келиб беш-олти мокиён ўлук,
Үрдилар жўжа тулакни лиффаго қийғирчилар.

Додхоҳ ўғли жувонмарду муруват ошкор,
Ангадур ҳар ерда худдом ошно қийғирчилар.

Сайри сангистон, Муқимий, Нодим ила айлагач,⁹
Ўзларидин қилди бизни норизо қийғирчилар.¹⁰

ПАШШАЛАР

Айтайн бир қиссаеким, дод қўймас пашшалар,
Кимга бориб дод этай, бедод қўймас пашшалар.

Мубтало бўлғил илоҳо тор-танакнинг торига,
Учраса анга яна ҳаргиз қутулмас пашшалар.

Ушлабон думлорига чўплар суқуб, қилсан азоб,
Хужра ичра қувладим ҳаргиз кетмас пашшалар.

Ҳар таом кўрса ўзин якбора ургай шул замон,
Доимо қилса хўрак ҳам оч, тўймас пашшалар.

Ман қуварман, ул қочар, эмди ҳоритди найлайнин,
Судъясиға арз этарман, «Дод қўймас пашшалар!»

Кеча бўлса оқи қўймас, бўлса кундуз қөраси,
Ухлайнин десам ётиб ором бермас пашшалар.

Тўпланиб юргай бошимда, бир-бирини қувлашиб,
Доимо ғавғо қилур, жанжоли битмас пашшалар.

III Саёҳатнома





ҚҰҚОНДАН ШОХИМАРДОНГА

Фарёдким, гардунн дун,
Айлар юрак-бағримни хун,
Күрдики, бир аҳли фунун —
Чарх анга кажрафтөр экан.

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим одатим,
Хоҳи яев, бўлсун отим,
Гаҳ сайд ҳам даркор экан.

«Үлтарма»га қилдим юруш,
Йўлдош эди бир читфуруш,
Етдим жадаллаб вақти туш,
Бирдам қизиқ бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун,
Жамъи ёпинган бошга тўи,
Боқсамки, беш юзча хотун,
Вонз сўзиң тинглор экан.

Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедониши,
Бир «Қўштегирмонлик» киши,
Хўжа Исо бадкор экан.

Мағур, ҳасису бешу кам,
Ҳар гапда юз ичгай қасам,
Такжой олур моховданам
Ҳожи ўзи мурдор экан.

«Дўрманчача»га кетдим ўтуб,
Ёқамни ҳар соат тутуб,

Етдим ул оқшом ғам ютуб,
Дашти қароқчизор экан.

Үнда бүлүс Фози деди,
Хам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилғон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,
Бадкайф очилмас кўзи,
Юқори бошидин тизи,
Эрмаклари кўкиор экан.

Сўрсам дедилар «Бўрбалиқ»
Бирмунча эчкилар ариқ,
Келса киши еяр тариқ,
Шому саҳар тайёр экан.

«Оқ ер»дин ўтдим, бойлари —
Олий иморат жойлари,
Меҳмонсиз ўткай ойлари,
Келса бирор ишор экан.

Аммо назарда «Рошидон»
Фирдавс богидин нишон,
Ўйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулзуор экан.

Маъюс бордим «Зоҳидон»,
Бир кўча кетгунча дўкон,
Шўх одами, ичмай пиён,
Маст, отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,
Бўрланган ўчоқ-мўрилар,

Табъинг мабодо чой тилар,
Дамлашлари ишқор экан.

«Олтиариқ» құрсын үшал,
Селларда қолдим бир маҳал,
Бұлдим ивиб ёмғурда шал,
Түн шилта, ҳұл әзор экан.

Мингбошиси сүфинамо,
Тасбиҳу бүйнида ридо,
Чүқуб қочар зори ало,
Бир дөгули айер экан.

Хайру сахо важқига кар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Келса гадой ногаҳ агар,
Бир нон чиқиш душвор экан.

Күрдим чуқур «Чимән» эрур,
Ер остида зиндон эрур,
Душманлари меҳмон эрур,
Боги унніг тутзор экан.

«Водил» мақоми дилфизо,
Құчаларидур дилкушо,
Анқорида оби сафо,
Себарга, обишор экан.

ҚҰҚОНДАН ФАРФОНАГА

Чун шаҳридін чиқдим «Кудаш»,
Күнгүл бўлиб маҳзуну ғаш,
Мажнунсифат, девонаваш,
Серчашмаю кам чанг экан.

«Яйфан» агарчи хуш ҳаво,
Одамлари енгилнамо,
Бир-бирларила доимо,
Бўлар-бўлмасга жанг экан.

«Нурсух» каби бир жой кам,
Тушмай ўтиб қилди алам,
Олма, анор ўрнига ҳам
Боғида току занг экан.

Кўп одамидин «Бешариқ»,
Боғларда әкмишлар тариқ.
Етим ҳақи — гўшти балиқ.
Қилмишлари найранг экан.

Чарчашни билмас юрсалар,
Пурзўр кетмон урсалар.
Вақти намозга келсалар,
Масжид сорига ланг экан.

«Рафқон» ажойиб жой экан,
Бир кўча кетган сой экан,
Салқин супа ҳой-ҳой экан,
Ким кўрса ҳангу манг экан.

Озодадин тўпори кўп,
Дукчисидин аттори кўп.

Чойхүридин күкпирі күп,
Бир раста носу банг экан.

Айвончалар мисли катак,
Бир йўлки, одам сиққудак,
Чит бирла бир ерда алак,
Бозори тору танг экан.

Хуфтонда кирдим бир дўкон,
Қилди ашула бир жувон,
Эшак деманг, ундин ёмон,
Ҳанграрда яхши ҳанг экан.

Қийғир кўтарган уч йигит,
Ухлатмадилар бир минит,
Ҳам бошда тонг отқунча ит,
Фингшиб чиқиб, ванг-ванг экан.

Айлаб саёҳат энди бас,
«Конибодом» қилмай ҳавас,
Ҳар ерда ётган хору хас,
Кўзга тикан якранг экан.

ҚҰҚОНДАН ИСФАРАГА

Афлок кажрафтор учун,
Хардам күнгүл афгор учун,
Хұқанд тангу тор учун,
Саҳро чиқиш даркор экан.

Бордим шаҳардин «Яккатут»,
Баққоли дүзді бадбурут,
Бир танга соткай бир қурут,
Инсофи йўқ, таррор экан.

Қишлоқ жувони йиғилишиб,
Иссифда ўйнашгай пишиб,
Үтган тамошобин тушиб,
Сешанба кун бозор экан...

Мингбоши Эшдавлат акам,
Аммо қуруқ савлат акам,
Қылса чиқим гар бир дирам,
Үйқу қочиб, бедор экан.

«Яйған» каби толзор кам,
Йўқ соясида заррағам,
Зебо санам, қоши қалам,
(Жонон)лари бисъёр экан.

Дўмалари ҳам хўб бажо,
Волоснойи уҳда буро,
Юрт ишларини доимо,
Хайриятин кўзлор экан.

«Нурсух» каби ҳам юрт йўқ,
Боғдору деҳқон қорни тўқ,
Масжидлари ҳам кўп улуқ,
Турфа фараҳ осор экан.

«Рафқон»ни бозор жойи танг,
Муллолари чаққон, гаранг,
Омилари ҳам мулла ранг
Күйлак кийиб, дастор экан.

Гар меваси бир туп сотар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Берса гадога нон агар,
Минг йилда ҳам душвор экан.

Аммо «Работни» баччағар,
Йўқ ҳеч одамдан асар,
Бир подажойи.govу хар,
Чун огули тайёр экан.

Ду бора юрдим даштлаб,
Бодом конига қараб;
Мирза Умарни сўрағлаб,
Ҳавлисида нажжор экан.

Бўлғай ўшал Бурҳон омон,
Яхши йигитдур бегумон,
Хурсанд қилди ногаҳон,
Мингбоши Хол саркор экан.

Армонки кўпрак юрмадим,
Бир-икки ҳафта турмадим,
«Тикка Работ»ни кўрмадим,
Пур файз бузруквор экан.

Маъюс чиқдим «Исфара»,
Дил хаста, мажруҳу яра,
Иссиққа куйган қоп-қора,
Олти жиҳат кўҳсор экан.

Анҳору сою чүллари,
Үйнаб келодур сувлари,
Ширишки зардолулари,
Қанду асал бекор экан,

Шерсиз эмасдур бешалар,
Бордур саховат пешалар,
Килманг ёмон андешалар,
Яхшилари ҳам бор экан.

Қози жувонмарди накӯ,
Бориб-келибон чоражӯ,
Ногаҳ бўлиб дарди гулӯ,
Санчиқ тутиб бемор экан.

Ҳожи Зуҳур ҳам Ўрдада,
Сарҳавзлар, олий сада,
Борса агар бир ғамзада,
Жонигача эсор экан.

Бойваччасидур бадбуруш,
Тўғри сўзи аччиғ-туруш,
Сил, эски бачча, чойфуруш,
Хофиз Умар, Қаҳҳор экан.

Бўлма ҳаловатга касал,
Оlamда йўқ бениш асал,
Бешак мукофоти амал,
Дунё қурулғон дор экан.

Алҳамдулилло бехатар,
Келдим Муқим айлаб сафар,
Музтар қолиб, кўрмай зарар,
Ҳақ бандасига ёр экан.

ИСФАРА САӘХАТИДАН

(Яңги топылған парча)

Шаҳр ичра тоқат тоқ үлуб,
Дубора йўллар қоқ үлуб,
Кўз Исфара муштоқ үлуб,
Аввал чиқиш «Яйфон» экан.

Кун тобишида бу сафар,
Йўллар сақардан ҳам батар,
Тоғ ичра раҳзан баччағар,
Кўп элни қақшаткон экан.

Кетгунча йўллар хорлар,
Йўл захмидан озорлар,
Кўкка етар кўҳсорлар,
Ҳайҳот, хористон экан.

Қир пастида шўртанг ариғ,
Бир тўп йигит ўргай тариф,
Тўнсиз, ялонғоч, ҳай дариг,
Бечора, оч деҳқон экан!

Кам ғайри Қаҳҳору Умар,
Фарғонада ҳофиз дигар,
Билмас эканман бехабар,
Навмидлар хушхон экан.

Уткан китобдори замон,
Хаттига ҳайрон инсу жон,
Чун даҳмаси гўё жинон,
Үқишлиари қуръон экан.

«Чоркӯ»га ҳам келдим етиб,
Отдин йиқилдим шилл этиб,
Беҳуш ўзиmdин мен кетиб,
Ман саҳт бедармон экан.

«Чоркӯ» ғўзорин тор бил,
Атрофини кўҳсор бил,
Панжшанба кун бозор бил,
Бир-икки-уч дўкон экан.

Бой мардикори маччоийи,
Чунтоғ сомонлик лоийи,
Бечорага нону чойи,
Тўн ўрнида ўткон экан.

Аммо амин Абдурасул,
Ким борса хизматкор ул.
Яхши йигит, очиқ кўнгул,
Юрт устида турғон экан.

IV. Мактубом



А С С А Л О М

Эй сипеҳрида саёdat моҳи тобон, ассалом,¹
Баҳрда олий насаблиғ дурри ғалтон, ассалом.²

Борчаки кўрдим, машойихзодаларни, кўрмадим —
Сиздек исмат пардасида покдомон, ассалом.

Бу дуо шому саҳар: гар боқсалар сой тошлари,
Дафъатан бўлғай илоҳо лаълу маржон, ассалом.

Орзулар буржидин айлаб тулуъ иқболингиз,
Айласун ҳақ давлатингизни фаровон, ассалом.

Юргану тургонда доим ёрингиз Илес ўлуб,
Сув десангиз Хизр тутсин оби ҳайвон, ассалом,

Айрилибман Сиз карам пеша, сахо андешадин,
Тангдур, дунё қоронғу мисли зиндон, ассалом.

Едингиз тушкан маҳал кўнгулға, эй олий табор,
Утмағи мушкил томоғдин луқмаи нон, ассалом,

Лутфингиз мингин бириға қайтаролмай яхшилик,
Бениҳоят ҳасратим кўп, дилда армон, ассалом.³

Воқиотеким ўтубдур, мужмалан тақрир этай,
Холим ўлсун сизга маълум, эрди пинҳон, ассалом.

Тошкандга келганимдан то бу муддатларғача,
Кўзга уйқу кечалар келмайди чандон, ассалом.

Хотирим ношод, таъбим лаш, ғаш доим дилим,
Иштаҳо кам, қувватим йўқ, зарра дармон, ассалом.

Боиси таъхир хат бўлди бу лаҳзаликларим,
Йўқса келган кун қилурдим, топсам имкон, ассалом.

Мулла Йўлдош охун ила мунда келгандин бери,
Ул киши гар соғ эса, ман дарди дандон, ассалом.

Гар топиб фурсат қўшумдин, гаплашай, деб бораман,
Лоҳаз улкун анда йўқ имога фармон, ассалом.

Уз иши бирлан агарчи сўрмагай оворадур,
Ҳар начук бўлса амон бўлсун қадрдон, ассалом⁴.

Беадад изҳори ихлосу ақидатлар билик,
Ул кишидин ҳам дуо сизга ҳазорон ассалом.

Чарх этиб саргашта бу жонибга келдик ноилож,
Бизга қолса айрилиш йўқ эрди бир он ассалом.

Абдуфаттоҳни топиб келганда бердим хатларин,
Ишлари битмай чала, бормакка ҳайрон, ассалом.

Кечаю кундуз жадаллаб ишларимни биткуруб,
Қилмасам бўлмас,— деди-чун мурғи тайрон, ассалом.

Арзу ихлосе мусоҳибларга денг бизлар учун,
Қолмасун Шайхи Далойил то Эшонхон, ассалом⁵.

Пайтини топиб Миён ҳожи тўрамга ара этинг,
Биздан ўткан кечсалар, шоядки, нуқсон, ассалом⁶.

Лоюад биэдин дуо келганларида еткуринг,
Насриддин хўжа мабодо ё Калонхон, ассалом.

Учраса бир тўда тожик бирла гар Мулла Зиё,
Гў, ки дорад ҳар дуйн ў бар шумоён, ассалом⁷.

Эртаю кеч тинғишиб солдук қулоқ Хўқандга,
Қилса шояд бизга ҳам деб бир мусулмон, ассалом:

Айладим чин эътиқод бирла салом, эй дўстлар,
Лоақал сизлар қилинглар бизга ёлғон, ассалом⁸.

Шукрилилло ақраболарни топиб бу ердаман,
Бир неча кун ризқимиз борича меҳмон, ассалом.

Тошкандда, чойфурушлик растасида хешимиз,
Отларини сўрсангиз Хўжа Сулаймон, ассалом⁹.

Растай мазкурни ёни гурунч каффонидур,
Рўбарўсида Ҳакимдур катта дўкон, ассалом.

Ул кишига тегса деб хат қилсалар манга етар,
Аҳли раста ҳаммага маълум намоён, ассалом.

Руқъайи манзума қилдим минг хижолатлар билан,
Хушку холи меравад савғо зи домон, ассалом.¹⁰

Охирида хатлари тегди муҳаррам ойида
Дардманд эрдим етушти гўйи Луқмон, ассалом.

Ҳар ҳуруфидин кўнгуллар кўзгуси топиб сафо,
Кулбай иҳзонларим бўлди чароғон, ассалом.

Фикр этарда бўлди мазмунин мұяссар гўйиё,
Булбули шўридага сайри гулистон, ассалом.

Маънисидин сар-басар рў берди хотиржамлик.
Бўлмаса диллар эди беҳад парешон, ассалом.

Охири Мирза Камолу, Эрназар Бегимга ҳам,
Айлади ушбу Муқимий куйи ҳижрон, ассалом.

МИННАТДОРМАН

(Жавоби саломи Мұқимий ва Фурқатий)

Не қиласай сизларга йүқ бўлса гулзор ман,
Муддао топишмоғу ман толиби дийдорман.¹¹

Ҳар нафас сомиъ бўлинглар токи, эй аҳбоблар,
Айлайн кайфияти аҳволни изҳор ман.

Тарки пайғом ўлганига, эй буродарлар сабаб,
Мунда бўлдим муддати уч-тўрт ой бемор ман.

Дўст бўлдим ҳар кишиға, кўрдим андин минг жафо,
Топмадим, дунёни кездим, мунису ғамхор ман.

Рўзгоримдур парешон, зоҳиру ботин хароб,
Чарх давридин жигар хун, сийнаси ағфор ман.

Умр ўтар, тавфиқ берсун ҳақ, дуо қил дўстлар,
Бениҳоят маъсият, гумроҳу бадкирдор ман.

Ҳар саҳар ғам еб тутарман бу маҳаллар рўзани,
Шом бўлса айларам меҳнат билан ифтор ман.

Топди дил ойинаси сайқал ғуборидин хатинг,
Йўқса сар то по эдим андуҳ ила зангор ман.

Ўмрлар хат қилмас эрдим, келмасайди хатларинг,
Келди сиздин руқъа сўнгра айладим начор ман.

Хайрият Махдум мулойим эмди бўлмишлар, қадим,
Кўнглини қаттиғлиғидин дер эдим, кўҳсор ман.

Бўлса хилват жой Махдумжону сизлар бўлсангиз,
Қилса ҳасрат ул киши ҳам, ҳам десам асрор ман.

Ҳалқаи зулфин хаёли кўнглума ногаҳ тушар,
Белларида куфр элин кўрсам агар зуннор ман...

Руқъяи Абдулазизхонда юрарсан неча йил,
Дептилар тегмайдилар борган билан бекор ман.

Кимга дод айлай бориб шум толиимни дастидан,
Кўза синдурган азизу, сув кетурган хор ман...

Ғамзудо хонишларин ўпкам тўлуб ёд айларам,
Гар эшитсан ўлтуруб бир базмда сетор ман.

Узларин, закки олиб, хат қилмадилар лоақал,
Эмди Завқий юрмасун деб халқаро ҳушёр ман.

Неча кўз туттим демас кўнгул учунким: «Бормусиз»,
Ҳеч нимарса бўлмасам ҳам кўп қадрдон бор ман.

Қилмади хат деб, қилай хатлар дедим койиб, сўкиб,
Боз туштум ўқибон жаҳлимдин истиғфор ман.

Мулла Саъдулло билан Абдулкарим мирзони ҳам,
Ҳақлариға қўл очиб қилдим дуо бисёр ман.

Эй муҳиблар юрган эркантур фароғатда деманг,
Софиниб сизларни тун-кун уйқу йўқ бедор ман.

Ҳасби-ҳол айлаб қилибдур хат, сўраб ҳолин, Муқим,
То қиёмат Фурқатийдин эмди миннатдор ман.

ЖАВОБИ РУКЪАНИ НОДИМ НАМАНГОНИЙ

Ассалом, эй тўраи олийжаноб,
Матлаи дебочаи ҳар фаслу боб...¹²

Рўзани тўртида хат тегди келиб,
Бизга, эй зоти камолот иктисоб.

Фаҳм этиб соғу саломатликларин,
Етти дилларга фараҳлик беҳисоб.

Хат ўқилди завқ бирлан сар-басар,
Бир иборат чиқди мазмуни итоб.

Дептиларким, ваъдаға бўлди хилоф,
Буйла бўлмас эрди бўлса мустажоб.

Қайси кунким ул тарафга кеттилар,
Рўза қистаб келдилар айлаб шитоб.

Иўқ куюшдин бошқа гап, дўзах киби,
Тошканлар тобишидин офтоб.

«Рўза келгунча шул иссиғ кунда халқ,
Келса, дерлар, розимиз оби азоб».

Тиллари чиққон, халойиқ ташна лаб,
Жумлаи мўмин юрак-бағри кабоб.

Рўза тутган бандалар деб алъаташ,
Ичмагай ифторда ғайр аз яхоб.

Баъзилар иссиғда бетоқат бўлуб,
Рўзадин андек қилишти интихоб.

Ассалом ўрниға мардум күрушиб,
Бир-бirisиға дегайлар: оху об.

Хушлари келмас берурға күз юмуғ,
Гар ато қилса савол ўғыл жавоб...

Халқ ақлидин адашгону гаранг,
Бошларидан ҳүш йүқ, маҳзи ҳисоб.

Икки йил иссиг ҳавода келсалар,
Құрқаман күп шаҳр бүлғай, деб, хароб.

Рұзаман, диққатчилик, кам ҳавсалам,
Қолмади құлға қалам олмоққа тоб.

Ұқуса ногаң қулоғимга құнуб,
Бу маҳалда ёқмағай булбул-хуноб.

Бу сабабдин вәйдамиә әлғон бүлуб,
Ҳам чунон сиймоб мо дар изтироб.

Қолған әрқонмиз ёмон ўргонишиб,
Сиздин ажраб биңда камдур хүрду-хоб.

Етса гар ўз құллариға бу хатим,
Қолмасун, албатта, тақсир, бежавоб.

Баъди рұза айласам азми Хўқанд,
Ниятим воллоҳу аълам биссанов.

НУКТАДОНЛАР, АССАЛОМ

(Тошкентта назм билан хат)

Ассалом, эй ошнойи қадрдонлар, ассалом,
Қадрдонлар яъни оқил нуктадонлар, ассалом.

Ҳар қаю мулкега етса мақдамингиз юмнидин,
Ераб этсун тарҳ бояғ бўстонлар, ассалом.

Химмати олиларингиз оқибат раҳбар бўлуб,
Рўзи қилғай шукр файзи жовидонлар, ассалом.

Қўл узатсангиз агар не ишга ғайраз манфаат,
Заррае кўрманг илоҳоким зиёнлар, ассалом.

Таъбингиз ойинаси зангори ғамдин пок ўлуб,
Доимо хуррам бўлинг, кўп йил омонлар, ассалом.

Не шарафлиғ соат эрканким келиб Хўқандға,
Бўлдингиз бир неча кунлар меҳмонлар, ассалом.

Бир Макайликхон билан юзлаштуралмай, оҳким,
Бўлди ҳасратлиғ кўнгул устиға қонлар, ассалом.

Ҳафта ўтмай келдилар қишлоқларидин учрашиб,
Арзингизни мў-бамў қилдим баёнлар, ассалом.

Кўп юриб қолганларига беҳад армонлар қилиб,
«Бормасам бўлмас,— дедилар,— Тошкентлар»,
ассалом.¹³

Телбадин маъзур тутсангиз карамдин не ажаб,
Бўлди хаттим тарқ бир неча замонлар, ассалом.

Мултамас шулким саломингизни тарк этмай туринг,
Ман ҳам эмди узмайин то танда жонлар, ассалом.

Ёдингиздин чиқмасам дерман бу нисбат бирлаким,
Яхши-яхши мунда то биздек ёмонлар, ассалом.

Орзуйи суҳбатингиз фикру ёдим субҳу шом,
Софинурман ошкорою ниҳонлар, ассалом.

Ҳамдилиллоким қўлум ҳам топди сиҳнат андаке,
Ҳоли не кечти дебон қилманг гумонлар, ассалом.¹⁴

Кафшу маҳси тўғрилар қилган калушга ваъдангиз,
Айлади то хайрингиз мундоғ ҳаёнлар, ассалом.

Катта ваё кичкина бўлмай хўжам бўлсун васат,
Бир кияй ман ҳам киёдур мусулмонлар, ассалом.

Еру аҳбобим дуоси-ла, Муқимий, зиндаман,
Гоҳи сиздин ҳам манга келсун нишонлар, ассалом.

САЛОМ, ЭЙ МЕХРИБОНЛАР

(Жавобномаи Муқимий ба Фурқат¹⁵)

Салом, эй ошнойи жонажонлар,
Ақидат пеша, мушфиқ меҳрибонлар.

Аёзи вақту Афлотуни даврон,
Фариуддаҳр, Аристуйи замонлар.

Қаманди фитрат ила сайди маъни,
Қилурга чусту ҷэбук нуктадонлар.

Үқиб мактубингиз маҳзун кўнгулга
Фараҳлиқ етти, бўлдим шодмонлар.

Бу дур афтодани йўқлаб сўрабсиз.
Бўлинг, ёрабки, кўп йиллар амонлар.

Худо хайрини берсун яхшиларни,
Бор эркан эсларида биз ёмонлар.

Хатингизда газетхона ишиға
Бўлубсиз, қутлуғ ўлсун, таржимонлар.

Шерик Шайхантаҳурда беш киши-ла,
Муборак дарс ўқиш ушбу овонлар.

Ёнур равшан, агар ҳар кимни шамъи,
Хушам парвонадек зоҳир ниҳонлар.

Агар сўрсангиз аҳволимни шул кун,
Қўл оғриқ устиға дарди миёнлар.

Бу ранжим шиддатидин тар десам, йүк
Күзимда уйқу то вақти азонлар.

Дариғо сиғлалар Хұқандда дойим,
Мусулмонсиз, ғизо ҳар лаҳза қонлар.

Фалак тиірі жафо ҳар кимга отса,
Мени айлар, «Үшал, шул!» деб нишонлар.

Саломингизни ким дүйстларға дедим,
«Дуо мандин ҳам айтингиз» дегонлар.

Муқимий ҳасратим күйдурса қоғаз,
Начук таҳрир этиб айлай баёнлар.

САЛОМ, ЭЙ ЕРУ ОШНОЛАР!

(Мактуби манзумас Фурқат ба Мұқимий)

Салом, эй менга ёру ошнолар,
Қадрдонлар, замири пурзиёлар.

Мұқимий, Ҳожи Мұхиддин, Завқий,
Мұҳаййир — барча заккюу расолар.

Фасоҳат гулшанида мисли булбул,
Навосанжу зиҳи нағмасаролар.

Биҳамдиллоҳки, мандин сұрсанғиз ҳол,
Юрудурмен қилиб занқу сафолар.

Саломаттур таним, хурсанд вақтим,
Худованд айлади беҳад атолар.

Фалакнинг давридин комим раводур,
Агарчи эл күрар андин жафолар...

Ризоман Тошканд одамларидин,
Сұрап ҳолим фақиры ағниёлар.

Мақомим мадрасас-Шайхантахурда,
Эрүр улфат неча мазмун адолар.

Үқурмиз беш киши «Шархи виқоя»,
Мұҳайе неча яхши домлолар.

Газетхона ишига бўлса пешин,
Борурман ҳар куни, гаҳ кун аролар.

Салом иблогидин сүнгра Муқимо,
Мени сүрғонлара айтинг дуолар.

Езинг аҳволингиздан бир рақима,
Будур сиздан умиду илтижолар.

Сўз ўлди мухтасар, зиқ эрди фурсат,
Кўп эрди йўқса Фурқат муддаолар.

БОР ЭРДИ

(Москвага, жияни Р. Дұсматовга хат¹⁸)

Оҳ вақтеким, нехуш лайлу нақорим бор эди,
Меҳрибон сандек, есам ҳам, ғамгусорим бор эди,
Мақдамингла бошда тожи ифтихорим бор эди,
Күзларимда нуру белларда мадорим бор эди,
Қайда сансиз бир нафас әмди қарорим бор эди.

Чекмиш эрди даҳрда ҳар қанча камлик хотирим,
Нотавон күнглум, ниҳоятда, ситамлик хотирим,
Келишингдин бўлубон хуррам аламлик хотирим,
Суҳбатингла шод бўлмишди бу ғамлик хотирим,
Дилда васлингла фуруғи навбаҳорим бор эди.

То видоълашмакға борилди кеторингда сани,
Йиғладим пинҳони оташга тушорингда сани,
Сайр этиб юрганда юрмишдим канорингда сани,
Не саодатлиғ замон эрканки борингда сани,
Маҳфилим равшан сағолиғ рӯзгорим бор эди.

Давлату иқбол жомидин ҳақ айлаб баҳраманд,
Пояи қадрингни қилгай бора-бора то баланд,
Айлагай ақронинг ичра сарфарозу аржуманд,
Ҳеч ёдингга келурму, дебки шаҳрида Хўқанд,
Бир ғариб, бекас тағойи хоксорим бор эди.

Найлайин ўртанмайин бахти қаролиғ ўтиға,
Бўлди шум толеъларим боис гадолиғ ўтиға,

Енмишам ҳар дам ўтундек бенаволиғ ўтиға,
Бунда бизни куйдуруб мундоғ жудолиғ ўтиға,
Хеч айтурсанми деб: хешу таборим бөр әди.

Пур зиё чашмим күруб, ногоҳ раъно суратинг,
Берди маҳзун кўнглима фарҳат мужалля суратинг,
Ақча бирлан хатларинг тегди, на танҳо сўратинг,
Етди ўн уч сўм ила хуш гарҳ зебо суратинг¹⁷.
Деб юбормишсан Муқимий интизорим бор эди.

ПАЙФОМИ МАНЗУМА

Андижон шаҳрида юрган ошноларга салом,
Ошнолар, яъни ул ақли расоларга салом.

Эртаю кеч берибон улфатчиликлар додини,
Қилғувчи менсиз ўшал завқу сафоларга салом.

Ота Фозил ҳам Мұхаммадхону ҳожи Мирзабой,
Қори Мұхиддин билан Аҳмад Боболарга салом.

Ҳожи Мұхиддин тұрам ҳам олсалар шояд алик,
Ким қилурмен ёд этиб Бұтақароларга салом.

Күрмасам ҳам ғойибона майли мандап еткуриңіг,
Растаю бозор аро гулгун қаболарга салом.

Рұхпарвар савтидин маҳрумман гарчандким,
Хәфізу созанда, жамъи хушнаволарга салом.

Робитам йўқтур, агарчи, холисанлиллоҳ денг.
Кўрсангиз ҳар ерда ринду порсоларга салом.

Гоҳи сиздин ҳам нетар келгандა аэруйи карам,
Дил шикаста, ранг-рўйи каҳраболарга салом.

Фақр аҳлиға ниҳоятда тавозиълиғ Муқим,
Не керак баъзи такаббур, бадҳаволарга салом?¹⁸

УЛ ҲУСН СУЛТОНИГА САЛОМ

Ул ҳусн пойтахтини(нг) султонига салом.
Чун мулки Миср Юсуфи Қанъонига салом.

Мандин, сабо, чаман сари қилсанг гузар дегил:
«Гулчеҳраларни сарви хиромонига салом».

Ҳижрон қоронғусидаги бахти қаро қилур,
Үн тўрт кечалик маҳи тобонига салом.

Тўтини лол этгувчи ширин каломидин,
Муъжиз баёнлу лаъли сухандонига салом.

Ҳар бир нигоҳи қилғувчи бунёй дил хароб,
Маст икки чашми фитнаи давронига салом.

Боқишлирида сийнани айлаб нишоналар,
Бисмил қилурға новаки мижгонига салом.

Табъи муборакига гарон етмагай мабод,
Эмди Муқимий айлағуси жонига салом.

Изоҳлар

1. Лирикага изоҳлар

Ғазалларга

1. Матбуотда ҳали эълоқ қилинмаган бу ғазал тексти Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтти кўлләзмалар фондида сақланётган «Мажмуаи ашъори Муқимий ва Фурқат» (инв. № 12195) китобидан олинди. Бу китоб Аҳмаджон саҳҳоб коллекциясига мансубдир.

Аҳмаджон саҳҳоб (1895—1969) номидан кўриниб турганидек, муқовасоз (саҳҳоб) бўлиб, бутун ҳаётини адабиётга бағишлади, ноёб асарларни йигиб, қимматбаҳо коллекция тўплади, ўзи ҳам ҳаваскор шоир сифатида шеърлар ёди. Аҳмаджон саҳҳоб коллекцияси ичида яқин ўтмиш адабиётимиизга мансуб бўлган шоирлар, шу жумладан, Муқимий ва Фурқат асарлари алоҳидা ўрин олади. Биз бўй колекцияда сақланётган Муқимий шеърларидан эътиборга сазовор бўлганиларини олиб тўпламга киритдик.

2. Бу тарих — муаммо жаҳридан шеър «Ноиби Тошкандий» номи билан шуҳрат қозонган Инъомхўжа исмли киши вафотига ёзилган марсиядир. Инъомхўжа Умурёхўжа ўғли Муқимийнинг тошкентлик дўстларидан бўлиб, 1892 йилда Тошкентда майдонга келган халқ кўзбончиға иш: ишорк этгани учун чор маъмурлари томонидан кўлга олинди ва бошқа қўзғолончилар қаторида (улар 60 киши бўлган) ҳарбий суд томонидан суд қилинган. Инъомхўжа халқ ўртасида «Ижтиёзий тартибини бузишда» ва чор маъмурларига ҳужум қилишда, «уларнинг турар жойларига бостириб киришда» айборд ҳисобланниб, суд ҳукми асосида тўрт йиллик муддат билан Иркутск губернасиға сургун қилинган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, (Центральный Государственный исторический архив Узб. ССР, фонд 273, описи 1, дела 2) Инъомхўжа Сибирга сургун қилинган бўлса ҳам, узоқ вақт Тошкент турмасида ўтирган. Орадан уч йиллар чамаси вақт ўтгандан сўнг Иркутск сургунни Кўқон билан алмаштирилган ва 1896 йил бошларида Инъомхўжа Кўқонга юборилган. У Кўқонда узоқ вақт яшамаган. Турмада ётиб соғлигини ўйқотган Инъомхўжа ҳижрий 1314 йил 17 рамазонда, мелодий ҳисоб билан 1897 йил 3 февралда Кўқон шаҳрида вафот этган. Бу воқеа бутун Кўқон халқини Муқимий тили билан айтганимизда, «қари ва ёш, катта ва кичик — ҳамма»ни мотамга солган, шу умумий туйғунинг ифодаси бўлиб, мазкур марсия майдонга келган.

Шоир ўз дўстининг ўлимига марсия ёзар экан, унинг нафот тарихини абжад ҳисоби усулида қўйидаги байтда беради:

Сар ан ҳайрат баркашиду гуфт ақл:
Хўжан Инъом сад афсус мурд.

Бу байтдаги иккичи мисра абжад ҳисоби билди ҳижрий 1322 йилни күрсатади. Байтнинг таъкидлашига биноан биринчи мисрадаги «ҳайрат» сўзи-нинг бош ҳарфи «ҳ» берадиган рақам, яъни 8 рақами 1322 дан чиқиб кетиши керак. Натижада 1314 рақами қоладики, бу ҳижрий ҳисоби билан Инь-омхўжанинг вафот йили тарихидур, яъни мелодий 1897 йилдир. Шоир воқеа тарихини аниқ кўрсатиб «17 рамазон»ни ҳам илова қиласди. Шундай қилиб, мазкур тарих-марсиянинг кўрсатишича, ҳалқ озодлик ҳаракатининг машҳур иштирокчиси, шоирнинг дўсти Ичъомхўжа 1897 йил 3 февралда Кўкоңда вафот этганлиги маълум бўлади. Бу тарих айни замонда мазкур асарнинг ёзилиш тарихи ҳам ҳисобланади.

Муқимий поэзиясида 1892 йил Тошкент қўзголовининг иккичи қаҳрамони ҳақида, бир неча йиллар Сибирда бўлиб қайтган Аҳмаджон Абдурашидхўжа ўғли ҳақила ҳам маълумотлар учрайди.

3. Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган бу шўх ғазал тексти шоир Мирза Хўқандий архивидан олинди. Мирза Хўқандий архиви Қўқонда Муқимий ҳужраси — музей қўлёзмалар фондида сақланади.

4. Муқимий бу шеърини 1889 йил ёз ойларида тошкентлик дўсти Маҳмудхўжа билан шоир Камийга юборган прозаик мактубига илова қиласган. Мактуб ва шеърининг автографи ЎЗФА Шарқшунослик институтидаги сақланётган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фондида (инп. № 7628) алоҳида қозозда учрайди (папка XXII). Шеърининг қай вактда ёзилгани кўрсатилмаган бўлса, ҳам, прозаик мактубда бўлган тарихга асосланиб, унинг 1889 йилдан олдин ёзилганини таҳмин қилиш мумкин.

Бу шеърининг манбаларда бошқа нусхалари ҳам учрайди. 7 байтдан иборат бўлган бир нусхаси Николай Остроумов томонидан 1907 йилда Тошкентда типография йўли билан нашр қилинган «Девони Муқимий. Издавана Мукими, Ферганского поэта» номли китобчада (5—6-бет) берилган. Иккичи нусхаси 1910 йилда Тошкентда Парцев литографиясида нашр қилинган «Баёз»да (29-бет) учради. Бу уч нусха ўртасида текст жиҳатидан ҳам, ҳажм жиҳатидан ҳам тафовут йўқ, ҳар иккала нашрдаги текст ҳам автографга мос келади. Демак, «Тоқат ҳани?» шеърининг тексти фоятда ишончли бўлиб, шоирнинг ўз қўли билан ёзилган автографидир.

б. «Янги Фарғона» газетасининг 1960 йил 16 апрелдаги 46-сонида «Муқимийнинг янги топилган шеърлари» рубрикаси остида шоирнинг икки шеъри: «Сендеқ эй жон» ва «Этмай келинг» ғазаллари эълон қилинган эди. Текширишлардан аниқланишича, улардан «Этмай келинг» ғазали илгари матбуотда «Бекарор этмай келинг» сарлавҳаси остида эълон қилинган (Муқимий. Икки томлик асарлар тўплами. I-том, Тошкент, 1960, 76-бет) бўлиб, газета варианти мазкур шеърнинг бир оз ишланган бўшроқ варианти бўлиб чиқди.

«Сендеқ эй жон» шеърини нашрга тайёрлашда «Янги Фарғона» газетаси вариантига асосландик.

6. Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган бу ғазал тексти Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўллёзмалар фондида сақланадиган «Баёз»дан (инв. № 12145, пагинация йўқ) олинди. «Баёз» мўътабар манбалардан бири бўлиб, у 1897 йилда китобат қилингани.

7. «Макайлик» Муқимий замонида зўр шуҳрат қозонган санъаткорлардан бири. Унинг асли оти Мамажонбек бўлиб, Кўқонга яқин «Макай», «Макайистон» деган жойдан чиққанлиги учун «Макайлик» номи билан шуҳрат қозониб кетган.

Муқимий Макайлик билан узоқ йиллар давомида дўстона алоқада бўлган. Макайликка бағишланган Муқимийнинг бошқа шеърлари бўлгани каби, Фурқат, Завқий каби шоирлар ҳам бу машҳур санъаткорга бағишлаб қатор шеъслар ёзганлар. Макайлик фақат Кўқонда эмас, Фарғона водийсида, шунингдек, Тошкентда ҳам шуҳрат топган ва кўп шаҳарларга гастроль билан борган.

8. Бу шеърнинг ягона кўллёзма мўътабар нусхаси (автограф деб ҳам тахмин қилинади) ЎзФА Шарқшунослик институтидаги юқорида кўрсатилган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фондида (инв. № 76281 Муқимийга доир бошқа материаллар қаторида сақланмоқда (папка XXII, алоҳида қогозда)).

Шеърнинг охириг байтидан унинг Наманганда ёзилганлиги маълум бўлади. Лекин Муқимий Наманганда қачон бўлган ва шеър қачон ёзилган, деган саволга аниқ жавоб берниб, шеър таржими тайинлаб бўлмайди. Лекин Муқимий таржима ҳолидан бизга маълумки, у Наманганлик шоир Нодим билан дўстона алоқада бўлган ва тез-тез Наманганга бориб турган. Шоир 1899 йилнинг охириларида Москвага, жиёни Рўзимуҳаммад Дўстматовга ёзган мактубларидан бирида бу тўғрида қўйидагиларни айтади: «Фақир Наманган деган вилоятда ёр-дўстларимиз бўлур эрди, алар ҳар йил бу бандали хат билан олдуруб борувлар эрдилар, ушбу йил ҳам... илтимослари бўюнча борган эрдим». (Муқимий. Асарлар тўплами. II-том. Тошкент. 1960, 135-бет.)

Юқоридаги шеър Муқимийнинг Наманганга қилган қайси саёҳати даврида ёзилганлигини айтиш қийин. Лекин шоир Нодим билан 80-йилларнинг охириларидан бошлаб алоқа боғлаганини назарда тутиб, бу шеър 90-йилларда ёзилган бўлса керак, деган фикрга келиш мумкин.

9. Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган бу ғазалнинг бир қалами нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўллёзмалар фондида сақланадиган «Мажмуаи ашъори Муқимий ва Фурқат» (инв. № 12195) кигобида (Аҳмаджон саҳҳоб коллекциясида) учрайди. Биз ғазални шашрга тайёрлашда шу китобни асос қилиб олдик.

10. Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган бу ғазал Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўллёзмалар фондида сақланадиган «Мажмуаи ашъори Муқимий ва Фурқат» (инв. № 12195) китобидан олинди. Мазкур ғазал «Аҳмаджон саҳҳоб коллекциясига»га мансубдир.

11. Мұқимий таржимаи ҳолини ғұрғаниш жиҳатидан фавқулодда катта ақамиятта эта бұлған бу шеърнинг тарихи ва адреси ҳали аниқланған ыңғ. Унион ягона нұсқасы ҰзФА Шарқшұнослик институтыда сакланадаған құлесма «Девони Мұқимий»да (инв.—7521) учрайди (варақ 53 а).

Шеърнинг умумий мазмуны на руҳидан күріннішича, у шоирнинг яқын дүстларидан бирига қаратылған. «Күнгүл яқинлігидан густохлик құлурман» мисраи шуни күрсатып тұради. Савдо иши биләп шүгүлланувчи бу «шоир дүсті», шубдасыз, юқориде тилға олинған Шайхи Сулаймон Ағөнний бұлмаганидек, шеър ҳам илк давр маңсулоти эмас. Шеър Мұқимийнинг қашшоқлықда хәёт кечиргани, бутун умр бүйін оғирик иктисадий шароитда ижод этгани тұғрисидеги нақлларни исбот этувчи құшимча адабай ұхжат сифатида диккәтта сазовордид.

12. «Фарзинхон» ёки «фарзинча» номи билан шұхрат қозонған бу киши ұз замонаснинг атоқли санъаткорларидан бұлған. «Фарзинхон» лақаби билан аталашидан унинг шахмат үйинига ҳам алоқасы (Мұқимий замонаснда шахматта қизиқиши күчли зәді) бұлғанлығы күрініб тұради. Фарзинхон номи Мұқимийнинг бошқа асарларыда ҳам, шунингдек, Фурқат ва Завқий асарларында ҳам тилға олиналы.

13. Бу шеър шоир вафотидан бир ой илгари 1903 йыл 22 апрайда «Түркистон вилоятининг газети» саҳиғасыда «Тарихи зилзилаи Андижон аз мавлоно Мұқимий Хұқанды» сарлаваҳаси остида әйлон қилинған зәді. 1907 йылда Николай Остроуомов «Девони Мұқимий. Из дивана Мұқими—Ферганского поэта» номдеган тұпламида (Ташкент, 1907, отдельный оттиск из Туркестанской газеты) шеър текстини яна нашар этди. Бундан кейин бу шеър литографик «Баёз»ларда қайта-қайта босилди.

Шеърнинг сарлаваҳасыдан күрініб тұрганидек, у Андижон зилзиласи (декабрь 1902) муносабати билан ёзилтандыр. Шеърда баён қилинған леталлардан маълум бўлишича, шоир ҳалқ бошига тушған бу зўр күлфатни бориб ұз кўзи билан кўрган (Мұқимийни яхши билувчи кексалар ҳам шундай дейдилар) ва улдан олган таассуротларини реалистик лавҳаларда тасвир қилингандар.

Шеърда ҳалқ бошига тушған күлфатни енгиллаштириш йўлида үюштирилған ёрдамлар, рус врачларининг ярадорларни даволаши, шафқатмархаматлари алоҳида диккәт ва мұхаббат билан тасвир қилинади.

Шеърнинг ғоявий ва бадий асосларыда рус маданияттунан улуғлаш, униң ижобий хислатлари олдида миннатдорчилік түйғуларини ифода қилиш равшан сезилиб тұради. Үрта аср феодал қолоқлигига ҳамма вакт нафрат билан қараб келған ва рус маданиятты ориентациялди учун изчил курашиб келған демократ шоир үзининг сұнгги асарларидан бири бұлған ана шу шеърда бу темани яна ҳам тұлқыроқ ишлади, ұз оразу-интилишларни равшанроқ ифода қилди.

14. Манбаларда кам учрайдиган бу ғазал тексти биринчи марта әйлон

қилинаётир. Ғазал Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлесмалар фондида сақланаётган «Мажмуаси ашъори Муқимий ва Фурқат» (инв. № 12195 китобидан (Аҳмаджон саҳдоб коллекциясидан) олинди.

15. Форс-тожик тилида ёэилган бу машҳур шеър ўз тарихига эга. Мазкур қоғия ва вазнда аввал Ҳиндистонда Фурқат ва унинг ҳиндистонлик дўсти Тажаллий шеър ёзганлар ва бу шеърларни сўнгроқ Әркентдан Фарғонага — Муқимиға юборганлар. Муқимий улар шеърига назира қилиб мазкур газални яраттаги.

Ўз замонасининг уч пешқадам шоирлари томонидан назира йўли билан яратилган бу шеърлар улар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни кўрсатиши билан бирга, улардаги юксак бадиий маҳоратдан ҳам дарак бераб туради.

16. Муқимий билан реакцион адабий оқим намояндаси Муҳий ўртасида адабий фронтда давом этган кураш тўғрисидаги масала адабиётшунослигимизда маълумдир. Шу курашининг бир кўрининишни бу байтда намоён бўлган. Муқимий ҳукмрон гуруҳларга лаганбардорлик билан умр кечиравучи Муҳийни манфаатпарастликада айблайди ва ўзининг бундай пасткашликлардан холи эканлигини рурур билан «қўлимда камчиликлардан бошқа дастмоям йўқ» деб таъкидлайди.

17. Бу шеърнинг ягона нусхаси ЎЗФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган «Девони Муқимий» тўпламида (инв. № 7521) учрайди (парақ 56 б.). Шеър Муқимиининг адабий фронтда олиб борган курашини ўрганиш жиҳатидан ниҳоятда характерли ва қимматлидир. Шеър мазмунидан кўриниб турибдик, у воқеабанддир. Эҳтимолки бу шеър бир адабий ўлтиришда ўтказилган поэтик мусобақадан кейин ҳосил бўлган таассуслар натижасида туғилган бўлса. Бу ўринда тап бир реакцион шоир (эҳтимол Муқимий Муҳийни кўзда тутар) ва унинг лаганбардорлик кирдикорлари, ижодий муваффақиятсизликлари устида бораётир. Шеърий ижодда қуруқ сўё, пардоз, гажакдорлик эмас, балки мазмун устун эканлиги тўғрисидаги Муқимий қарашларини — эстетик принципини кўрсатиш жиҳатидан сўнгги байт мухимдир. Бу байтда Муқимий «ҳар қандай сўз тузувчи киши шоир бўлавермайди!» деган чўқур маъноли илгор ғояни илгари сурган ва адабий муҳолифларининг шаклбозликтаги ижод усуулларини қоралаган.

Мураббаъларга

I. Бу мураббаъ биринчи марта матбуотда 1891 йилда эълон қилинди. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифасида 1891 йил 26 октябрь 41-сонида босилган бир мақолада Тошкентда бўлиб ўтган тантанали бир ўлтириш тўғрисида ҳикоя қилинади экан, шу ўлтиришининг бадиий қисми ҳақида муфассал тўхталади ва санъаткорлар томонидан айтилган ашудаларининг тексти келтирилади. Шулар ичida Муқимиининг юқоридаги «Фарғонада ўзи танҳо Макайлик» мураббаъси тексти ҳам учрайди. Бундан маъ-

лум бўладики, мураббаъ 1891 йилдан илгари яратилган ва фақат Фарғона водийисида эмас, Тошкент тарафларда ҳам шуҳрат қозониб, халқ ўртасида куйланган экан.

Газетада мураббаъ тексти беш банддан иборат бўлиб, хато Ҳринлари кўп. Биз мураббаъни нашрга тайёрлашда мавжуд литографик йўл билан нашр қилинган «Баёз»ларга асосланниб (1910 йилда Тошкентда Порсев литографиясида босилган «Баёз», 56—57-бетлар. 1912 йилда Тошкентда «Азия» литографиясида босилган «Баёзи Хазиний» китоби, 28—29-бетлар) текстни тузатдик ва олти банддан иборат қилиб олдик.

2. Халқ ўртасида кенг тарқалган бу машҳур мураббаънинг ўн уч нусхаси хисобга олинган. Афсуски, бу шеърнинг шу вақтгача тарихи аниқланмай келади. Лекин рус шарқшуносларидан Михаил Алибековнинг «Ежегодник Ферганской области» тўпламида (том II, выпуск 1903. Н. Маргелан, 1903, стр. 79—117) босилган «Домашняя жизнь последнего Кокандского хана Худаярхана» сарлаждали мақоласида бу масалага оид баъзи маълумотлар учрайди. Автор ўз мақоласида хон ҳарамининг хаётини тасвир қиласа экан, қулликда эзилиб ётган ҳарам чўрилари куйлайдиган кўшиқлардан баҳс очали ва уларнинг текстларини келтиради. Бу текстлар ичкада Муқимийнинг бир неча шеърлари, шу жумладан, юкоридаги мураббаъ ҳам учрайди. Бу манбага суюниб, мазкур мураббаъ Қўқон хони йиқилмасдан аввал, яъни 1876 йилдан аввал ёзилган экан, деган хуносани ҷиқариш мумкин бўлса ҳам, бу ажойиб мураббаъ ҳақида бошқа кўпимчча ва ишончлироқ маълумотлар топилгунча масалани очиқ қолдириб туришга тўғри келади. Ҳозирча бу шеър тексти учрайдиган манбаларнинг энг кексаси 1899 йил атрофларига тўғри келадики, мураббаъ тарихини белгилапда бу ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Мухаммасларга

1. Муҳаййир — Муқимиининг замондоши ва дўсти. Қўқонда яшаб ижод этган. Асл исми Муҳаммадқул, стасининг исми Муҳаммад Расул. У 1850 йилда туғилиб, 1920 йилда вафот этган.

Муҳаййирнинг лирик газаллари, Алишер Навоий, шунингдек, Муқими. Фурқат каби машҳур замондошлари газалларига боғлаган мухаммаслари деволюциядан иллари нашр қилинган бәзэлларда ва қалами нусхаларда учрайди. Муҳаййир ўз ижодий мотивлари, асарларининг гоявий-бадиий хусусиятлари жиҳатидан демократик адабий лагерга мансуб бўлган шоирлардан биридир.

2. Фурқат ўзининг бу газалини чет мамлакатларга қилган саёҳати даврида, таҳминан 1892 йилнинг куз ойларида Хиндистонга қарашли Кашмир вилоятида ёзган. Бу ҳол газалнинг «Бир қамар сиймони кўрдим балдан Кашмирда» мисрандан кўринниб турнебди. Хинд гўзалнига қаратса ёзилган бу

шўх ғазал кейинроқ, Фурқат ўз саёҳатини тугатиб, Ёркент шаҳрида турғуň бўлиб қолгандан сўнг Фарғонага тарқалди ва адабий доираларда шуҳрат қозонди. Бу шеърга ўхшатма — назиралар ёйилди, мухаммаслар боғланди. Унга боғланган Муқимий мухаммасидан тащқари қўқонлик шоир Ерий (1853—1944) мухаммаси ҳам маълум. Ерий мухаммаси қўйидаги банд билан бошланади:

Баҳру бар кездим жаҳонни дашту, тоғу, қирда,
Шаҳру кентлар кезиб ҳайронлигим таъмирда,
‘Їўх тамошолар қилиб юрга эдим ҳар ерда,
Вир қамар сиймони кўрдим балдан Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.

Тўқиз банддан иборат бўлган Ерийнинг бу мухаммаси УзФА Шарқшунослик институтида 9358 номерли қўллэзма, «Девони Ерий» китобида сақланади.

3. Ғозий XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган Фарғона шоирларидандир. Ғозий ҳақида Фазлий Наманғоний ўз асари «Мажмуатуш-шуаро»да маълумотлар бериб, уни «Муҳаммад Розий» деб атайди ва асарларидан намуналар келтиради.

Ғозий ёшлик вақтида Ҷукорода ўқиган, сўнг Қўқонга келиб бу ердаги «Мадрасаси Мир»да мударрислик қилган ва ижодий иш билан шуғулланган. Ғозийнинг қачон туғилиб, қачон ўлганлиги тўғрисида бизгача аниқ маълумот етиб келган эмас. Унинг 1821 йилдан илгари, Фазлий ўз «Мажмуатуш-шуаро» тўпламини тузмасдан аввал вафот этганлиги аниқ, чунки Фазлий ўз асарида Ғозий тўғрисида гап борганда унинг номини «марҳум» деб тилга олади.

Ғозий икки тилда — ўзбек ва форс-тоҷик тилларида шеърлар ёзган, бизгача унинг девони етиб келган. «Девони Ғозий»нинг қўллэзма нускаси УзФА Шарқшунослик институти фондида 14 номер билан сақланмоқда. Революциядан илгари нашр қилинган баёзларда, қалами китобларда Ғозий асарларидан намуналар учраб туради. Муқимий мухаммас боғлаган Ғозийнинг бу ғазали ҳам унинг шундай кенг тарқалган асарларидан биридир.

4. Бу ердаги «доша» сўзи «ғарб лаҳжаси» деб аталган озарбайжон туркласига мансуб булиб, «юшга» маъносида келади. Мухаммаснинг бу бандидаги «қоша», «оша», «ўйноша», «авбоша» сўзларида, шунингдек шеърнинг бошқа бандларидаги кўп сўзларда ҳам шу озарбайжон тили элементларини шеърда қўллаш майли борлигини кўрамиз. Бу, шубҳасиз, тасодифий ҳол эмас.

Адабиётимиз тарихи фактлари шуни кўрсатадики, XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғонада вужудга келган адабий ҳаётга буюк Озарбайжон шоир

Фузулий таъсири кучли бўлган. Ўзбек шоирлари унинг юксак бадиий маҳоратига, илғор фикрларига эргашиш баробарида унинг тил хусусиятларидан ҳам баъзи элементларни қабул қилингандар, унга ўхшатиб шеърлар ёзишга интилгандар. Бу ҳодиса икки ҳалқ — ўзбек ва озарбайжон ҳалқларининг тилларидаги, умуман маданий ҳаётларидаги тарихий яқинликдан дарак бериб туради. Фузулий ижодининг, шу жумладан, Фузулий тилининг ўзбек адабиётига таъсири XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам сезиладики, бу ҳол мазкур Фозий шеърида ва унга боғланган Муқимий муҳаммасида аён кўриниб туради.

5. *Флотун* (*Афлустун*) — Эрамиздәй иллари V—IV асрларда яшаган машҳур юнон файласуфларидан Платоннинг Шарқ ҳалқлари тилларидаги талаффуз формаси.

Бу Али — Абу Али ибн Сино.

6. Мунтазир — Муқимий замонасида яшаб ижод этгани шоирлардан. Унинг асл исеми Муҳаммад Юсуф бўлиб, 1831 йилда Қўқонда туғилган. Муқимий Мунтазир билан яқин алоқада бўлган. Мунтазир демократик йўналишга мансуб бўлган шоирлардан ҳисобланади.

7. Бу мухаммас мазмуни ва характеристи жиҳатидан Муқимий поэзиясида кам учрайдиган шеърларданdir. Муқимий жуда кўп шеърларида ўзи ҳақида сўзлар экан, фаиқулодда камтарлик қиласди, ўзини Муҳими каби «мақтанчоқ, такаббур, лаганбардор» шонрларга қарши қўйиб «қаноат кунжида» («қаноат бурчагида») ўтирган шоир сифатида тасвирлайди. Ҳатто ўз шеърларидан бирида бу темага тўхталиб, «қўлимда камчиликлардан бошқа сармоям йўқ кишинман» дейишгача бориб етади. Бу мухаммасда эса, Муқимийда кам учрайдиган мотивга — «шоирлик истеъододи», «табиий талант» мотивига дуч келамизки, бу шоир ижодий қиёфасини ўрганиш жиҳатидан ниҳоятда қимматлидир. Муқимий ўз бошидаги «фақирик кулоҳини «Доро тожи»дан юқори қўяди, «бенишонлик Бурчагида» ўлтиришни «санқо шуҳрати»дан афзал ҳисблайди, ниҳоят ўзини ҳалқ ўртасида «ашъори» («шеърлари») билан шоир сифатида танилиб, «абадий роҳат»га эришганини таъкидлайди ва дунёдаги шу бахти билан ғуурланаиди. Мунтазирга жўр бўлиб, Муқимийнинг «дўстларга гулфуруушлик қилиб гул сотаман, душманларга тикан санчаман» дейиши ўз ижодий фаолияти моҳиятини шоирона услубда очиб беради, ҳақиқатда муҳаббат ва дўстликни куйлаб адолат тантанаси учун курашди, сатирик шеърлар ёзиб ўз душманларини қамчилади, уларга ўзи айтгандек «тикан санчди».

«Ашъорҳо дорад» мухаммасининг икки нусхаси мавжуд. Унинг биринчи нусхаси ўзФА Шарқшунослик институти фондидаги «Девони Муқимий» тўпламида (инв. № 7521, варақ 84 б.), иккинчиси шу институт фондидаги «Мажмууи ашъори Нодира ва Нодим» номли қўлёзма баёзда (инв. № 4182, варақ 148 аб) учрайди. Шеърнинг ҳар икки текстини солиштириб, кўпроқ иккинчи нусхага суюнган ҳолда уни нашрга тайёрланди.

Мұхаммаснинг ёзилиш тарихига келганды үни ҳозирча, 1896 йылдан аянал ёзилған деб қарашга тұғыр келади, чунки «Мажмуан ашъори Нодира ва Нодим», 1866 йили китобат қилингандыр.

8. Мұқимий, Фурқат, Запиійлар бошчылық қылган үзбек демократик адабнәтига ўз ижодининг ғоявий на бадий хусусиятлари жиһатидан яқинлашиб келдиган шоирларнинг бири Нодим Наманғовийдір..

Шоир Нодимнинг асл оти Сулаймонхұјка, отасининг исми Улугхұжадыр. У «Эшон Бобохон» лақаби билан шұхрат қозонған, шеърнітда эса «Нодим тахаллусин» құллаган.

Нодим ўз замонасанинг талантли шоири ва Мұқимийнинг яқын дүсті бўлган. Улар ўртасида узоқ муддатлар давом этган дўстона алоқа кўп материалларда (шеърлар ва прозаик формадаги мактубларда, поэтик асарларда па бошқаларда) акс этиб қолган. Фактларнинг кўрсатишига қараганда Мұқимий ва Нодим мунесабатлари ғоявий эстетик позицияларнинг муштарақ бўлиши заминида майдонга келгән ва самарали ижодий ҳамкорликнинг юзага келишини таъмин этган. Мұқимий — Нодим темаси бу ҳар икки шоир фаолиятини ўрганишда ҳам, ўша давр адабий ҳаётини текширишда ҳам құмматты материаллар беради.

Нодимдан бизгача шеърлар тўпламлари етиб келган, қўләзма ҳолидаги бу тўпламлар УзФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда (инв. №№ 4179, 4178).

9. Мұқимий ўз ижодий ишида Жомийни устоз сифатида танлаб, унга эътиқод қылганлиги тўғрисида кексалар, шоирни яхши биладиган унинг замондошлари ўз эсадаликларида кўп сўзлайдилар. Кексаларнинг бу маълумотларини шоир ижодий меросида учрайдиган баъзи шеърлар ҳам тасдиқлайди. Шундай шеърларнинг бири форс-тожик тилида ёзилған мазкур мұхаммасдир. Мұхаммаснинг айниқса охирги бандида Мұқимийнинг Жомийга бўлган эътиқоди, муҳаббати равшан кўриниб туради ва кексаларнинг «шоир устози — пири» тўғрисидаги маълумотларини тасдиқлайди.

10. Мұхаммас тексти матбуотда биринчи марта эълон қилинаёттир. Мұхаммасни нашрга тайёрлашда Узбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланнаётган «Мажмуан ашъори Мұқимий ва Фурқат» (инв. № 12195. 37—38-бетлар) китобига (Аҳмаджон саҳҳоб коллекциясидан) асосланды.

11. Манбаларда кам учрайдиган бу мұхаммаснинг бир ноёб нусхаси Ҳабекистон ФА Шарқшунослик институти қўләзмалар фондида сақланнаётган «Мажмуан ашъори Мұқимий ва Фурқат» (инв. № 12195) китобига (Аҳмаджон саҳҳоб коллекциясидан) учрайди. Мұхаммас шу манба асосида биринчи марта эълон қилинаёттир.

12. Матбуотда биринчи марта эълон қилинаётган бу ажойиб мұхаммас Ҳабекистон ФА Шарқшунослик институти қўләзмалар фондида сақ-

лангаётган «Мажмуан ашъори Муқимий ва Фурқат» (инв. № 12195) китобидан олинди. («Аҳмаджон саҳҳоб коллекцияси»).

13. Муқимий ижодини ўрганиш жиҳатидан муҳим бўлган бу мухаммас тексти Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлләмалар фоидидаги «Мажмуан ашъори Муқимий ва Фурқат» (инв. № 12195) китобида (Аҳмаджон саҳҳоб коллекциясидан) олинди ва матбуотда биринчи марта эълон қилинаёттир.

Рубоний, туюқ ва фардларга

1. Бу рубоний 1899 йил апрель ойида Муқимиининг Москвадаги жияни Рӯзимуҳаммад Дўстматовга ёзган насрӣ мактубига илова қилингэн. (Қаранг: Муқимий. Асарлар тўплами, II-том, Тошкент, 125-бет.)

2. Бу фард В. И. Ленин номидаги ТошДУ (САГУ) асосий кутубхонасида сақланаётган инв. № ВО9 (133) «Баёз»дан олинди (227-бет). Китобнинг шу бетида, Николай Остроумов томонидан берилган русча изоҳга қараганда бу фард Муқимиийга мансуб бўлиб, у ўз қўли билан китобга эслалик тариқасида ёзиб қўйган. Муқимиий Тошкентта 1892 йилда келсаннида юқоридаги «Баёз»ни Н. Остроумов қўлида кўрган ва ўз дастхатини (автографини) қолдирған. Демак, фард Муқимиий томонидан 1892 йилда Тошкентда ёзилгандир.

Фардининг мазмунига келганда, унда «Кўк кўзли бир киши» тўгрисида гап бораётгани кўриниб турибди. Н. Остроумов юқорида кўрсатилган ўз изоҳида бу «кўзи фирзуа ранг»ли кишини ўзига висбат беради. Бундан маълум бўладики, Муқимиий фарди Н. Остроумовга бағишланган экан.

II. Ҳажвиётга изоҳлар

Сатиравларга

1. Бу байтдаги «Эл» сўзидан мурод Ҳакимжон ва Султон Алихўжа сингари чиновникларни қўллаб-қувватлайдиган ҳукумат доираларига мансуб бўлган расмий маъмурлар мұхитидир. Шонр Султон Алихўжа ва Ҳакимжонларни «яхши» деб қувватловчи ана шу расмий мұхитдан нафратланади ва улар тамизидан «ҳазар қилиш»га чақиради.

2. Бу мисралардан маълум бўлишича, Ҳакимжон танобчи ўзининг Жалолхон деган ўғлини Муқимиийга ҳисоб (рукум) ўргатинг, деб шогирдликка топширган. Муқимиий боланини бемазалигидан койиди ва бу иш ўзи учун ортиқча бир дардисар бўлганини билдиради. Бу эпизод Муқимиининг чиновникларга бўлган салбий муносабатини кўрсатишдан ташқари бошқа бир масала учун ҳам характерли. Бу эпизоддан маълум бўладики, Муқимиий дунёвий илмлардан («Руқум» илми — математикадан) хабардор бўлган олим сифатидан ҳам замондошлари ўртасида танилган экан.

3. Түрлі сабаблар билан ұз юртига қайтган ишчи йигитлар ұз әрдестіларға бу ердаги оғир ақвол тұғрисида сұзлаб, ularни огохлантираң әдилар.

«Агар ұша томонларға борнің қолсаларынг зинхор уннің саройнға (заводға) тушманглар, чұнқы, әй қадрданлар, сия у ердав тирик қиқмай-сизлар».

4. Шом, Ҳалаб — Арабистондаги шаҳар номи. Бу байтнинг маъноси: «Ҳар ким күрпесінг қараб оёқ узатмаса, күзи жовдираб Шому Ҳалабга, қочишнинг пайидан бўлиб қолади».

5. Таҳматан — Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридағи афсонавий қаҳрамон Рустамнинг лақаби; ботар, қаҳрамон маъносини билдиради.

6. Сатиранинг обьекти бўлган бу «Охунум» Мулла Йўлдош охун исмили тарихий шахсdir. Муқимий, у билан биргаликда 1887—88-йиллар атрофида Қўқондан Тошкентга саёҳат қылган эди. Лекин, аслида савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи ва шоир билан тасодифан ҳамсафар бўлиб қолган Мулла Йўлдош охун Тошкентта келгандан сўнг, «ҳамшаҳарлик расм-одатлари»ни бузиб, Муқимидан хабар олмай қўяди ва бедарак кетади. Одам-гарчиллик расм-руссимиини бузган бу савдогарнинг қилимшаридан Муқимий хафа бўлади ва уннинг шаънига шу сатирави ёзди.

Муқими Мулла Йўлдош охун кирдикорлари тұғрисида бу сатирадан ташқари, 1887—88-йиллар орасида Тошкентдан Қўқонга ёзган мактубларидан бирида («Ассалом» мактубида) қуйидаги мисраларни ёзган эди:

Мулла Йўлдош охун ила мунда келгандин бери,
Ул киши гар соғ эса, ман дарди дандон, ассалом.
Гар топиб фурсат қўшимдин, гаплашай, деб бораман,
Лоҳас улкун анда йўқ имоға фармон, ассалом.

Юморларга

1. Маллахон — Худоёрхон таҳтдан тушганидан кейин, 1858—1862 йиллар орасида Қўқонда ҳукмронлик қылган хон.

2. Шайдон, Ола Маҳрам — Фарғона водийсідаги қишлоқдарнинг номи.

3. Бу тўрт шеър («Кўсамен», «Ҳайрон кўсамен», «Паришон кўсамен», «Девонамен») ұз замонасининг машҳур санъаткорларидан бири бўлган найчи Исмоил ота тұғрисида ёзилган. Бу тарихий шахс драматург Собир Абдулланинг «Муқими» номли музикали драмасига эпизодик персонажлардан бири сифатида киритилган..

Шоир Муқими бу санъаткор билан дўстона алоқада бўлган, шоир ҳазири йўли билан унга бағишилаб юқоридаги шеърларни ёзади.

4. Үшбу юмор тексти матбуотда биринчи марта өзлон қилинаётир. Юморнинг алоқида қоғозга яраб шрифти билан ёзилган қўлэзма нусха-

си бизда сақланмоқда. Бу нұсха аслида Ўзбекистон ССРда хизмет күрсатған ұқытывчи, адабиётшунос Пұлатжо Қаюмовға мансуб бўлиб, у киши 1961 йил 6—7 февралда Қўқон шаҳрида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзин юбилейига бағишинган Ўзбекистон ФАсининг сайдер илмий сессияси иш олиб борган күнларда менга эсдалик тариқасида лутфан тақдим қилган эдилер.

5. Бу байт юқоридаги «Лой» юморида ҳам учрайди. Бундай таҳорланувчи ёки бир оз үзгариш, таҳрир билан варианд тарзида келувчи мисралар, байтлар Муқимиң асарларида (умуман классик адабиётимизда) ахён-аҳёнда учраб туради. Бу ҳодиса котиблар томонидан қўлёзма китобларни кўчириш вақтида эҳтиётилизик натижасида содир бўлган бўлса керак. Бундай нуқталар қўлёзма китоблар хусусияти сифатида сақланади.

6. Байтнинг таржимаси: «Менинг вужудим бошидан оғигигача қайгулардан, фамлардан холи эмас эди. Бунинг устига тангири менга бу безгак дардини қаердан юбордий»

7. Байтнинг таржимаси: «Қувватимни тамоман ғорат қилиб кетган эди, бугун яна ғалва билан етиб келди. Тушунмай қолдим, безгакнинг бизда яна нима ҳақи бор экан?» Бу шеър шу муносабат билан 1898 йилда ёзда, Кўқонда ёзилган эди. Бу ҳақда бошқа манбаларда ҳам, хусусан, сўнгроқ (1898—1900 йилларда) Муқимиң билан жияни Рўзимуҳаммад ўртасидаги ёзишмаларда ҳам сўзланади.

8. Бу байтдаги «Масковдин неча кун меҳмон» бўлиб келган киши шоирнинг жияни Рўзимуҳаммад Дўстматовдир. Буни шоир қўйироқда «Муқимиңга жияндири бу» деб яна таъкидлаб ўтади.

Муқимиң таржимаси замон Муқимиң ўз ҳужрасида асрар, касалдан холос қиласди. 1898 йилнинг ёз ойларида Москвада ўқиб турган унинг жияни Рўзимуҳаммад Дўстматов Қўқонга келади ва безгак касали билан оғриб, ёгиб қолади. Жияни Дўстматовни бир неча замон Муқимиң ўз ҳужрасида асрар, касалдан холос қиласди.

9. Муқимиңнинг наманганинг дўсти шоир Нодим Наманганий. Шоир Нодим ҳижрий ҳисоб билан 1341 йил 10 рамазонда, мелодий ҳисоб билан 1923 йил 7 майда Намангандага вафот этган.

Шеърнинг мазмунидан англапшишича, Муқимиң Нодим билан биргаликда қийғирчилар (қийғир қўйиб ов қилувчилар) ва бошқа ҳамроҳлар иштирокида овга чиқсанлар. Шеър шу ов муносабати билан ёзилган.

10. Юморнинг ягона нұсхаси шоир Нодимнинг ЎзФА Шарқшунослик институтидаги 4179 номери остида сақланған мусаввада дафтарида учради. Шеър, бизнинг талқинимизча, Намангандагомонларда қирғий ова вақтида ёзилган бўлиб, унинг нұсхаси Намангандага, Нодим дафтарида қолиб кетган, ундан бошқа ягона нұсха кўчирилмагани учун у ягона нұсха сифатида ўша ерда сақланниб қолған.

Шу ғринда Муқимиңнинг ўз асарларига муносабати масаласига онд шундай фикрга келиш мумкин. Фактларнинг кўрсатишича, Муқимиң ўз ёзган шеърларига ниҳоятда бепарволик билан қараган, улар кўпинча,

қаерда ёзилған бұлсалар үшін ерде қолиб кета бергандар. Үлардан нұсха олиш ёки тұплаш одати Мұқтимийда бұлған змас. Шүшінг учун ҳам Мұқтимий асарлари бирор деңов ёки мажмуага тұпланған змас, шоир ижодий мероси тарқоқ ҳолда қолиб кетган, бізгача улар турли-тұман мәнбалар орқали еніб келгав.

IV. Мактубларга изохлар

1. Тұпламға киристилған мактубларни жоғалаттырыша тарихий хронология принципіне асосландырып. Тарихи анықланылған мактубларни эса охирида бердік.

2. Мактубишиң умумий мазмунидан күришіб турады, у Тошкентде ёзилған. Мұқтимий Тошкентде 1887—1888 йыллар орасыда бұлған зди. Демек, мактуб 1887—88-йыллар орасыда Тошкентде ёзилған бұлып чиқады.

3. Мактубдеги қатор фактлардан уннинг Тошкентдан Күқонга ёзилған-лиги аниқланса ҳам, шахсан кимнің аталғанлығы номағым. Күринги турибди, хат засы шоирнинг яқын дүстларидан бири. Хусусан, «Лут-финғиз мінгін бириға қайтаролмай яхшилик» деган мисрадан мағлұм бұлады, би киши Мұқтимий талантини қадрловчи ва үнга ёрдамда бұлып түрүвчи мұхібларидан бири бұлған.

4. Бу байтларда тилға олинған Мулла Йұлдош юқорида эслатып үтганимиз Мұқтимийнің ҳамсафари Мулла Йұлдошдыр.

5. Шайхи Далойил — бу ерди Сотоволди ҳазрат күзде тутилади. Сотоволди ҳазрат Мұқтимий яшаган мадраса меросхұларидан бири бұлып, күзі очиқ, янғы тушунчали киши бұлған ва үшін даврда «Шайхи Далойиль» номы билан шұхрат қозонған. У, Мұқтимий талантини қадрлаган вә фурсаты билан үнга ёрдам күрсатып турған. Сотоволди ҳазрат мадраса низомнің қарши бориб, ундан бир хужра ажратып фойдаланыш учун умрбод Мұқтимий ихтиерінгә топширип құйған ва бу ёрдами билан шоирии катта қийинчилікден құтқарған. Мағлұмки, Мұқтимий бу құжрада умріннің охиригача яшади ва шу ерда вафот этди.

Мұқтимий ҳам Сотоволди ҳазратта үзини яқын тутған. Бу ва бундан бошқа Құқонға ёзған хатларыда Сотоволди ҳазрат номини миннатдорчилік билан тилға олади.

6. Миән қожи ёки Юнусхон ҳазрат — юқорида тилға олинған Сотоволди ҳазраттывннг акаси бұлып, у билан Мұқтимийнің ораси бузуқ зди. Хатда шунға ишора қилиб, киноя билан «Биздан үтган бұлса кесинлар» дейді. Юнусхон ҳазрат зекін тушунчали мутаассиб одамлардан бұлып, реакцион гуруұлар билан яқын алоқада бұлған. Мұхын Мұқтимийга қарши курашда Юнусхон ҳазратта үхаш мутаассиб кишиларға сүяниб иш күрган.

7. Бу мисраннің таржимасы: «Төр бұлса ҳәм ҳар иккөнінгизге салом йұллады».

8. Бу байтда шоир хат-хабар қилмай қўйган қўқонлик дўстларидан гина қилиб, киноя аралаш: «Эй дўстлар, мен сизларга чин дўстлик эътиқоди билан салом айтдим, энди сизлар, лоақал ёлғондан бўлса ҳам бир салом денглар»,— дейди.

9. Бу байтлардан маълум бўлишича, Муқими Тошкентта келгандан кейин ўз қариндош-уругларини (Муқимиининг асли ота томонидан тошкентлик экани эсга олинсин) ахтариб топган ва улар билан танишиб алоқа боғлаган.

Шукрилилло ақраболарни топиб бу ердаман,
Бир неча кун ризқимиз борича меҳмон, ассалом,—

мисралари шуни кўрсатиб туради.

10. Бу байтиниг таржимаси. «Назм билан бир хат ёздим, лекин афсуски, саломни қуруқдан-қуруқ минг хижолатлар билан сизга юбораман».

11. Мактубнинг мазмунидан маълум бўлишича, у Тошкентдан Фурқат хатига жавоб йўсила ёзилган. Хат 1887—88-йиллар орасида, Муқимиининг биринчи Тошкент сафари даврида ёзилган. Хатнинг аҳамияти шундаки, унда Муқимиининг Фурқат, Завқий сингари машҳур демократ шоирларга бўлган дўстона муносабати яхши ифодаланган.

12. Бу мактуб шоирниг шу Тошкент сафари даврида, яъни 1887—1888 йиллар орасида ёзилган. Мактубнинг мазмунидан кўришиб турганинек, шоирнинг наманганлик дўсти Нодим Тошкентда бирмунча вақт бирга бўлиб, ўз юртига қайтгандан сўнг Муқимига хат ёзган (Нодимининг бу хати биззагача сақланган эмас), унинг хатига жавоб сифатида бу машҳур мактуб майдонга келган.

Мактуб текширувчилар учун муҳим биографик манба сифатида хизмат қилишидан ташқари Муқими дунёқарашини ўрганишда, хусусан, унинг дин ва диний ақидаларга бўлгага кинояли, истеҳзоли ва танқидий муносабатини аниқлашда муҳим адабий ҳужжат ҳисобланади. Мактуб ўзбек адабиёти тарихидаги антиклерикал адабиётшининг қимматли намунаси-дир.

13. Мактубнинг Кўқондан Тошкентга ёзилгани мазмунидан кўриниб турибди. Лекин унинг кимга аталгани ҳам, қачон ёзилгани ҳам кўрсатилган эмас. Шундай бўлишига қарамай, мактубга онд бу масалаларни турли ёрдамчи манбалар орқали аниқлаш мумкин.

Мактубнинг адреси масаласи. Мактуб Муқимииниг Тошкентдаги яқин дўстларидан бирни Маҳмудхўжа шитбошига ёзилган. Муқими Тошкентда биринчи марта бўлганда (1887—1888 йилларда), Маҳмудхўжа билан танишган ва у билан хат орқали алоқасини давом эттирган. ЎзФА Шарқшунослик институтида Тошкентга Маҳмудхўжа номига юборилган Муқи-

мийнинг шеърий бир мактуби сақланмоқда (инв. № 7628, папка ХХII, алоқида қоғозда). Мактубда ҳам бу ёрдаги сингари, кавуш-маҳси тўғрисида сўз боради. Муқимий калиш (галош) ўрнига бошқа совғалар қаторида кавуш-маҳси юборилганини яйтади ва уларни олганлигини маълум қилиб миннатдорчилик билдиради. Бу хатда esa кавуш-маҳсими олтавалитини яйтаб, ваъдага мувофиқ калиш юборилишини илтимос қиласди. Маҳмудхўжанияи ҳам саёҳат билан Қўонга келгани маълум. Мазкур мактубдаги Қўонга саёҳат қилиб келган, Муқимийникида бир неча кун меҳмон бўлиб Макайхон билан кўришолмай Тошкентга қайтган киши Маҳмудхўжа эди.

Маҳмудхўжа Тошкентнинг Шайхантаҳуридан (унинг ҳовлиси Шайхантаҳур ичилла, Лантар ҳовузнинг қаршиисида бўлган) бўлиб, бъюкорлик ишлари билан шуғулланар, шунинг учун «Маҳмудхўжа ишбоши» деб ном чиқарган эди. Маҳмудхўжа илгор тишунчали киши эди. У илм, санъатадабиёт аҳлларига ҳомийлик килиб келган, моддий ёрдам кўргатиб турган.

Шоир Фурқат ҳам Маҳмудхўжа билан 1889—1891 йилларда Тошкентда яшаган вақтида якия алоқада бўлган, унга атаб шеърлар ёзган.

Энди мактубнинг ёзилаш тарихига келганимизда, уни 1889 йилда ёзилган деб хуолоса қилишга тўғри келади. Чунки юкорида тилга олингая кавуш-маҳси тўғрисида сўзловчи насррий хат 1889 йил июль ойида ёзилган эдик, шу вақтлар атрэфидаги шеърий мактуб ҳам ёзилгандир. Шундай қилиб, бу мактуб 1889 йилда Тошкентга Маҳмудхўжа номига ёзилган, деган хуолосага келиш мумкин.

14. Маҳмудхўжа Қўонга саёҳат билан келган вақтларда Муқимий қўли қандайдир шикастга учраган эди. Мактубда Муқимий бу ҳақда сўзлаб, лўстси Маҳмудхўжанин тинчтиб қўяди.

15. Бу мактуб сўнгги вақтларда (1959) «Остроумовнинг шахсий фонди»дан топилди. «Остроумовнинг шахсий фонди» Узбекистон ССР Марказий Давлат архивининг тарихий фондлар бўлнида (фонд 1009) сақланмоқда.

Сарлаҳада таъкидланганидек, мактуб Фурқатнинг Тошкентдан ёзган хатига жавобдир. Маълумки, Фурқат Тошкентда икки йил — 1889—91-йиллар мобайнида бўлгар ёди. Демак, Муқимий мактуби шу вақтларда Қўонга ёзилгандир. Муқимий ва Фурқат мактубларидаги янги маълумотлар билан шу вақтгача маълум бўлган тарихий фактларни қиёсий анализ қилиш натижасида мактубнинг ёзилгани йилини яна ҳам аниқрок белгилашъяни 1890 йилнинг иккинчи ярми деган тахминни билиш мумкин.

Муқимий мактуби Фурқат хатига жавоб тарзида ёзилганилиги ва мазмун жиҳатидан у хат билан боғлиқ бўлганилиги учун Фурқат мактуби текстини ҳам келтиришни мувофиқ кўрдик.

16. Бу шеърий мактубни Муқимий 1890 йилларда Москвадаги жиявия Рӯзимуҳамияд Ғўстматовга юбортгас. Маълумки, Ғўстматов 1898 йили ёзги таътилда Қўонга келган ва шу йил куз обйларида яна Москвага қайт-

гән эді. Бу мактубяннің автографи Құқон Үлкәннің үрганніш музейіда сақланып келді.

17. Рұзимұдаммад Дұстматов Москвадан тоғасы Мұқимиңға ғұз сурати билан үн үч сүм пул юборған эді. Бу тұғрида Мұқимиң жияяныңа юборған насырый хаттарда ҳам сүзлайды.

18. Бу байтда Мұқимиңнің характеристига ойд қимматли бир деталь бар. Шоир «фақр ақлиға ниҳоятда тавозыълиғ» бўлиш билан бирга, такаббур, манманлик қилювчи кишиларни ёмон кўради, уларга салом айтпеноң ҳам ортиқча деб билади. Мұқимиңнің ниҳоятда камтарин, түғри сүз одам эканлиги тұғрисидеги кексаларнинг маълумотлари шу ва шүннің сингари бошка фактларда ҳам тасдиқлавади.

МУНДАРИЖА

Фулом Каримов. Әмблено Мұқтимий 5

I. Лирика

Фазаллар

Якка бу Фарғонада	35
Учради бир ёр	36
Үйқуда	37
Яна	38
Жонон келур	39
Оқиста-оқиста	40
Токайғача	41
Қачонғача	42
Арзимни айтай	43
Ераб	44
Дилафгор бўлдим айрилиб	45
Софиниб	46
Зордурмиз соғиниб	47
Хуррам бориб	48
Шароб	49
Гулшам ичра	50
Жамолинигин кўруб	51
Хуршиди тобон чиқди	52
Дилин афгор айладинг	53
Фарҳод айладинг	54
Ҳайрон айладинг, кетдинг	55
Айладинг, кетдинг	56
Зор айладинг	57
Шайдо қилдингу кетдинг	58
Монаиди жоп келдинг	59
Сафо келдинг	60
Бекарор этмай келинг	61
Лолазор айлаб келинг	62
Айлар кўзинг	63
Айланисун қулинг	64
Ургулсун қулинг	65
Хуршиди тобонсан ўзинг	66
Қокилинг	67
Афсона қилмай қўймадинг	68
Ширин гапуришларинг	69
Ҳажр аро гирёнларинг	70

Қошларинг	71
Құзларинг	72
Суратинг	74
Қоматинг	75
Мәхрингиз	76
Сиз экансиз	77
Сиз	78
Офати жон сизмусиз	79
Дилдорсиз	80
Сансиз	81
Елгуз	82
Эй сарвикоз	84
Талъатингдин ўргулай	85
Нозу истигно билан	86
Назокат боғида	87
Аввалда күрмасамчи	88
Қайда борай	89
Мен мубтало қайда борай	90
Юз минг алам жонимдадур	91
Эйёри ғамгузор	92
Тарихи факти Ноиби Тошкандий	94
Ийүк дилрабои сан каби	95
Утиади	96
Жононимиз келди	97
Садо келди	98
Учрамади	99
Афсона қилиб кетди	100
Ер ила	101
Кошки	102
Тоқат қани?	103
Улмаган жопим мани	104
Интизор этди мени	105
Сендең эй жоп	106
Мұқимий сүзидин	107
Эй қумри	108
Хорманг	110
Макайлик	111
Үйнайлик, күйлайлик	112
Улфатлашайлик	113
Тымсолинг ўшал	114
Офати жондур ўшал	115
Кел	116

Эй қамар рүхсөр, кел	117
Оразингчи намоён қил	118
Хайрол қил	119
Намоён қил	120
Жавлов қил	121
Меҳрибон бўл	122
Кулбам аро	123
Мундоғ ашъор кам	124
Кам	125
Йиғласам	126
Жонгинам	127
Дилдоримни соғинидим	128
Ошкор ўлгай сирим	129
Зор айладинг сен ҳам	130
Айлармудим	131
Афандим	132
Айлай баён афандим.	133
Номеҳрибон кўрдим	134
Оҳ умрим	135
Келдим	136
Ҳажр оқшоми	137
Толеним	138
Таслим	139
Ошиғлиқ фаним	140
Эй ёри жоним	141
Хандон экан	142
Ақлу хуш	143
Доғмен	144
Бепарволиғингдин доғмен	145
Билмасмусан	146
Нигоро, зор ўлибман	147
Гул юзинг өрур мақсал	148
Ўзгани ёл этмайин	149
Ол хабар	150
Бормукин	151
АЗоби бормукин	152
Бўлсун омон	153
Қилмасун	154
Паришсан ўлмасун	155
Ургулсан	157
Бир келиб кетсун	158
Ким десун	159

Қирон келсун	160
Үл маҳлиқо келсун	161
Хиром эт бөг аро	162
Айримгасун	163
Айлансын	164
Найласун	165
Сан учун	166
Үзга ёринг бор учун	167
Тарихи зиязилаи Андижон аз мавлоно Муқими	168
Хүқандий	169
Муддао	170
Мубтало	171
Хуснинг кўзгуси	172
Қилма кўп	173
Нигори маҳваш	174
Бевафолик шунчалар	175
Сайри бөг	176
Навбаҳор	177
Зулм ила қаҳру ғазаб	178
Этсанг нетар	180
Истиғноси бор	181
Ери бор	182
Анор	183
Сарви қомат қайдадур?	184
Дилбаро, келсанг нетар?	185
Шабнаммидур?	186
Раънолигинг бордур	187
Шитоб айлаб	188
Ошиқи ҳайронларинг бордур	189
Ухшайдур	190
Девонаи Адҳам келур	191
Гули раъно келур	192
Гўё жон келур	193
Рашким келур	194
Гапур	196
Ҳижрон куйдурур	197
Бўлмасам бўлмас	198
Индамас	199
Ухшамас	200
Даркор эмас	201
Хушламас	202
Колишмас	203

Мастона хат	204
Хайрият	205
Ашки ҳасратрез нест	206
Хуршиди жаҳондур бу	208
Орзу	209
Майлигаму?	210
Инсон бўлдиму?	212
Бир менму?	213
Кел эртароқ	214
Жаҳон боғида	215
Учради ногаҳ	216

М у р а б б а ё л а р

Парво қилмадинг	217
Юэни ойдек	219
Айладинг	220
Зору полон айладинг	221
Зору шайдо айладинг	222
Ўзинг ижод айладинг	223
Ажаб шинор айладинг	224
Қилди шайдо кўзларинг	225
На бўлди?	226
Холи ҳиндуларинг ёдимга тушти	227
Ҳайрои ўлмишам	228
Ошиполигинг ёдимга тушти	229
Эй ҷеҳраси тобоним	230
Қўрдим юзингли	231
Ёдимга тушти	233
Фарғонада ўзи ташҳо Макайлик	234
Қўнглум сандадур	235
Ул меҳри раҳшон куйдурур	236

М у х а м м а с л а р

Муштоқ юзингга	238
Кашмирли қизга	240
Забон очдим қилай тавсифини	242
Нигорим	243
Айрилиб	244
Хуш келдшиг	246
Нома ёзмадинг	248
Лолазор айлаб келинг	250
Мужгонинг	252
Кўзларинг	254

Арзимни айтинг	256
Ташқолиғинг	258
Ашъорҳо дорад	260
Борму анга ҳеч чора?	264
Мекуни ё не?	266
Бу паришон ҳолими..	269
Оразулар ғұнчасидин	271
Асар вермәз	274
Айлданай	276
Хұб бұлди	278
Мажолим қолмады	280
Оқым ҳолимің сұрмас ошнолардан бири	282
Нитизор үлтүргуси	284
Хижрон зор үлтүргуси	286
Кесангчи	287
Муборак	289
Керак	291
Рухсорингиз чиройлик	293
Құзларинг шаҳло нечун?	295
Гул	297
Мунча ҳам	299
Сориндым	301
Ихтиёр этмасмидим	302
Халоват күрмаган жошим	305
Ақлу хуш	307
Доғмен	309
Фармони ройингман	311
Олмасам бұлмас үчимни	312
Офарин	313
Құймадинг ҳайрон этмайни	314
Ширин	316
Бұлсун омон	318
Ким десун	320
Құзғолмасун	322
Айрылмасун	324
Камлаамасун	326
Раҳмат санго	328
Хаёлни сан пари пайкардадур	331
Кам-кам бўлур.	333
Ҳаёт	335
Орзу	337
Рубонӣ, туюқ ва фәрдлар	339

II. Ҳажвиёт

Сатиralар

Танобчилар	343
Масковчи бой таърифида	348
Сайлов	352
Ахтаричг	353
Ҳапалак қишлоғи тұғрисінда	354
Дариғо мұлкимиз..	356
Дар мәрдүмні Оқжар батарықи мухаммас	358
Дар мазаммати замона	359
Ҳажви Виктор бой	360
Ҳажви Виктор	361
Воқиан Виктор	362
Дар шикояти Лахтин	368
Воқиан күр Ашурбай ҳожи	369
Түй	372
Вексиль	377
Ҳажви Халифаи Мингтепа	378
Турфа нодон бачағар	380
Дар мазаммати қурбақа	381
Авлиә : : : :	382
Чойфуруш	383
Уруғ	384
Тар мевалар	385
Ҳожи қадоқчи	387
Гап тұғрисінде гап	389
Асрорқұл	391
Дар мазаммати сакике, әлликбоши номи ниҳода баланд	392
Бедарак кетдинг Охұним	394

Юморлар

Таърифи печ	396
Құсамен	397
Ҳайрон құсамен	398
Паришон құсамен	399
Девонамен	400
Ғазали Бек	401
От	402

Ҳажви от	404
Бу отингиз	407
Отим	408
Дар сифати асби Тожи тилтрафчи, ба тарихи ҳажв	409
Муқимий гуфтааст	410
Улоқчилар	411
Араванг	412
Арбба	413
Лой	414
Ҳайрон қилди лой	415
Дар мазаммати искааб топар	416
Шикояти безгак	417
Беҳад ёмон безгак	418
Фонус	419
Шамол	420
Бўқоқ	421
Кал қизик	422
Бурун	423
Қийғирчилар	424
Пашшалар	424

III. Саёҳатнома

Қўқондан Шоҳимардонга	427
Қўқондан Фарғонага	430
Қўқондан Исфараға	432
Исфара саёҳатидан	435

IV. Мактубот

Ассалом	439
Миннатдорман	442
Жавоби руқъийи Нодим Наманганий	444
Нуктадонлар, ассалом	446
Салом, эй меҳрибонлар	448
Салом, эй ёру ошнслар	450
Бор эрди	452
Пайғоми манзума	454
Ул ҳусн султонига салом	455
Изоҳлар	456

Ўз
М 85

На узбекском языке

Мукими

и

*„Избранные
стихи“*

Редактор Т. Алимов

Рассом Н. Кошқов, Дм. Цирин

Гасмлар редактори И. Киршакиди

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректорлар Ш. Сабирова ва Ҳ. Аҳмедова

Босмахонага берилди 8/IV—1974 й. Босишига рухсат этилди
8/X-1974 й. Формати 60×70^{1/16}. Босма л. 30,0. Шартли босма
л. 23,40. Нашр. л. 14,8. Тиражи 25000. Гафур Ғулом номидаги
Адабиёт за санъат нашриёти. Тошкент. Навоий кӯчаси, 30.
Шартнома № 16—74

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб салоси ишлари бўйича давлат комитетининг
Тошкент Полиграфикомбинатида № 1 корозига босвади. Тошкент.
Навоий кӯчаси, 30. 1974 йил. заказ № 1685. Баҳоси 71 т.
Меловачий корозда баҳоси 1 с. 43 т.

7—4—3—160
М—М—352—06—74 86—74